

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

АБДУҚОДИРОВ Абдусалом

УДК 894.735.092 Навоий

ТАСАВВУФ

ВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ

/Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича/

10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи

/ўзбек адабиёти/

Филология фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

Тошкент – 1998

КИРИШ

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ ВА ЎРГАНИЛИШИ

Тасаввуф араб, форс-тожик ва туркий халқлар ғалсафаси ҳамда маданияти тараққиётида муҳим ўрин тутган таълимотдир. Бугина эмас ундан адабиёт ҳам озиқланган. Воқеан, тасаввуфнинг вужудга келиши адабиётга тасаввуфий мазмундаги ишқ, ғажр, ғано, бақо, ўзлик, тавҳид, тажрид, тафрид, ваҳдат ул-вужуд сингари мавзу ва ғояларни; солик ошиқ, мазҳари ҳусн-маъшуқа, комил инсон тимсоллари; шунингдек, денгиз, мавж, гул, булбул, шам, парвона, нур, аносири арбаъ, рақам поэтик образларини берди. Бунинг натижасида шарқ адабий-ижодий жараёнида ҳам тасаввуфий ғоялар сингдирилган адабиёт, ҳам тасаввуф адабиёти ривожланди.

Тасаввуф адабиёти ҳам, тасаввуф ғоялари сингдирилган адабиёт ҳам инсонни ва умуман, жамиятни поклашга, уларга юксак илоҳий мазмун беришга йўналтирилганлиги билан катта эътиборга лойиқ. Шу жиҳатдан тасаввуф доирасидаги ваҳдат ул-вужуд таълимоти алоҳида қиммат касб этади.

Аллоҳ ва оламнинг ягоналигини ифодалаган ваҳдат ул-вужуд таълимоти ўрта асрлардан бошлаб шарқ ғалсафасининг асосий масаласига айланди.

Бугина эмас, у тасаввуф адабиёти ва тасаввуф ғоялари сингдирилган адабиётда ҳам катта ўрин тутар эди. Шарқнинг кўпгина мутафаккирлари ўз асарларида бу масалага муносабат билдириб, унинг турли қирраларини ёритганлар. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Амир Алишер Навоий ҳам шундай сиймолардан ҳисобланади.

Навоий ваҳдат ул-вужудни ёқлаган ва ўз асарларида уни кенг талқин этган адибдир. Бироқ ханузгача адабиётшуносликда Навоий ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқини махсус текшириш объекти бўлган эмас. Тўғри, бу борада айрим кузатишлар қилинган. Илк марта профес-

сор Е.Э.Бертельс 1927 йилда ёзилган "Навоий ва Аттор" мақоласида "Мантиқ ут-тайр" ва "Лисон ут-тайр" дostonларини қиёслаш асосида ваҳдат ул-вужуд талқинида Навоий Аттор фикрларини ривожлантирганлигини қайд этган эди /3.7,24-82/.

Ўзбек адабиётшунослигида эса бу масала дастлаб проф.А.Саъдийнинг символизмга бағишланган китобида тилга олинди/1.145/.Унда олим Навоий ижодида тасаввуф таъсири кучли бўлганлигига диққатни тортиб, унинг асарларида қўйланган ишқ дунёвийликдан кўра илоҳийлик мазмунига ағалиги ҳақидаги қарашни олға сураётган экан, "Ҳамса" дostonлари пантеистик ҳам илоҳий ишқ билан тўлган" деган хулосага келади. Афсуски, унинг фикрлари бошқалар томонидан ривожлантирилиш ўрнига социалистик мафкура таъсирида 30-йилларнинг ўзидаёқ танқидга учради. Чунончи, адабиётшунос Олим Шарафиддинов А.Саъдий асарига қарши ёзган раддия-тақризида киноя билан "...бизнинг дошманид авторимиз Навоийни мистика, тарки дунёчилик, ўлмасдан бурун ўлиш, жамиятга, дунёвий ишларга душманлик билан суғорилган тасаввуф /сўфизм/ поэзиясининг типик вакили сифатида таърифлайди" деб ёзади/1.160,182/. Шу хил фикрлар билан О.Шарафиддинов тасаввуфни қоралаб, Навоийни ундан ажратиб олишга ва ҳатто улур шоир ижодининг тасаввуфга алоқаси йўқлигини исботлашга уринади.

Атоқли ёзувчи ва олим Ойбекнинг 1940 йилда чоп этилган "Навоийнинг дунёқараш масаласига доир" мақоласида ҳам пролетариат мафкураси таъсирида тасаввуфни қоралашга мойиллик сезилса-да, лекин Навоий ижоди тасаввуфдан ажратиб қўйилмайди. Ойбек ҳатто Навоий ижодидаги тасаввуф илдиэларини кўрсатишга интилиб, буни XV аср ҳукмрон мафкураси ва Фариддин Аттор, Ҳофиз Шерозий сингари шоирларни етиштирган тасаввуф шеърияти таъсири билан боғлайди /1.121,139/. Ойбек бу таъсир қандай бўлганлигини 1936 йилда ёзилган ва Навоий газаллари таҳлилига бағишланган илмий ишида қис-

ман кўрсатиб ҳам берган эди/1.122,35-67/.Ойбек бу тадқиқотида Навоий дунёқарашини ҳам тасаввуф билан боғлайди ва ёзади:"Навоий дунёнинг яратилиши ва унинг моҳиятини тасаввуфнинг пантеистик фалсафасига мувофиқ англайди"/1.122,62/.Ойбек бу фикрини Навоийнинг дунёқарашига бағишланган мақоласида ҳамоя қилиб, катта дадиллик билан очиқ ва аниқ шарҳлаган эди:" Навоийнинг англашича, худодунёдир, у бутун жаҳонда тажассумлангандир...Бунда худо бутун олам билан имманент/бир-биридан айрилмас/дир"/1.122,202-203/.

Профессор А.Ҳайитметовнинг "Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан" асарида Ойбек фикрлари ривожлантирилган.Хусусан, унда Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асаридаги Аллоҳ ва олам ҳақидаги фикрлар Атторнинг "Мантик ут-тайр" асаридаги қарашларга қиёсланилиб, улуг шоир бу масалада ўз салафи ғояларини ривожлантирганлиги қайд этилади.Шу билан бирга, инсонни камолот соҳиби сифатида талқин этиш бўйича анча олға кетганлиги тўғри таъкидланади/1.195,193-197/.

Навоийнинг ваҳдат ул-вужудга доир қарашлари академик В.Зоҳидовнинг рус/3.15/ ва ўзбек/1.51/ тилларида чоп этилган монографияларида бошқа муаллифларга қараганда анча кенг ёритилган.Бироқ улардаги кўпгина фикрлар социалистик мафкура таъсирида айтилган бўлиб, кўпроқ Навоийни тасаввуфдан, идеализмдан ажратиб олишга ва материализмга мансуб этишга йўналтирилган.Дарвоқе, олим дастлаб "Алишер Навоийнинг тасаввуфга/сўфизмга/ муносабати жуда мураккаб ва қориниқдир" дея улуг шоирнинг тасаввуфга бўлган аниқ муносабатини туманли қилиб эслатгач, шундай ёзади:"Бу масала юзасидан шу вақтга қадар аниқ фикр йўқ, мавжуд бўлган жуда оз, умумий фикрлар эса асосан бир томонлидирлар, юзаки характерга эгадирлар ва асослантирилмаган, исбот этилмагандирлар"/1.51,316/.Бу ғоят тўғри фикр эди. Аммо олим бундай фикрга келиш масалани яхши ўрганмаслик ва хусусан, унга марксистик кўз билан ёндошмаслик натижаси деган хулосага келади.Ваҳоланки, аслида нотўғри фикрларнинг ҳаммаси масалага марк-

систик ёндошиш натижасида юзага келган эди.

Олимнинг ўзи ҳам масалага марксистик нуқтаи назардан ёндошганлиги сабабли тасаввуф зарарли таълимот деган фикрни билдиради. Тасаввуфнинг халққа кучли таъсирини эса "унга хусн-рағбат билан қараган халқ оммаси маданиятдан, илмдан маҳрум эди" деб изоҳлайди/1.51,343/. Шу тарзда Навоий ҳам ёш бўлганлиги учун тасаввуф таъсирида бўлиб, кейинчалик ҳаётни чуқур ўргангач ва ҳақсизликлар асосини билгач, ундан воз кечганини қайд этади/1.51,346-347/. Аслида эса Навоий жисмоний ва илмий-адабий балогатга етгач, тасаввуф йўлини тўла қабул қилган ҳолда ўзини қизиқтирган барча саволларга ундан жавоб топган эди.

Аmmo бу ўринда олимни ҳам айблаб бўлмайди. Чунки бундай фикрлар асосан мажбуран айтилган бўлиб, улар маркста-ленинча гоялар таъсирида юзага келган эди. Бироқ шу билан бирга, олим Навоийнинг Аллоҳ ва олам ҳақидаги қарашлари ваҳдат ул-вужудга асосланган, деган тўғри фикрни ҳам билдиради ва шундай ёзади: "...табиат худодир. Худо билан табиат айнди, ваҳдати вужуддир"/1.51,284/. Аммо олим масаланинг ўзагига Аллоҳни эмас, балки фақат табиатни қўшиб, Навоийни материализмга боғлашга интилади. Бунинг натижасида Аллоҳни ислом худоси ва табиатда акс этувчи худо тарзида иккига бўлиб юборади. Аслида эса Навоий талқинида фақат битта Аллоҳ бор эди, холос.

Олимнинг "Лисон ут-тайр" фалсафаси ҳақида" мақоласида/1.48, 105-130/ эса Навоий ва Аттор ижодидаги ваҳдат ул-вужуд бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Бундай қараш бошқа олимларнинг асарларида ҳам учрайди/1.77, 517-518/.

Адабиётшунос О.Жўраев ҳам "Мажозий-дидактик талқинлар" тадқиқотида шундай фикрларга суянган ҳолда қуйидагича ёзади: "Агар биз

"Лисон ут-тайр" достонини Фаридиддин Атторнинг "Мантяқ ут-тайр" достони билан қиёсласак, улар ўртасидаги шаклий ҳамда ғоявий жиҳатдан яқинлик ва тафовутларни аниқласак, Навоийнинг ғалсафа соҳасида объектив борлиқ ва илоҳиётга муносабат масаласида ўз салафига зид позицияда турганини кўрамиз"/1.45,364/. Аслида эса Навоий бу масалада Аттор фикрларини тасдиқлаган ва ривожлантирган эди. Бу ҳақда адабиётшунос В.Раҳмоновнинг мақоласида асосли фикрлар билдирилган/1.133/.

В.Раҳмонов мақоласида Е.Э.Бертельс фикрлари ривожлантирилган. Унда Навоий ва Аттор достонларидаги хулосавий фикрлар қиёсланиб, икки улур шоирнинг ваҳдат ул-вужуд талқинига, доир фикрлари муштараклиги кўрсатиб берилган.

Ўрни келганда айтиш лозимки, 90-йилларнинг бошида, аниқроқ қилиб айтганда, истиқлол туфайли Навоийнинг тасаввуфга муносабатини белгилашда ва асарларида акс этган тасаввуф масалалари талқинида бирор бир мафкура таъсирига бўйсунмаган янгича ва тўғри қарашлар пайдо бўла бошлади. Шу жиҳатдан адабиётшунослар И.Ҳаққуловнинг "Занжирбанд шер қошида"/1.200 /, "Тасаввуф ва шеърят"/1.202/ мақолалар тўпламлари, С.Олимнинг "Ишқ, ошиқ ва маъшук" рисоласи/1.123/ алоҳида ажралиб туради.

И.Ҳаққулов китобларида Навоий ижодидаги тариқат мақомоти, мажозий ва ҳақиқий ишқ, Ҳақ ва халқ муносабати, фано, бақо, комил инсон сингари масалалар қатори ваҳдат ул-вужудга доир ҳам айрим фикрлар билдирилган.

Олим ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти таҳлилига бағишланган докторлик илмий тадқиқотида/1.203/ ҳам бу масалага эътибор қаратиб, Навоий лирикасида, хусусан, унинг ғазал ва рубоийларида ваҳдат ул-вужуднинг образли тасвирлари берилган-

лигини ўринли қайд этади.

С.Олим рисоласида эса "Инсон ут-тайр" достонининг янгича тасаввуфий талқинлари жараёнида бу масалага ҳам эътибор қаратилади.

Бу борадаги эътиборли ишлар қаторига таниқли олим М.Ориповнинг "Алишер Навоий гуманизми" монографиясини ҳам киритиш мумкин/3.2/. Асарда кўшгина масалалар қатори Навоий дунёқараши, инсон концепцияси ва улуг шоир ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқинига доир қимматли фикрлар билдирилган.

Адабиётшунос М.Муҳиддиновнинг докторлик илмий тадқиқотида/1. 84/ Навоий ва унинг ҳамсанавис салафлари ижодидаги инсон концепцияси тадқиқи жараёнида ваҳдат ул-вужуд доирасидаги комил инсон масаласига ҳам диққат қилинган.

Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган бошқа аксари асарларда улуг шоир дунёқараши, ваҳдат ул-вужуд таълимотига муносабати ва шу таълимот билан боғлиқ бошқа масалалар махсус текшириш объекти бўлган эмас. Бунда, албатта, социалистик мафқуранинг таъсири ҳам бор эди. Чунки бу мафқура адабий-маданий меросга материалистик баҳо беришни йўлга қўйганлиги сабабли моҳияти Аллоҳ ва олам муносабатини ташкил этган ваҳдат ул-вужуд таълимотини ва умуман, тасаввуфни социализм учун зарарли деб тушунишга олиб келди. Энг ачинарлиси шундаки, марксистик адабиётшунослик тасаввуф ва дин бир нарса деган хулосага келганлиги сабабли Навоий ижодини ундан ажратиб талқин этишни йўлга қўйди. Ваҳоланки, улуг шоир ижодини мукаммал тушуниш ва талқин этиш учун ундаги барча тасаввуфий масалаларни ҳам ўрганиш зарур эди.

Истиқлол даври адабиётшунослиги олдида ана шундай роят муҳим вазифанинг пайдо бўлганлиги ўрганилаётган масаланинг долзарблигини ҳам яққол кўрсатади.

ИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ--

Навоий ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқинини кенг таҳлил этишдан иборат. Шу мақсадда ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар белгиланган:

- ваҳдат ул-вужуд таълимоти моҳияти, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- Навоийнинг араб, форс-тожик, ўзбек сўфий ва мутасаввиф салафлари ҳамда замондошлари ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқини;
- ваҳдат ул-вужуд таълимотининг нақшбандийлик силсиласидаги ўрни;
- Навоийнинг ваҳдат ул-вужуд таълимотига муносабати ва асарларидаги талқини;
- ваҳдат манзиллари: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг Навоий ижодидаги ифодаси;
- Навоий ҳаётидаги ишқнинг ўрни ва ижодидаги тавҳидий ишқ тасвири;
- нақшбандийликдаги Ҳақру Ҳано мақомининг Навоий ижодидаги ифодаси;
- тасаввуфдаги ва хусусан, ваҳдат ул-вужуд доирасидаги комил инсон масаласи, унга Навоийнинг муносабати ва асарларидаги талқини сингари масалаларни кенг таҳлил этиш.

ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ

Алишер Навоий ижодидаги ваҳдат ул-вужуд таҳлили тўлалигича биринчи марта махсус монографик шаклда ўрганилмоқда. Диссертацияда ваҳдат ул-вужуд таҳлили ишқ, Ҳақру Ҳано ва комил инсон масалалари билан боғлаб талқин этилган. Бу таълимотга сўфийлар муносабати Қуръон асосида тадқиқ қилинган.

Ишқ, Ҳақру ва комил инсон масалалари таҳлили орқали Навоийнинг ваҳдат ул-вужудга доир қарашлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, ишда Навоийнинг умуман тасаввуф назариясига доир фикрлари ҳам таҳ-

лилга тортилган. Хусусан, шарият аркони ва уларга сўфийлар муносабати; тариқатнинг мақом ва ҳоллари; орифликка етишнинг илмуляқин, айнуляқин ва ҳаққуляқин босқичлари; ҳақиқат фаноси ва бақоси таҳлилида бу нарсага алоҳида диққат қилинган. Навоийнинг мутасаввиф сифатидаги назарий қарашларининг асоси очиқ берилган.

Мухими, Навоийнинг лирик шеърлари ва дostonларининг ботиний мазмунига сингдирилган ваҳдат ул-вужуд кенг таҳлил этилган. Бу жараёнда Навоий яратган тасаввуфий образ ва тасвирий воситаларга алоҳида диққат қилиниб, улуг шоир бадий маҳорати кўрсатиб берилган.

Диссертацияда нақшбандийлик қоидаларининг Навоий ижодидаги дунёвий талқинига ҳам эътибор берилган. Бу жараёнда Навоийнинг муршиди Жомийнинг ваҳдат ул-вужуд ва умуман, тасаввуфга доир назарий қарашлари ҳамда амалий фаолияти ҳам таҳлил қилинган.

Ишда Навоий Жомий ҳузурда ваҳдат ул-вужудга доир ўрганган унинг ва шунингдек, Шайх Фаҳриддин Ироқий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг асарлари илк марта тадқиқ этилган ва бу сабоқ натижалари кенг ёритилган.

Навоийнинг дунёвий жиҳатдан талқин этиб келинган Фарҳод, Маҳнун, Арасту, Суқрот сингари қаҳрамонлари фаолиятининг тасаввуфий мазмун-моҳияти кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, улуг шоир дostonларидаги ишқ, ошиқ ва маъшук ваҳдониятининг бадий талқини ҳам таҳлил этилган.

Шунингдек, диссертацияда Навоийнинг ўзининг тасаввуф аҳлига хос ҳаёт йўли ва амалий фаолияти ҳам далиллар билан ёритилган.

Ниҳоят, тадқиқотда Навоийдан кейинги даврлар шеъриятидаги ваҳдат ул-вужуд талқинига ҳам диққат қилинган.

ИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

Қуръон, ҳадис ва бошқа диний-тасаввуфий китоблар; сўфий ва мутасаввифларнинг тасаввуф назариясига доир қарашлари; Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий асарлари; шунингдек, Е.Э.Бертельс, И.Султон, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, А.Абдугафуров, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, Р.Воҳидов, О.Усмонов, И.Ҳаққулов, М.Имомназаров, М.Муҳиддинов ва бошқа олимларнинг адабий-маданий мерос, тасаввуф масалалари; нақшбандийлик силсиласи, Алишер Навоий, шунингдек, унинг салафлари ва замондошлари ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий-назарий ишлари; шарқ мумтоз адабиёти ва ҳозирги давр адабиётшунослиги масалалари ҳақидаги асарлари диссертациянинг илмий-методологик асосини ташкил этади.

ТАДҚИҚОТНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ҚИММАТИ

Диссертация ваҳдат ул-вужуд таълимоти масалалари ва уларнинг Навоий ижодидаги бадиий талқини ҳақида тўла тушунча бера олади. Унда, умуман, тасаввуф ва унинг Алишер Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик силсиласидаги назарий масалалар ҳам ўзининг илмий ифодасини тошган. Муҳими, ишдан Алишер Навоий асарларидаги тасаввуф масалаларининг бадиий талқини ҳақида кенг тушунча ҳосил этиш мумкин.

Диссертациянинг амалий қиммати шундаки, унинг материаллари Навоий ҳаёти ва ижодини тасаввуф билан боғлаб ўрганишда қўлланма бўла олади. Ҳозирги давр талаблари асосида олий ўқув ва билим юртлири талабалари ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари учун яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир қисмларини ёзишда ҳам ундан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, олий ўқув юртлирида ихтисослик курс ва семинарлари вазифасини ўташи шубҳасиз.

Диссертант бир неча йилдан буён шу масала бўйича Хўжанд Давлат университетининг филолог талабаларига ихтисослик курси бўйича маъруза ва семинар ўтиб келмоқда.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Диссертациянинг хулосалари Хўжанд Давлат университети профессор-ўқитувчилар коллективининг илмий-назарий анжуманларида/1989-1997/ маъруза қилинган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари эса "Навоий ва тасаввуф"/Хўжанд:ХДУ,1994.-101 б./,"Навоий ва нақшбандийлик"/Хўжанд:ХДУ, 1994.-101 б./,"Навоий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти"/Хўжанд:ХДУ, 1995.-98 б./,"Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини"/Хўжанд:Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 1996.-108 б./ сингари монографиялар,"Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли лугати"/Хўжанд:Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти,1997.-96 б./ ва 30 дан ортиқ илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг эълон қилинган айрим қисмлари ҳақида илмий жамоатчиликнинг йирик намояндалари қаламига мансуб рисола ва тақрирларда ижобий муносабат билдирилган.

Тадқиқот материаллари Хўжанд Давлат университети талабалари учун XV аср ўзбек ва тожик адабиётидаги,хусусан,Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодидаги тасаввуф масалаларини ўрганишда, шунингдек,тасаввуфга доир диплом,курс ва контрол ишларини бажаришда қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда.

ТАДҚИҚОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

Тадқиқот кириш,беш боб,хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

БИРИНЧИ БОБ

НАВОИЙ САЛАФЛАРИ ИЖОДИДА ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД ТАЛҚИНИ

Ваҳдат ул-вужуд Аллоҳ ва оламнинг ягоналиги, бирлиги ва яхлитлиги ҳақидаги таълимотдир. Унга кўра, гарчи олам Аллоҳ томонидан яратилган бўлса-да, бироқ барча яратилганларда яратувчининг ўзи ҳам зухур этади. Бунда уларнинг мавжудлик нисбати фарқланади, холос. Яъни мавжудлик поясида яратувчи асос боқий бўлиб, яратилганлар эса муваққатдир.

Боқийлик Аллоҳга тегишли, муваққатлик эса қолган барча нарса-ҳодисаларга алоқадор. Инсон ана шу доирага киради. Бироқ инсон яратилганлар орасидаги энг юксак зот бўлиб, у Ҳақ сифатлари тажассумининг мукаммаллиги билан бошқа мавжудотдан ажралиб туради.

Инсон ўзини шакллантиргани сари унда илоҳий белгилар яққолроқ кўзга ташланиб, Ҳаққа яқинлашади ва фанога етгач, унга руҳан кўшилиб кетади. Бу тавҳид аслиятга қайтиш бўлиб, муваққатнинг абадийликдан пайдо бўлганини ва яна унга қайтганини ифодалайди. Демак, зоҳиран ҳар бири мустақил бўлиб кўринган борлиқдаги мавжудот аслида моҳиятан биттадир. Воқеан, машҳур лугатчи Муҳаммад Гиёсиддин айтганидек, тўлқин, гирдоб, қатра, кўпик, ёмғир, жала қабиларнинг ҳаммаси моҳиятан сувга тегишли бўлгани сингари оламдаги барча воқеа-ҳодисалар ҳам аслида фақат Аллоҳ нури тажаллиётининг ранг-баранг кўринишларидир/2.35,369/.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотида худди шундай бир бутунлик ҳақидаги фикр олға сурилади. Истилоҳдаги вужуд сўзи борлиқни, ваҳдат эса ягоналик, бўлинмасликни ифодалаб, у олам бир бутундан, яъни Аллоҳдан иборатдир, деган маънони билдиради.

"Ваҳдат ул-вужуд, содда қилиб айтганда, деб ёзади адабиётшунос И. Ҳаққулов, коинотда ёлғиз бир вужуднинг мавжудлиги, бошқа барча

нарса ва борлиқлар шу вужуднинг тажаллисидан иборатлигига ишонч
демак. Ваҳдат ул-вужуд моҳиятига биноан олам воҳид бир ҳақиқат,
аниқроғи, бир вужудда мужассамлашган"/1.203,18-19/. Бутун олам
ягона вужуд, яъни Аллоҳга борланганлиги сабабли уни ислом олами-
да вужудиюн ҳам дейилади.

Ваҳдат ул-вужуд дастлаб шарқда шаклланди ва у кейинчалик ғарб-
да пантеизм номини олди. Гарчи пантеизм истилоҳини ғанга 1709
йилда нидерландиялик олим И. Фае киритган бўлса-да, таълимотнинг
ўзи ғарбда XV асрда шаклланди. Бироқ муҳими шундаки, ғарбдаги
пантеистик қарашлар ўз заминини шарқдан олди. Ғарб пантеизмининг
машҳур намояндалари германиялик Николай Кузанский/1401-1464/,
италиялик Жордано Бруно/1548-1600/, нидерландиялик Бенедикт Спи-
ноза/1632-1677/ қабила эди. Бу олимларнинг пантеистик қарашлари
академик В. Зоҳидовнинг "Улуғ шоир ижодининг қалби" китобида
анча кенг ёритилган/1.51/. Аммо муҳими шундаки, улар ҳам Аллоҳ
ва оламнинг яхлитлиги ҳақидаги фикрни олға суриб, борлиқ аслида
фақат Аллоҳнинг ўзидангина иборат деган хулосага келдилар. Бу қа-
раш шарқда олға сурилган ваҳдат ул-вужуд таълимотининг моҳияти-
ни ифодалаб, тасаввуфдаги билиш назарияси билан ҳамоҳанглик касб
этди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, ваҳдат ул-вужуд гарчи ғалсафий
тушунча бўлса-да, лекин у асосан шоирлар ижодида, аниқроқ айтган-
да, бадий асарларда талқин этилди. Бунинг исботини шарқнинг
барча машҳур шоирлари ижодида яққол кўриш мумкин. Улуғ ўзбек
шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодиёти ҳам бундан мустасно
эмас.

Аввало шуни айтиш лозимки, ваҳдат ул-вужуд масаласи Навоий-
нинг лирик ва эпик асарларида ўзининг изчил бадий талқинини

тошганлиги билан ажралиб туради. Бунинг эса асоси бор. Воқеан, Навоийнинг бу борадаги қарашлари чуқур ҳаётий ва мантиқий заминга эга эди. Дастлаб улар ҳақида тўхталмай туриб, улуг шоир ижодидаги бу масала талқинини тадқиқ этиш мушкул.

Навоий ижодида ваҳдат ул-вужудни мустаҳкамлаган илк манбалар Қуръон ва ҳадисдир. Хусусан, Қуръонда Аллоҳ тавҳиди чуқур асосланган. Шу сабабли барча сўфийлар ва мутасаввиф шоирлар бу борада унга таянишади. Буни сўфий шоирларнинг ўзлари ҳам эътироф этишди/2.32,43/.

Қуръон Аллоҳ зотини англашда муҳим манба бўла олади. Унда Аллоҳнинг азалий ва абадийлиги, зоҳир ва ботинлиги/"Ҳадид" сураси, 3-оят/, яратувчилиги/"Раъд" сураси, 3-оят/, қудрати/"Бақара" сураси, 164-оят/ /1.180/ ҳақида асосли далиллар келтирилган бўлиб, унинг зотини англашга кўмаклашади.

Қуръонда Аллоҳ ҳамма нарсани яратганини таъкидлаш билан бирга, фақат унинг ўзи абадийлиги, қолган нарсалар эса муваққат эканлиги қайд этилади. Бу билан Аллоҳнинг ҳеч нарсада шериги йўқ вожиб ул-вужудлиги эслатилади/"Луқмон" сураси, 15-оят/. Шундан сўнг Аллоҳ яратган барча нарсалар, шунингдек, инсон ҳам имтиҳон қилиниш учун вужудга келтирилгани таъкидланади/"Муҳаммад" сураси, 31-оят/.

Демак, инсон ҳаёти имтиҳондан иборат экан, у сўнгги нафасигача Аллоҳ йўлидан бориши ва охираддаги ҳисоб-китобларга тайёр бўлиши лозим. Бунинг учун эса шарият талабларини тўла бажариб, пок янаши ва пок кетиши зарур. Шундагина инсон Аллоҳ иноятига сазовор бўлади ва жаннатдан жой олади, акс ҳолда, у дўзах азобларига дучор этилади.

Сўфийлар ҳам инсон ҳаётини имтиҳондан иборат деб қарайдилар ва уни покликка тарғиб этадилар. Аммо сўфийлар талқинича, инсон-

нинг ҳаётдаги покизалиги, поклик йўлидаги риёзати уни жаннатга олиб борибгина қолмай, балки ундан ҳам юксак шарафга, аниқроқ айтганда, Аллоҳнинг ўзи билан руҳан бирлашишга ва абадий бақога етказди.

Инсоннинг Аллоҳга қайтиши ҳақида Қуръонда ҳам далил бор: "/Биз инсонга буюрдикки/:"Сен менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз ўзимга қайтажаксан!"/"Дукмон" сураси, 14-оят/. Сўфийлар бу билан инсоннинг Аллоҳ томонидан яратилганинигина эмас, ҳатто ундан яратганини ва яна унга қўшилишини далиллайдилар.

Қуръонда Аллоҳнинг нур эканлиги/"Тоҳа" сураси, 10-11-оятлар/ айтилиб, бутун борлиқ ва инчунин, инсон ҳам шу илоҳий нурдан яратилгани далилланади:"Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир"/"Нур" сураси, 35-оят/. Қуръонда ҳатто янада аниқ равишда инсон вужудига Аллоҳ руҳи киритилгани ҳам қайд этилгандир:"Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди:"Албатта, мен лойдан бир одам яратувчидирман. Бас, қачон уни ростлаб, унга ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг, унга сажда қилган қолларингизда йиқилинглар"/"Сод" сураси, 71-72-оятлар/. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, дарҳақиқат, инсоннинг мавжудлиги руҳ ва моддага боғлиқ. Модда инсон жисмидир. Руҳ эса ундаги олий нарса бўлиб, унинг манбаи Аллоҳдандир.

Сўфийлар инсоннинг моддий жисмини нафс деб атайдилар. Унда шайтоний хусусият кучли бўлиб, инсонни ярамас, ёвуз, ифлос йўлларга, аниқроқ айтганда, очкўзлик, амалпарастлик, мол-дунёга берилиш, ахлоқий бузуқликка бошлайди. Покликка интилган инсон бир умр ўз нафсига қарши курашиб борсагина уни енга олади. Ҳаётнинг имтиҳонлиги ҳам шундан иборат. Агар инсон бу йўлда енгилса, у Аллоҳ даргоҳига номуносиб бўлиб қолади. Шунинг учун инсон фаногача покликни сақлаши лозим. Шундан сўнг инсон фанога етгач, унинг руҳи Аллоҳ руҳи

билан қўшилади. Демак, шунгача бўлган муддатда у имтиҳонда бўлади, сўнгра эса Аллоҳга қайтади. Бу ҳақда Қуръонда шундай дейилади: "Биз сизларни/сабр -тоқатларингизни синаш учун/ёмонлик билан ҳам,/шукр қилишингизни билиш учун/ яхшилик билан ҳам "алдаб" имтиҳон қилурмиз./Кейин/фақат бизгагина қайтарилурсизлар"/"Анбиё" сураси, 35-оят/."Ёки сизларнинг гумонингизча, биз сизларни беҳуда/яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охи-ратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда/яратдигу сизлар бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!"/"Мўминлар" сураси, 115-оят/."Аллоҳ билан бирга бошқа бирон "илоҳ"га илтижо қилманг! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар унинг ўзигина бордир. Барча нарса ҳалок бўлгувчидир, магар унинг ўзигина/мангудир/. Ҳукм унинг/ҳукмидир/ ва /барчаларингиз/ ёлғиз унга қайтарилурсизлар"/"Қасас" сураси, 88-оят/.

Қуръонда Аллоҳнинг яратувчи эканлиги таъкидланиб, яратилиш эса бирданига бўлмай муайян муддатни ўз ичига олганлиги ҳам кўрсатилади: "Албатта Парвардигорингиз осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра ўз аршини эгаллаган Аллоҳдир"/"Юнус" сураси, 3-оят/.

Аллоҳ яратган борликда уч хил жонли мавжудот бор эди. Уларнинг биринчиси фаришталар бўлиб, уларда ақл-идрок бор, аммо дунёвий интилишлар йўқ эди. Чунки фаришталарнинг вазифаси ҳамisha Аллоҳни эслаш ва унга хизмат қилишдан иборатдир. Иккинчи гуруҳ ҳайвонот олами бўлиб, улар ақл-идрокдан холи мавжудот эди. Шу сабабли ҳам уларда дунёвий нафс интилиши асосий ўринга чиққан эди. Учинчи гуруҳга одамлар киради. Уларга ҳам ақл-идрок, ҳам дунёвий интилишлар берилган эди. Шу сабабли улар ярим фаришта, ярим ҳайвон сифатида намоён бўла оладилар. Инсондаги бу икки

хусусият ўртасида доимо кураш кетади. Бу жараёнда инсон ўз дунёвий интилишларини енгса, фариштадан юксакка кўтарилади, агар интилишлари устунлик қилса ҳайвондан баттар ҳолга тушади. Бироқ Аллоҳ одамни ерда ўзига халифа қилмоқчилигини айтиб/ "Бақара" сураси, 30-оят/, ҳамisha инсон билан биргалигини таъкидлади/ "Моида" сураси, 12-оят/. Чунки Аллоҳ барча яратилганларга нисбатан инсонга мағфиратли, муҳаббатли эди/ "Буруж" сураси, 14-оят/. Шунинг учун ҳам бу хилқат ҳақида шундай деган эди: "Дарҳақиқат, биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик"/ "Ватийн" сураси, 4-оят/. Зеро, бу гўзал сурат ва унинг сийратида яратувчининг ўзи зухур этган эди. Дарвоқе, инсонга Аллоҳ даргоҳидаги жоннинг киритилганлиги/ "Ҳижр" сураси, 28-29-оятлар/ ва ҳатто яратувчи унга жон томиридан ҳам яқинроқлиги/ "Қоф" сураси, 16-оят/ эслатилиб, "Сўнгра ўзимизга қайтарилурсизлар"/ "Анкабут" сураси, 57-оят/ дея махсус таъкидланиши Ҳақ ва халқ бирлигига ишора эди. Шунинг учун ҳам 1X асрда юзага келган Қуръонни рамзий шарҳлаш жараёнида Аллоҳ ва олам яхлитлиги ҳақидаги фикрлар ҳам ўртага ташланди.

Шундай қилиб, Навоийнинг ваҳдат ул-вужудга доир фикрларини шакллантирган яна бир манбалар силсиласи вужудга келди. Унинг илк намояндалари Зуннун Мисрий/796-861/, Боязид Бистомий/в. 875 й./, Абу Бакр Шиблий/861-946/, Мансур Халлож/858-922/ кабилар эди. "Насоим ул-муҳаббат"да ёзилишича, тасаввуф, ундаги тариқат йўли, Аллоҳ васлига муридлик ҳақидаги илк фикрларни Зуннун Мисрий айтган/1.96, 76/.

Зуннун Мисрийнинг фикрича, сўфий маърифатга кўтарилмай туриб, Аллоҳга ета олмайди. Чунки маърифат Аллоҳни идрок этиш илмидир. Агар сўфий ўзини ҳар жиҳатдан поклаб, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний му-

каммалликка эришса, унинг учун маърифат йўли очилади. Сўфий маърифатга кўтарилган сари Аллоҳга яқинлашиб, уни аниқ мушоҳада эта бошлайди. Натижада, сўфийда важд ҳолати етилади ва у Аллоҳ билан бирлашиш имконига эга бўлади. Аммо маърифат илми гоёт мураккабдир. Уни ҳамма бирдек қабул қила ва тушуна олмайди. "Насоим ул-муҳаббат"да ёзилишича, бу ҳақда "Зуннун дедиким, уч сафар қилдим ва уч илм кетурдим. Аввалги сафарда илме кетурдимким, хос/улуғлар, комил инсонлар/ қабул қилди ва ом/оддий фўқаро/ ҳам қабул қилди. Иккинчи сафарда илме кетурдимким, хос қабул қилди ва ом қабул қилмади. Учунчи сафарда илме кетурдимким, не хос қабул қилди ва не ом"/1.96,77/. Бу Зуннун Мисрийнинг маърифат илми эдики, у улуг шоир ва сўфий Абдуллоҳ Ансорий/1006-1089/ томонидан шундай шарҳланади: "...аввал тавба илми эрдиким, ани хос ва ом қабул қилдилар. Иккинчи, таваккул ва муомалат ва муҳаббат эрдиким, хос қабул қилдилар ва ом йўқ. Учунчи, ҳақиқат илмидурким, элнинг илм ва ақл тоқатидин ташқари эрди, халойиқ англамадилар ва ани инкорга кўнтиллар"/1.96,77/. Абдуллоҳ Ансорий шарҳини эса қуйидагича изоҳлаш мумкин: Тавба - инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари, сўз ва фикрларини жиловлаш, гуноҳларидан пушаймон ейиш. Хуллас, Аллоҳга яқинлашиш йўлидаги барча тўсиқлардан воз кечиш эдики, буни хосу ом қабул қила оларди ва қабул ҳам қилди. Чунки у ҳаммага тушунарли шариат илми эди.

Таваккул-ўз хоҳишларидан воз кечиш, Аллоҳга умид боғлаш ва унга таваккул қилиш. Муомалат-Аллоҳ билан муносабатда бўлиш ва унга яқинлашиш йўлида ҳамма нарсага рози бўлиш. Муҳаббат-фақат Аллоҳни севиш, кўнгилда ундан бошқага жой қолдирмаслик. Бу талабларни зуҳд ва важд аҳли қабул қила оларди, холос. Дарвоқе, оддий халқ уни қабул қилмади. Зеро, у оддий халқ учун мураккаб бўлган тариқат илми эди. Ҳақиқат-Аллоҳга етишиш риёзатининг олий нуқта-си. У- шариат ва тариқатнинг сўнгги манзили. Инсон ҳақиқатга ет-

гач, ўзлигидан ҳеч нарса қолмайди. Аллоҳга қўшилиб, сингиб кетади ва ўз сиймосида Ҳақни кўради. Демак, ҳақиқат илми Аллоҳ ҳақидаги илм бўлиб, бунга ом умуман етолмайди, хоснинг етиши ҳам маҳол. Шу сабаб уни хос ҳам, ом ҳам қабул қилмади.

Зуннун Мисрийнинг замондоши Абу Али Муҳосибий/781-857/ ва унинг шогирдлари Нурий/в. 907 й./ ҳамда Жунайд Бағдодий/в. 910й./ ваҳдат ул-вужудга доир фикрларни ривожлантириб, уни янги назарий қарашлар билан бойитдилар. Муҳосибий инсоннинг ўзини ўзи бошқариш назариясини яратди. Унинг мувоқабат ва муҳосабат ҳақидаги назарияси шу масалага бағишланган. Мувоқабат инсоннинг ўз-ўзини кузатиб боришидир. Муҳосабат эса инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини, барча фаолиятини назорат қилишидир. Абу Алининг Муҳосибий нисбати ҳам шунга ишора.

Муҳосибийнинг фикрича, инсоннинг барча фаолияти ўзининг қаттиқ назорати остида бўлиши керак. Назорат маркази эса инсоннинг нияти ва қалб ҳаракати ҳисобланади. Чунки бутун фаолият, хатти-ҳаракатнинг бошланиши, унинг қай йўсинда амалга ошиши ният билан боғлиқдир. Ниятнинг яхши ёки ёмон бўлиши фаолиятни ҳам ўзига бўйсундиради. Қалб ҳаракати ниятнинг қандай туғилишига вобаста. Ниятнинг яхши, покиза бўлиши ақлга боғлиқ. Ақлнинг борлиги ниятнинг поклигини кўрсатади, ёмон ниятнинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши ақлсизликдан нишондир.

Ақл Аллоҳ томонидан ҳаё этилган. Инсон эса уни ишга солади ва бутун умри давомида уни такомиллаштириб боради. Бунда инсонга илм кўмаклашади. Илм ортган сари ақл ҳам шаклланиб боради. Ақлнинг ўсиши мувоқабатни юзага келтиради. Мувоқабат мустаҳкамланган сари муҳосабат ҳам чуқурлашиб боради. Натижада, инсон ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланиб, Аллоҳга яқинлаша бошлайди.

Муроқаб ва муҳосаба олий нуқтага кўтарилгач, илоҳий муҳаббат юзага келади. Аммо бу муҳаббатнинг ташаббускори инсоннинг ўзи эмас, балки Аллоҳ бўлади. Чунки у ўзи яратган зот, яъни инсон ҳар жиҳатдан поклангач, унинг қалбига муҳаббат оловини пуркайдди. Бу олов сўфий тани ва қалбини тўла қамраб олгач, Аллоҳнинг ўзига йўналади/З.18,182/. Шайхулислом Абдуллоҳ Ансорий айтганидек: "...ул /Аллоҳ-А.А./ ўз тилагучи сенинг йўлдошинг. Анинг илқин тутуб, ўз талабида югуртурур"/1.96,77/. Натижада, сўфий қалбида Аллоҳ муҳаббатидан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Унда хушёрлик ҳам йўқолади. Муҳаббатдан беҳуд бўлиб, мастлик дарёсига гарқ бўлади. Султон ул-орифин унвонига сазовор бўлган Боязид Бистомий худди шуни важд дейди ва у ҳақиқат йўлининг асосий воситаси эканлигини таъкидлайди. Боязид ҳам Муҳосибий каби инсон аввало ўзини билиши, идора қилишига эътибор қаратади. Унинг талқинича, ҳақиқатни идрок этиш учун инсон, аввало, огоҳликка етиши лозим. Огоҳлик қалб уйғоқлигидир. Бу поронага етмаган солиқ талаб йўлида ҳар қанча заҳмат чекса-да, мақсадига етолмайди.

Шу сабабли Навоий ҳам "Лисон ут-тайр" дostonининг "Талаб тарийқи адосида муножот" бўлимида келтирган тамсилида Боязидни "муршиди огоҳ", "шайхи бохабар" сингари сифатлар билан аташи бежиз эмас эди. Зеро, Боязид фикрича, толиб огоҳликка етмас экан, Каъба тавофи ҳам унинг учун фойдасиз бўлиб қолаверади/1.100, 249-250/.

Солиқнинг огоҳликка етиши унда ўзликни англашнинг бошланишидир. Ўзликни англаш эса даставвал ҳамма жиҳатдан ўзини бошқара олиш, нафс йўлларини тийиш, ўзини ҳар томонлама фано қила олишдир. Бусиз Аллоҳга етишни ўйлаш эса беҳудадир. Сўфий Ҳаққа қўшилиш учун ўз "мен"идан озод бўлиши лозим, дейди Боязид Бисто-

мий /3.29,68/. Бу Ҳақнинг ҳам талаби.

Урни келганда айтиш лозимки, тасаввуфда биринчи бўлиб, ўзликдан кечиш ва Ҳаққа қўшилишни Боязид Бистомий тарғиб қилди. Сўфийлар орасида Аллоҳлик даъво қилган илк киши ҳам у бўлиб, бундай иттиҳоднинг асосини ҳам инсоний менликка барҳам беришга боғлаган эди. Дарвоқе, бу ҳақда "Насоим ул-муҳаббат"да шундай дейилади: "Боязид дедикки, Аллоҳ таолони туш кўрдум, сўрдумки, бор худоё, йўл сенга не навъдур? Дедиким, ўзунгдин ўттунг, еттинг" /1.96,79/. Ўзидан ўтиш, бу ўзлигидан тўла воз кечишдир. Сўфийнинг ўзлигидан воз кечиши эса фанога олиб боради.

Фано руҳан Аллоҳга қўшилиш бўлиб, у тинимсиз равишда Аллоҳни ўйлаш ва унга интилишдангина эмас, балки ўзликдан тамомила ажралишга боғлиқдир. Фанода инсоний ҳолат йўқолгач, фақат Аллоҳ қолади. У эса бақодир. Демак, инсон руҳан Аллоҳ билан бирлашгач, боқийликка эришади. Яъни одам Аллоҳга сингигач, олами куброга айланади. Шунинг учун ҳам Боязид Бистомий ўзини Ҳақ деб эълон қилиб, бу даъвосини фано ва бақо назариясида исботлашга интилган эди.

Ваҳдат ул-вужуднинг намояндаларидан Мансур Ҳаллож фано ва бақо ҳақидаги қарашларни ривожлантириб, ҳулул назариясини яратди. Ҳулул ҳал бўлиш, қўшилиш ва бирикиб кетиш деган маъноларни билдиради. Ҳулулнинг тасаввуфий маъноси Ҳақ билан солиқнинг бирикиб кетишидир. Агар солиқ маърифат қобиғида қаттиқ эътиқод ва ихлос билан илоҳий зотни ўйласа ҳамда унга интилса, у шу қобиғида ўзини ва ўзлигини йўқотиб, Ҳаққа қўшилиб кетади. Мансур Ҳаллож фикрича, бундай ҳулул важд орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам "Насоим ул-муҳаббат"да ёзилишича, "...султони тариқат Шайх Абу Саид Абулхайр дептурки, ул/Мансур Ҳаллож-А.А./улуви холдадур/у гайб марҳаматига сазовор бўлиб, важднинг юксак

даражасига кўтарилган ва ўз орзусига етгандир/"1.96,92/.Воқеан,бу бирикишда солиқ Ҳақнинг ўзига айланади ва маҳлуқликдан Холиқликка эришади.Мансур Ҳаллоҷ талқинича,лохут ва носутнинг хулули айни бақодир.У ўз шеърларидан бирида хулул натижасини шундай таърифлайди:

Мен ўзим севган У/Ҳақ/ мендир,

Ва ўзим севган У мендир.

Биз бир жасаддаги икки руҳмиз,

Агар мени кўрсанг,шубҳасиз,У/Ҳақ/ни кўрасан,

Агар Уни кўрсанг,шубҳасиз,ҳар иккимизни кўрасан/1.

46,24/.

Демак,Мансур Ҳаллоҷ фикрича,инсон камолотга етгач,Ҳаққа айланади ва ҳамма нарсада Ҳақни кўради.Боязид ҳам шу фикрда эди.Шу сабабли И.Ҳаққулов "...улар ваҳдат ул-вужудга қараганда ваҳдат уш-шухудга яқиндир" деган эди/1.203,18/.Чунки ваҳдат ул-вужудда мутлақ вужуднинг ягоналиги акс этса,ваҳдат уш-шухудда эса мушоҳада бирлиги акс этади.Чунки ваҳдат-ягоналик,шухуд эса кўришдир.Ваҳдат уш-шухуднинг тасаввуфий маъноси Ҳақни кўриш бўлиб,уни мушоҳада этиш ва унга етишиш йўлида солиқ олдида қандай тўсиқлар пайдо бўлса улардан ваз кечилади.Натижада,солиқ тавҳид мақомига кўтарилиб,ҳамма нарса илоҳий тажаллиётдан иборат эканлигини англайди.Буни машҳур сўфий Абу Саид Абулхайр/967-1049/ ўз рубойларидан бирида шундай ифодалаган эди:

Ёдат кунам,ар шоду агар рамгинам,

Номат барам,ар хезам,агар биншинам.

Бо ёди ту хў кардаам,эй дўст,чунон-к,

Дар ҳар чи назар кунам туро мебинам/2.1,56/.

/Шодлигимда ҳам, рамгинлигимда ҳам сени эслайман. Турсам ҳам, ўтирсам ҳам номинг мен билан бирга. Эй дўст, сенинг ёдингда шу даражага етдимки, нимага назар ташласам сени кўраман/.

Бироқ солиқ бу паллада фақат Ҳақ мушоҳадасига етибгина қолмай, ўзида Ҳақ ҳулулини ҳам ҳис этади. Бунинг оқибатида бутун борлиққа Ҳақ кўзи билан боқадиган бўлади. Ваҳдат уш-шухуд тарафдорлари, чунончи, Алоуддавла Симноний/1261-1336/, Аҳмад Сирхиндий/1564-1624/ кабилар илоҳий тажаллиётни эътироф этсалар-да, Ҳаққа етиш ҳамма мавжудотга хос бўлмай, бундай шараф фақат инсонга тегишли дер эдилар. Бу қараш ҳам аслида Мансур Ҳаллождан бошланган бўлиб, унинг ботинига диққат қилинса, унда ҳам ваҳдат ул-вужуд намоен бўлади. Чунки инсоннинг ўзлик фаносига етиб, Ҳаққа айланиши ҳам вужуд бирлигини билдиради.

Аmmo бу ўринда муҳими шундаки, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абу Бакр Шиблий кабиларнинг инсон даражасини улуглаб, унга илоҳий мазмун беришлари Аллоҳ ва олам яхлитлиги ҳақидаги фикрлар доирасининг кенгайишига олиб келди. Натижада, бу масала сўфий шоирлар ижодининг асосий мавзусига айланди.

Ўрни келганда қайд этиш лозимки, шеърият оммавий восита бўлганлиги сабабли XI асрдан бошлаб унга тасаввуфий мавзу, роя ва образлар изчил кириб кела бошлади. Шеъриятдан, хусусан, тажаллиёт, ҳақиқий ишқ, фақру фано мавзулари, улар билан боғлиқ ваҳдат ул-вужуд рояси ва комил инсон образи мустаҳкам ўрин олди.

Юқорида эслатганимиздек, Қуръонни рамзий шарҳлашнинг бошланиши бадий адабиётда ҳам рамзий фикрлашга кенг йўл очди. Натижада, сўфиёна символика, рамзий поэтик образ ва мотивлар шеъриятда чуқур томир отди. Бу эса шеъриятга ҳам ботиний мазмун, ҳам юксак бадийлик бағишлади. Шунинг учун ҳам тасаввуфий мавзу,

роя ва образларга йўғрилган асарлар омма орасида катта шухрат қозонди. Уларнинг муаллифлари эса лисонулғайб, яъни илоҳий илҳом соҳиби сифатида улуғланди. Санойй, Ақтор, Румий, Ибн Арабий, Ансорий, Саъдий, Ироқий, Ҳофиз, Жомий, Лутфий, Навоий каби улуғ шоирлар шундай лисонулғайб ижодкорлар эдилар.

Мансур Ҳаллождан кейин ўз асарларида тасаввуфий масалаларни, хусусан, ваҳдат ул-вужудни олға сурган илк форс шоирларидан бири Абулмажид Санойй/1080-1141/ эди. Санойй ижодини тадқиқ этган Е.Э.Бертельс дастлаб унинг ижодини тасаввуфга боғлаган бўлса /3.8, 73-74/, кейинчалик негадир бу фикридан қайтган эди/3.5, 437/. Шундай зиддиятли фикр К.Олимов ишида ҳам кўзга ташланди/3.34, 48/. Аслида Санойй ижоди тўлалигича тасаввуфга алоқадордир. У мутасаввиф эмас, балки сўфий шоир сифатида ижод этди. Санойй ўз адабий фаолиятида биринчи бўлиб тасаввуфий пандномалар яратди. Унинг "Ҳадиқат ул-ҳақиқа"/"Ҳақиқат боғи"/, "Сайр ул-ибод илал-маод"/"Солиқнинг қайтиладиган жойга сайри"/ достонлари шундай характерда бўлиб, бундан ташқари, бу асарларда тасаввуфий тариқат мақомлари, зикр, илоҳий ишқ, ваҳдат ул-вужуд масалалари ҳам ўзининг бадиий талқинини тошган.

Алишер Навоий эса Саноййнинг "Ҳадиқат ул-ҳақиқа" достонида тавҳид масаласи ҳам чуқур очилганини таъкидлаган эди: "...Ҳадиқат ул-ҳақиқа" китоби анинг шеърида азвоқ ва мавожидага ва тавҳид арбоби маърифати адосида камолига қатъ далилдур"/1.96, 168/.

Адабиётшунос Х.Мирзозода "Ҳадиқат ул-ҳақиқа" Низомийнинг "Махзан ул-асрор", Хусрав Деҳлавийнинг "Матлаъ ул-анвор" достонларининг яратилишига туртки берганлигини қайд этган эди/2.23, 114/. Дарҳақиқат, Санойй асари ақл, илм, ҳикмат, ишқ сингари боб-

ларга бўлинган бўлиб, улар инсонни ахлоқий-маънавий жиҳатдан тарбиялашга йўналтирилган. Буни Санойининг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб "ин китобе, ки гуфтаам дар панд", яъни бу китобни насихат тарзида айтдим, деган эди. Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарлари ҳам шу руҳдаги дostonлардир. Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" дostonининг яратилишига ҳам "Ҳадиқат ул-хақиқа" муайян замин бўлган дейиш мумкин. Воқеан, "Насоим ул-муҳаббат"да Санойининг фақат шу асарининг тилга олиниши ҳам бежиз эмас эди.

Аmmo қайд этиш лозимки, "Ҳадиқат ул-хақиқа" дostonининг асосий ғояси ваҳдат ул-вужуд бўлиб, Санойи уни турли бадий қиёслар, образли мажозий тасвир ва хикоятлар билан далиллашга интилади. Шу сабабли дostonда Аллоҳни улурлаш ва у билан бирлашиш йўллари кўрсатиш муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам Санойи Аллоҳга етиш йўллари— зухд, фақр, ихлос, зикр, тавба, ризо, шукр кабилар ҳақида фикр юритиб, Ҳақиқа етиш риёзатларининг асосини ўзликдан кечишда кўради. Шу жиҳатдан у Боязид Бистомий, Ҳаллож, Жунайд ва Шиблий қарашларини ривожлантирди. Санойи Аллоҳни яратувчи сифатида талқин этар экан, шу билан чекланмай, бутун борлиқни ҳам унга боғлайди. Борлиқдаги барча нарсаларни Аллоҳ тажаллиёти тарзида тасвирлаб, улар ҳаммаси бир-бирига боғлиқ, чунки намоён бўлиш асоси битта, дейди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Санойи биринчи бўлиб илоҳий тажаллиётни поэтиклаштирди. Бунда у ранглар образидан фойдаланди. Улуғ шоир талқинича, оламдаги илоҳий асмо турли кўринишдаги нарсаларда акс этади. Чунки моддий оламнинг асоси удир. "Ҳама аз сунъи ўст кавну фасод", яъни барча борлику йўқликнинг ижодкори удир, дейди шоир. Санойи шу фикрини ривожлантириб, сифатда асоснинг ўзи ҳам акс этишига диққатни тортади. Демак, ранглар турли-

туман бўлса-да, уларнинг манбаи бир ранг-нурга боғлиқ. Ранглар бирлашса, бир ранг эканлиги маълум бўлади. Улуғ шоир ўз далилини асослаш учун поэтик фикрни янада чуқурлаштиради. Шу мақсадда ташбеҳ санъатини қўллаб, ип нозиклашса бир толага айланишини таъкидлаб, бу билан риёзат орқали ваҳдатга етган солиқ ҳаётига ишора қилади. Бунда эса ҳам тавҳид, ҳам ваҳдат ул-вужуд акс этади:

Ин ҳама рангҳои пурнайранг,
Хуми ваҳдат ҳама кунад якранг.
Пас чу якранг шуд ҳама ў шуд,
Ришта борик шуд чу як мў шуд/4.12,65/.

Мазмуни:

Ранг-баранг акс этса-да, ашёлар жами
Бир рангга айлантирар ваҳдатнинг хуми.
Рангларнинг бирлашиши ҳамма у бўлганидир,
Ипнинг ҳам нозиклашиб, бир тола бўлганидек.

Фаридиддин Аттор/1151-1221/ ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини янада чуқурлашди. Аттор Боязид ва хусусан, Ҳаллоҷ фикрларини ривожлантирди. "Насоим ул-муҳаббат"да қайд этилишича, "Шайх Мансур Ҳаллоҷ нури өз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва анинг мураббийси бўлубтур"/1.96,169/. Бу увайсийлик бежиз эмас эди. Зотан, Аттор ўз асарларида мажозий-бадий тасвир йўли билан Ҳаллоҷ "Ан ал-Ҳақ"ини тасдиқлади. Шу билан бирга, Аттор биринчи бўлиб, ўз ижодида Ҳақ ва халқ ваҳдатини поэтик тимсоллар орқали бадий тарзда солиқнинг сулук жараёни билан боғлаб кўрсатди. Натижада, адабиётда Аллоҳга етишнинг риёзат босқичлари ҳақидаги бадий талқин юзата келди. Бу мажозий бадий тасвирни Аттор "Мантиқ ут-тайр" достонида амалга оширди.

Навоий бошланғич таълим пайтида ўқиган китобларини тилга олар

экан, бу асарни алоҳида қайд қилиб, "ул китоб эрди аниси хилва-тим" деган эди.

"Мантиқ ут-тайр"да ваҳдат ул-вужуд бадиий тарзда талқин этилган. Шу ўринда профессор А.Ҳайитметовнинг "Аттор сўфизмдаги мистик ғояларнигина чуқурлаштириб қолмади, балки сўфий адабиётнинг бадиий тасвир услуби такомилга ҳам зўр ҳисса қўшди" деган фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир/1.195,180/. Воқеан, Аттор дostonда ваҳдат ул-вужуд масаласини биринчи бўлиб эпик тасвирга қўчирди. Шу билан бирга, унга мажозий рух берди. Бу нарса асар сюжетида ҳам, образлар тасвирида ҳам акс этади. Дарҳақиқат, дoston сюжети Аллоҳ ва оламнинг яхлитлик моҳиятини рамзий тарзда ифода-лашга йўналтирилган бўлиб, шу моҳият мажозан қушлар фаолияти орқали акс эттирилган.

Аттор аҳад ва касратни тўлалигича поэтиклаштириб, рамз воситасида ифодалаган. Натижада, Аллоҳни Симурғ поэтик образида, Ҳаққа интиланларни эса турли қушлар образида тасвирлаган. Қушларнинг Симурғни излашлари ҳам мажозан инсон руҳиятининг касрат олаmidан ваҳдат оламига сафари тарзида берилган.

Аттор сафар манзилларини ҳам поэтиклаштириб, уларни еттита риёзат водийсига ажратади. Бу водийлар ўзликни англаш босқичлари бўлиб, энг сўнггиси ваҳдат оламига боғлайди. Чунки улар камолот йўллари сифатида солиқнинг пок руҳга айланишини таъминлайди.

Аттор талқинича, Ҳаққа интилиш аслида талабдир. Шу сабабли халқнинг Ҳаққа сайри ҳам талабдан бошланади. Талаб комиллашгач, солиқ қалбида ишқ пайдо бўлади. Бу ишқ мажозийликдан поклангач, солиққа ҳақиқат йўли очилади. Натижада, Аллоҳ ишқи уни маърифатга қўтаради. Маърифат поясида Аллоҳнинг тенгсиз зотини анг-

лагач, унинг бошқа ҳеч нарсага эҳтиёжи қолмайди. Бу истигно маснади бўлиб, уни эгаллаган солиқ вужуд ягоналиги фақат Аллоҳга мансуб эканлигини англайди. Чунки унга Аллоҳнинг барча соҳада тенгсизлиги ва мутлақ зотлиги маълум бўлади. Илоҳий аҳадият ни англаш тавҳид водийсига етиш эди. Аллоҳ бутун мавжудликнинг асоси эканлиги, унинг тенгсизлиги ва ягоналигидан солиқ ҳайратда қолади. Ҳақ тавҳидидан юзага келган ҳайрат унинг бутун вужудини эгаллаб олгач, олам ҳам унинг кўзи олдида ҳеч нарсага арзимай қолади. Натижада, солиқ ҳайрат манбаига етиш учун ўзлигидан бутунлай воз кечиб, факр йўлига киради. Бундан эса у фанога етиб, пок руҳга биқлашади.

Улуғ шоир касрат оламидан ваҳдат оламига қилинган сафарни мажозан шў тарзда тасвирлаб, унда ваҳдат ул-вужудни акс эттиради. Аммо муҳими шундаки, қушлар интилишининг бу бадиий тасвирида вужуд ягоналиги асосланган. Воқеан, Симуургни излаган қушлар уни ўзларида кўрадилар:

Чун ниғаҳ қарданд ин сй мурғ зуд,
Бешак ин сй мурғ он Симуурғ буд.
Дар таҳайир қумла саргардон шуданд,
Ин надонистанд то худ он шуданд.
Хешро диданд Симуурғи тамом.
Буд худ Симуурғ сй мурғи тамом.
Чун сўи Симуурғ қардандй нигоҳ,
Буд худ сй мурғ дар он қойгоҳ.
В-ар ба сўи хеш қардандй назар.
Буд ин сй мурғ эшон он дигар.
В-ар назар дар ҳар ду қардандй ба ҳам,
Ҳар ду як Симуурғ будй бешу кам/2.12,15/.

/Шу ўттиз қуш зудлик билан нигоҳ ташласа, шаксиз шу ўттиз қушнинг ўзи ўша Симури эди. Ҳаммалари ҳайратда саргардон бўлиб, ўзлари у бўлмагунча, буни билмадилар. Ўзларининг Симурида мужассамликларини кўрдилар, чунки Симурининг ўзи ҳам ўттиз қушда мужассам эди. Симури томонга нигоҳ ташлаб, унинг ўрнида ўттиз қуш ўзини кўрди. Шундан сўнг ўз томонларига назар ташладилар, бундаги ўттиз қуш ўшанинг ўзи эди. Ниҳоят, икки томондан бир-бирларига назар ташлаган эдилар, икки томондагилар ҳам битта Симуридан иборатлиги маълум бўлди/.

Аттор фикрича, Аллоҳ бутун борлиқ ва ундаги нарсаларнинг маъноси, моҳиятидир. Нарсалар мазмунида Аллоҳ яширинган бўлиб, шу тилсим ечилса, хазинага етиш мумкин. Хазина эса Аллоҳдир:

Туй маънию беруни ту исм аст,

Туй ганчу ҳама олам тилисм аст/1.96,171/.

Бироқ ҳамма гап шу тилсимни ечишда. Атторнинг Ҳаққа етиш учун риёзат водийларини босиб ўтиш лозим деган фикри ҳам шу билан борлиқдир. Аммо "Мантиқ ут-тайр" достонида шу туйғуни олға сураб экан, яна бир нуқтани алоҳида таъкидлайди. Бу Ҳақни англаш эди. Улуғ мутафаккирнинг фикрича, Аллоҳга етмагунча уни англаб бўлмайди. Дарвоқе, Симури-Аллоҳни излашга отланганлар ҳам шу ҳолга тушадилар. Бироқ излаганларини ўзларида кўрганларидан сўнг Аллоҳнинг моҳиятини тушунадилар. Демак, Аллоҳ ўзлигини англашга вобаста экан. Жалолиддин Румий/1207-1273/ шу фикрни қувватлайди. Воқеан, Румий Аттор издошларидан эди. Навоий Румийнинг Атторга бўлган муносабати ҳақида тўхталиб, "ҳақойиқ ва маориф адосида иқтидоси аларгадур", дея қайд этади/1.96,170/.

Румий Санойи ва Аттор асарларида берилган ваҳдат ул-вужуд бо-расидаги мажозий тасвирларни биринчилардан бўлиб очиқ ифодалади.

Шу билан бирга, у Боязид ва Ҳаллож даъволари Ҳаққа интилувчиларнинг ҳаммасига тегишли эканлигини таъкидлаб, Аллоҳ инсоннинг ўзида мужассамланганини кўрсатиб берди. Чунки Аллоҳ ҳамма нарсада инчунин, инсонда ҳам зуҳур этган экан, уни бошқа ердан эмас, балки ҳар бир киши ўзидан ахтариши лозим. Зеро, Аллоҳ инсоннинг дир, дейди улуг шоир /2.12,75/.

Шу сабабли Румий ҳатто ҳажга борувчиларга ҳам шундай кин қилган эди:

Эй қавми ба ҳаҷ рафта, кучоёд, кучоёд?!

Маъшуқ ҳамин қост, биёёд, биёёд!

Маъшуқи ту ҳамсояи девор ба девор,

Дар бодия сарғашта шумо дар чӣ хавоёд? /2.26,79/.

Мазмуни:

Эй ҳаж қавми, кетдингиз қаёққа, қаёққа?!

Маъшуқ шу ерда, келинг бу ёққа, бу ёққа!

Сенинг маъшуқинг қўшни деворила ёнма-ён.

Сарсон бўлманг ҳавас ила ҳар саҳро-ю, ҳар тоққа!

Аммо шуниси ҳам борки, Румий Аллоҳ олам ва одамни яратганини инкор этмайди. Фақат у яратилганларда Аллоҳ тўла акс этишини таъкидлаб, буни англашга даъват этади. Унинг фикрича, олам тана, Аллоҳ эса танадаги жон. Танадаги бутун қисмлар эса жонга борлиқ. У тўлали тирик ва ҳаракатда. Инсон бу ҳақиқатни тўла тушуниб етиши лозим. Шу сабабли Аллоҳни излаб овора бўлмай, у ўзида мужассамланганини ақл билан идрок этиш керак.

Инсон шунинг учун ҳам яратилганки, дейди Румий, у орқали ҳақиқат англанади. Аммо ҳақиқатни излаш, унинг ўзидан бошланиши лозим. Ҳақиқатни англаш ўрни эса кўнгилдир. Чунки Аллоҳ кўнгилдан жой олади. Шу сабабли Аллоҳни кўнгилдан излаш зарур.

Аллоҳнинг кўнгилдан жой олганлиги инсоннинг мазмунан олами кўброга мансублигини кўрсатади. Бироқ у шаклан олами суғродир. Аммо бу хусусият асосий эмас. Зеро, инсоннинг моҳиятини олами кўброга тааллуқлилиги белгилайди. Шў билан бирга, олами суғрода олами кўбронинг жойлашганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, зоҳир ботинга йўналтиради ва уни англашга кўмаклашади. Шундай қилиб, Румий инсоннинг илоҳий моҳиятини очишга, ундаги илоҳийлик белгиларини асослашга интилади. Муҳими шундаки, Румий инсонни илоҳийлаштирар экан, унинг фаолиятидаги эркинликни ҳам қайд этади. Аммо унинг ҳаракатлари фақат яхши томонга йўналтирилган бўлмоғи лозим. Зеро, Аллоҳнинг каломида ҳам бу борада шундай дейилади: "/Эй инсон/ сенга етган ҳар қандай яхшилик фақат Аллоҳдандир. Сенга етган ҳар қандай ёмонлик эса ўзингнинг қилмишингдандир"/ "Нисо" сура-си, 79-оят/.

Инсоннинг яхши фаолияти ундаги лоҳут томонни, ёмон ҳаракатла-ри эса носут жиҳатини намоён этади. Инсон ўзини шакллантиргани сари унда лоҳут белгиси кучайиб, илоҳийлик ортади. Натижада, у Ҳаққа етиб, унга восил бўлиш имконига эга бўлади. Демак, гарчи ин-сон илоҳ зуҳур этган мавжудот бўлса-да, тўла руҳий бақога етиш учун барча заминий хусусиятлардан қутулиши зарур. Бу эса, Румий талқинича, инсоннинг ўзини англаш жараёнидан иборат бўлиб, уни халқдан Ҳаққа боғлайди. Румий талқинича, бу боғланиш руҳиятга те-гишли. Дарвоқе, "Маснавийи маънавий"ни бошлаб берувчи най ноласи ҳам аслида руҳий жудолик ҳақидадир. Зеро, эронлик олим А. Заррин-кўбнинг қайд этишича, найнинг вужуди ундаги зоҳиран намоён бўлиб турувчи жисм бўлмай, балки унинг ноласидан юзага келувчи завқ-дир/2.16,14/. Чунки най поэтик образи мажозий маънога эга бўлиб, унинг ноласи солиқнинг руҳий интилишини ифодалайди.

Дарҳақиқат, "Маснавийи маънавий"нинг сўнгги-олтинчи дафтариданай фанога етиб, вужуд ул-Ҳаққа бирлашади. Улуғ шоир висолгача бўлган жараёни солиқ интилишлари ва риёзатлари тарзида тасвирлаб, уни турли ҳикоят ва ривоятлар қобигида акс эттиради. Чунончи, "Гарданига шер расмини солмоқчи бўлган қазвинли ҳақида ҳикоят"да мактанчоқ кишининг игна азобларига чидай олмаганлиги тасвирланса, "Борбон, сўфий, фақиҳ ва алавий ҳикояти"да дўстликка бевафолик қилганларнинг бошига тушган кулфатлар ҳақида гап боради.

Зоҳиран олиб қараганда, иккала ҳикоятда ҳам дунёвий масалалар тўғрисида фикр юритилган. Аммо уларда ботиний мазмун ҳам бор бўлиб, у эса тасаввуфга тегишли. Биринчи ҳикоятдаги шер Аллоҳ тимсолдир. Уни вужудда нақшлашни кўпчилик истайди. Аммо игна азоблари, яъни Ҳаққа етиш риёзатларига ҳамма ҳам бардош бера олмайди. Дарвоқе, шунинг учун ҳам "Мантиқ ут-тайр"да миллионларча қушдан фақат ўттизтасигина Симурр васлига муяссар бўлгани бежиз эмас. Иккинчи ҳикоятда эса Ҳаққа дўстликда риёкорлик қилиш қораланган. Асар қаҳрамонларининг диний қонуншунос, сўфий ва Али авлоди сифатида муайян маънода шариатга боғлаб берилишида ҳам чуқур маъно бор. Улуғ шоир ўзларини Ҳақ дўстлари қилиб кўрсатувчи шу типдаги риёкорларнинг ўзаро дўстликка ҳам риоя этолмаганликларини кўрсатиб, Аллоҳга вафодорлик масъулиятига урғу беради.

Румий шу тарзда "Маснавий"даги барча ҳикоятларга зоҳирий мазмун билан бирга ботиний маъно ҳам юклаб боради. Шунинг учун ҳам бу улкан асарнинг "Маснавийи маънавий" деб номланиши беسابаб эмас эди. Аммо муҳими шундаки, Румий ўз асарининг ботиний мазмунига ваҳдат ул-вужуд роясини сингдириб юборган.

Румий рубойларида бу роя очик ифодалангани билан диққатни тортади. Лирик қаҳрамон Ҳаққа интилган солиқ. Лекин у ваҳдат майи-

ни ичгунча ҳамма нарсага сенлик ва менлик кўзи билан боқади. Ишк
ундаги ўзликка бархам бергач, вужуд моҳиятини англаб етади. Натижа
да, аҳад ва касратнинг ваҳдат ул-вужудини эътироф этади:

Дар асл яке будаст чони ману ту,
Пайдои ману туву ниҳони ману ту.
Хомӣ бошад, ки гӯй: "Они ману ту",
Бархост ману ту аз миёни ману ту/2.28,70/.

Мазмуни:

Аслида битта экан мену сендаги жон,
Мену сендаги мавжудлик, мену сендаги ниҳон.
Нодонликдир, десанг: "Бордир мену сенлик",
Мену сенинг орамиздан кўтарилган мену сенлик.

Шу тарзда Румий ваҳдат ул-вужудни олға сурган бўлса-да, уни
изчиллик билан ривожлантириб, мукаммал таълимот даражасига етқа-
золмади. Бу ишни унинг катта замондоши Муҳйиддин Ибн Арабий ба-
жарди. Унинг қарашлари "Фусус ал-ҳикам" ва "Футухот ал-Маккия"
асарларида олға сурилган.

Ибн Арабий талқин этган ваҳдат ул-вужуд таълимотига кўра, мав-
жуд борлик моҳиятан яхлитдир. Инсон ақли ва бошқа ҳис этувчи
жисмлари орқали билладиган дунё ва Аллоҳ аслида биттадир.

Аллоҳ ва олам ўртасида яхлитиликдан бошқа боғланиш ҳам, бўли-
ниш ҳам йўқ, чунки аслида бутун борлик Аллоҳнинг инъикосидир. Бу-
ни ақл билан билиш қийинлиги сабабли тушунишда мураккаблик келиб
чиқади. Аллоҳ ва борлик ташқи жиҳатдан алоҳида-алоҳида бўлиб кў-
ринади, холос. Ботинан эса у бўлинмас яхлитликка эга бўлиб, ўзининг
бир-бирига боғлиқлиги билан ягоналигини намоён этади.

Унинг Аллоҳ ва борлик сифатида иккига бўлиниб намоён бўлиши
эса асл моҳиятнинг икки қирраси бўлиб, ўша ягоналикнинг кўпликда

хам акс этишини кўрсатади. Аслида эса улар бўлинмасдир. Ибн Арабийнинг бу фикри Алишер Навоий мансуб бўлган нақшбандийликда ҳам тўла эътироф этиларди. Дарвоқе, Ибн Арабий қарашлари нақшбандий шайхлари томонидан тез-тез муҳокама қилиниб, унинг асарларига ўз муносабатларини билдириб турар эдилар. Навоий бу ҳақда чундай ёзади: "Бир кун алар/нақшбандий муршидларидан Хожа Абу Наср Порсо-А.А./нинг мажлисида Шайх Муҳйиддин Арабий зикри ва унинг мусаннафоти ўтар эрди. Бузургвор оталари /Хожа Муҳаммад Порсо-Хожа Абу Наср Порсонинг отаси ва муршиди-А.А./дин ривоят қилдиларки, алар дер эрдиларки, "Фусус"/"Фусус ал-ҳикам"/ жондур ва "Футухот"/"Футухот ал-Маккия"/ кўнгул. Ва дағи дер эрдиларки, ҳар ким "Фусус"ни яхши билса, анга ҳазрати Рисолат мутобаатининг доияси қавий бўлур ва алардин бу сўз ноқили ҳазрати Махдуми Нурандур"/1.96, 136-137/.

Бу ўринда Хожа Абу Наср Порсо ишораси ва Алишер Навоий томонидан шу ишорага мувофиқ Абдурахмон Жомий номининг тилга олинishi бежиз эмас. Зеро, нақшбандий шайхлари орасида гарчи Ибн Арабий қарашларига катта эҳтиром ва издошлик бўлса-да, аммо Жомий бу борада энг изчил ва гоёт кўп иш қилган эди. У Ибн Арабийнинг "Фусус ал-ҳикам" асарига араб тилида "Шарҳи Фусус ал-ҳикам", тожик тилида "Нақд ан-нусус фи шарҳ ул-Фусус" номли иккита шарҳ ёзган. Бошқа асарларида эса унинг қарашларини изчил ривожлантирган эди. Шунинг учун профессор М. Ражабов Жомий асарлари Ибн Арабий таълимотини тушунишда калит ролини бажара олади деганда таъмомила ҳақ эди/3.36, 130/.

Ибн Арабий талқинича, Ҳақ ва олам муносабатида Аллоҳ асосдир. У яратувчи ва яратилганларда ўзи ҳам инъикос этади. Ибн Арабий буни асл нарса ва унинг ойнадаги аксига қиёслайди. Нарсанинг

ойнадаги аксида акс этувчи зохиран нақшланади, холос. Ташқи жиҳатдан акс этувчи ҳам, акс этилувчи ҳам бирдай туюлади. Аслида эса акс этувчи акс этилувчининг суратидан бошқа нарса эмас. Акс этилувчи бўлмаса ойнада ҳам ҳеч нарса акс этмайди. Шундай экан, акс этилувчи асосийдир. Бу эса Аллоҳ бутун оламнинг асоси эканлигини кўрсатади.

Ибн Арабий вужудга келиш асоси ва унинг натижасини шарҳлаб, ёзади: "Бутун борлиқ бошдан-охир фақат Аллоҳдан вужудга келади ва яна унинг ўзига қайтади" /3.44, 19/. Бироқ бутун мавжудот асл манбасига қайтувчи даражадаги муваққатлик хусусиятига эга бўлса-да, у Аллоҳнинг зухур этиши сифатида чуқур моҳиятга молик. Унинг юксак моҳияти инсонда акс этади. Ибн Арабий "Фусус ал-ҳикам"даги шеърларидан бирида бунни махсус таъкидлайди. Шу билан бирга, вужуд бирлиги мушоҳадаси нарсалар моҳиятида акс этишига ҳам диққатни тортади:

Сен У/Аллоҳ/нинг ўзи эмас, лекин

Аслини олганда Унинг ўзисан.

Зеро, нарсалар моҳиятига боққин.

Уларда сен Уни аниқ кўрасан /4.7, 70/.

Аmmo Ибн Арабий уқтиришича, инсон Аллоҳнинг оламдаги зоҳир этиши бўлса-да, бироқ унинг Аллоҳга қайтиши комил инсон даражасига восил бўлиш поғонасини ўз ичига олади. Бу эса бутун оламнинг тараққиётга, ривожланишга асосланганини кўрсатади. Шу сабабли гарчи оламдаги барча нарса-ҳодисалар муваққатликка мансуб бўлса-да, улардаги ривожланиш хусусияти абадийликка тааллуқли этади. Чунки уларнинг асоси, манбаи абадийликдан, яъни Аллоҳдандир.

Олам ўз яратувчисига эга бўлганлиги учун ҳам сайқал топиб боради. Унга сайқал бериш инсонга юкланган. Зеро, Ғаззолий айтган-

нидек, "...инсон олами куброга ўхшатиб яратилган, лекин у унинг кичрайтирилган нусхасидир. Одамнинг қисмлари олами кубронинг қисмларига ўхшайди"/3.12,302/. Шу сабабли инсон шаклан олами сурро бўлиш билан бирга, моҳиятан Аллоҳ ва олами бир-бирига боғловчи ҳамдир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, ботинан ҳамма нарса Аллоҳга боғланганидек, зоҳиран инсонга боғланади. Бу эса тараққиёти Аллоҳ билан боғлиқ оламнинг яхлитлигини мавжуд воқелик асосида ҳам англашга имкон беради. Чунки Ибн Арабий талқинича, олам ўз-ўзича мавжуд бўлолмайди. У Аллоҳнинг мавжудлигидир. Шу сабабли олам Аллоҳни англай олмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, Аллоҳ номаълум бўлиб қолаверади. Уни сезгилар ҳам, мушоҳада ҳам тушуниш даражасида эмас, чунки муваккатлик лойрасига абадийлик сиғмайди.

Ибн Арабий бутун олами яхлит Аллоҳдан иборат дер экан, бунга яратувчини ҳам, яратилганларни ҳам қўшади. Чунки яратилган борлиқ яратувчининг моҳиятини ифодалайди. Ибн Арабий бу фикрини шарҳлаб ёзади: "Агар борлиқнинг яғоналиги нуқтаи назардан олиб қаралса, тажаллиёт Аллоҳнинг ўзидир, зеро Аллоҳ ҳам воҳид-яғона, ҳам аҳад-биттадир. Шу сабабли кўплик шакллари жиҳатидан олиб қаралганда ҳам олам Аллоҳда акс этади"/3.44,21/. Аммо ақл билан Аллоҳни билиб бўлмайди, ақл инсонни яратувчининг қаршисига етказа олади, холос. Шундан сўнг бутунлай ўзни Ҳаққа топшириш лозим, чунки бу томони қалб ишидир.

Ибн Арабий қалбга алоҳида аҳамият беради. Унингча, қалб инсоннинг олами кубронинг кичрайтирилган нусхаси эканлигини кўрсатувчи қисмдир. Чунки бутун олам Аллоҳда акс этганидек, Аллоҳнинг ўзи ҳам кўнгилда акс этади. Кўнгил Аллоҳни ўзида мужассамлар экан, унга бошқа нарсаларни қўшмайди. Чунки кўнгил Аллоҳнинг

ўзи билан тўлади. Шу сабабли кўнгил Аллоҳни акс эттирганда бошқа нарсаларни акс эттира олмайди. Шунинг учун кўнгил тозаланиши дунёвий интилишлардан покланиши лозим. Шундагина у кўнгилга жойлашади. Уни қалбида ҳис этган инсон у орқали ўзини кўради. Ўзини кўриш эса Аллоҳни англашдир, чунки у инсон орқали ўзини ифодалаган. Шунинг учун ҳам Хожа Абдуллоҳ Ансорий инсонни Аллоҳ камолоти инъикоси, бутун олам эса Аллоҳ моҳияти зухуроти, дейди/2.9,35/. Жомий ҳам шундай фикрни олға суриб, барча мавжудот даражалари Аллоҳнинг жамоли қудратидан ва коинот жилвалари камоли ойнасидан эканлигини қайд этар экан, "Нақд ан-нусус"да Ибн Арабийнинг Аллоҳ ва олам нисбатига доир фикрларини шарҳлаб ёзади: "Бутун олам унинг нуридан пайдо бўлган, шу сабабли коинотнинг ҳамма жойида у намоён бўлиб туради"/4.4,4/. Аммо шуниси ҳам борки, "Аллоҳнинг мавжудлиги барча мавжудликдан юксакдир, зеро, у ўзича мавжуд бўлиб бошқаларнинг мавжудлиги эса унга борлиқдир", дейди Жомий/4.4,4/.

Урни келганда қайд этиш зарурки, Жомийнинг ваҳдат ул-вужудга доир қарашлари унинг бошқа асарларида ҳам изчил ишланган. Шу жиҳатдан улуг мутафаккирнинг "Лавоех", "Лавомеъ", "Ашшиъат ул-ламаот", "Нафаҳот ул-унс", "Шарҳи рубоийёт" рисоалари ва "Ҳафт авранг" таркибидаги достонлари алоҳида ажралиб туради. Навоий уларнинг ҳаммасини Жомий ҳузуринида чуқур ўрганган эди. Буни унинг ўзи махсус қайд этади/1.95,60-61/. Зеро, бу асарларда ваҳдат ул-вужуд билан боғлиқ бошқа кўпгина муҳим масалалар ҳам чуқур ёритилгандир. Натижада, ваҳдат ул-вужудга доир фикрлар бир-бирини тўлдириб, гоят чуқур ва изчил мазмунга эга бўлган. Қуйида улар борасида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жомийнинг 1465 йилда ёзилган "Лавоех"/"Лавҳалар"/ асари 34 та кичик-кичик мақола ёки лавҳачалардан иборат. Унда тавҳид, фано, бақо ва маърифат масалалари ёритилган. Бироқ асарнинг тўб марғзини

вахдат ул-вужудни асослаш ташкил этганлиги учун ёқоридаги масалалар ҳам уни далиллашга йўналтирилган. Дарвоқе, Жомий ўз асарида ҳамма нарсанинг асоси Аллоҳда эканлигини кўрсатиб, қолган барча мавжудот унинг жамоли аксидир, дейди. Шу сабабли ҳам Жомий талқинича, инсон Аллоҳга интилгани сари ўзининг унга борлиқ эканлигини англай бошлайди.

Жомий "Лавомеъ"/"Нурлар"/ асарида "Лавоеҳ"даги фикрларини янада изчиллик билан ривожлантирган. Бу асар араб шоири Шарофиддин Абу Ҳафс Умар ибн ал-Фориз /1181-1235/нинг рамзий-тасаввуфий мазмунга эга бўлган май ҳақидаги қасидасига шарҳ бўлиб, 50 та ламъадан иборат. Асарда Аллоҳнинг зоти, ишқ, унинг моҳияти, инсоний ва илоҳий ишқ; ошиқ ва маъшукнинг ягоналиги, ишқ шароби; комил инсон, фано ва бақо масалалари таҳлил этилган. Жомий ўрни билан мураккаб истилоҳларга шарҳ бериб ҳам борган.

1481 йилда яратилган "Ашшиъат ул-ламаот"/"Ёрқин шуълалар"/асари Шайх Фахриддин Иброҳим Ироқийнинг "Ламаот"/"Шуълалар"/ига ёзилган шарҳдир. Ироқий XIII асрнинг машҳур шоири ва сўфийси эди. "Насоим ул-муҳаббат"да у эҳтиром билан тилга олинади: "Шайх Фахриддин Иброҳим Ироқий "Ламаот" китобининг соҳибидур ва шеър девони бор ва машҳурдур ва кичик ёшида Қуръон ҳифзи қилиб эрди ва асру хўб ўқур эрди. Ҳамадондиндур. Барча Ҳамадон аҳли анинг шефтаси эрдилар. ... Ҳиндистонга тушти ва Мултон шаҳрида Шайх Баҳоуддин Зикриё суҳбатига етишти ва мурид бўлди. ... сўнгра Рум сори тушти ва Шайх Садриддин Қуниязвий/Ибн Арабийнинг шогирди/ суҳбатига етиб, тарбиятлар тошти ва жамеъики, Шайх хизматида "Фусус"/Ибн Арабийнинг "Фусус ал-ҳикам" асари/ ўқийдур эрдилар, истимоъ қилдилар ва унинг истимоъи асносида "Ламаот"ни битиди..." /1.96, 172-174/. Демак, Ироқийнинг "Ламаот"и Ибн Арабийнинг "Фусус ал-ҳикам"/"Бебаҳо ҳикматлар"/ асари ва Шайх Садриддиннинг суҳбатлари таъсирида яра-

тилган.

"Ламаот" ишқий-тасаввуфий асар бўлиб, унда илоҳий ишқ жараёни, ошиқнинг руҳий ҳолати ва изтироблари, ошиқ ва маъшук муносабатлари ёритилган. Асар 28 ламъага бўлинган. Уларнинг ҳар бирида ишқ жараёни ва ошиқ ҳолатининг муайян кўриниши акс этган бўлиб, улар ишқ йўлида ошиқ босиб ўтадиган зиналар тасвиридан иборат. Масалан, тўққизинчи ламъадан: "Маҳбуб муҳибнинг ойнасидир, муҳиб эса маҳбубнинг ойнаси. Гоҳ у бунга, гоҳ бу унга ойна бўлади. Маҳбуб ойна бўлган вақтда муҳиб унга назар солади, агар унда ўз моҳияти ва ички қиёфасини кўрса, ўзининг шаклида шаклланган ўз нафсини кўрган бўлади. Агар у ўзининг шаклига ўхшамаган жасад суратини кўрса, ўша мавжуд нарса бўйича англасинки, у маҳбуб кўзи билан маҳбуб суратини кўряпти"/2.18,59-60/. Ўн еттинчи ламъадан: "Маъшук ҳар лаҳза ошиққа юзини ўзгартириб туради. Бундан ошиқ ҳам ҳар лаҳза унинг юзи нуридан ўзга равшанлик топади ва нафс ҳолатида ҳам ўзгарин юз беради. Зеро, жамол ўзини қанча кўп намоён этса, ишқ ҳам шунчалик ролиб бўлади. Ишқ ролиб бўлган сари, жамол ҳам яхшироқ кўринади, бу эса маъшукнинг ошиқдан бегоналигини кучайтиради, натижада, ошиқ маъшук жафоларидан ишқ паноҳига қочади ва жуфтликдан ягоналикка ўтади"/2.18,60/. Йигирма биринчи ламъадан: "Ошиқ маъшук билан бегараз суҳбат қуриши лозим. Ўз хоҳишини ўртадан кўтариб, ҳамisha маъшук хоҳишига қараши керак"/2.18,61/. Йигирма иккинчи ламъадан: "Ошиқ олдидаги шарт шуки, маъшук нимани севса, у ҳам ўшани севиши керак"/2.18,62/.

"Ламаот" мажозий ва ҳақиқий ишқ маъно нозикликларини чуқур акс эттирган асар бўлганлиги ва хусусан, у Ибн Арабийнинг "Фусус ал-ҳикам" асарида ифодаланган ваҳдат ул-вужуд масаласини тушунишда муҳим очқич вазифасини ўтай олиши мумкин бўлганлиги сабаб-

ли Навоийда уни ўрганиш иштиёқи туғилади. Бу орзу, айниқса, Жомийдан тасаввуф бўйича таълим олаётган пайтда ғоят кучаяди. Буни улуг шоирнинг ўзи ҳам эътироф этади: "Ул вақтдаким, фақир/Навоий-А.А./ алар/Жомий-А.А./ хизматида сўфия рамуз ва ишорот ва алфоз ва ибороти истилоҳин ўткарур эрдим. Ҳазрати кутб ус-соликин Шайх Фаҳриддин Ироқий... нинг "Ламаот"и орзуси хаёлга кўп эврулур эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: "Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расоили оз мутолаа қилилибдур, аммо чун хавасинг бор, андоқ бўлсун". То улким, ул шариф китобни фақирга сабақ айтурга муртакиб бўлдилар, ҳар кун ҳар сабақда хушҳол бўлуб, таъриф қилурлар эрди..." /1,95. 46/.

Аммо бу хурсандчилик узоққа чўзилмайди. Сабоқ давомида мушкуллик юзага келади. "Ламаот"даги истилоҳлар ва фикрларни тушуниш қийинлашиб, унга битилган шарҳларга эҳтиёж сезилади. Бироқ "Ламаот"га битилган шарҳлар Жомийни қониқтирмайди. Чунки "Ламаот" га шарҳ ёзганларнинг барчаси асардаги фикрларни яхши тушунамаганликлари туфайли Жомий сўзлари билан айтганда, "бу сўзнинг ва ул сўзнинг ҳамоноқи, маъносиға етмай шарҳ битибтурлар" /1.95, 47/. Шундан сўнг Навоий Жомийнинг ўзига мурожаат қилиб, "Ламаот"га шарҳ битишни илтимос қилади. Жомий Навоийнинг илтимосини қабул қилади: "Андин сўнгра алар/Жомий-А.А./ "Ашшиъат ул-ламаот"ки, бу тоифа кутуб ва расоили орасида маълум эмаски, ҳаргиз андоқ шарҳ қаламга келмиш бўлғай-бунёд қилдилар" дейди Навоий ва кўшимча қилади: "...бу шарҳ била "Ламаот"ни алар қошида тугаттим" /1.95, 47/. "Ашшиъат ул-ламаот" ҳам 28 ламъадан иборат бўлиб, Жомий унда "Ламаот"даги мураккаб истилоҳлар, фикрлар ва шеърий парчаларни кенг шарҳлаган.

Урни келганда қайд этиш лозимки, "Ламаот"даги ишқ талқинида ваҳдат ул-вужуд ифодаланган. Зеро, Ироқий фикрича, маъшуқ вожибни, ошиқ эса мумкинотни англатади. Ошиқнинг маъшуққа интилиши солиқнинг Ҳаққа интилишидир. Уларни бир-бирига ишқ бирлаштиради. Шу сабабли ишқ, ошиқ ва маъшуқда ваҳдоният акс этади. Шунинг учун ҳам Жомий "Ламаот"ни шарҳлар экан ёзган эди:

Маъшуқу ишқу ошиқ-ҳар се якест он чо,

Чун васл дарнагунчад, хичрон чӣ кор дорад?/4.2,344 б/

/Маъшуқу ишқу ошиқ учаласи бирдир, агар у ердан васл жой тополмаса, хичрон нима иш қила оларди?/.

1476-1478 йиллар орасида ёзилган "Нафаҳот ул-унс мин ҳазорот ул-қудс"/"Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстликнинг хуш ислари"/ асари ҳам Навоийнинг таклифи билан яратилган. Бу асар тасаввуф тарихи, назарияси, сўфийлар ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган бўлиб, аслида шундай китоб яратишни Жомийнинг ўзи ҳам ўйлаб юрар экан. Унинг бу яхши ниятига Навоийнинг таклифи тўртки бўлди. Унинг ўзи ҳам буни асар муқаддимасида махсус қайд этади/2.46,11/.

Асар кириш, асосий матн ва хотимадан иборат бўлиб, унда 618 та тасаввуф улўғлари ҳаёти ва фаолияти ёритилган. Навоий 1495 йилда уни "Насоим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват"/"Улўғлик хушбўйликларини таратувчи севги шабодалари"/ номи билан ўзбек тилига таржима қилади. Урни келганда алоҳида қайд этиш лозимки, "Нафаҳот ул-унс"нинг ёзилиши Навоийнинг таклифи билан бўлганлиги ва хусусан, унинг бу борада узлуксиз ўз билимини ошириб бораётганлигини ҳисобга олиб, Жомий иш жараёнида ҳамisha у билан маслаҳатлашиб турган. Ёзилган саҳифаларни Навоийга ўқитиб, фикрини олган/1.95,43/. Навоий билан кўришолмаганида эса асарнинг ёзилган қисмларини унга юбориб турган/2.7,172/. Шуларни, шунинг-

дек, қўшилган янги манбалар ҳамда таржимага замин бўлган асарни кўзда тутиб, "Насоим ул-мухаббат"га муаллифлик ҳақида академик А.Қаюмов қуйидаги тўғри фикрни олға суради: "Насоим ул-мухаббатнинг асосида Жомий асари ётгани туфайли бу китобда баён этилган фикр ва қарашлар Жомий ва Навоийга оид эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак"/1.96,9/. Бу фикрни бошқа тадқиқотчилар ҳам тасдиқлашади/1.63,450/. Агар "Нафаҳот ул-унс"да 618 та сўфий ҳаётига доир маълумотлар берилган бўлса, "Насоим ул-мухаббат"да эса 770 та араб, форс ва турк машойхлари ҳаёти ёритилган. Ҳар иккала асар ҳам тасаввуф тарихи, назарияси, сўфийлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Навоий Жомий раҳбарлигида унинг "Ҳафт авранг"ига кирган асарларининг, ўз таъбири билан айтганда, "кўпрагин" - кўпчилигини чуқур ўрганган. "Ҳафтавранг"/"Етти тахт"/даги биринчи маснавий "Силсилат уз-заҳаб"дир. Бу асар уч дафтардан иборат. Биринчи дафтар 1468-72 йиллар орасида ёзилган ва Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Иккинчи дафтар 1485 йилда яратилган. Учинчисининг эса ёзилган йили номаълум бўлиб, у Жомийнинг мухлиси бўлган Туркия султони Боязид II/1481-1512/ га бағишланган. Ҳар учала дафтарда ҳам тасаввуф масалалари ўзининг бадиий таҳлилини топган. Биринчи дафтар шариат одоби, оят, ҳадис ва сўфийлар фикри шарҳини ўз ичига олган, шунингдек, унда зикр, тама, раҳм-шафқат, хушёрлик кабилар таҳлил этилган. Жомий ҳар бир масалани кичик-кичик ҳикоятлар билан далиллаб, асарнинг гоятда қизиқарли бўлишини таъминлаган. "Силсилат уз-заҳаб"нинг иккинчи дафтари мажозий ва ҳақиқий ишқ таҳлилига бағишланган. Жомий ишқни гоят улурғлайди. Унингча, олам ва одамнинг яратилиши ҳам ишқ билан боғлиқ. Ишқ ва унинг ҳукмидан холи инсон йўқ. Ишқ туфайли қалбда Аллоҳ зухур этади.

Ишқ орқали инсон Аллоҳ висолига етади. Жомий ишқ ҳақида фикр юритиб, унинг юзага келиш асосини ҳусн билан боғлайди:

Ишқ дарбанди ҳусну эҳсон аст,
Ишқ бандасту ҳусн султон аст.
Ҳар кучо ҳусн менамоюд рӯй,
Мениҳад сар ба сачда ишқ он сӯй.
Ҳусн буд он, ки дар либоси Аёз,
Хонд Маҳмудро ба кӯи ниёз.
Ҳусн буд он ба қисвати Лайли,
Қайсро дода сӯи худ майле/2.41,70-71/.

Мазмуни:

Ишқни боғлаб олган ҳусн ила эҳсон,
Ишқ асирдиру ҳусн эса султон.
Юз кўрсатса ҳусн ҳар жойда, ҳар он,
Ишқ ҳам бошин саждага кўяр у томон.
Ҳусн эди кўринган Аёз либосида,
Ишқ эса Маҳмуднинг илтижосида.
Ҳусн эди кийгани аслида Лайли,
Қайс ҳам Мажнун бўлди ўша туфайли.

Навоий муршиди фикрларини ривожлантириб, "Ҳайрат ул-аброр" достонида ишқ масаласига махсус боб бағишлаган ва унда шундай мисраларни битган эди:

Ишқ аён қилмоқ эрур ҳусн иши,
Уйлаки ўт шамъ ила ёққай киши.
Ҳар нечаким ҳусн диловезроқ,
Ишқ ўти эл кўнгли аро тезроқ.
Лутфу тароват нечаким гулда кўп,
Ҳаспатидин гулгула булбулда кўп/1.108,191/.

Ҳар иккала улуг шоир ҳам ишқнинг юзага келиш асосини ҳусн билан боғлаши бежиз эмас. Зеро, ҳусн илоҳий мазҳардир. Шу сабабли у поэтик образ тарзида Ҳақ ва унинг сифатини акс эттиради. Мумкинот ичра эса у одамда намоён бўлади. Аниқроғи, гўзал қиз ва йигитларда кўринади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳуснини таърифлаш, мажозан ҳусни мутлақни улуғлашдир. Шеърятда дунёвий ҳусн соҳибининг илоҳий маъшук тарзида тасвирланиши ҳам шу билан боғлиқ.

Ҳусни мутлақ одамда акс этишини тасвирлаш билан Ҷомий ҳам инсонни илоҳийлаштиради, ҳам унинг Ҳақ билан бўлган ваҳдатини таъкидлайди. Бундаги поэтик мантиққа назар ташланса, ҳусн ишқни юзага келтиради. Ишқ эса ошиқ ва маъшук бирлигига асос бўлади. Шу сабабли ишқ шеърятда чуқур поэтик маъноларга эгадир. Зеро, у сўфиёна асарларда Ҳақ ва халқнинг ҳақиқий муҳаббатини ифодаласа, дунёвий адабиётда эса инсонлар ўртасидаги мажозий муҳаббатни акс эттиради. Бироқ уларнинг ҳар иккисидан ҳам ошиқ ва маъшук бирлиги асосий ўринда туради. Бу эса ваҳдат масаласини илоҳий даражага кўтаради.

"Силсилат уз-заҳаб"нинг иккинчи дафтаридан мажозий ва ҳақиқий ишқ баёнига бағишланган гоёт гўзал ҳикоят ва қиссалар мавжуд. Улар орасида, айниқса, "Уяйна ва Райё қиссаси" ва "Муғанния Тухфа қиссаси" алоҳида ажралиб туради. Уларда мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа кўтарилиш жараёни кўрсатиб берилган.

Учинчи дафтар ахлоқий-тарбиявий масалаларга бағишланган. Унда уруш ва тинчлик, адолат ва зулм, ғазаб ва мулоимлик, жавонмардлик ва саховат, бахиллик ва олижаноблик, шеър ва шоирлик кабилар таҳлил этилиб, турли ҳикоят ва ривоятлар билан далилланган.

1480 йилда яратилган "Саломон ва Абсол" достони ишқий мавзуда бўлиб, тасаввуфий хотимага эга. Асарнинг барча асосий қаҳрамон-

ларига, Жомийнинг ўзининг қайд этишича, рамзий маъно юкланган. Чунончи, шоҳ-ақли аввал ёки ақли кулл. Ҳаким-ақли кулдан юзага келувчи баҳра. Саломон-руҳ ёки жон. Абсол эса жисм ёки шахвоний вужуд. Унда нафсга мағлублик акс этади. Зухра-юксак камолот. У Абсолга қарама-қарши қўйилган бўлиб, покликда комил вужудни ифодалайди. Денгиз-нафсоний лаззатлар, олов эса қаттиқ машаққатлар, тобланиш ва покланиш риёзатининг рамзи сифатида берилган. Асардаги бутун воқеалар ваҳдат ул-вужуд ғоясини ифодалашга йўналтирилган бўлиб, бу нарса асл моҳият, ундан ажралиш ва яна бирлашиш шаклидаги рамз асосида баён қилинган. Бу тасвир сўфийларнинг ҳаёт йўлига ишора. Жомий сўфийларнинг мураккаб ҳаётини ишоралар билан ёритиб, уларнинг турмуши, билиб-билмай қилган гуноҳлари, тавбалари, муршид-ақли аввал таъсирида чеккан риёзатлари, камолотга кўтарилиш ва Ҳаққа қўшилишлари жараёнини Саломон ҳаёти орқали чиройли кўрсатиб беради.

1481 йилда ёзилган "Тухфат ул-Аҳрор"/"Аҳрорга совға"/ асари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга бағишланган. Асарда нақшбандийлик силсиласидаги ахлоқий-фалсафий масалалар таҳлил этилган. Хожа Баҳоуддин ва Хожа Убайдуллоҳ ҳақида, шунингдек, олам ва одамнинг пайдо бўлиши, маърифат босқичлари-илмуляқин, айнуляқин ва ҳаққуляқин борасида сўфиёна донишмандлик билан фикр юритилган. Асардаги 20 мақола ва 20 ҳикоятда эса ахлоқий-таълимий масалалар олға сурилган.

1482 йилда ёзилган "Субҳат ул-абор"/"Яхшилар тасбеҳи"/ маснавийси тўлалигича фалсафий-ахлоқий мазмундадир. Бизнингча, у "Ҳафт авранг"даги Навоий қунт билан ўрганган асарлардан биридир. Чунки унда сўфийлик, тасаввуф мақомоти ва аҳволи нақшбандийлик нуқтаи назаридан мукаммал бадий таҳлил этилган. Асар анъанавий

бошланмалар ва хотимадан ташқари, 40 иқд/боб/ дан иборат. Маснавийдаги асосий масалалар шу иқдларда ўз аксини топган. Ҳар бир иқдда муайян масала, мақом ёки ҳол назарий асослангандан кейин уни далилловчи ҳикоятлар ва муножот берилган.

Асарнинг дастлабки иқдларида дил ҳақиқати, вужуд ҳақиқати, сўз ва унинг қудрати, ёқимли гап қабила ҳақида фикр юритилган. Жомий "тан ба чон зиндаву чон зинда ба дил", яъни тан жон билан тирик, жон эса қалб билан, дейди/2.42,31/. Улуғ шоирнинг фикрича, қалби уйғоқ бўлмаса ундай одам ўликдир. Жомий, айниқса, сўзга алоҳида аҳамият беради. Одамнинг одамийлиги ундандир, деб ширин сўз, ёқимли гапни ҳатто шеърдан ҳам устун қўяди. Жомий тасаввуф назариёт-чиси сифатида тариқат мақомоти ва аҳволини чуқур таҳлил этади. У, аввало, мақомлар ҳақида тўхталиб, тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, шукр, хавф, ражо, таваккул ва ризо ҳақида фикр юритади.

Абу Наср Саррож, Абдуллоҳ Ансорий хавф ва ражони аҳволга киритсалар, Жомий уларни мақомлар қаторига қўшади. Чунки нақшбандийликда Аллоҳдан қўрқиш, унинг қудратидан ваҳимага тушиш, шу билан бирга, фақат ундан умид қилиш тарғиб этилардики, хавф ва ражода шу жиҳат акс этади. Нақшбандийликда шукр ҳам мақом даражасида эди.

Улуғ шоир мақомлардан сўнг учта ҳол-муҳаббат, шавқ ва қурб ҳақида тўхталади. Бошқа адабиётларда қайд этилган унс, итмонин, мушоҳада, яқин сингари аҳвол кўринишлари ҳақида фикр юритмайди. Чунки нақшбандийликда Аллоҳ инояти билан юзага келувчи ҳолнинг мантиқий жиҳатига эътибор бериларди. Бунда, асосан, Аллоҳга кучли муҳаббат, ундан завқ-шавққа тўлиш ва унга ғоятда яқинлик эътиборга олинарди. Жомий самоъга ҳам алоҳида тўхталган.

Асарда нақшбандийлик тариқати одобларига ҳам катта ўрин ажратилган. Чунончи, ҳаё, ғутувват, қаноат, тавозуъ, ҳилму маджоро, тааллуф кабилар шулар жумласидан бўлиб, Жомий улар ҳақида тўхта-лар экан, ўз фикрларини турли пандномалар, ҳикоят ва ривоятлар би-лан чуқур далиллайди. Жомий султонларга, давлат арбоблари, ўғли Зиёуддин Юсуф ва ҳатто ўз нафсига ҳам панд-насихат берадики, булар ҳаммаси яхлит ҳолда асарни тасаввуф пандномаси дейишга имкон беради. Жомий маснавий хотимасида ўз асарининг Навоийга маъқул келишини орзу қилган эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Навоий ўзининг ахлокий-тарбиявий мазмундаги асарларини яратишда ундан озиқланганлиги сезилади. Чунончи, Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" ва "Маҳобу ул-қулуб" каби асарларида "Субҳат ул-аброр"нинг таъси-рини кўриш мумкин.

Жомийнинг "Юсуф ва Зулайхо"/1483/, "Лайли ва Мажнун"/1484/ дostonлари муҳаббат мавзусига бағишланган бўлиб, уларда мажозии ва ҳақиқий ишқ жараёни таҳлил этилган. Жомий ўз дostonларининг ботиний мазмунига ваҳдат ул-вужуд ғоясини сингдириб юборган. Бу нарса асар қаҳрамонларининг ҳақиқий ишқ поясида фанога етишиш-лари ва ундан васл бақосига эришишлари тасвирида акс эттирилган. Зеро, ҳар иккала дostonда ҳам ошиқ ва маъшуқларнинг фанодан кейи-ги қовушишларига урғу берилиб, аҳад ва касратнинг ваҳдати поэтик тарзда махсус таъкидланган. 1485 йилда ёзилган "Хирадномаи Исканд-рий" /"Искандарнинг донишмандлик китоби"/да эса Жомий ўзининг адолат, илм-маърифат ва халқпарварлик борасидаги қарашларини нақшбандийлик силсиласи нуқтаи назаридан умумлаштириб берган.

Навоий ўзи хабар берганидек, у Жомий ҳузурида бошқа муаллиф-ларнинг ҳам тасаввуфга доир асарларини ўрганган. Юқорида шундай асарлардан Фаҳриддин Ироқийнинг "Ламаот"и ҳақида тўхталган эдик.

Қуйида Навоий тилга олган учта асар ҳақида ҳам қисқача фикр юритамиз. Улардан бири Хожа Муҳаммад Порсонинг "Қудсия"/"Авлиёлик"/рисоласидир. Бу асарда Хожа Баҳоуддиннинг сўзлари, турли суҳбат ва йиғинларда билдирган фикрлари жамланган. Хожа Муҳаммад ўз муршиди фикрларини ёритиш жараёнида уларни кенг шарҳлаб, ўз қарашларини ҳам қўшган. Асарда, аввало, нақшбандийлик силсиласи шаҳараси берилган. Сўнгра, тасаввуф истилоҳлари шарҳланади. Чунончи, Аллоҳнинг қудрати ва буюклиги акс этган жалол, унинг гўзаллигини ифодаловчи жамол, Аллоҳ номлари, зикр ва унинг турлари, шунингдек, сўфийнинг ҳақиқатга етиш босқичлари, авлиёлик, фано ва бақо тушунчалари кабилар кенг таҳлил этилган.

Иккинчи асар Абу Исмоил Абдуллоҳ Ансорийнинг "Илоҳийнома" рисоласидир. Ансорий XI асрнинг буюк сўфийси, шоири ва олими эди. У Ҳиротда туғилиб, ўша ерда яшаб ўтганлиги сабабли Пири Ҳирот лақабини олган. Унинг отаси ҳам сўфий эди. Ансорий дастлаб ислом қонуншунослиги билан шуғулланган. Бироқ 1032-33 йиллар орасида машҳур сўфий Абулҳасан Ҳарақоний билан танишгач, унга мурид бўлади ва тасаввуф билан шуғулланади. Ансорий тасаввуфга доир "Табақот ус-сўфия", "Қанз ус-солиқин"/"Сўфийлар хазинаси"/, "Манозил ус-соирийн"/"Сайр этувчилар манзили"/, "Юз майдон", "Илоҳийнома" сингари асарлар яратган.

"Илоҳийнома" "Муножот" номи билан ҳам машҳур. Бу асар уч мақоладан ташкил топган. Ҳар бир мақола ҳам уч қисмдан иборат бўлиб, у, аввало, мукалама/савол-жавоб/, сўнг, мухотаба/ Аллоҳ ёки тингловчига хитоб/, кейин, мавъиза/панд-насихат/га бўлинади. Бу бўлимлар тасаввуфнинг турли масалаларига бағишланган.

Ансорий "Илоҳийнома"да, аввало, Аллоҳнинг моҳиятини чуқур очишга ва инсоннинг у билан алоқасини кўрсатишга интилади. Улуғ сўфийнинг фикрича, Аллоҳ-мутлақ борлик. У-азалий нур. Қолган барча

нарсалар ўша нурнинг акси. Аммо улар орасида инсон алоҳида ўринга эга. Инсон бевосита илоҳий нурдан вужудга келган. Шу сабабли инсон ўзининг яратувчисига ошиқдир. Ҳақиқий ишқ уларни бирлаштиради. Бироқ ошиқ маъшуққа интилгани сари уни ўзида кўради: "Илоҳо Сени излаб ўзимни топардим, энди ўзимни излаб сени топяпман"/2. 25,106/. Ансорий ишқ, ошиқлик масаласини сўфиёна тадқиқ этади. Унингча, ишқ илоҳий моҳиятга эга. Улуғ мутафаккир ишқни гоёт улуғлайди: "Ишқнинг асоси машаққат бўлса-да, сўнгги манзили осудалиқдир. Ким ошиқ бўлмаса, у хайвондир. Ишқсиз киши кўршапалак каби кўр бўлса, бунинг учун кундузда нима гуноҳ"/2. 3,161/.

Ансорийнинг талқинича, сўфийлик, энг аввало, камолотга интилишдир. Сўфий комил инсон бўлгандан кейингина ҳақиқатга эришади. Бунинг учун у ҳар жиҳатдан ўзини мукаммаллаштиравери лозим. Ансорий ўз асарида сўфийларнинг камолотга етиш талабларини ҳам ишлаб чиқади. У ёзади: "Ун олти нарса Аллоҳга дўстлик ва бандалиқнинг асосидир: 1. Олижаноблик, бегараз бўлсин. 2. Сухбат зарар келтирмасин. 3. Ҳамфикрликка зиддият қўшилмасин. 4. Яшаш озорсиз бўлсин. 5. Сўз рост бўлсин. 6. Дўстликка адоват аралашмасин. 7. Ишқ пок бўлсин. 8. Кўз боқиши холисона бўлсин. 9. Билим нодонлик билан бўлмасин. 10. Хомушлиқ ибодат билан бўлсин. 11. Қарор асосли бўлсин. 12. Ишончга хиёнат аралашмасин. 13. Лукма ҳалол бўлсин. 14. Дўст гуноҳи кечирилсин. 15. Кечаси намоз, кундузи зиёрат билан ўтсин. 16. Кўнгилни соф ҳолда хизматга йўллагинки, у охиратингга кўмаклашсин"/2. 25,102/.

Ансорий илмга алоҳида эътибор қаратади. Илм ўрганмай Аллоҳни билиш мумкин эмас, дейди у. Шу сабабли у сўфийларни ва умуман, ҳамани илм олишга чақиради: "Яхшилик ва хайрли ишларга илм орқали эриш, илм ўрганишдан кўнгилни ториқтирма. Нодонни тирик ҳисобла-

ма"/2.3,163/. Ансорий сўфий айниқса ўз тилига эҳтиёт бўлиши лозимлигини махсус таъкидлайди: "Оқибати узр сўрашга олиб келадиган ҳеч нарсани айтма. Аввал ўйлаб ол, сўнгра гапир. Тилингни дашномга одатлантирма. Касал, нодон ва мастга насиҳат қилма. Кўрмасдан ва эшитмасдан гапирма. Рост сўздан юз ўгирма. Жавоб сўзни айтишда шшилма"/2. 3, 162-163/. Асарбошидан-оёқ шундай ахлоқий-таълимий мазмунга йўғрилган бўлиб, у сўфийлар учунгина эмас, оддий фуқаро учун ҳам юксак тарбиявий аҳамиятга эга эди. Шу сабабли Ансорий авлодларидан Хожа Абдуллоҳ деган киши "Илоҳийнома"ни Навоийга олиб келганда, улуг шоир дастлаб фақатгина унинг дебочаси билан танишиш мақсадида кўз югуртиради-ю, сўнг асарга бирданига қаттиқ қизиқиб қолади. Буни Навоийнинг ўзи ҳам эътироф этади: "...сўзнинг хўблуг ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвдин ортуғроқ эрди-итмомга етти"/1. 95,13/. Ажойиб шундаки, Навоийдан олдинроқ "Илоҳийнома"ни Жомий ҳам бир ўқишда тугатган эди. Навоийга "Илоҳийнома" ниҳоятда маъқул бўлганди. Шу боисдан у Жомий ёрдамида рисола ни қайтадан чуқур ўргангани ва ўзининг "Муножот" асарини яратишда ундан озиланади.

Юқорида эслатганимиздек, Ансорий Абулҳасан Харақонийга мурид бўлгач, тасаввуфда унинг йўналиши бўйича кетган эди. Тадқиқотчилар Ансорий айрим асарларини Харақоний ижоди таъсирида яратганини эслатадилар. Чунончи, профессор Е.Э.Бертельс Ансорийнинг "Муножот"/"Илоҳийнома"/и Харақонийга нисбат берилган "Нур ул-улум"/"Билимлар нури"/ асарининг 5-боби таъсирида яратилганини қайд этади/3.8,232/. Дарҳақиқат, уларда муштарак хусусиятлар мавжуд бўлиб, Ансорий ўз муршиди фикрларини ижодий равишда ривожлантирган. Харақонийнинг тасаввуф бобидаги қарашларини Али Фор-

мадий орқали Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳам қабул қилган эди. Маълумки, Хожа Юсуф Ҳамадоний хожагон-нақшбандийлик силсиласини бошлаб берган Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг муршиди эди. Шу сабабли хожагон-нақшбандийлик силсиласи вакиллари ўртасида Ансорий асарлари ҳам гоят қадри бўлиб, муридлар муршид кўмагида уларни чуқур ўрганар эдилар. Навоийнинг "Илоҳийнома"ни чуқур ўрганиши шу жиҳат билан боғлиқдир.

Навоий Ҳомий ҳузурда ва раҳбарлигида ўрганган учинчи асар ҳақида қуйидагича ёзади: "Яна хазрати Хожа Убайдуллоҳ... нинг оталари ишорати билан битилган рисоаларидур, ҳам ғақр ва ғано тариқидаким, оз ўғулга бу давлат муяссар бўлуб эркинким, ота амри билан бу навъ шойишта хизмат қилмиш бўлғай ва андоқ шисандида амр бажо келтирмиш бўлғай"/1.95,61/. Бу ўринда Навоий номини кўрсатмай эслатаётган ва отасининг тавсияси билан Хожа Убайдуллоҳ томонидан яратилган асар "Волидия"/"Оталик"/ рисоласи эди.

Рисола бошдан-оёқ нақшбандийлик силсиласи масалалари шарҳи ва тарғибига бағишланган. Бу силсила шарият йўли билан борганлиги сабабли рисола, аввало, Қуръондаги "Мо халақт ул-жинна вал-инсе илло лийаббудуна", яъни мен жин ва инс/одам/ни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим/"Ва-з-зориёт" сураси, 56-оят/ оятни шарҳлашдан бошланган. Сўнг Аллоҳнинг яккалиги, азалийлиги, қудрати; унга ҳамиша ишониш ва шак келтирмаслик; Қуръон ва суннат йўлидан юриш, шариятга риоя қилиш; ҳамиша шукр этиш, нафсни тийиш ва пайғамбар каби ғақрни касб этиш ҳақида чуқур мантиқий фикрлар юритилади. Шундан кейин нақшбандийлик гоёлари шарҳи берилади. Хожа Убайдуллоҳ юзада халқ билан, ичда Аллоҳ билан бўлиш масаласига тўхталиб, буни икки руҳ бирлашувининг дастлабки асоси сифатида талқин этади:

Зоҳирий халққа, ботин Ҳаққа,
Болиғи солиқ ота андоққа.
Ошно ич сари, тош бегона,
Бу равишча равиш ўлмас яна.
Дунёда ҳар кишига тенгрига дил,
Ушбу янглиғ мутааллиқ эса, бил
Руҳи асли сари бўлғач роҳиъ,
Иттисоле топар ул бемониъ/1.20,9/.

Шунингдек, рисолада фақат Аллоҳни ўйлаш/"Отини қалбингга кўп мазкур эт, Ёр райрини кўнгулдин дур эт"/, зикр машғулоти, унинг турлари, зикр иборасининг афзали/"Вирду азкор ичида, эй огоҳ, Афзали ло илоҳа илло-л-лоҳ"/, ҳамisha хуфий зикр билан Аллоҳга муножотда бўлиш, умрнинг ўткинчи эканлигини унутмаслик, ҳар бир нафасни сўнггиси деб билиш/"Дами охирки, чиқар сандин бил, Ҳар нафасни дами охир билгил"/, эл билан бирга бўлиш, ширга итоат этиб, унинг суҳбатидан баҳра олиш/"Ўзни сен рост итоат била қил, Ҳамнишинлик бу жамоат била қил"/, тариқат адабини чуқур эгаллаш ва унга қаттиқ риоя этиш/"Зоҳиру ботин адаб маръий тут, Беадаблик равишу роҳин унут"/ ва бошқа масалалар ёритилган.

Шундай қилиб, юқорида ҳар бири қисқача шарҳланган асарларни, қайд этилганидек, Навоий Жомий ҳузурида, унинг раҳбарлиги ва ёрдамида ўрганган эди. Бу асарларни Жомий ҳузурида ўрганганлигини Навоийнинг ўзи ҳам тилга олар экан, шундай қўшимча қилади: "Яна дағи баъзи расоил бор, агарчи сабақ дастури била ё муқобала қонуни била алар/Жомий-А.А./ хизматида ўқулмайдур, аммо мушкил маҳаллари алардин сўрулуб, таҳқиқ қилилибтур"/1.95,61/. Бу ўринда ҳам Навоий асосан тасаввуфга доир мустақил ўқиган асарларини кўзда тутди. Бизнингча, бундай асарлардан бири Абулҳасан Али Ҳажвирийнинг "Кашк

ул-махжуб"/"Пинҳонликнинг очилиши"/ асаридир. "Насоим ул-муҳаббат"да бу асар қайта-қайта тилга олинади. Бир ўринда ҳатто асарга шундай таъриф берилади: "Кашф ул-махжуб" ...бу фан/тасаввуф/-да машҳур ва мўътабар китобдур"/1.96,114/. Асар муаллифи Абулҳасан Али бинни Усмон Жулобий Ҳажвирий Ғазнавий XI асрда яшаган машҳур сўфий, шоир ва олимдир. У Ғазна шаҳрида туғилган. Жулоб ва Ҳажвир Ғазна шаҳридаги ёнма-ён маҳаллалар бўлганлиги сабабли унинг номида ҳам Жулобий, ҳам Ҳажвирий, ҳам Ғазнавий нисбатлари бирга қўлланган. Бироқ улар орасида Ҳажвирий нисбати оммавий бўлган. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, Ҳажвирийнинг сўфийликдаги муршиди Жунайд Бағдодий тариқати издоши Абулфазл Муҳаммад бинни Ҳасан ал-Хутталиий бўлган экан/2.37,143/.

Ҳажвирий яратган асарлар орасида "Кашф ул-махжуб" алоҳида ўрин тутаяди. У тўлалигича тасаввуфга бағишланган асар бўлиб, икки катта қисмга бўлинади. Биринчи қисм 14 бобдан иборат. Унда тасаввуфдаги руҳий поклик ва ихтиёрий фақр масалалари таҳлил этилиб, 74 та сўфий таржимаи ҳоли ёритилади. Бундан ташқари, шу қисмда Ҳажвирий биринчи бўлиб тасаввуф силсилалалари ҳақида батафсил фикр юритиб, улардан 12 тасини кенг таҳлил этади. Асарнинг иккинчи қисми эса савол-жавоб тарзида битилган. Саволлар Ҳажвирийнинг замондоши машҳур сўфий Абу Саид ал-Ҳажвирий томонидан қўйилган бўлиб, жавоблар Абулҳасан Ҳажвирийнинг ўзига тегишлидир. Бу қисм 11 бобдан иборат. Унда тасаввуфнинг назарий ва амалий масалалари, сўфийликнинг шарият қоидаларига алоқаси, тасаввуф истилоҳлари, сўфийлар олдига қўйиладиган талаблар ёритилган.

Ҳажвирий сўфийлик йўлига кирган ҳар қандай киши шарият қоидаларига қатъий риоя этишини талаб қилади. У самовий бидъат дейди ва уни ман этиш зарурлигини таъкидлайди. Ҳажвирийнинг бу иккала

фигри ҳам нақшбандийликда қабул қилинган ва ривожлантирилган. "Кашф ул-мажҳуб" тасаввуф тарихи ва назарияси бобида яратилган илмий мукаммал манба бўлганлиги сабабли кейинги даврларда ҳаминча унга сўянилган. Навоийнинг бу асарга юқори баҳо беришининг сабаби ҳам шу билан боғлиқдир. "Кашф ул-мажҳуб" рус олими В.А. Жуковский томонидан 1926 йилда чоп этилган.

Бироқ қайд этиш лозимки, Навоийнинг ўз муршиди раҳбарлигида ўрганган асарлари орасида "Шарҳи рубоиёт" рисоласи алоҳида ўрин тутаяди. Жомий қаламига мансуб бу асар 1473 йилда яратилган. Унда Жомий ўзининг 46 рубойисини шарҳлаган. У шарҳ жараёнида Ибн Арабий, Садриддин Қунийавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Мавлоно Саъиддин Кошғарийларнинг фикрларини ҳам келтириб, ваҳдат ул-вужудга доир қарашларини олға суради.

Жомий ваҳдат ул-вужудга доир баҳсларга тўхталиб, аввало, бу боладаги икки хил қарашни алоҳида таҳлил этади. Биринчи қараш тарафдорлари философлар бўлиб, Жомийнинг ёзишича, "...улар айтадиларки, вожиб ул-вужуд умумий бўлмайди, яъни унда умумийлик ва бошқа нарсаларда намоён бўлиш йўқ. Зеро, умумий мавжудлик ташқи оламда ноаниқ тарзда юз бермайди"/2.46,276/. Иккинчи қараш сўфийларга тегишли бўлиб, улар "... айтадиларки, ҳақиқий борлиқ айнан вожиб ул-вужуддан иборат. У бутун ҳам, парча ҳам, ғуқаро ва улдуғлар ҳам бўлмай, ҳамма билан мукаммал боғлиқдир... Бу ҳақиқат ҳамма нарсаларда зухур этади, чунки ҳеч нарса ундан холи эмас, агар ҳақиқий борлиқдан холи бўлса, мавжудликнинг бирор белгиси ҳам пайдо бўла олмасди"/2.46,277/.

Жомий сўфийлар фикрини ёқлайди. У барча мавжудот манбасини ягона вужуд ул-Ҳаққа боғлаб, унинг эса беш босқичда намоён бўлишини кўрсатади. Биринчиси, ҳазрати зот, яъни илоҳий моҳият бўлиб,

у мутлақ ғайб ҳам дейилади. У асл маънодир. У ҳақда ҳеч ким аниқ гапира олмайди, чунки у ҳеч нарсага сирмайди. Иккинчиси, ҳис ва мушоҳада мартабаси бўлиб, у биринчи мартабанинг тазодидир. Бу босқич ердан кўккача бўлган барча жонли ва жонсиз нарсаларни ўз ичига олади. Учинчиси, ғайб босқичининг давоми бўлиб, ундан қуйи-роқдадир. Уни рух ёки арвоҳ босқичи дейилади. Тўртинчиси, ҳис босқичининг давоми бўлиб, мисолу хаёл, яъни далил ва тафаккур босқичи дейилади. Бешинчиси, шу босқичларнинг ҳаммасини умумлаштирувчи мартаба бўлиб, у олам ҳақиқати ва инсон шакли унсурларини ифода-лайди/2.46, 282/.

Шундай қилиб, вужуд ул-Ҳақ маъно, исм, рух, хаёл ва мушоҳадада намоён бўлади. Уни идрок этиш эса икки қисмга бўлинади. Унинг, аввали, оламдаги барча нарсаларни англашдан бошланади. Иккинчиси, мавжудлик моҳиятини тушуниш билан боғлиқ бўлиб, бу ўзини англаш орқали Аллоҳни идрок этиш маърифатидир. Идрокнинг бу қисми ҳамма нарсада тўла камолот даражасига етиш, яъни комил инсонлик мартабасидир. Бунга инсон ўзини ҳар жиҳатдан шакллантириш, тўла покланиш орқали эришади. Бу эса Аллоҳга интилиш жараёнидир. Юқорида қайд этилганидек, Жомий "Лавомеъ" рисоласида инсонда Ҳақ зухур этганини унинг интилиш фаолияти билан боғлаб кўрсатиб, шундай ёзади: "... унга қанча интилсанг, ўшанча боғлиқлигингни сезасан ва бунда сенинг мавжудлигинг ҳам ўзингга назарингдан бошланади. Агар ўзингга юз бурсанг, унга юз ўттирган бўласан ва шу каби ўзинг тўғрингда фикр юритган бўласан. Шундай қилиб, тааллуқли бўлганнинг ўзи асос бўлади ва аналҳақ хувалҳаққа айланади, яъни мен Ҳақ, у Ҳаққа айланади"/2.7, 180/. Шу сабабли ҳам Абдурахмон Жомийнинг юртдоши Шайх Аҳмад Жомий Аллоҳни "сен ўзингни инсон шакли ва қиёфасида кўрсатдинг" дейиши бежиз эмас эди. Зеро, Аллоҳ ва инсон руҳан боғлиқдир. Гуё денгиз ва тўлқин бир-бирига вобас-

та бўлганидек. Демак, Ҳақ кўринишда инсон, инсон эса мазмун моҳиятига кўра Ҳақдир.

Жомий денгиз ва кўпикларни қиёслаб, шакл турлича бўлса-да, мазмун битта, дейди. Шу сабабли одамгина эмас, хатто ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳам илоҳий моҳиятга эга. Бу уларнинг ривожланиш жараёнида акс этади. Чунки улар ҳам илоҳий нурдан баҳраманд бўлмаганда ҳаётийликка эга бўлмас, яшай олмасди. Аслида Аллоҳнинг инсон ва табиатда зуҳур этишини дастлаб Мансур Ҳаллоҷ олға сурган эди. Унингча, ҳамма нарса моҳиятан Аллоҳ ёки ҳаммада Аллоҳ зуҳур этади. Аммо Ҳаллоҷ барча моддий нарсалар Аллоҳдир демайди. Унингча, Аллоҳ пок вужуд экан, бунга фақат инсон этиши мумкин. Шунда ҳам у руҳан поклансагина. Зеро, инсоннинг ўзини Ҳақ дейиши унинг моддий жисмига нисбатан эмас, балки руҳий поклиги, комиллигига нисбатандир. Ҳаллоҷнинг "Ан ал-Ҳақ"и шу мазмунга эга эди. Шунга кўра, Жомий талқинича, моддий олам, яъни касрат ранг-баранг бўлса-да, руҳий олам, яъни илоҳий руҳ уларни бирига бирлаштиради. Шу сабабли оламнинг ягоналиги унинг моддийлиги билан эмас, балки ягона илоҳий руҳга боғлиқлиги билан белгиланади. Зеро, Ибн Арабий айтганидек, ҳақиқий вужуд барча нарсалар шаклида ўз мужассамига эгадир. Агар унга ягоналик жиҳатидан қаралса, у-Ҳақ, борди-ю, унга нарсалар шаклида акс этган тажассуми жиҳатидан қаралса, у Ҳақдир.

Жомий Ибн Арабийнинг вужуд ҳақидаги фикрини шарҳлаб, "Нақд ан-нусус"да шундай ёзади: "... вужуд лафзини вожибга нисбатан шунинг учун қўллайдиларки, у ўзича мавжуддир. У билан боғлиқ бўлганлиги учун вужуд дунё ашёларига нисбатан ҳам қўлланади. Зеро, нур руҳнинг ўзидан равшанлик олади, бошқа ёруғликлардан эмас. Чунки барча равшанликлар манбаи ҳам ундандир"/4.4, 4/. Шунга

кўра, ваҳдат ул-вужуд, бир вужуд, яъни битта борлиқ ҳамда ягона вужуд, яъни яхлит борлиқ маъноларида қўлланади. Унинг, аввалгиси, вужуди аҳад ҳам дейилади. Чунки Аллоҳ сифатларсиз ҳолда аҳад атамасига эга. Иккинчисининг эса, вужуди воҳид номи ҳам бор. Зеро Аллоҳ сифатлар, яъни нарсалар билан бирга олинганда воҳид дейилади. Бунда аҳад истилоҳи ёлғиз, якка маъноларини, воҳид эса яхлит, бир бутун мазмунини ифодалашни кўзда тутилган.

Жомий Аллоҳни аҳад ва воҳид дер экан, яна аввал, охир, зоҳир ва ботин истилоҳлари билан ҳам сифатлайди/2.41, 9-10/. Уларнинг барчасини эса ваҳдат ул-вужуд нуқтаи назаридан шарҳлаб, Аллоҳ тавҳидига тўхталади. Аввало айтиш мумкинки, тавҳид ва ваҳдат ул-вужуд истилоҳларининг ҳам муштарак, ҳам фарқли томонлари бор.

Уларнинг бир-биридан фарқланишига дастлаб машҳур шоир Муҳаммад Иқбол /3.44, 184/, сўнг таниқли адабиётшунос И. Ҳаққулов /1.203, 19/ эътибор қаратган эдилар. Шу билан бирга, уларда муштараклик ҳам бор. Тавҳид ва ваҳдат ул-вужуднинг муштараклиги уларнинг бирлиқни ифодалашларида акс этади. Фарқ эса тавҳиднинг исломга, ваҳдат ул-вужуднинг тасаввуфга алоқадорлигидадир. Дарвоқе, Қуръонда Аллоҳ тавҳиди махсус таъкидланади: "Эй Муҳаммад/, айтинг: "У -Аллоҳ бирдир/ яъни унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У якка ёлғиздир/" /"Ихлос" сураси, 1-оят/. Бироқ шуниси ҳам борки, тавҳид коинот ва заминни бир деб тушунишни ҳам ўз ичига олади. Шунга қарамай, унинг асосида Аллоҳнинг бирлиги ётади.

Ваҳдат ул-вужуд Аллоҳ ва оламнинг бирлигидир. Аслида унинг пайдо бўлишига вужуд ягоналигини ифодаловчи тавҳид асос бўлган. Шунга қарамай, у Аллоҳ аҳадиятини эмас, балки унинг воҳидлигини ифодалаб, тавҳиддан фарқланади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, тавҳиднинг ғоявий тазоди ширк, яъни Аллоҳнинг шериги бор

дейиш бўлиб, бу исломда куфр саналади. Ваҳдат ул-вужуднинг тазоди эса касрат, яъни кўшлик бўлиб, у тасаввуфий мазмунга эга. Чунки касратда ҳам Аллоҳ зухур этади. Шу сабабли ваҳдат ва касратнинг бирлиги ваҳдат ул-вужудни ифодалайди. Фаридиддин Аттор талқинидаги худди шу масалага эътибор қаратган таниқли адабиётшунос Н. Комилов бу борада шундай ёзади: "... борлиқни ваҳдат ва касрат деб иккига бўлганимиздан кейин, улар ўзаро зид маъноли тушунчалар бўлиб қолиши мумкин. Аммо ҳамма гап шундаки, касрат олами ўз-ўзича яшай олмайди, у яратилган бўлганлиги учун Жавҳари зот туфайли мавжуддир. Яъни мавжудотнинг ҳар бир зарраси, бутун олам ашёлари, фалақдан малаккача, инсу жинс, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган жамики жонли ва жонсиз нарса-ҳодисалар Ҳақ таоло нури-тажаллисидан баҳраманд ва шу боис ҳар бири алоҳида хусусиятларга эга. Касрат олами гўё ваҳдат оламининг аёнлашуви, инъикоси" /1.16, 74/. Тўғри фикр. Дарвоқе, шу сабабли Аллоҳ ҳам яширин, ҳам намоён. Унинг яширинлиги ўзида, намоёнлиги эса касрат оламидадир. Аллоҳ олам ва инсонсиз кўринмас ҳолда бўларди. Шунингдек, олам ва одам ҳам Аллоҳсиз йўқ эди. Фил-ҳақиқат, шу боис жами олам ақли кулл суратидан иборат. Ақли кулл моддий нарсаларнинг ички оламини белгилайди. Чунки ақли кулл яширин моҳият, олам эса шу моҳиятнинг намоён бўлишидир. Шу сабабли олам ҳам мавжудликка мансуб. Чунки Аллоҳ борлиқнинг жони сифатида унга мазмун бағишлайди, касратда акс этган олам эса Аллоҳнинг тани, намоён бўлишидир. Шу сабабли тан фаолиятни руҳдан олади. Бироқ шуниси ҳам борки, Аллоҳ жисмоний вужудга эга эмас, лекин у вужудга келтиради ва ҳаракатга солади. Демак, яратилганлар унинг вужудидир. Бу ҳақда Ибн Арабий шундай дейди: "Вужуд ул-маҳлуқот айн вужуд ул-ҳолиқ", яъни яратилган мавжу-

дот вужуди яратувчи вужудининг моҳиятидан иборат/3.35,366/.

Ибн Арабий вужуд сўзини модда, ташқи жисм маъносида эмас, балки ички моҳият, асос маъносида талқин этади. Ақли куллнинг руҳий оламга тегишли эканлиги ҳам шундан. Воқеан, вожиб ул-вужуд ақли куллини яратгач, у эса нафси куллини вужудга келтирди. Нафси кулли борлиқдаги барча ўзига тортувчи нарса ва ҳодисалар да муҷассамланиб, уларни ҳаракатга солди. Шундай қилиб, олам ҳам иккига бўлинди. Юксақдан жой олган лоҳут олами ва унинг остида ривожланувчи носут олами. Ҳазрати зот, ақли кулли ва нафси кулли лоҳут оламида, барча нарсалар эса носут оламида соқиндирлар. Бироқ барчага асос Ҳазрати зот, яъни Аллоҳдир. Жомий шу моҳият зухурини қуйидагича кўрсатади:

Номи ў ганчи номаи лоҳут,

Ганчи пинҳони ғайб аз ў пайдо.

Ҳама асмо мазоҳири зотанд,

Ҳама ашә мазоҳири асмо/2.39,90/.

/Унинг номи лоҳут лавҳасининг хазинасидир, шу сабабли ғайбнинг яширин хазинаси ҳам ундан пайдо бўлган. Ҳамма исмлар Ҳақнинг намоён бўлиши бўлса, барча ашәлар эса шу исмларнинг кўринишидир/.

Жомий Аллоҳ ва олам алоқаси ҳақидаги фикрини хулосалар экан, ёзади: "Ҳама аз ўсту гар нек бингарй, ҳама ўст", яъни агар яхши эътибор берсанг, ҳамма ундан вужудга келган, шу билан бирга, ҳамма унинг ўзидир/2.44,125/. Жомий ваҳдат ул-вужудга доир қарашларини ривожлантириб, Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллоҷга яқинлашади. Уларнинг фикрларини ўзгача тарзда қувватлаб, "Ҷомий даруни хирқай худ ёфт дўстро", яъни Жомий дўст/Аллоҳ/ни ўз хирқасининг ичидан топди, дейди/2.39,172/. Жомий буни Ҳақ тавҳиди сифатида

талқин этади.

Урни келганда қайд этиш лозимки, Жомий тавҳидга махсус тўх-талиб, "Нафаҳот ул-унс" асарида уни чуқур таҳлил этган. Жомий ижодидаги бу масалага социалистик мафкура нуқтаи назаридан бўлса-да, профессор М. Ражабов ҳам эътибор қаратган эди/3.36, 106/. Юқорида эслатганимиздек, Аллоҳнинг бирлиги ва ягоналикка интилишни ифодаловчи тавҳидни Жомий тўртга бўлади: имоний тавҳид, илмий тавҳид, ҳол тавҳиди ва илоҳий тавҳид. Адабиётшунос Н. Комилов Ф. Аттор ҳам тавҳидни худди шу тарзда тўртга бўлганини кўрсатган эди/1.16, 78/.

Жомий талқинича, имоний тавҳидга шарият доирасида эришилади. У Қуръон, ҳадис ва валийлар фикри асосида ички ишончга етиб Ҳақ ягоналигига имон келтиришдир. Илмий тавҳид эса тариқат риёзати жараёнида қўлга киритилади. Бу жараён илмдан иборат. Шу сабабли тариқатга кадам қўйган солиқ ўз илмий кузатишлари асосида Аллоҳнинг ягоналигини англаб этади. Ҳол тавҳиди тариқа ахволи орқали Аллоҳнинг ягоналигини билишдир. Бунда солиқ ўз риёзатлари жараёнида Аллоҳ иноятига этади ва унга қўшилиб важд ҳолатида Ҳақ ягоналигини туюди. Илоҳий тавҳид охириги манзил сифатида Ҳақ бирлигини англашдан ўтиб, бевосита унга қўшилиб, бирикиб кетишдир. Бу ўз вужудини инкор этиш ва ўзида Ҳақни кўришдир. Жомий сўнгги босқични шу тарзда талқин этади:

Тавҳиди Ҳақ, эй хулосаи мухтараот.

Бошад ба суҳан ёфтан аз мумтанаот.

Рав, нафйи вужуд кун, ки дар худ ёбй,

Сайре, ки наёбй зи "Фусус"у "Ламаот"/2.40, 540/.

/Ҳақ тавҳидини, эй ихтиролар хулосаси, яъни инсон, сўз, яъни асарлардан топиб бўлмайди. Бор, вужудингни инкор эт, яъни фанога

эриш, шунда уни ўзингда кўрасан. Аммо ахтарганинг билан у "Фусус /Ибн Арабий асари/ да ҳам, "Ламаот"/Фахриддин Ироқий асари/ да ҳам йўқ/.

Хуллас, Жомий ваҳдат ул-вужудни маъқуллаб, Аллоҳ ва олам бирлигини комил инсон тавҳиди орқали асослайди. Демак, олам Аллоҳ тажаллиёти бўлса-да, барча яратилганлар Ҳаққа восил бўлмайди. Ҳаққа етиш фақат инсонга хос. Шунда ҳам бу даражага ҳамма эмас, фақат комиллар мушарраф бўлади. Бироқ шунинг ўзи ҳам ваҳдат ул-вужудни тасдиқлай олади. Чунки унда ҳам исломий, ҳам тасаввуфий тавҳид акс этади. Шу боисдан ҳам Навоий Жомийнинг бу борадаги фикрларини унинг ўз ҳузурда чуқур ўрганли ва уларни ривожлантирди. Зеро, Жомий Навоийга бадийий ижодда устоз бўлиш билан бирга, тасаввуф йўлида муршид ҳам эди.

Шуниси ажойибки, Навоийнинг бошқа муршид ва устозлари ҳам ваҳдат ул-вужуд тарафдори эдилар. Чунончи, Навоийга ота даражасида бўлган Сайид Ҳасан Ардашер, малик ул-калом Лутфий, Мавлоно Муқимий кабилар шулар жумласидандир. Воқеан, Навоий "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер" маноқибида Сайид Ҳасан Ардашернинг ваҳдат ул-вужуд ифодаланган байтларни ихлос билан такрорлаб юганини таъкидлайди. Мароқли томони шундаки, бу байтлар туркигўй шоирлар Мавлоно Лутфий ва Мавлоно Муқимий каламига мансуб эди. Уларнинг иккиси ҳам тасаввуф йўлини тутган дарвеш шоирлар эди. Дарвоқе, Навоий "Насоим ул-муҳаббат"да уларни сўфийлар қаторида тилга олади. Чунончи, Лутфий ҳақида шундай ёзади: "Мавлоно Лутфий таҳсил айёмида Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний хизматига етар экандур ва одоби тариқат сулуқини андин касб қилур эркандур. Агарчи шоирлик тариқида маъруф ва машҳур бўлди, аммо дарвешлик тариқини доғи илкидин бермади... Бу матлаидин бу тоифа/сўфийлар-А.А., шурбонинг чошниси зохирдур:

Улки хусн этти баҳона элни шайдо қилгали,

Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилгали/1.96,181-182/.

Навоий Сайид Ҳасан Ардашер шу байтнинг иккинчи мисрасидаги сени калимасини мени сўзига алмаштириб такрорлаб юрганни келтириб, Дутфийнинг "... бу матлаиға дағи мўътақид эрдиким" дея таъкидлаб ҳам қўяди /1.95,78/.

Сайид Ҳасан Ардашер мўътақид бўлган ваҳдат ул-вужудга доир байтлардан яна бири Мавлоно Муқимийники эди. Навоий Мавлоно Муқимийнинг тасаввуф илмидан хабардорлигини, дарвеш ва машраб киши эканлигини таъкидлаб, унинг асарларида тасаввуф масалалари яхши дарж этилганини қайд этар экан, ёзади: "Бу тоифа истилоҳоти била туркча таржеъ айтибтур ва кўп маоний анда дарж қилиб ва таржеъининг банди бу байт воқеъ булубтурки:

Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,

Сендин ўзга вужудқа не вужуд /1.96,182/.

Агар Мавлоно Дутфий байти "Насоим ул-муҳаббат" ва "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер"да келтирилган бўлса, Мавлоно Муқимий байти бу икки асардан ташқари "Маҷолис ун-нафоис"да ҳам тилга олинган. Бу байтларнинг Навоий томонидан қайта-қайта келтирилиши бежиз эмас эди. Зеро, улар мазмунан бир-бирини тўлдирган ҳолда ваҳдат ул-вужудни ифода этарди.

Мавлоно Дутфий байтида оламнинг яратилиши ҳақида гап боради. Аллоҳ ўзини кўрсатиш учун оламни яратган. Яратилганларда эса ўзи акс этади. Бунда инсон кўзгу. Инсонда Аллоҳ зухур этади. Демак, Аллоҳни инсон ўзидан излаши лозим. Мавлоно Муқимий бу фикрни тўлдирди. Оламдаги барча мавжудотда Аллоҳ вужуди муҷассам. Оламнинг мавжудлиги ҳам шундай. Демак, Аллоҳ ва олам ягона вужуддан иборат. Аммо бу ўринда жисмоний мавжудлик эмас, балки руҳий яхлитлик кўзда тутиляпти. Бу эса иккала шоирнинг ҳам ваҳдат ул-вужуд-

ни тасдиқлаётганини кўрсатади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, аслида ўзбек адабиётида ҳам ваҳдат ул-вужудга доир қарашлар тожик адабиётидагидек анча қадимий илдишларга эга. Бу ҳақдаги илк фикрларни Адиб Аҳмад Юғнакий/ХП аср/ ижодида кўриш мумкин. Алишер Навоий Адиб Аҳмад-ни "Насоим ул-муҳаббат"да сўфийлар қатори тилга олади ва шундай ёзади: "Ҳақ субҳонаху ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқандур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур"/1.96,156/. Бу фикрни Адиб Аҳмаднинг "Ҳибатул ҳақойиқ" асари ҳам тасдиқлайди. Унда унинг қалби уйғоқ, ориф зот бўлгани яхши ақс этган. Адиб Аҳмад фикрича, аввало, табиатдаги барча нарсалар Аллоҳнинг борлигига гувоҳдир. Сониян, шунанга нарсалар ичида ҳам Ҳақнинг мавжудлигига минглаб далиллар топилади:

Сенинг борлигингга танурлуқ берур,

Жумат жон/а/вор учқан, юрган ненг-а.

Сенинг борлигингга далил арқаган.

Бўлур бир ненг ичра далиллар минг-а/1.167,29-30/.

Адиб Аҳмаднинг бу фикрларини тасодиқий деб бўлмайди. Гап шундаки, Навоийнинг ёзишича, у Бардод яқинида яшаган ва замонасининг буюк олимларидан сабоқ олган. Муҳими, Адиб Аҳмад яшаган даврда ваҳдат ул-вужудга доир қарашлар ҳам кенг тарқалиб, ориф шоирлар ижодининг асосий ғоясига айлана бошлаган эди. Дарвоқе, бу анъана кейинги даврларда янада кучайди. Буни, хусусан, ХІУ аср охири ва ХУ аср ўрталарида яшаган Ҳайдар Хоразмий, Саййид Қосимий, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий, Гадоий шунингдек, юқорида тилга олинган Мавлоно Муқимий, Мавлоно Лутфий сингари шоирлар ижодида яққол кўриш мумкин.

Навоийнинг қайд этишича, Ҳайдар Хоразмий замонасининг эътироф этилган шоирларидан бўлган. Унинг "Гулшан ул-асрор" асари панднома характерида бўлиб, унда тасаввуфий одоб-ахлоқ масалалари олға сурилган. Асарда вужуд ягоналиги масаласига ҳам эътибор қаратилган. Ҳайдар Хоразмий талқинича, Аллоҳ оламни яратган. Бу-ҳақиқат. Шоир бу билан чекланмайди. У нарсалар моҳиятига диққатни тортади. Шоирона ўхшатишлар ёрдамида нарсалар моҳиятидаги илоҳий зухурни чизиб беради. Чунончи, матонинг эни ва бўйига тортиладиган ишлар унинг асоси бўлганидек, Аллоҳ ҳам нарсалар асосидир. Чунки ишлар матога мазмун бағишлайди. Нарса, масалан, одам эса илоҳий рухга эгадир. Шоир фикрича, Аллоҳ-тўлин ой. Унинг нури ҳамма нарсада акс этади. Мавжудлик шу нурдан юзага келган ва яна ўша нурга қайтади. Чунки Ҳақ нури моҳият сифатида халқни ўзида бирлаштиради. Унга интилиш ҳам шу билан боғлиқдир. Шу сабабли шоир "Сен тўлун ойсан" дер экан, "Сенсену сен мақсаду мақсуду бас" дея махсус таъкидлаб ҳам қўяди/1.80.140-141/.

Саййид Қосимий эса вужуд ягоналигини очик айтади. Лирик қаҳрамон буни айнуляқин асосида таъкидлайди. Айнуляқин-маърифат босқичларидан бири. Унда мушоҳада асосида айнан кўриладиган нарсанинг моҳияти англанади. Бунинг учун эса тариқатни тўла эгаллаш лозим бўлалди. Шу даражага етган Саййид Қосимий лирик қаҳрамони илоҳий тажаллиётни махсус қайд этади:

Манга айнуляқин бўлди бу асрор

Ки, ҳар бир заррада анвори Ҳақ бор.

Саросар Қосимий нури худодур.

Ким айтур ёдидин бир дам худодур/1.179,133/.

Ғадсий эса илоҳий тажаллиётни шоирона асослайди. Шоир бунинг учун ташбех санъатидан фойдаланганини ҳам қайд этади. Ғадсий

талқинича, Аллоҳ-мислсиз гўзал. Аллоҳ чиройининг ерда қиёси йўқ. Шу сабабли уни хуру нарига ўхшатиш мумкин. Бироқ улар кўздан ниҳон. Дарвоқе, Аллоҳнинг ўзи ҳам кўздан ниҳон. Шунинг учун илоҳий ҳусн мазҳарини ердан излаш лозим. Ерда у ҳаёт маҳбубасида акс этади. Зеро, "кунту канзан", яъни мен хазина эдим оятидаги фикр ҳаёт гўзалида ўзини намоён этган ва шарҳини топган. Шу тарзда шоир ружў санъатини қўллаб, инсонда акс этган ҳусн мазҳари орқали вужуд воҳидиятини чизиб беради:

Мазҳари ҳусники дерлар ул чиройингдур сенинг,

Бу латофат бирла қилгин, улча ройингдур сенинг.

"Кунту канзан" сиррини оламда изҳор айлаган,

Ул абиромиз зулфи атрсойингдур сенинг.

Руҳи мутлақдур вужудинг лутф ила бошдин-аёқ.

Оби ҳайвонким ўқурлар хоки пойингдур сенинг/1.187,566/

Ваҳдат ул-вужуд талқинида Лутфий фикрларида Гадоий фикрларига ҳамоҳанглик кучли. Чунончи, шоир бир ғазалида "Ҷамолингким тажалли кўзгусидур" деса, бошқасида "Зотингда Ҳақ изҳори камоло қилибтур" деб ёзади. Яна бир шеърида "Кўрар Ҳақ нурини нзунгда Лутфий" деса, ўзгасида "кунту канзан" иборасини қўллаб, оятда ифодаланган хазина-илоҳий нур лирик қаҳрамон машуқасининг сун бул сочи ва сочдаги муаттар хид бўлиб, у ўзини шу тарзда намоён этганлигини ҳусни таълил санъати воситасида чизиб беради:

Эй, янгоқинг воҳидият боғининг ҳумро гули,

Кунту канзан маҳфий ганжидур сочингнинг сунбули/1.75,
306/.

Хоразм халқи "ер ғариштаси" дея улуглаган Хожа Абулвафо Хоразмийнинг муриди Мавлоно Ҳусайн Хоразмий эса ваҳдат ул-вужудни мантиқан асослайди. Унингча, Аллоҳ бутун оламда ҳам пинҳон,

ҳам намоёндыр. У ўзининг ботиний сифатлари—аҳадияти, азалияти, абадияти билан яширин. Бироқ у ўзининг зоҳирий сифатлари—жамол, жалол ва камол билан намоёндыр. Шу сабабли Аллоҳ оламдаги нарсаларда ўзининг зоҳирий сифатлари билан кўзга ташланиб туради. Аллоҳнинг ботиний сифатларидан бўлган абадияти олам абадиятида ҳам намоён бўлади. Бироқ бу абадийлик янгилаinish ва тараққий этиш жараёнини бошдан кечирган ҳолда давом этади.

Мавлоно Ҳусайн Хоразмий Аллоҳнинг пинҳонлиги ва намоёнлигини англаш роят мураккаб жараёнлигига ҳам диққатни тортади. Унингча, буни англаш учун, аввало, Ҳаққа ошиқ бўлиш лозим. Бунинг учун эса қалбда дард бўлмоғи керак. Бу дард мукаммал бедорликдыр. Шундан сўнг пинҳон ва намоён моҳиятни англаш мумкин. Бу эса ваҳдат ул-вужуд бўлиб, унинг асоси Аллоҳнинг ўзидир:

Эй, дар ҳама олам пинҳон туву пайдо ту,

Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту/1.93,11/.

/Эй, бутун оламда яширин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан, ошиқ юрагининг дарди ҳам, бу юракнинг асл давоси ҳам ўзингсан/.

Навоийнинг ёзишича, бу мисралар Мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг ваҳдат ул-вужуд ифодаланган газалининг матласи бўлиб, у шу шеъри учун Шохрух мирзо замонда Хоразмдан Ҳиротга келтирилиб сўроқ қилинган. Аммо у тасаввуфий мазмундаги "Мақсади ақсо"/"Узоқ манзил"/ асарини яратган, Румийнинг "Маснавийи маънавий"си ҳамда араб шоири Кааб ибн Зухайр/в.662 й./нинг "Бурда"/"Чакмон"/қасидасига татаббу тарзида яратилган мисрлик машҳур шоир ал-Бусирий/1212-1297/нинг "Қасидат ал-бурда"си /"Чакмон қасидаси"/га туркий тилда шарҳлар битган зуллисонайн шоир ва олим эди. Шунинг учун ҳам у ўз шеъридаги тасаввуфий фикрларни асослаб беради. Дарвоқе, Навоий ҳам аҳтиром билан қайд этганидек, "Чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди ҳеч нима собит қила олмадилар. Қайтиб яна ўз мул-

кига кетти" /1.93,11/.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг Аллоҳ ва олам ҳақидаги қарашлари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллоҷ, Фаридиддин Аттор, Абўлмажд Саной, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Адиб Аҳмад Югнакий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Муҳаммад Порсо, Ҳайдар Хоразмий, Саййид Қосимий, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий, Мавлоно Гадоий, Мавлоно Муқимий, Мавлоно Лутфий, Хожа Аҳрор Вали, Абдурахмон Жомий сингари ваҳдат ул-вужуд таълимоти намояндалари асарлари заминда шаклланди. Дарвоқе, Навоий Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллоҷ ҳақида "Насоим ул-муҳаббат" да эҳтиром билан фикр юритишдан ташқари, уларни бошқа асарларида ҳам қайта-қайта тилга олган эди. Фаридиддин Атторнинг тасаввуфга доир асарларини ёшлигидан севиб ўрганган ва ҳатто унинг "Мантик ут-тайр" асарига жавобия ёзиб, Атторнинг Аллоҳ ва олам ҳақидаги фикрларини ривожлантирган эди. Саной ва Румийнинг фақр тариқи ва тавҳид асрори чуқур ёритилган асарлари унинг учун намуна эди. Жомий ҳузурда Ибн Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Вали асарларини ўрганган эди. Ва ҳатто Хожа Аҳрор Валига юксак эътиқодда бўлиб, хат ёзишиб ҳам турарди. Ансорийни ўзининг маънавий пирларидан бири ҳисобларди. Жомий эса унинг тасаввуф бўйича асосий муршиди бўлиб, улуг шоир бу борада ундан бевосита таълим олган эди. Малик ул-калом Мавлоно Лутфийнинг эса Навоийга, унинг ўзи эътироф этганидек, "кўп илтифоти бор эрди". Туркича машҳур ва маъруф асарлар ёзган Мавлоно Муқимийга ҳам эҳтиром билан баланд эди.

Адиб Аҳмаднинг эса инсон сифатида "бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий киши"лиги ва хусусан, "аксар турк улусида ҳикмат ва нуқталари шоеъ" эканлиги унинг ҳам шахсига, ҳам ижодига нисбатан Навоийда катта ҳурмат юзага келтирган эди. Дарвоқе, На-

войининг Бадиуззамонга ёзган хатларидан бирида Адиб Аҳмаддан иқтибос келтириб насиҳат қилганлиги ҳам бежиз эмас эди. Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида Ҳайдар Хоразмий ва Гадоийни замонасининг "хуш таъъ" шоирларидан бўлганлигини қайд этган бўлса, "Мажолис ун-нафоис"да ҳам уларни эҳтиром билан тилга олади. Ва ҳатто Гадоийни "туркигўйдур, балки машоҳирдиндур" дея фохр билан таъкидлаб ҳам қўяди. Буларнинг ҳаммаси Алишер Навоийнинг араб, форс-тожик ва ўзбек салафлари ижодини, уларнинг тасаввуфий қарашлари ҳамда адабий анъаналарини кенг ўрганганлигини яққол кўрсатади. Шу сабабли Навоийнинг ваҳдат ул-вужудга доир қарашлари чуқур илмий заминга эга бўлди. Шунинг учун ҳам бу борадаги фикрлари ўзининг мантикий изчиллиги билан ажралиб туради.

ИККИНЧИ БОБ

ВУЖУД БИРЛИГИ ТАЛҚИНИДА НАВОИЙ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

Ваҳдат ул-вужудга доир қарашлари чуқур илмий заминга эга бўлган Навоий салафларининг мантиқий фикрлари асосида ҳамма нарса Аллоҳда мужассамланган, деган фикрга келди. Бу эса бутун нарса-ҳодисалар ва ҳатто инсон ҳам ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда акс этади, дегани эди. Навоий Аллоҳ ва олам муносабатига шундай баҳо беради: "Субҳоналлоҳ, не кибриёву азаматдурким, сендин ўзгага вужуд итлоқи ўхтон ва тухматдур. Зотинг-қайюми барҳақ, вужудунг боқийи мутлақ. Сендин ўзга мавжуд кўрунганлар намуди бенамуд, балки нобуд номавжуд, вужуд ва мавжуддин сен мақсуд"/1.113,5/. Демак, олам аслида Аллоҳдан иборат.

Зотан, академик В. Зоҳидов тўғри қайд этганидек, "Навоийнинг фикрича, биргина худо бор ва у ўзини табиат, табиатдаги бутун мавжуд арсалар/инсон, қуёш, оташ ва ҳ.к./ да зухур этгандир, ёки иккинчи ўз билан айтганда, бутун мавжудот-шундай мавжудот, конкрет борлиқ аклидаги худодир. Демак, биргина ҳақиқий борлиқ, ягона чин дунё худо/ бордирки, ундан бошқа дунёни, воқелик ва мавжудотни бор дегани нотўғридир, ундагидан бошқа ҳаёт йўқдир"/1.51,259-260/. Чунки макон ва замонни мукамал эгаллаган. Шу сабабли унинг бошланиш ақти ҳам, тугалланиш муддати ҳам йўқ. Навоий Аллоҳнинг борлигини, унинг азалий, абадий, қадимий ва ниҳоясизлигини тасдиқлаб, ҳамма арсанинг вужудга келиш асосини ҳам унга боғлайди:

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,

Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.

Ироданг бирла тақдирингдин ўлғай икки кави ичра,

Агар бўлса фано зоҳир вагар бўлса бақо пайдо.

Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун, сайру сукун ичра

Ки, сендиндур, не бўлса анжуму афлок аро пайдо/1.106,8/.

Демак, Аллоҳсиз ҳеч нарса вуҷудга келмасди. Шундай экан, у ҳамма нарсанинг манбаси ва яратувчисидир. Бироқ уни ҳеч ким яратмаган. У ўзи азалдан мавжуд эди ва шу сабабли абадий мавжудлик ҳам унга хосдир. Зеро, унинг мавжудлиги ҳали ҳеч нарса йўқ даврдан бошланган эди: "Сен эдинггу бас яна мавжуд йўқ"; дейди улуг шоир/1.108,20/. Бу шундай бир пайт эдики, унда фақат Аллоҳнинг ўзи мавжуд бўлиб, "Бирлик эди-ю, адади йўқ эди, Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди"/1.108,20/.

Навоий Аллоҳ ваҳдониятини шоирона чизиш мақсадида турли поэтик усул ва образлардан фойдаланади. Шу жиҳатдан рақам образи характерлидир. Улуг шоир бунда бир рақамни поэтиклаштиради. Воқеан, бир рақами барча сонларнинг асосидир. Ундан бошқа ҳамма рақамлар қисмларга бўлиниш хусусиятига эга. Бир сони эса ҳеч қандай бўлакка бўлинмайди. Энг муҳими, барча сонлар ундан бошланади. Шундай қилиб, барча сонларнинг бошланиш асоси бир бўлганидек, оламнинг асоси ҳам Аллоҳдир:

Асли бир зот келиб, чунки маротибга ўтуб,
Бениҳоят бўлуб ижоду сифот ичра адад.
Бирдурур асли адад, кимки ҳақиқатбиндур,
Гар адад юз туман ўлса, тузатур бирга санад.
Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай,
Қулҳуаллоҳу аҳад, сўнградур аллоҳу самад/1.107,90-91/.

Шунинг учун:

Аз вучуд ар сари он нест шуунро, чи вучуд,
Сад ҳазор ар бувад аъдод чи мумкин бе як/1.91,32/.

/Рақам юз минг бўлса ҳам, бирсиз мумкин бўлмагани каби, бир вуҷуднинг таъсирисиз ҳеч нарсанинг вуҷуди бўлиши мумкин эмас/.

Навоий мавжудлик фақат Аллоҳнинг ўзида бўлган давр тасвирига алоҳида урғу беради. Унингча, бу паллада олам ниҳон эди. Улуғ шоир ана шу ниҳонлик қобигидаги нарса-ҳодисаларнинг энг муҳимларига диққатни тортиб, турли шоирона ифода ва поэтик рамзлар орқали илоҳий тажаллиётни чизиб беради. Бу билан Аллоҳнинг буюк илоҳий моҳиятини кўрсатибгина қолмай, оламнинг яратилиш аҳамиятини ҳам таъкидлайди. Чунки оламнинг яширин ҳолатда қолиши фойдасиз эди. Зеро, ўша ниҳонликда ҳамма нарса жамулжам бўлганди. Воқеан, олам шу қадар ниҳон эдики, унда кундузи ҳам, кечаси ҳам йўқ эди. Кўкда ой, куюш ва юлдузлар мавжуд эмасди. Ҳатто кўкнинг ўзи ҳам йўқ эди. Худди шунингдек, "не еру не ер юзида бир киши" ҳам яратилмаган эди. Шу сабабли ҳусн ва у юзага келтирувчи ишқ ҳамда уларнинг васфини айтувчи сўз ҳам йўқ эди. Бугина эмас, ошиқ ва маъшуқлар рамзи бўлган ишқ майи ҳам йўқ эди. Чунки майхона ва майфурушнинг ўзи ҳам ҳали кўзга ташланмасди. Шундай экан, хирқасини гаровга қўйиб, май олувчи вараъ аҳли ва майфуруш мугбача имоларига асир бўлиб май симирувчи зухд аҳли ҳақида гап бўлиши мумкинми? Йўқ! Чунки уларнинг бирортаси мавжуд эмасди.

Навоий шу тарзда бирма-бир шоирона бадий ифодалар билан Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса мавжуд бўлмаган замон манзарасини чизиб, уни асослашга интилади. Улуғ шоир талқинича, ҳали Аллоҳ ўзини кўрсатмаган эди. Навоий бадий тасвирий воситалардан фойдаланиб, буни мавжлари қўзғалмаган, тўлқинлари ҳаракатга келмаган, ҳали сокинлик ҳукмрон бўлган денгизга қиёслайди.

Денгиз буюк ва қудратли, лекин у ҳаракатга келмас экан, ҳеч нарса кўзга ташланмайди. Денгиз ҳаракати тўлқинларида акс этади. Демак, денгиз ўзини мавжларда намоён қилади. Агар у сокин турар экан, ҳеч қандай мавж юз бермайди. Аллоҳнинг бир ўзи мавжудлик

яйтида худди шундай эди. Бу гоят узоқ муддатни ўз ичига олди. У даврда гўзаллик фақат Аллоҳнинг ўзида эди. Шу сабабли Алишер Навоий сўзлари билан айтганда, нозир ҳам, манзур ҳам ва ҳатто ўз хуснига маррур ҳам унинг ўзи эди. Чунки у ўзига ўзи шайдо, ишқ унинг ўзида эди. Зеро, хусн унинг ўзига кўринар ва ўзини мафтун этарди. Бироқ жилваи хусн шу даражага бориб етдики, энди унга кўзгу керак бўлди. Шундай қилиб, олам ва ундаги мавжудотлар яратилди. Барча яратилганлар Аллоҳ учун кўзгу вазифасини бажарди. Зеро, уларнинг ҳаммасида Аллоҳ зуҳури мавжуд эди. Навоий буни Аллоҳнинг ўз сўзлари билан далиллайди: "Кунту канзан махфийан фааҳбабту ан узарафа фа халақтул халқа", яъни мен бир махфий хазина эдим, танилмоқни истаб қолдим, шунда бутун мавжудотни яратдим/4.10,152а/.

Навоий фикрларини давом эттириб, фақат Аллоҳнинг ўзигагина хос бўлган сифатларни ҳам чизиб беради:

Сунъунгга юз офарин, эй кирдигор,
Гайр йўқ сенсенки дерлар-они бор.
Борсен сен борлиғ зебандаси,
Бирлику жабборлиғ арзандаси.
Сендадур ҳам бирлику ҳам борлиғ,
Ҳайлиғу қодирлиғу раффорлиғ/1.92,9/.

Улуғ шоир ўз фикрларини рамзий ташбеҳлар орқали далиллашга ҳам интилади. Шу мақсадда денгиз ва унинг мавжларига қайта-қайта мурожаат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, орифона шеърятда ваҳдат ул-вужудни ифодалашда денгиз, мавж, хубоб поэтик образларидан фойдаланиш анъанага айланган эди. Чунончи, Жомий рубоийларида ҳам буни кўриш мумкин. Аммо рубоий жанрида муайян масалани чуқур очиш имконияти чекланганлиги сабабли Жомий қисқа ишоралар билан кифояланган. На-

войй эса денгиз ва мавж образларига мурожаат қилганда эпик тасвирни қўллайди. Шу сабабли поэтик образларга юкланган маъно чуқур очилади. Улуғ шоир "Лисон ут-тайр" достонида буни юксак маҳорат билан ифодалаган.

Навойй талқинича, денгиз-Ҳақ тимсоли. Мавж эса касрат оламидир. Ваҳдат ул-вужуд уларнинг ҳаракати ва сокин ҳолатида акс этади. Чунончи, денгиз сокин турганда ҳеч нарса сезилмайди. Аммо унда кучли тўлқинлар пайдо бўлганда минг хил нақшлар юзага келади. Дам-бадам бу нақшлар йўқолиб, яна беҳисоб мавжлар вужудга келади. Агар сен бу ҳодисага яхши назар солсанг, дейди Навойй, мавжда вужуд йўқ эканлигини кўрасан, чунки денгиздан ўзга барчаси нобуд бўлгувчидир. Ҳақ вужуди ана шу чексиз денгиздир, унинг юзидаги мавжлар эса бу оламдаги турли-туман нарсалардир. Маъно аҳллари эътиборини тортган шу ўн саккиз минг олам ичида қандай нарса бўлса, улар шакл жиҳатдангина мавжуд бўлиб, фақат шаклда кўринувчилик хусусиятига эгадир. Ер сатҳи узра юзлаб ажойиб шакллар мавжуд, ҳар бир шаклнинг ўзи яна ранг-баранг товланишларга эга. Масалан, денгизлар, конлар, дашт-саҳролар; гулшанлар, гул ва лолалар; турли иқлим, мамлакат, дарё, булоқ ва тоғлар ҳамда уларни ўраб олган ўт ва ҳаво мавжуд. Булар атрофида эса тўққиз қаватли осмон, собиту сайёра ва малаклар тўдаси бор. Булар орасида тўрт унсур, етти кўк ва олтита томон коинотнинг нодир ва энг олий асосини ташкил этади. Улуғ шоир борлиқдаги барча нарсаларни бирма-бир тасвирлар экан, бир муҳим нуқтани алоҳида таъкидлайди. Бу ҳамма нарсанинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фикр эди. Навойй талқинича, ҳеч нарса ўзи алоҳида мавжуд бўла олмайди. Чунки Аллоҳ касрат оламини ўзаро алоқадорликда яратган:

Қатрагача қулзуми захҳордин,
Заррагача шамсаи заркордин.
Они мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирига борчани пайванд этиб.
Воситалар бўлди аён тў-батў,
Бир-бирига борланибон мў-бамў.
То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,
Бўлди муҳайё бу улур коргоҳ/1.108,26/.

Бу улур коргоҳ-улкан заминдаги барча ашёларнинг ўзаро пайвандлигига сабаб шуки, уларнинг вужудга келиш манбаи ҳам битта, яъни Аллоҳнинг ўзидир. Хилқат оламидаги вобасталик уларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиб туришини юзага келтиради. Бу эса тараққиётга олиб боради. Шу тарзда улур шоир бадиий таҳлилга илмий руҳ бериб, Ҳақ ва халқ яхлитлигига мантиқий далил ҳам келтиради. Бу фикр фанда исботланган. Демак, Навоий ваҳдат ул-вужуд талқинида масалага фақат шоир сифатидагина эмас, шунингдек, олим тарзида ҳам ёндошган. Шу сабабли ҳам унинг ваҳдат ул-вужудга доир фикрлари жамият ривожига муҳим аҳамият касб этади. Зеро, улар фақат ҳаётни севиш ва гўзаллаштиришга, жамият ва инсонни поклашга, инсоннинг илоҳий хилқат эканлигини англашиб, уни комилликка кўтаришга йўналтирилган эди.

Воқеан, улур шоир талқинича, коинотдаги барча нарсалар ичида ҳаммадан энг улуғи инсон бўлиб, унинг камолоти олдида ақл ҳайрон қолади. Бироқ авом ва султон ҳам, олим ва вали ҳам, ёки фараз қилки, тангридан элчи бўлиб келган пайғамбар бўлсин-буларнинг барчасини Ҳақ зоти денгизининг мавжи деб бил ҳамда ўша вужуднинг мавжи деб англагил, дейди Навоий. Аммо, дея фикрини давом эттиради улур шоир, уларнинг ҳаммаси вақтинчаликка нақш этилган бўлиб,

ўткинчилик хислатига эга, боқийлик улар учун хос сифат эмас.

Улуғ шоир газалларида ҳам денгиз, мавж ва ҳубоб образларига қайта-қайта мурожаат қилиб, улар орқали Аллоҳ ва олам муносабатларини ифодалайди. Чунончи, бир газалида буни қиёслар билан очиқ чизади:

Десамким, Ҳақдурур мавжуду ашъё ҳар недур нобуд,

Ҳубобу мавжи баҳр узра эрур онинг намудори/1.104,477/.

Юзакироқ назар ташлаганда бу фикрда борлиқнинг ўткинчи эканлиги акс этаётгандай туюлади. Зеро, Навоийнинг образли тасвирича, денгизнинг чайқалиши турли мавжларни ҳосил қилган ва ҳар ёқда турли-туман нақшларни вужудга келтирган. Бу тўлқинли денгиз бир зум таскин топса, у мавжлардан асар ҳам қолмайди. Қудратли Ҳақдан бошқа ҳамма нарса ўткинчи, фақат ёлғиз угина мутлақ боқийдир. Унга вужуд тартиби маҳкамланган бўлиб, борлиқ расми инкор этилмасдан маъқуллангандир/1.100,220-222/. Бироқ Навоий тасвирига жиддийроқ диққат қилинса, денгиз абадийлиги унинг мавжларига ҳам нисбат берилганини сезиш мумкин. Зеро, денгиз мангу экан, ундаги мавж ва ҳубоблар ҳам мангуликка алоқадордир. Фақатгина улар пайдар-пай янгиланиб боради. Буни Навоий ҳам махсус таъкидлайди:

Баҳрнинг кўлоки тутқон чоғда авж,

Ким аён айлар туман минг нақш мавж.

Дам-бадам бу нақшлар топиб фано,

Фош ўдур минг мавжи гуногун яно/1.100,220/.

Улуғ шоир касрат оламининг ҳам ваҳдат олами сингари мангуликка эгаллигини Симурғни излаб, риёзатлари сўнгида унинг ўрнида ўзларини кўрган қушлар тимсолида ҳам чизиб берган эди. Бу Навоий талқинидаги ваҳдат ул-вужуднинг энг муҳим томони бўлиб, унда улуғ шоир Ҳақ ва халқ ваҳдатини кўрсатиш билан бирга, оламнинг

абодийлигини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, ҳаётнинг узлуксиз равишда янгиланиб, ривожланиб боришини ҳам таъкидлайди.

Навоий шу тарзда Ҳақ ва халқ муносабатини шарҳлагач, мавжудлик асосини ҳам Ҳақ вужудига боғлайди. Шундай экан, демак, улуғ шоир талқинича, мавжудликдан мақсад ҳам Аллоҳдир. Чунки барча мавжудот ҳам аслида Аллоҳнинг хилқатидир. "Борчага холиқ, бориға айн ўзунг" дейди Навоий/1.108,19/.

Навоий талқинича, Аллоҳ шунинг учун ҳам барчага асос ва холиқки, у йўқдан бор қилди: "Йўқ эдилар ҳар неки-бор айладинг" /1.108,25/.

Аmmo бу бор қилиш ўз ҳуснини кўрсатиш шаклида юз берди:

Жилваи ҳуснунг га чу йўқ эрди ҳад,

Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулшанники рангин эрур,

Ҳар гул анга ойинаи чин эрур.

Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,

Бўлди бу миръот мазохир анга.

Восита бу эрдик қилдинг тамом,

Кўкни тўқуз лавҳаи ойинафом...

Мунча гаройибки мисол айладинг,

Борчани миръоти жамол айладинг/1.108,20-21/.

Навоий ваҳдат олаmidан касрат оламининг вужудга келиши ҳақида фикр юритар экан, икки нуқтага алоҳида эътибор қаратади. Уларнинг бири ҳусн, иккинчиси тажаллий.

Ҳусн-илоҳий камол. Шу сабабли Аллоҳ ҳусни мутлаққа эгадир. Ундан эса ҳусни муқайяд юзага келади. Бу ҳусн махлуқотга тегишли бўлиб, чегараланган ҳусндир. Шунга қарамай, ҳусни муқайядда

хам ҳусни мутлақ акс этиши мумкин. Бу нарса асосан гўзал инсонларда намоён бўлади. Ана шу намоён бўлиш кенг маънода тажаллийдир. Бошқача айтганда, тажаллий илоҳий нурнинг сифатларда жилваланиши бўлиб, шу тўғайли Аллоҳ бутун оламда зуҳур этади.

Ҳусни мутлақда акли кулл, жавҳари нур, руҳи пок мужассам бўлиб, ишқ уларни тажаллий эткизади ва бирлаштириб туради. Навоий ҳусни мутлақ тажаллиётини поэтиклаштириб, уни турли рамзий тимсол, ташбеҳ ва жонлантиришлар орқали кўрсатади:

Зиҳе мазохир аро меҳри оразингдин нур,
Қуёштин уйлаки заррот хайли ичра зуҳур.
Вужудунг айлади кавну макон вужудин фош,
Ҳамул сифатки қуёш қилди заррани машхур.
Хирад гар аъмо эса кунҳи зотинг ичра не тонг,
Қуёшни кўрмаса хуффош бордурур маъзур.
Сенинг жамолингга гул кўзгусида булбул маст,
Сенинг зуҳуринг ила гул жамолиға мағрур/1.105,99/.

Гарчи Навоий ҳусни мутлақ тажаллиётини бутун олам мавжудотида намоён бўлишини кўрсатса-да, аммо унинг комил жилваси инсонда акс этишини таъкидлайди:

Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро,
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро...
Нега олам ўртади, ҳуснунг ўтидин ламъае,
Тушмаган бўлса жамоли Юсуфи Канъон аро.
Тушмаган бўлса қуёшингдин қўлиға партаве,
Бас не байзо эрди жайби Мусаи Умрон аро/1.106,9/.

Шуниси диққатга сазоворки, Навоий ҳамиша ваҳдат ул-вужуд борасида фикр юритар экан, бадий мантиққа риоя қилади. Чунки у ўз фикрларини философ сифатида эмас, балки шоир сифатида ифодалайди.

Шу жихатдан "Лисон ут-тайр" достонидаги "Ул шоҳ ҳикоятим хуснини зоҳир қилурға кўзгуни восита қилди" сарлавҳали ҳикоят дин қатга молик. Унда хусни мутлақ тенгсиз гўзал шоҳ тимсолида ифода-аланган. Шоҳ хуснига бевосита кўзнинг тушиши ҳалокатга сабаб бўлади. Шу сабабли у ўз хуснидан одамларнинг бевосита баҳраманд бўлишлари учун тахти ёнига кўзгу ясади, қаср ёнига эса кўзгу акси тушадиган манзар ўрнаттиради. Шундан сўнг ҳамма унинг хуснидан баҳра ола бошлайди.

Ҳикоятдаги шоҳ Аллоҳ тимсоли бўлиб, кўзгу-кўнгил, қаср эса инсон танаси сифатида чизилган. Навоий талқинича, Аллоҳ жамоли фақат кўнгилда акс этади. Бунинг учун эса кўнгилга жило бериш, яъни уни поклаш лозим:

Бермайин бу кўзгута аввал жило,
Акс анда солмағай ул подшоҳ...
Кўзгу равшанроқ неча қилса зухур,
Зоҳир ўлғай акс онда бекусур/1.92,67/.

Навоий Аллоҳнинг нарса-ходисалар ва мавжудотлардаги тажаллиёти ҳақида фикр юритар экан, у Аллоҳни яратувчи, бутун оламни эса унинг яратганлари сифатида талқин этади. Гарчи яратувчи Аллоҳ бўлиб, барча нарсаларни у яратган, бошқача айтганда, вужудга келиш ундан бўлса-да, бу яратилганларда яратувчи яққол кўзга ташланмайди. Шу сабабли ҳамма нарса Аллоҳдан яралган бўлса ҳамки, ҳеч нарса айнан унга ўхшамайди. Яратувчи ўзи яратган нарсаларда акс этмай, кўзга кўринмай туради:

Ҳар негаки деса ўхшамассен,
Сендин дурур ул сен ул эмассен.
Ҳарне сени деса ройи сойиб,
Ул сендину сен арода ғойиб/1.110,8-9/.

Аллоҳ яратган барча нарсаларда шундай ҳолат мавжуд. Ҳатто Ҳақ яратган энг олий мавжудот-инсонда ҳам у айнан намоён бўлмайди. Бу билан Навоий ваҳдат ул-вужудни иккига бўлиб, уни Аллоҳ ва олам, ёки Ҳақ ва халққа ажратади.

Низомий Арузий Самарқандий/ХI аср охири ва ХII аср ўрталари/ "Чаҳор мақола"/"Тўрт мақола"/ асарида бу масалага тўхталиб, ёзади: "... бутун мавжудот икки жиҳат доирасидан четга чиқолмайди: вужуди ўзида бўлган мавжудлик ва вужуди ўзгада бўлган мавжудлик. Вужуди ўзида бўлган мавжудликни вожиб ул-вужуд дейдилар, у муқаддас ва ёлғиз Аллоҳ бўлиб, ўзи мавжуддир. У ўзгага мунтазир эмас эди, ҳамиша бор эди ва ҳамиша бўлади, чунки унинг пойдорлиги ўзга билан эмас, ўзидадир. Вужуди ўзгада бўлган мавжудликни мумкин ул-вужуд дейдилар. Мумкин ул-вужуд, бу бизнинг ўзимиздир. Бизнинг мумкин ул-вужудлигимиз шундаки, аслимиз йўқликдандир, унинг вожиб ул-вужудлиги шундаки, сарчашмаси борликдандир. Шунинг учун ҳамманинг яратувчиси у, зеро, ҳамма ундан вужудга келган ва унга хизматкордир"/2.5,19-20/.

Навоий ҳам Аллоҳни вожиб ул-вужуд, оламни эса мумкин ул-вужуд сифатида номлаб, кейингининг яратилиши, мавжудлиги ва яшашини олдингига боғлайди:

Эй бори мавжудга сендин вужуд,
Балки вужуд аҳлига файёзи жуд.
Катми адамдин неки мавжуд ўлуб,
Сожд ўлуб, сен анга масжуд ўлуб.
Кимки боши саждада-масжудисен,
Кимки юзи қиблада-маъбудисен.
Мунчаки афлок сабук санг эрур,
Ё кураи хок куҳан ланг эрур.

Сендин алар жунбишу ороми ҳам,

Уйлаки, ижоди ҳам, эъдоми ҳам/1.108,22/.

Шундай қилиб, Навоий ваҳдат ул-вужуд масаласида олға сурилган икки фикр—"ҳамма ундандир" ва "ҳамма удир" қарашларидан "ҳамма ундандир" фикрини маъқуллайди. Бу фикр исломда мавжуд бўлиб, Қуръонда ҳам Аллоҳ бутун оламнинг яратувчиси сифатида берилган. Навоийнинг бу қарашни олға суриши у мансуб бўлган нақшбандийлик силсиласи билан боғлиқ.

Нақшбандийликда исломга қаттиқ риоя этилар, Қуръон ва ҳадисга асосий қўлланма сифатида ёндошилар эди. Абдурахмон Жомий ҳам шу қараш тарафдори эди. Жомий ўзининг "Тухфат ул-Ахрор" асарида Аллоҳнинг олам ва одамни яратганлигини батафсил чизган эди/2.41, 259-263/. Шу билан бирга, нақшбандийликда, хусусан, Жомий ва Навоий ижодида Ибн Арабий таълимоти маъқулланганлиги ва изчил ривожлантирилганлиги сабабли улар талқинидаги ваҳдат ул-вужуд зоҳирий ва ботиний мазмунга эга бўлди. Чунончи, унда зоҳиран ҳамма ундандир тарзидаги ислом фикри олға сурилса-да, ботинан ҳамма удир сифатида Аллоҳ ва оламнинг, бошқача айтганда, Ҳақ ва халқнинг бирлиги, яхлит бир бутунлиги исбот этиларди. Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги қушларнинг Симург-Аллоҳни излаб, риёзатлари сўнгида излаганларини ўзларида топганлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

"Ҳамма удир" фикрини олға сурувчилар эса Аллоҳ ва оламни иккига ажратмай, уни яхлит Аллоҳдан иборат борлиқ тарзида талқин этишарди. Чунончи, Навоий ёшлигида шеърларини ёдлаб, гоёт эъзозлага машҳур шоир ва сўфий Қосим Анвор ҳамда Жалолиддин Румий шундай фикрда эди. Аммо шуниси ҳам борки, Румий ҳатто Аллоҳни изловчилар устидан киноя қилиб, уни излаб овора бўлманг, чунки у сиздан таш-

қарида эмас, сиз билан бирга, аниқроқ айтганда, сизнинг ўзингиздир деса-да, Аллоҳ олам ва одамни яратганини инкор этмайди. Фақат шу яратилганлардаги илоҳий зухуротни англашга даъват этади.

Румий барча мавжудотда ва шунингдек, инсонда ҳам акс этувчи илоҳийликни риёзат орқали эмас, ақл билан тушуниш лозим дер эди. Чунки у самоъда юз берувчи васл ҳолини ақлан идрок этишга чорлаб, бу иттиҳодда яратувчи ва яратилганнинг бирлигини ҳис этиш мумкин, дея талқин этарди.

Навоий ҳам гарчи бутун олам ва одам ундан деса-да, юқорида айтилганидек, яратувчи билан яратилганларни тамомила ажратиб қўймайди. Балки яратилганларда яратувчи акс этишини тасдиқлайди. Шу билан бирга, Навоий ҳамма ундандир ва ҳамма удир фикрларини бирлаштириб, Аллоҳ яратувчи ва яратганларида ўзи ҳам зухур этади дея таъкидлайди. Аммо буни англаш, Навоий талқинича, роят узоқ ва машаққатли жараёндан иборат. Чунки бу ўринда гап манбани англаш ва унга қўшилиш ҳақида боради. Манба эса пок-руҳий нурдир. Унга этиш учун покланиш лозим. Навоий бу билан Аллоҳга этиш фақат инсонга ҳослигига ишора қилади. Чунки инсон, биринчидан, яратилганлар орасида илоҳий зухурот акс этган мукаммал мавжудотдир. Қолган нарсалар эса мутлақ руҳнинг саноксиз белгиларидан фақат биттасига эга, холос. Инсон эса илоҳий тажаллиётни ўзида мукаммал умумлаштирган зотдир. Навоий бунга Аллоҳнинг ўз каломидан далил келтиради: "...Ҳақ субҳонаҳу ва таолоким, инсонни сойири маҳлуқотдин мумтоз ва мажмуи офаринишга сарвар ва сарфароз қилдиким, "Ва лақад каррамно бани Одама"/ Одам болаларини улуг қилиб яратдик/ калимаси андин мухбирдурур, "Ва лақад халақно ал-инсона фи аҳсани тақвим"/ Биз инсонни ниҳоятда мукаммал суратда яратдик/ анга мушъир" /1.114,73/.

Иккинчидан, инсон Аллоҳнинг ердаги халифасидир. Зеро, Аллоҳ одамга ўз руҳини киритмагунча олам хира ойна эди. Инсон яратил- гач, олам ҳам мукаммаллашди. Учинчидан ва энг муҳими, Аллоҳнинг оламини яратишдан мақсади ҳам аслида оламини яратиш эди. Навоий шу тарзда Аллоҳга кўзгу бўлган оламнинг яратилиш сабабини асос- лаб, инсоннинг барча яратилганлар орасида гоят улугланганига ҳам диққатни тортади:

Мунча гаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин гараз инсон эди.
Турфа камолингга доғи комил ул,
Сирри ниҳонингга доғи ҳомил ул.
Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм.
"Каррамано" келди маноқиб анга,
"Аҳсани тақвим" муносиб анга/1.108,21/.

Навоий талқинича, Аллоҳ ўз яратганларининг барчасини гарчи латиф айлаган бўлса-да, лекин барчадан инсонни шариф айлашининг сабаби бор эди. Навоий буни қуйидагича изоҳлайди: "Анинг сариким, ўзи улу ул ўзидур, борча "инна минка анта минни"/мен сендаман, сен мендадирсан/ сўзидир"/1.114,72/. Демак, олами акбар-Аллоҳ олами асгар-инсонда мукаммал акс этади. Бу Ғаззолийнинг инсон катта оламга ўхшатиб яратилган, деган фикрини тасдиқлайди. Шу сабабли у Аллоҳ ва оламини боғловчидир. Бу эса оламнинг ягоналиги ва яхлитлигининг мавжуд моддий дунёда ҳам акс этиб туришини кўрсатади.

Навоий оламнинг яратилишига диққат қилар экан, хусусан, инсоннинг вужудга келишига алоҳида тўхталади. Бу борада диний ривоятлардан ҳам мохирлик билан фойдаланади. Чунончи, "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да шундай ёзади: "Андин сўнгра Одам алайҳиссалом туффроқиға қирқ кун раҳмат ёмғури ёғдуруб, ўз қудрати илки била тахмир қилдиким, "хамарту тийната Одама бийадайё арбаина сабоҳан"/ Одам лойини икки қўлим билан қирқ кун қоридим/ андин кабар"/1.96,189/

Навоий Аллоҳ инсонни муҳаббат билан яратганини таъкидлаб, "Сун илиги болчиғин айлаб хамир, Лутф ила айлаб ани ҳайъат пазир", дейди/1.108,91/. Улуғ шоир талқинича, шу сабабли Аллоҳ инсон вужудини гулистонга, аъзоларини эса гулларга ўхшатиб ясади. Майин ел эсиб гулистондаги гулларни очгани каби Аллоҳ ўз руҳини киритиб, тан гулшанидаги гулларга ҳам жон бағишлади. Аммо ундан мақсад гул эмас, балки кўнгил эди.

Навоий кўнгилга махсус тўхталиб, бу борада Ғаззолий фикрларини ривожлантиради. Ғаззолий фикрича, кўнгил руҳониятга тегишли, шу сабабли у Аллоҳ ва оламни бир-бирига боғловчидир. У жисмдан ташқарида ҳам эмас, шунингдек, жисм ичида ҳам эмас. Кўнгил фақат руҳий оламга хос. Шу сабабли унда Аллоҳ зухур этади. Бу зухурни англаш ўзини англашдир, ўзини англаш эса Аллоҳни англашдир, дейди Ғаззолий. Инсон кўнгли Аллоҳга нисбатан кичик олам.

Аллоҳ оламни бошқарганидек, инсон кўнгли унинг жисмини бошқаради. Жисмоддий оламга тегишли. Шу сабабли жисм сўнади, лекин кўнгил мангу тириклигича қолади. Чунки у руҳий бўлиб, унда Аллоҳ зухур этади. Аллоҳ эса абадийдир/3.35,227-228/. Навоий ҳам кўнгилни шу маънода талқин этади. Аммо улур шоир илоҳ зухур этувчи кўнгилни жисм маъносидаги юракдан фарқлаш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Кўнгилда Аллоҳ зухур этгани учун Навоий уни Қазбадан

устун қўяди. Чунки у ҳақиқат сирини англаш ўрнидир. Шу сабабли солиқ уни юксак арш деса, сўфий уни олами кубро дейди. Аммо, дейди Навоий, у улкан олам бўлса-да, ҳамманинг кўзидан пинҳон. Шу сабабли уни қўлга киритиш учун кўп иш қилиш лозим. Навоий рамзий тарзда кўнгил саёҳати жараёнини тасвирлаб, унда олам ва одам тузилиши ҳақида фикр юритади.

Улуғ шоир талқинича, олам беш қисмдан иборат. Биринчиси, мулк оламидир. У энг пастда-ер юзида бўлиб, моддий жисмлар, нарсалар оламидир. Иккинчиси, ундан юқорида-кўкда жойлашган малакут олами. Бу руҳлардан ташкил топган фаришталар оламидир. Ўрин жиҳатдан у ой, қуёш ва юлдузлар макони ҳисобланади. Дарвоқе, Навоий кўнгилнинг малакут олами саёҳатида осмоннинг ҳар бир қаватидаги планеталар тасвирига ҳам тўхталади. Учинчиси, жабарут олами. У илоҳий нурлардан иборат қудрат оламидир. Жабарут олами ваҳдат мартабасидан иборат, шу сабабли уни Муҳаммад нури ҳам дейилади. Чунки жабарут оламидаги буюкликда Аллоҳ қудрати акс этади. Навоий бу ҳақда ёзади: "... жабарут асоси холиқи жаббордур, бу сифатқа ул сазо ва бу сифат анга сазовордур"/4.11,107/. Тўртинчиси, лоҳут оламидир. У илоҳий зот олами бўлиб, бунга етган солиқ фанофиллоҳ мақомига мушарраф бўлади. Демак, лоҳут олами носут, яъни мулк оламининг тазоди сифатида бевосита Аллоҳнинг ўзи билан боғлиқдир. Бошқача айтганда, носут оламидан қутулиш инсонни лоҳут оламига боғлайди.

Тасаввуфда ҳам асосан шу тўрт олам ҳақида фикр юритилади. Бироқ Навоий улар ёнига бешинчи оламини ҳам қўшади ва бешинчи олам сифатида бадан оламини кўрсатади. Улуғ шоир одамнинг ташқи ва ички аъзолари ҳамда белгиларини поетиклаштирган ҳолда бирма-бир тасвирлаб, инсонни ҳам алоҳида оламга ажратади. Зеро,

Навоий айтганидек, барча яратилганлар орасида энг шарафли зот бўлган инсон ўз мукамаллиги билан бошқа мавжудотлардан тамомида ажралиб туради. Чунки унда олами акбар белгилари мужассамдир. Шу сабабли коинот даражасида ботинан ҳамма Аллоҳдан иборат бўлса, зоҳиран эса ҳамма инсон дейиш хато бўлмайди. Навоий инсонга гоят юксак баҳо беради ва биргина сўзлаш ҳамда фикрлашининг ўзи ҳам унинг қанчалик юксак шарафга эга эканлигини яққол кўрсатади, дейди ва ёзади: "Ҳар ойина бу жавҳари жонбахш башар хилқати конидин ва бу лулуи равонбахш инсон вужуди уммонидин зоҳир бўлмаса эрди-Исо била марқаби аросида не тафовут ва Солиҳ била ноқаси ўртасида не муғоярат бўлғай эрди"/1.114,73/.

Навоий талқинича, заррада бутун борлиқ, қатрада эса дарё яшириндир. Худди шунингдек, инсонда ҳам заминий ва илоҳий белгилар мужассам. Шу сабабли у алоҳида олам сифатида намоён бўла олади. Аммо бу оламга боқийлик хос эмас. Агар у бақо истаса илоҳий оламга интилиши керак. Бунинг учун заминий хусусиятлардан қутулиши лозим. Шунга эришса, у ҳақиқий ўзлигига етади. Демак, бу инсоннинг ҳақиқий ўзлигини англаш жараёни ҳамдир.

Навоий "қад арафа раббаҳу", яъни ўзини билган Аллоҳни ҳам билди ҳадисини келтириб/1.108,96/, ҳақиқий ўзликни англашнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Чунки бу ўзликни англаш Ҳақда бақо топешдир. Шу сабабли уни гоят машаққатли фаолият сифатида кўрсатади. Унинг қийинлиги шундаки, у инсоннинг бутун умр давомида Аллоҳга интилиш риёзатини ўз ичига олади. Улуғ шоир буни "Лисон ут-тайр" достонида Симурғни излашга отланган қушлар фаолияти миқсолида гоят ишонарли чизиб берган.

Улуғ шоир ўз достонида қушлар фаолиятининг мажозий тасвири орқали мумкинотнинг вожибга етиш жараёнини поэтиклаштириб кўрсатиб, ваҳдат ул-вужудни бадиий тарзда асослаб беради. Воқеан, даст-

лаб Аллоҳ тимсолидаги Симурғ ҳақида эшитган қушлар ёшасига уни кўришни хавас қилиб, йўлга тушадилар. Бироқ кўп ўтмай йўл машаққатлари уларга катта жафо етказди, кўшлар бу йўлда мажруҳ бўладилар, турли фалокатларга йўлиқадилар. Кўшлари эса Симурғ орзусидан пушаймон бўладилар. Йўлдан қайтишни ўйлайдилар. Навоий Ҳаққа етиш ва уни англаш шу даражада машаққатли эканлигига диққатни тортади. Дарвоқе, Симурғни кўришга жуда кўп қушлар отланган бўлса-да, улардан ўттизтасигина манзилга етади, холос. Навоий бу қушлар сафари ва фаолияти жараёнини тўлалигича сўфийлар фаолияти тариқасида чизиб беради. Воқеан, қушлар ҳам солиқ каби йўлни муршид раҳбарлигида босиб ўтишади. Уларнинг йўли ҳам тасаввуфдаги шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини ўз ичига олади. Аммо Навоий таъкидлаганидек, шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, бу босқичларни мукамал босиб ўтиш ҳаммага ҳам бир хил насиб қилавермайди. Чунки уларда Ҳаққа етишнинг жуда кўп ва оғир риёзатлари мужассамланган бўлиб, уларга ҳар қандай кишининг ҳам бардош бериши мушкул. Худди шунинг учун ҳам Аллоҳни топиш, унга етиш ниҳоятда қийиндир. Шу сабабли унга талабгорлар жуда кўп бўлса-да, етишганлар фоят камдир. Улуғ шоир бунга алоҳида ургу бериб, "Бордур талабингга борча мойил, Лекин сени топмоқ асру мушкул", дейди/1.110,8/. Ҳақни топишнинг мушкуллигини Навоий шундай изоҳлайди:

Сени топмоқ босе мушкулдурур, топмаслиғ осонким,

Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо/1.104,25/

Улуғ шоир таъкидлаганидек, пайдоликдаги пинҳонлик борлиқдаги ҳамма нарса-ҳодисалар замирида Ҳақнинг яширинганини ифодаласа, пинҳонликдаги пайдолик эса шу яширин моҳиятнинг барча нарсаларда зухур этиб туришини англатади. Бу эса ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг ўзи яратган бирор нарсага айнан ўхшамаслигини, лекин шунга қарамай

барча яратилганларнинг ҳам зохири, ҳам ботинида акс этиб туришини кўрсатади. Шунинг ўзиёқ уни топишнинг ниҳоятда мушкул эканлигини тасдиқлаш билан бирга, унга интилишни ҳам кучайтиради.

Шу ўринда яна бир марта таъкидлаш лозимки, Навоий халқ, яъни мавжудотнинг Ҳақдан вужудга келишини кўрсатар экан, унинг асл манбага бориш жараёнини ҳам кўрсатиб беради. Зеро, бусиз ваҳдат ул-вужудни ифодалаш қийин эди. Улуғ шоир буни чуқур дарк этган ҳолда, юқорида қайд этилганидек, бу жараённи мажозан Симургни излаган қушлар тимсолида кўрсатган эди. Бироқ шу билан биргаликда, Навоий ижодида бевосита сўфий солиқ фаолияти орқали ҳам ваҳдат йўли кўрсатилган. Тўғри, гарчи бу сочма тарзда бўлса-да, лекин улуғ шоир асарларида, хусусан, лирикасида чуқур акс этган. Шу жиҳатдан Навоий газаллари алоҳида ажралиб туради.

Кези келганда қайд этиш жоизки, шарқ адабиётидаги газал, шунингдек, рубоий, қитъа, қасида, маснавий-достон жанрлари тараққиёти бевосита сўфий шоирлар фаолияти билан ҳам боғлиқлиги сабабли, уларда тасаввуфий масалалар ҳам чуқур ишланди. Чунончи, газалнависликнинг ilk босқичида дунёвий ишқ ҳақида фикр юритилган бўлса, кейинчалик, хусусан, Румий, Хусрав Деҳлавий, Ироқий сингари шоирлар ижодидан бошлаб илоҳий ишқ ҳам унда катта ўрин тутди. Улардан сўнг Ҳофиз газалга риндона руҳ берган бўлса, Жомий газаллари орифона тус олди. Навоий газалларида эса уларнинг ҳаммаси жамулжам бўлди. Шу сабабли Навоий газалларида дунёвий масалалар қатори тасаввуфий масалалар ҳам ўзининг юксак бадий ифодасини топди. Буни биргина ваҳдат ул-вужуд тасвири ифодасида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бу фикр Навоий рубоийларига ҳам тааллуқли. Дарвоқе, рубоий ривож ҳам аслида сўфийлар фаолияти билан боғлиқ. Аслида халқ

орзаки ижоди заминиди шаклланган рубоий жанри ўзининг ихчам, умумлашмаларга бой ва таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Шу жиҳатларига кўра, ундан самоъ мажлисларида фойдаланиш қулай эди. Шунинг учун ҳам машҳур сўфий шоирлар Абу Саид Абулхайр /967-1049/, Нажмиддин Кубро /1145-1221/, Жалолиддин Румийлар ўзларининг самоъ мажлисларида асосан рубоийдан фойдаланишарди. Улар ижодида рубоий жанрининг муҳим ўрин тутуши ҳам шу билан боғлиқ. Бироқ энг муҳими, сўфий шоирлар яратган рубоийларда ваҳдат улвужуд талқинига катта эътибор берилганидир. Буни юқорида номлари тилга олинган сўфий шоирлар, шунингдек, Ҳаким Санойӣ, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Абдураҳмон Жомий кабиларнинг рубоийларида яққол кўриш мумкин. Чунончи, Абу Саид Абулхайр ёзади:

Дар олам агар фалак, агар моҳу ҳур аст,

Аз бодаи мастии ту паймонахўраст.

Фориғ зи чаҳонию чаҳон ғайри ту нест,

Берун зи маконию макон аз ту пур аст/2.1,10/.

/Агар оламда осмон, ой ва ҳур бўлса ҳам, улар сенинг маст қилувчи боданг шаробхўрларидир, яъни илоҳий тажаллиёт нуридан баҳраманддир. Жаҳондан фориғсану жаҳон эса сендан бегона эмас, макондан четдасену макон эса сен билан тўлгандир/.

Жомий эса бу фикрни тўлдиради:

Ҳар бесару поро нарасад даст ба ту,

Хуш он ки зи худ бирасту пайваст ба ту.

Ҳастӣ ту ба ҳастӣ, ки ба чуз зоти ту ҳаст,

Фонист ба зоти худ, вале ҳаст ба ту/2.46,273/.

/Ҳар қандай паршонҳолнинг қўли сенга етавермайди, ўзлигидан қутулиб сенга етишиш эса қувончлидир. Вужуд сен билан мавжуддир. Чунки сенинг зотингдан бошқа борлиқ йўқ. У/Аллоҳ/ ўз зотида фони

яъни йўқдир, лекин сенда мавжуддир/.

Навоий рубоийларида эса салафлар анъанаси янада ривожлантирилди. Воқеан, истеъдодли адабиётшунос И. Ҳаққулов тўғри қайд этганидек, "Навоий фақат газал жанридаги шеърларида эмас, рубоийларида ҳам ваҳдат ул-вужуд тушунчасининг образли тасвирларини изчил амалга оширгандир"/1.203,34-35/. Чунончи:

Омад зи насими субҳ бўи ту маро,

Дар равза намуд чилваи кўи ту маро.

Гул дидаму шуд нишони рўи ту маро,

Маълум нашуд ва лек хўи ту маро/1.91,412/.

/Тоғ шимолидан/ димоғимга/ сенинг исинг келди ва боғдан менга кўчанг жилваси кўринди. Гул кўрдим, /аммо у/ юзинг нишонаси бўлди, лекин менга феъл-атворинг қандайлиги маълум бўлмади/.

Достон жанри тараққиётида ҳам тасаввуфнинг таъсири йўқ эмас, Чунончи, ёқорида қайд этилганидек, Санойининг тасаввуфий руҳдаги "Ҳадиқат ул-хақиқа" достони шу йўналишдаги маснавийнависликнинг ривожига катта таъсир қилди. Буни Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Навоий "Ҳамса"ларининг биринчи Достонларида яққол кўриш мумкин. Аторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонидаги тасвир усули эса Румийнинг "Маснавийи маънавий", Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарларида ривожлантирилди.

Қитъа, қасида, соқийнома, таржеъбанд жанрларида яратилган шеърларда ҳам сўфиёна фикрларнинг катта ўрин тутганлиги эътиборга олинса, уларнинг ривожига ҳам тасаввуф таъсири кучли бўлганлигини кўриш мумкин. Аммо энг муҳими шундаки, бу жанрларнинг бирортасида ҳам ваҳдат ул-вужуд масаласи четлаб ўтилган эмас. Ҳатто айтиш мумкинки, у кичик лирик шеърларнигина эмас, балки лиро-эпик достонларнинг ҳам бошдан-оёқ асосий роҳсига айланди. "Мантиқ

ут-тайр", "Маснавийи маънавий", "Лисон ут-тайр" достонлари бунинг ёрқин далилидир.

Такрор бўлса ҳам айтиш лозимки, Алишер Навоий ижодидаги орифона газал, рубоий, достон кабиларнинг яратилиши шундай ҳаётий заминларга эга эди. Навоий уни ўзбек адабиётида изчиллик билан ривожлантирди. Бу нарса Навоий газалларида айниқса ёрқин намоён бўлган.

Навоий газаллари йирик адабиётшунослар А. Ҳайитметов/1.189/, Н. Маллаев/1.77/, Ё. Исҳоқов/1.57;1.60/ ларнинг асарларида кенг таҳлил этилган. Уларда улуг шоир газалларининг тематик доираси, ғоявий йўналиши, образлар олами бадиий маҳорат билан боғлаб текширилган. Биз улар билдирган барча фикрларга қўшилаемиз.

Навоий газаллари ва умуман, лирикаси улкан уммондир. Унда жуда кўп масалалар қатори тасаввуфий масалалар ҳам ўзининг чуқур бадиий ифодасини топган. Тасаввуфдаги асосий ғоявий масалалардан бўлган ваҳдат ул-вужуд ҳам шулар жумласидандир. Бу масала Навоийнинг орифона газалларининг асосини ташкил этади. Орифона газаллар эса Навоий девонларида катта ўрин эгаллаган. Улар барча девонларнинг бош қисмида берилишдан ташқари, ҳар бир ҳарф билан бошланувчи газалларнинг ҳам бир нечасини ташкил этади. Зеро, Навоий орифона газаллар яратишда ўз муршиди Ҷомий анъаналарини изчил ривожлантирган эди. Бундан ташқари, машҳур шоир Мақсуд Шайхзода тўғри қайд этганидек, орифона газалларнинг мазмунини вужуд бутунлиги ташкил этганлиги ва Навоийнинг ваҳдат ул-вужуд тарафдори бўлганлиги сабабли улуг шоир ижодида бу типдаги шеърлар салмоқли ўрин эгаллади.

Навоий яратган орифона газалларнинг лирик қаҳрамони ориф солиқ ёки сўфий ошиқдир. У-Ҳаққа ошиқ. Шу сабабли унга интилади. У билан руҳан бирлашишни, пок илоҳий нурга қовушишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Унинг барча интилишлари ва риёзатлари ҳам шунга қаратилган. Улуғ шоир ориф солиқнинг ваҳдатга интилишини турли рамз, поэтик тимсол ва шеърий санъатлар орқали ифодалаб, ваҳдат ул-вужуд ғоясининг образли тасвирини беришга эришган. Бунда Навоий икки хил тасвир усулини қўллаган. Аввало, турли поэтик образ, ташбеҳ, истиора, ҳусни таълил, тажохули орифона сингари шеърий санъатлардан фойдаланиб, ваҳдат оламидан юзага келган касрат оламининг тасвирини беради. Бу мантиқан тўғри эди. Чунки бутунликнинг турли сифатда намоён бўлишини кўрсатмай туриб, ваҳдат ҳақида фикр юритиб бўлмасди. Шу сабабли улуғ шоир кўпчилик газалларида бунга кенг тўхталган.

Иккинчи тасвир бевосита касрат оламининг ўзига тааллуқлидир. Бунда ҳам турли рамз ва шеърий санъатлар орқали асмон тасвири чизилади. Лекин тасвир жараёнида уларнинг барчаси ваҳдат оламга боғлаб берилади. Натижада, касрат ва ваҳдатнинг бир бутунлиги кўрсатиб берилади. Улуғ шоир ўзининг кўпгина орифона газалларида бу икки усулни ҳатто бирлаштириб қўллайдики, унда унинг юксак бадиий маҳорати акс этади. Масалан:

Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо,

Йўқса, не важҳ ила қамар андин топар зиё.

Ғарқи муҳити ишқинг эди жон ила қўнгул,

Ул дамки, руҳ эмас эди тан бирла ошно.

Тулда юзунг латофатидин ранге кўрмаса,

Булбулга не эди бу ғиғон бирла, бу наво/1.107,7-8/.

Улуғ шоир газалнинг ҳар бир байтида ҳусни мутлақнинг намоён бўлиш сифатини турли шеърий санъат ва поэтик образларда кўрса-

тиб беради. Чунончи, биринчи ва учинчи байтда ташбеҳ ҳамда ҳусни таълил санъатини қўллаб, қуёш, ой, гул, булбул образлари орқали ҳусни мутлақнинг тенгсиз гўзаллиги ва тажаллиётини чизади. Аниқроқ айтганда, қуёш ҳусни мутлақдан гўзаллик олгани учун ой ундан зиё олади. Булбулнинг ноласига эса гулдаги гўзаллик сабабчидир. Гул ўзидаги гўзал рангни ҳусни мутлақдан олган.

Навоий табиатдаги жонли ҳамда жонсиз нарсаларнинг ҳаракат ва ҳолатларини ҳусни таълил санъати орқали шоирона асослаб, вужуд яхлитлигига ишора қилади. Иккинчи байтда эса муболағавий тарзда бўлса-да, бу нарса очиқ ифодаланган. Яъни лирик қаҳрамон-солик ошиқнинг жони ҳам, кўнгли ҳам Ҳақ ишқи океанида фарқ бўлган. Чунки бу ишқ унинг танига руҳ кирмасдан жойлашган. Демак, лирик қаҳрамон, тасаввуфий истилоҳ билан айтганда, халқ Ҳақ сифати тарзида ажралиб чиқмасданоқ у билан чамбарчас боғланган. Ишқ уларни бир бутун ҳолатга келтирган. Шу сабабли лирик қаҳрамон нимага боқса, Ҳақни ва унинг мутлақ гўзаллигини кўради. Бу ваҳдати шухуд бўлиб, унга етган ошиқ комиллик касб этади. Навоий яратган солик ошиқ шу даражага кўтарилган лирик қаҳрамондир. Шунинг учун ҳам у ваҳдатни касратда яққол кўра олади. Навоий буни ҳам рамзий образлар орқали чизиб беради. Шу жиҳатдан мугбача образи диққатни тортади. Мугбача-аслида майхонада май ташувчи гўзал бола. Мажозан у ғайз манбаи бўлиб, май, яъни илоҳий тажаллиётдан вужуд зарротини сархуш этувчидир.

Навоий мугбачани шу тарзда, яъни ҳусни мутлақ тимсоли сифатида чизиб, лирик қаҳрамоннинг касрат олаmidан олган ғайзини унга боғлайди ва шу асосда вужуд тавҳидини далиллайди:

Чун акси рӯи мугбача хоҳам тамошо бингарам,
Оям даруни дайру дар миръоти саҳбо бингарам.

З-он сон даруни чашму дил чо карда он шўхи чигил,
К-ў рў намояд муттасил, хоҳам чу ҳар чо бингарам.
Абрўву рухсори ту, ваҳ, дар чашму дил то карда раҳ,
Не сар ниҳам дар қиблагоҳ, не дар Мусалло бингарам.
Маҳ бинам андар осмон, гул бингарам дар бўстон,
Ҳар дам чу натвонам, ки он рухсори зебо бингарам/1.91,100

/Мурбача юзи аксини томоша қилмоқчи бўлсам, майхонага кириб,
май ойнасига боқаман. Ўша гўзал дилу жонимга жойлашгани учун
қаерга қарасам у кўринади. Ажабо, қошинг билан юзинг кўзим билан
дилимга жойлашгандан бери на қиблага бош қўяман, на жойнамозу
намоз ўқиладиган жойга қарайман. У гўзал юзга ҳар замон қарай
олмаганим учун осмондаги ойга ва бўстондаги гулларга қарайман/.

Навоийнинг орифона ғазалларида Аллоҳ тимсоли табиат ва жамия
нинг энг гўзал, нурли предметлари—қуёш, ой, шам, гул, чиройли қиз,
йигит қабиларда чизилса, солиқ эса ўзлик иморатини бузиб, Ҳаққа
интилган фақир сўфий тарзида берилишидан ташқари, ер, парвона,
булбул поэтик образларида ҳам ифодаланган. Навоий аксари ҳолда
уларни қуёш ва ундан зиё олувчи ой, ер, шам ва унинг парвонаси,
гул ва унинг булбули, маъшуқа қиз ва унинг ошиғи тарзида ёнма-ён
тасвирлаб, рамзий поэтик образлар орқали Аллоҳ ва оламнинг аж-
ралмаслигини, бир бутунлигини ифодалайди.

Навоий поэтик образлар воситасида ваҳдат ул-вужудни тасвир-
лаётганда кўпинча жамъ санъатини ҳам қўллайди. Атоуллоҳ Ҳусай-
нийнинг ёзишича, "Жамъ улдурким, бир нечани хоҳ икки бўлсун, хоҳ
андин ортиқ бўлсун, бир васфга жамъ қилурлар"/1.206,142/.

Атоуллоҳ Ҳусайний фикрини давом эттириб, бир нечани ўзида
жамъ этган санъатни адабиётшуносликда жомия дейишларини ҳам
келтиради. Бу фикр машҳур олим Рашидиддин Ватвотга тегишли бў-

либ, унингча жомий ҳам яширин, ҳам очиқ бўлиши мумкин экан. Навоий ваҳдат ва касрат оламининг бадиий тасвирини беришда жамъ санъати имкониятларидан кенг фойдаланган.

Чунончи:

Сен эттинг шамъу гулда жилваким, парвонаву булбул,
Бири куйди, бирига бўлди юз дарду бало пайдо/1.105,8/.

Ва яна:

Чу ёр айлар эмиш барча ерда жилвайи хусн,
Тенг ўлди Каъба била дайри Сўмнот манга/1.105,15/.

Биринчи байтнинг биринчи мисрасида маъшуқ шам ва гулни, ошиқ эса парвона ва булбулни ўзида жамлаб, очиқ ҳолатда келган. Иккинчи мисрада эса парвонанинг шамга интилиб куйиши ва булбулнинг гул васли орзусида тортган дарду нолалари Ҳаққа интилган солиқ ошиқ ҳаётига ишорадир. Улуғ шоир поэтик образларда чизган бу ваҳдат байтнинг ботиний маъносига жойлаштирилган.

Иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги тасвирда ёр-Аллоҳ, бутун оламини ўзида жамлаган. Шу сабабли у ҳамма жойда зухур этади. Бунда вужуд яхлитлиги ифодаланган. Иккинчи мисрада эса илоҳий тавҳид кўрсатилган. Улуғ шоир динлар турлича бўлиб, биров мусулмон сифатида Каъбага, бошқаси насроний тарзида бутхонага эътиқод қилса-да, улар иккиси ҳам воҳид бир вужудга боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Шу сабабли комил лирик қаҳрамон кўзига турли олам шухуди ягона хусни мутлақ вужудида акс этади.

Ўрни келганда алоҳида қайд этиш лозимки, Навоий лирикасида ва умуман, ижодиётида ваҳдат ул-вужуд тасвири тадрижий тараққиётга эга бўлди. Чунончи, унинг биринчи девонида вужуд яхлитлигига доир шеърлар учраса-да, аммо у изчил эмас. Улуғ шоирнинг 60-

70-йилларда яратган шеърларида "хамма удир"га нисбатан "хамма ундандир" гоёси фаолроқ тарзда олға сурилган. Бу ҳол Навоийнинг риёзати ҳали фақат шариат босқичида кечаётганлигини кўрсатарди. Шу сабабли унинг лирик қаҳрамони ҳам комил мусулмон сифатида фикрлаб, "хамма ундан" қарашида устуворлик кўрсатарди.

Навоий нақшбандийликни қабул қилиб, тасаввуф йўлига киргач "хамма удир" фикри ҳам унда изчиллаша борди. 80-йилларда бу икки фикр ёнма-ён ҳолатда ифодаланиб борди. Буни "Ҳамса"да яққол кўриш мумкин. Воқеан, улуг шоир "Ҳамса" дostonларининг ҳамд ва муножот қисмларида "хамма ундан" гоёсини изчил ёритса, маснавийлар сюжетининг хулосавий қисмида "хамма у" фикрини далиллайди. Бу нарса, хусусан, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" дostonларининг ботиний мазмунида яққол кўринади. Аниқроқ айтганда, бош қаҳрамонларнинг васл фаносидаги ҳолатларида вужуд бирлиги чиқиб берилди.

90-йилларга келиб ва хусусан, умрининг охириги йилларида яратган асарларида "хамма удир" фикри изчил ва барқарор ҳолатга кўчди. Буни "Ҳазойин ул-масний" ва "Лисон ут-тайр"да яққол кўриш мумкин. Улуг шоир болалигида севиб ўқиган "Мантиқ ут-тайр"нинг бош гоёси-ваҳдат ул-вужудни бутун умр ақл, билим ва қалб нури орқали мукамал англаб, кексайганида унга ёзган жавобияси- "Лисон ут-тайр"да тўла тасдиқлайди.

Навоий умрининг сўнгги даврларида тартиб берган "Девони Фоний"да эса ваҳдат ул-вужуд талқинида янада олға кетди. Улуг шоир девондаги газалларида салафлари анъаналарини изчил ривожлантирди. Буни ҳам шакл воситалари-вазн, образ ва шеърый санъатларда, ҳам мазмун элементлари-мавзу, гоё ва проблемада кўриш мумкин. Чунки Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърларининг кўпчилиги

татаббу тарзида яратилган эди. Бироқ девондаги шеърлар форс-тожик шеъриятининг буюк намояндалари газалларига улуг мутафаккир шоирнинг жавобияси бўлганлиги сабабли уларда тақлид эмас, балки ижодий беллашув руҳи намоён бўлиб туради. Шу билан бирга, салафларнинг энг яхши анъаналарини ривожлантиришга интилиш ҳам кўзга ташланади. Бу нарса кўпроқ ишқий орифона газалларда акс этади.

Гарчи Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, унинг орифона шеърлари Жомий ижодидан озиқланган бўлса-да, лекин Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Камол Хўжандий газалларига татаббуларида ҳам орифона руҳ йўқ эмас. Муҳими шундаки, Навоий бу руҳдаги газалларида салафлари анъаналарини давом эттирибгина қолмай, ҳатто улардан анча олға кетади. Чунончи, Хусрав Деҳлавийнинг газалига ёзган қуйидаги татаббуси бунинг ёрқин мисолидир.

Агар Хусрав Деҳлавий лирик қаҳрамони маъшуксиз ўзини ёлғиз хис этса, Навоий лирик қаҳрамони эса унинг ёдида ўзлигидан ҳам ажралади. Улуг шоир газалига орифона руҳ бериб, лирик қаҳрамон ҳолати ва интилишларига вужуд бирлигини сингдиради. Дарвоқе, лирик қаҳрамон маъшукқа интилиб ўзлигига шу қадар барҳам берганки, натижада, унинг ўзи маъшукқа айланган. Бунда Мансур Ҳаллож "Ан ал-Ҳақ"ига ҳамоҳанг фикр яққол сезилиб туради:

Ёд он навъ диламро зи худй карда халос,

Ки гаҳе ёд наёяд ба дил аз кештанам.

Он чунон ман зи миён рафта, ҳама ў шудаам,

Ки ба худ ҳеч тахайюл накунам ин, ки манам.

Гар бичўянд зи ман, ҳеч наёбанд чуз ў,

Ин тани орият ар э-он, ки зи худ бар фиканам/1.91,62/.

/Унинг/Аллоҳнинг/ ёди дилимни ўзликдан шундай халос этдики, ўзлигим бир лаҳза ҳам эсимга келмайди. Мен ўртадан шундай йўқо-

либ кетганманки, борлигим ҳаммаси у бўлиб қолган, чунки бу мен деган нарсани ҳеч ўйламайман. Агар бу вақтинчалик тинни ўзимдан отиб ташласам, мени истасалар, ундан/Аллоҳдан/ бошқани топмайди-лар/.

Татаббуда Навоий санъаткорлик маҳоратини юксак даражада намоиш этган. Аввало, унда ваҳдат ул-вужуднинг образли тасвирини берган. Иккинчидан, очиқ айтиш мумкин бўлмаган ҳалложона фикрни шеър мазмунига сингдириб юборган. Бироқ у мавҳум бўлмай, газалда яққол акс этиб туради. Учинчидан эса, ваҳдат ул-вужуд билан борлиқ бошқа орифона масалаларга ҳам ишоралар берган.

Воқеан, биринчи байтда "ёд", "дил" сўзларини такрорлаш билан Аллоҳни эслаш ва унга етиш кўнгил орқали бўлишига ишора қилади. Аллоҳ кўнгилдан жой олгач, унинг ёди мустаҳкамланади. Натижада, вужуд бирлиги юзага келади.

Иккинчи байтдаги "мен" сўзида ийҳом санъати қўлланган. Унинг очиқ маъноси биринчи шахсни, мен ўзим деган маънони билдирса, яширин маъноси инсоний ўзликни англатади. Бу ерда иккинчи маъно муҳимдир. Чунки, Навоий талқинича, инсонда ўзлик, менлик барҳам топмас экан, илоҳий ваҳдат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Учинчи байтдаги "тани орият"—вақтинчалик жисмда касрат оламига хос муваққатликка ишора бор. Ундан қутулиш касрат белгисидан ҳам покланишдир. Бунинг учун инсоний менликни йўқотиш лозим. Шундан сўнг асл вужуд қолади. Унда эса ваҳдат акс этади. Чунки бир танда икки руҳ бирлашиб, воҳид бирлик юзага келади. Улуғ шоир шу тарзда юксак поэтик маҳорат билан вужуд бирлиги ва унга қўтарилиш жараёнини чизиб беради.

Бундай орифона фикрлар Навоийнинг Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий газалларига ёзган татаббуларига янада чуқурлашган. Бу нарса

Навоийнинг Ҳофиз шеърларига ёзилган тожикча ва Жомий газалларига битилган ўзбекча татаббуларида айниқса яққол кўзга ташланади.

Алишер Навоий татаббуларидан энг кўпи Ҳофиз газалларига битилгандир. Бу ҳол бежиз эмас. Зеро, Ҳофиз ўз даврида ҳам ва ундан кейин, чунончи, Навоий замонида ҳам буюк шоир сифатида улуғланган. Унинг ғоявий-бадий юксак шеърлари барча шоирлар учун намуна бўлиб, уларни ижоднинг етук намуналарини ёзишга ундар ва шуаро кўпинча ўз татаббулари орқали салоҳиятлари даражасини намойиш этишарди.

Гарчи Алишер Навоий:

Татаббу кардани Фоний дар ашъор,

На аз даъвию на аз худнамоист.

Чу арбоби суҳан соҳиб дилонанд,

Муродаш аз дари дилҳо гадоист/1.91,394-396/.

/Яъни Фонийнинг/форс-тожик шоирлари/ шеърларига татаббу ёзишдан мақсади бир даъво ва ёки ўзини кўрсатиш учун эмас. Соҳиб диллар сўз санъаткорларидирлар, Фонийнинг муроди эса диллар эшигида гадоликдир/, деган бўлса-да, аммо улуғ ўзбек шоири форс-тожик тилида ёзган шеърлари билан ҳам ўзининг буюк истеъдоди ва юксак маҳоратини намойиш этди. Буни тожик олимлари ҳам эътироф этган. Воқеан, академик Абдулгани Мирзаев бу борада шундай ёзади: "Алишер Навоийнинг форс-тожик шеърлятида ҳам устозлиги ва юксак маҳорат кўрсатганлигини унинг жавобия ёки мустақил газалларининг ҳар бирида, маълум даражада аниқ кўриш мумкин"/1.88,62/.

Мухими шундаки, Алишер Навоий ўз татаббуларида салафлари фикрларини ривожлантирди. Уларнинг тасаввуфга, хусусан, ундаги ваҳдат ул-вужуд ғоясига доир қарашларини бадий юксак тасвирлар орқали

бойитди. Буни улур шоирнинг Ҳофиз газалига битилган куйидаги татаббусида ҳам яққол кўриш мумкин:

Майли сарвам зи хавои қади дилчўи ту буд,
Буданам волаи гулбарг ҳам аз рўи ту буд.
Дар хама тоқи фалак хайъати қавсийи ҳилол,
Аз паи зеби камонхонаи абрўи ту буд.
Мурдам аз рашку дигар зинда шудам, лек зи шавқ,
Ки сахар накхати гулро бо чаман бўи ту буд.
Дар хароботи муғон дўш алоло то субҳ,
Аз маи лаъли туву силсилаи мўи ту буд.
Каъбау дайр тафовут накунад чун хама чо,
Дида бар рўи туву майли дилам сўи ту буд.
Буд дар роҳи талаб равшании дидаю дил,
Тўтиё ранг ҳар он гард, ки аз кўи ту буд.
Файзи қудсий расад аз нуктаи Фоний ҳар дам,
Ки ҳадисаш сифати лаъли суҳангўи ту буд/1.90,262/.

/Сарвга майлим борлиги қоматинг хавасидану гулбаргга мафту бўлишим ҳам юзинг орзусидан эди. Фалак тоқида камон хайъатидаг. янги ой қошинг камонхонасини безаш учун эди. Рашқдан ўлдим, леки шавқингдан яна тирилдим, чунки сахар чамандаги гулда сенинг исинг бор эди. Кеча муғлар хароботида лаъл лабинг майи билан зулфинг занжири хусусида тонг чоригача шовқин-сурон ва тўполол бўлди. Каъба билан дайрда тафовут йўқ, чунки ҳамма жойда кўзим юзингда-ю, дилим майли сенда эди. Кўйингдаги тўтиё рангли ҳамма чанг талаб йўлида бўлган кўз билан дилинг равшанлиги учун тўтиё эди. Фонийнинг сўзидан ҳар бир нафасда муқаддас файз етади, чунки унинг сўзи ширин сўз лабинг сифати эди/.

Навоийнинг бу шеъри Ҳофизнинг куйидаги газалига татаббу тарзида яратилган эди:

Дӯш дар ҳалқаи мо қиссаи гесуи ту буд,
То дили шаб суҳан аз силсилаи мӯи ту буд.
Дил, ки аз новаки миғзони ту дар хун мегашт,
Боз муштоқи камонхонаи абрӯи ту буд.
Олам аз шӯру шари ишқ хабар ҳеҷ надошт,
Фитнаангези ҷаҳон ғамзаи ҷодуи ту буд.
Мани саргашта ҳам аз аҳли саломат будам,
Доми роҳам шикани турраи ҳиндуи ту буд.
Бикушо банди қабо то бикушояд дили ман,
Ки кушоде, ки маро буд зи наҳлӯи ту буд.
Ба вафои ту, ки бар турбати Ҳофиз бигзар
К-аз ҷаҳон мешуду дар орзуи рӯи ту буд/2.38,184/.

/Ўтган кечадаги йиғилишимиз қиссаси сенинг кокилинг ҳақида эди. Ярим кечагача сўз фақат сенинг ўрма сочинг борасида бўлди. Кўнглил сенинг кичрикларинг ўқидан қонга айланса ҳам, яна сенинг қошларинг камонхонасига муштоқ эди. Олам ишқнинг фитна ва ғавроларидан хабарсиз бўлиб, жаҳонга фитна ва ғавро солган сенинг жодули ғамзанг эди. Мен саргардон ҳам ҳақиқат аҳлидан эдим, йўлимдаги тузоқ эса сенинг жингалак ҳиндузулфинг эди. Устки кийиминг боғини ечиб, уни очгин, ундан менинг ҳам кўнглим очилсин, зеро, мендаги бундай очилиш аслида сенга яқинлик туфайли эди. Вафодорлик қилиб, Ҳофиз қабри ёнидан ўтгин, чунки унинг ўлими сенинг юзинг орзуси эди/.

Ҳофиз газалида ҳам, Навоий газалида ҳам рамзий фикрлаш устувор. Ҳар икки шеърда ҳам лирик қаҳрамон-солик ошиқ. Уларнинг оши-

қона фикрлари дунёвий гўзал орқали илоҳий ҳусн соҳибига қаратилган. Бироқ фарқ шундаки, Ҳофиз газалида ёр таърифи унга интили билан қўшилиб кетган. Ҳофизда висол асосий масала. Шоир газалининг бошидан охиригача муболага санъатини қўллаб, лирик қаҳрамоннинг вужудий бирликка интилиш жараёнини кўрсатиб беради.

Навоий газалида эса рамзий тасвир вужуд бирлигининг ўзини кўрсатишга йўналтирилган. Лирик қаҳрамон шухуд камолотига етган. У табиатнинг ҳар бир нарса-ҳодисасида илоҳий тажаллиётни кўради. Улуғ шоир буни байтма-байт ўзига хос тарзда талқин этади. Ажойиб шундаки, Навоий ўз газалининг татабу тарзида яратилганини ҳам унутмайди. Шу сабабли Ҳофиз анъанасини давом эттириб, изчиллик билан маъшукани тасвирлаб ҳам боради. Ўзига хослик шунда намоен бўлади. Яъни бир байтда тажаллиёт ҳақида фикр юритилса, иккинчисида маъшуқа ҳусни таърифи берилади. Аммо бунда байтлардаги фикрий изчиллик узилиб қолмайди. Балки бир-бирини тўлдириб боради.

Лирик қаҳрамон илоҳий жамол мафтун. Бу гўзалликни табиатда кўргани сари ундаги ишқ янада алангаланиб боради. Шу гўзаллик таъсирида ўзини, ўзлигини унутади. Қолга этади ва ҳатто ўлади. Лекин ҳақиқий маҳбубнинг гулда акс этган илоҳий ҳидидан яна тиралади. Атрофга боқиб, ҳамма ерда ўзи кабиларни кўради. Ҳатто майхонадагилар ҳам аслида илоҳий тажаллиёт майдан мастликларини кўради. Энди унга каъба билан бутхонанинг фарқи қолмайди. Чунки лирик қаҳрамоннинг кўзи ҳамма жойда илоҳий жамолга тушади. Шундан сўнг у ўзида ҳам вужудий бирликни ҳис этади. Лирик қаҳрамон сўзларидаги муқаддас ғайз илоҳий тажаллиёт маҳсули эди. Чунки унинг сўзи ҳақиқий маҳбубнинг ширин сўз лабидан озикланмаганда ва ундаги сифатга эга бўлмаганда ундан муқаддас ғайз етиши мумкин

эмас эди. Шу тарзда улуг шоир шоирона мантиқ орқали вужуд бирлигини асослаб беради. Аммо энг муҳими шундаки, гарчи Навоий газали татаббу тарзида яратилган бўлса-да, бироқ унда улуг шоирнинг юксак маҳорати намоён бўлган. Воқеан, Ҳофиз газалидаги бош ғоя тасвирида асосан муболага санъати қўлланилган бўлса, Навоий татаббусининг ҳар бир байтида турли шеърӣ санъатдан фойдаланилган. Чунки, биринчи байтда ташбеҳли лаф ва нашр санъати қўлланган. Бу санъат йиғиш ва ёйиш маъносини англатади. Унга кўра, байт мисраларида бирдан ортиқ ўзаро бир-бирига боғлиқ тушунчалар тасвирланиб, уларнинг мантиқий алоқасига урғу берилади.

Байтда лирик қаҳрамоннинг сарвга майли ёр қаддига ҳавасдан, гулбаргга мафтунлиги эса ёр юзи орзусидан пайдо бўлган. Улуг шоир сарв-қад, гулбарг-юз тушунчаларининг ўзаро алоқадорлигидан фойдаланиб яратган лаф ва нашр санъати орқали вужудий бирликни чизиб беради. Бу фикр шу байтдаги тасбе санъатида ҳам асосланган.

Тасбе санъатида биринчи мисранинг охиридаги сўз иккинчи мисранинг бошида келади. Навоий байтининг биринчи мисраси охиридаги сўз "буд" кейинги мисрани ҳам бошлаб берган. Навоийнинг бу сўзни такрор ишлатиши беҳиз эмас. Дарвоқе, "буд" сўзи "бор эди" маъносини беради. Кейинги мисрада у "буданам", яъни "борлигим" тарзида келади. Улуг шоир талқинича, у, яъни Ҳақ борлиги учун лирик қаҳрамон бор. Лирик қаҳрамоннинг борлиги фақат унга боғлиқ. У бўлмаса ҳеч ким бўлмасди. Буни илоҳий маъшук қадди-қомати акс этган сарв ва юзи тажассум қилган гулбаргдаги тажаллиёт ҳам тасдиқлайди. Навоий байтдаги тасбе санъати орқали "ҳамма ундандир" фикрини эмас балки "ҳамма удир" деган қарашни ёқлаётгани сезилиб туради.

Иккинчи байтда ҳам муболага, ҳам ташбеҳ санъати қўлланилган. Улуг шоир тасвирича, кўкдаги хилол ёрнинг қошидир. Аслида у ёр қош

камонхонаси, яъни ошиқни ҳалок этишга мўлжалланган қош ҳаракатларини безаш учундир. Дарвоқе, бу фикр учинчи мисрада яқунланади. Маъшук гўзаллиги тажаллиёти таъсирида юзага келган рашк ошиқни ўлдиради. Улуғ шоир учинчи мисрада тазод санъатини қўллаб, ошиқдаги ҳол тасвирини беради. Лирик қаҳрамон маъшук қудратини ҳис этади. "Мурдам", яъни ўлдим ва "зинда шудам", яъни тирилдим унинг эътирофи. Ўлдирган ҳам, тирилтирган ҳам маъшук. Демак, манба битта. Улиш-фанó. Аммо бу ўлим ўзликдан айрилиш. Ошиқ маъшук туфайли ўздан ҳам, ўзлигидан ҳам ажралган. Натижада, фано ҳолига етган. Бироқ шундан сўнг гулда акс этган ёр ҳидидан қайта тирилган. Бу эса ўзлик фаносидан кейинги Ҳақда топилган бақодир. Шундай қилиб, улуғ шоир тазод санъатида ифодаланган ўлиш ва тирилиш орқали Ҳақ учун фано ва Ҳақдаги бақони моҳирона чизиб берган.

Тўртинчи байтда яна муболаға санъати қўлланиб, олам аҳлининг Ҳаққа интилишига ишора қилинган. Улуғ шоир буни маъшуканинг лаби майи ва зулфи занжири хусусида тонггача баҳс юритган майхона аҳли тасвирида чизади. Мухими шундаки, бу мажозий тасвирдаги зулф занжири коинотдаги ҳамма нарсанинг ўзаро боғлиқлигини, май эса бутун оламдаги илоҳий тажаллиёт нурини ифодалаб келган. Бу фикр бешинчи байтда махсус таъкидланган. Дарвоқе, бу байтдаги тасвирга кўра лирик қаҳрамон ҳамма жойда Ҳақ жамолини кўргач, унинг учун қаъбанинг ҳам, бутхонанинг ҳам тафóвuti қолмайди. Бу ваҳдат улвужудни тасдиқловчи фикр эди. Навоий буни яширин тарзда эмас, балки очиқ ифодалайди. Чунки, улуғ шоир талқинича, инсон шухуд, яъни Ҳақни кўра олиш камолотига етгач шундай фикрга келади. Навоий шу даражага етган лирик қаҳрамоннинг ундан кейинги ҳолатини тавзе санъати орқали чизиб беради.

Тавзе ҳарф санъатидир. Унда унли ва ундошлар мутаносиб тарзда мисраларда тизиб борилади. Бироқ шундай оҳангдошлик сўзларга

мазмун ҳам бериши лозим. Бошқача айтганда, товуш ва ҳарфлардаги оҳангдошлик, улар қўлланган сўзларда ҳам муайян бир фикрни ифодалаши лозим. Байтнинг иккинчи мисрасидаги дида-дилаам, туву-ту, рӯи-сӯи, рӯи ту-сӯи ту сўзларида тавзе санъати акс этган. Дида-кўз, дил-кўнгил, дилам-кўнгилдир. Кўнгил-Ҳақ макони. У поклангач маъшук ундан жой олади. Кўнгил Ҳаққа маъво бўлгач, қалб кўзи очилади. Натижада, инсон бутун олами Ҳақ кўзи билан кўра бошлайди. Бу эса сенлик ва менликнинг барҳам топишидир. Шу даражага етган лирик қаҳрамон туву-ту, яъни сену сен дея, ҳамма нарсада ягоналикни, воҳид бирликни кўради. Чунки у қайси томон-сўйга боқса, маъшук ўзи-рӯйини кўради. Шу сабабли у ҳамма тарафни сӯи ту-сенинг томонинг ва ҳамма нарсани рӯи ту-сенинг юзинг дея таъкидлайди.

Навоий олтинчи байтда тасдир санъатини қўллаб, бу фикрни яна қайд этади. Тасдир санъатида байтнинг биринчи мисрасини бошлаган сўз иккинчи мисрани яқунлайди. Унинг кўринишлари кўп бўлиб, Навоий бу байтда тасбели тасдирни қўллаган. Унга кўра, олдинги байт охиридаги сўз кейинги байтни бошлаб беради ва яқунлайди. Бироқ бу ўринда муҳими у эмас, балки Навоий қўллаган сўздир. Улуғ шоир тасбели тасдир санъатидан фойдаланиб истифода этган "буд" сўзининг "бор эди", "бордир" ва "бор бўлади" сингари турли маънолари орқали вужуд бирлигини таъкидлайди. Воқеан, тасбели тасдир учун асос бўлган бешинчи байт охиридаги "буд" сўзида ваҳдат уш-шухудни ифодаласа, олтинчи байтни бошлаган "буд" сўзида шухудга етган лирик қаҳрамоннинг боқийлигига ишора қилинади. Байт охиридаги "буд" сўзида эса бор мавжудотнинг ўзаро боғлиқлиги таъкидланади.

Сўнгги байтда эса юқоридаги барча фикрларни умумлаштиради. Аниқроқ айтганда, олдинги байтлардаги вужуд бирлиги қайд этилган фикрларни яна таъкидлайди. Шу билан бирга, вужудий яхлитликнинг

камолоти ва намоён бўлиши инсонда акс этишига ишора қилади. Буни инсоннинг сўзлаш ва фикрлаш хусусияти билан боғлайди.

Дарвоқе, Навоий ўзбекча ғазалларидан бирида буни махсус таъкидлаб, инсон "Чу бўлди нутқ ила мумтоз барча ҳайвондин" дер экан/1.107,12/, оламдаги нарса-ҳодисаларда акс этган Ҳақ жамоли жилвасининг мукаммал кўриниши инсонда мужассамлигини "Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро, Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро" дея махсус таъкидлаган ҳам эди/1.106,9/. Шу хил тасвир усули Навоийнинг Жомий ғазалларига битилган орифона татаббуларида янада изчил ривожлантирилган. Чунончи, Жомийнинг куйидаги мисралар билан бошланувчи ғазалига ёзилган татаббусида буни аниқ кўриш мумкин:

Боде, ки гузораш ба сари кўи ту ёбам,

Чон бод фидояш, ки аз бўи ту ёбам/2.40,173/.

/Сенинг кўчанг бошидан эсаётган шамолга жоним фидо бўлсинки, ундан сенинг ҳидингни топаман/.

Жомий ғазалида ҳусни мутлақ тажаллиёти табиатдаги нарса-ҳодисаларда акс этиши тасвирга тортилса, Навоий татаббусида эса урғу кўпроқ инсонга берилади. Чунки Навоий талқинича, илоҳий зухурот бошқа нарсаларга нисбатан инсонда ёрқин акс этади. Бу мантиқан тўғри эди. Аммо шу билан бирга, Навоий тажаллиётнинг борлиқдаги ифодасини ҳам унутмайди. Тасвирда ёнма-ёнликни қўллаб, вужудий birlikнинг бутун оламда ва хусусан, инсонда гўзал акс этишини поэтик ифодаларда чизиб беради:

Анвори таҷаллий зи маҳи рўи ту ёбам,

Меҳроби дуо тоқи ду абрўи ту ёбам.

Дил гар шавад овора зи ошуфтағийи ишқ,

Ҳар сў талабам, оқибаташ сўи ту ёбам.

Аз меҳри ту ҳар субҳидамам тоза шавад рух,

З-он рӯй,ки аз боди сахар бӯи ту ёбам.

Пеши лаби Исо нафасат чун надихам чон,

К-он мӯъчиза аз лаъли сухангӯи ту ёбам...

Фонӣ,ки дилаш дар шаби савдои ту гум шуд,

Гар ёбамаш аз турраи ҳиндуи ту ёбам/1.91,66/.

/Тажаллий нурларини ой юзингдан топаман, дуо меҳробини икки қо-
шинг тоқидан топаман. Агар дил ишқ ошуфталигида овора бўлса, уни
қаердан истамай, оқибат сен томондан топаман. Тонг шамолидан исинг-
ни топганим учун ҳар субҳидамда меҳрингдан руҳим тоза бўлади. Ниме
учун Исо нафасли лабинг олдида жон бермайн, у мӯъжизани сӯзловчи
лаълингдан топаман. Фонийнинг дили сенинг ишқинг тунда йўқолди,
агар уни топсам, сенинг қора зулфингдан топаман/.

Татаббунинг охирги байтида дил сӯзига алоҳида урғу берилгани
бежиз эмас. Дил инсон вужудидаги Аллоҳ зухур этадиган асосий ўрин-
дир. Ҳақни топишга интилан солик қалбига жило бермай, яъни уни то-
заламай мақсад манзилига ета олмайди. Ҳатто айтиш лозимки, кўнгил-
ни покламай туриб, ҳеч қандай покликка ҳам эришиб бўлмайди. Шунинг
учун ҳам Навоий кўнгил поклигини барча орзулар ушалишининг гарови
тарзида чизиб, пок дил "холиққа эрур жилвагоҳ"/1.108,73/ дея, агар
у покланмаган бўлса, "акс анда солмағай ул подшоҳ"/1.92,67/ деб,
Ҳақ йўлига кирмоқчи бўлганларни қатъий огоҳлантиради. Кўринадики,
Ҳаққа интилишнинг сӯфий ҳаётидаги амалиёти узоқ ва ғоят машаққат-
ли риёзатлардан иборатдир. Воқеан, унинг шариат, тариқат ва ҳақиқат
босқичларидан иборат бўлиши ҳам бежиз эмас. Ўрни келганда айтиш
лозимки, шариат рукнларини бажариш тасаввуфнинг дастлабки даврла-
рида қатъий талаб даражасида эмас эди. У кейинчалик қатъийлаштирил-
ди. Бу масалага дастлаб Жунайд Бағдодий/ в.910 й./ эътибор қаратди

Сўнг хужжат ул-ислом Муҳаммад Ғаззолий ҳам худди шундай фикрни олға сурди. Навоий ҳам бу фикрни нақшбандийлик нуқтаи назаридан шарҳлаб, тасаввуф йўлини танлаганлар шариатга риоя қилмаса мақсадга етолмаслигини таъкидлайди ва Ҳаққа таваккул аҳли каби интилишга чорлайди:

Бу йўлда кимки наби шаръидин чиқарди қадам,
Йўл озди, чунки мутеъ ўлди ақли жоҳилига.
Таваккул аҳлики чиқмас сафарда жодадин,
Яқиндурурки, етар гом бирла манзилига/1.106,487/.

Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр", "Насоим ул-муҳаббат" ва хусусан, "Сирож ул-муслимийн" асарларида шариат руқнлари кенг ёритилган. Тўғри, гарчи "Сирож ул-муслимийн" тўлалигича шариат руқнларини ёритишга бағишланган бўлса-да, бироқ унда шариат арконига сўфийлар муносабати акс этмаган. Зотан, Навоий асарни яратишда бундай вазифани ўз олдига қўймаган ҳам эди. Чунки бу асар оддий мусулмонлар учун ёзилган бўлиб, унда шариатнинг ҳамма учун фарз бўлган талабларини қандай бажариш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган, холос Аммо "Ҳайрат ул-аброр" ва "Насоим ул-муҳаббат"да эса шариат арконига сўфийлар муносабати ва уларни бажариш тарзи оддий мусулмонларники билан қиёсланган ҳолда чуқур ёритилган. Чунончи, "Ҳайрат ул-аброр"да барча мусулмонлар бажарадиган шариат руқнларининг зоҳирий талабларидан ташқари ботиний талаблари ҳам борлигига диққатни тортиб, уларни чуқур ёритса, "Насоим ул-муҳаббат" да эса ундаги фикрларини ривожлантириб, шариат арконига сўфийлар муносабати ҳамда бажариш тарзини чизиб беради.

Сўфий шариатнинг барча талабларини мукаммал амалга оширгандан кейин тариқатга қадам қўяди. Навоий ёзади: "Яна бовужуди шариат тариқат одобидурки, бу тоифа маръий тутарлар"/1.96,70/.

Тасаввуфшунос О.Ф.Акимускиннинг ёзишича, тасаввуф тарихида тариқат калимаси тадрижий тараққиётга эга бўлди/3.18,224/. Дарҳақиқат, у дастлаб IX-X асрларда тасаввуф босқичларидан бири, XI-XII асрларда эса умуман сўфийлик йўли ва ниҳоят, XII асрнинг охирида сўфийликнинг муайян тармоғи, бошқача айтганда, аниқ бир силсилавий йўналиш тарзида қўлланилди. Бу босқичда сўфий албатта ўз муршидига эга бўлиши керак. Сўнг муршидга ўзининг бутун ихтиёрини топширган ҳолда унинг тарбияси ва кўмағи билан тариқат талабларини бажаришга киришади. Сўфий олдидаги тариқат талаблари уни рухий ва нафсоний жиҳатдан поклаб, ҳақиқат сари йўллайди. Тариқат талаблари мақом ва ҳолда мужассамланган.

Мақом манзил, жой маъноларини билдиради ва кўпликда мақомот дейилади. У сўфийнинг покланиш зиналаридан иборатдир. Бу зиналар кетма-кет келади. Сўфий мақом зиналарини мукамал босиб ўтиши керак. Агар у олдинги зинадаги талабни тўла бажармас экан, кейингисига ўтиши мумкин эмас.

Мақомот сони ҳақида тасаввуф донишмандларининг фикри турличадир. Абу Наср Саррож ва Ҳажвирий уларнинг сонини еттита/тавба, вараъ, зухд, фақр, сабр, таваккул, ризо/ кўрсатса/3.29,30-31/, Муҳаммад Ғаззолий тўққизта/ тавба, сабр, шукр, хавф, ражо, фақр, зухд, таваккул, муҳаббат//3.29,30-31/, "Фақрнома" муаллифи ўнта/ тавба, мурид бўлиш, хавф, ражо, вирд-зикр, шахватни тарк этиш, пирга хизмат қилиш, насиҳат эшитиш, тажрид, тафрид//1.168,12/ дейди. Бироқ мақомот сонини ўн саккизта/Нажмиддин Розий/, қирқта /Мир Саид Али Ҳамадоний/ ва юзта/Абдуллоҳ Ансорий/ деувчилар ҳам бор/3.29,31/.

Мақомотга Навоий ҳам алоҳида эътибор қаратган. Улуғ шоир "Насоим ул-муҳаббат"да мақомотни "тариқат одобидур" дейди ва сўфий-

лар уларга қатъий риоя қилишларини таъкидлайди/1.96,70/. Бироқ Навоий мақомотни нақшбандийлик нуқтаи назаридан таҳлил этади. Нақшбандийликда эса мақомлар сони ўн та эди: тавба, вараъ, зуҳд, факр, сабр, шукр, таваккул, хавф, ражо ва ризо. Навоий мақомот доирасига булардан ташқари сахойи муфрит, хилм, бурдборлик, луқма қиллияти, риёзат, ширинсўзлик ва тўғри насихатни ҳам қўшиб, ўз асарларида, хусусан, "Насоим ул-муҳаббат", "Маҳбуб ул-қулуб" ва "Назм ул-жавохир"да уларни кенг шарҳлайди.

Навоий талқинидаги мақомот инсонни, жамиятни поклашга йўналтирилган. Дарвоқе, ўз фаолиятида уларга риоя қилган киши албатта комил бўлади ва жамиятга эзгулик, олижаноблик ва фидойилик уругини сочади. Инсониятни ёвузликдан сақлаб, ўзаро меҳр ва муҳаббатга йўналтиради. Мақомот сони ҳақидаги фикр-мулоҳазалар турли-туманлиги эътиборга олинса, Навоий келтирган барча тариқат талабларини ҳам мақомотга киритиш мумкин. Чунки улар ҳам бевосита солиқнинг ўзига боғлиқ бўлиб, рухий-маърифий камолот учун хизмат қилади. Солиқ уларнинг ҳаммасига эришгандан сўнг тариқат йўлини босиб ўтган ҳисобланади. Шундан кейин сўфийликнинг учинчи босқичи ҳақиқатга йўл очилади. Аммо унғача солиққа боғлиқ бўлмаган яна бир қатор вазифалар борки, улар ҳам тариқат мақомотини бажариш жараёнида амалга ошади. Бу тариқатда ҳол, кўпликда аҳвол дейилади.

Аҳволнинг айнан маъноси ҳолат, кайфият ва вазиятнинг даражасини билдиради. У роят қисқа муддатли бўлиб, тез ўзгарувчан руҳиятдир. Демак, аҳвол мақомотдан фарқ қилади. Агар мақомот зиналарига солиқ ўз ҳаракати, меҳнат ва машаққати туфайли кўтарилса, аҳвол ҳолатига эса ғойибдан келган таъсир натижасида эришади. Аммо шуниси ҳам борки, аҳволнинг юзага келиши, асосан, мақомотнинг эътиқод билан бажарилишига боғлиқ. Мақомот солиқ учун бирдан-бир фаолиятга айлангачгина, унда ғайб таъсири пайдо бўлади. Натижада, важд

ҳолатлари юзага келиб, солиқда оний руҳий кайфиятлар учқунланади. Бу эса уни Ҳаққа яқинлаштириб боради. Демак, кўринадики, аҳвол ҳам мақомот сингари тариқатнинг бир бўлагидир.

Аввало айтиш лозимки, тасаввуфга доир асарларда аҳвол тўғрисидаги фикрлар турличадир. Бу нарса кўпинча ҳолни мақомга ёки мақомни ҳолга қўшиб юборишда ва аҳволнинг ҳар хиллигида акс этади. Натижада, уларнинг миқдори ҳам турлича берилади. Бу ҳол замонавий тасаввуфшуносликда ҳам мавжуд. Воқеан, профессор Е. Э. Бертельс аҳвол сифатида қуйидагиларни санайди: қурб, муҳаббат, хавф, ражо, шавқ, унс, итмонин, мушоҳада ва яқин. Олим айримлар фанони ҳам шулар қаторига киритишни қайд этади/3.8, 38/. Профессор А. Д. Книш эса Абу Наср Саррож "Ал-ламаъ фит тасаввуф" асарида юқоридагиларга мувожабани ҳам қўшганини келтиради. Бироқ бу қаторга фано қўшилмаган/3.18, 266/. Тасаввуфшунос М. Ҳазратқулов ҳам Абу Наср Саррож асари асосида фикр юритса-да, лекин аҳвол қаторидан итмонин ва мувожабани тушириб қолдиради. Бироқ олим фано билан биргаликда зикрни ҳам ҳол сифатида келтиради/2.36, 62/. Профессор Н. Комилов эса ҳол сифатида қурб, муҳаббат, шавқ, унс, мушоҳида, мушоҳида ва мукошифаларни зикр этади/1.71, 30/.

Бу ўринда қайд этиш лозимки, гарчи нақшбандийликда кўпроқ қурб, муҳаббат ва шавқ ҳолларига диққат қилинса-да, унс, итмонин, мушоҳада ва яқин ҳам эътиборга олинарди. Навоий ҳам шулар борасида фикр юритади. Юқорида ҳол Аллоҳ инояти туфайли вужудга келишини эслатган эдик. Дарҳақиқат шундай. Аммошу билан биргаликда ҳолга туртки берувчи воситалар ҳам бор эдики, сўфийлар улардан ўз фаолиятларида кенг истифода этардилар. Шулардан бири ва энг асосийси самоъ эди. Самоъга мойиллик Навоийнинг ўзида ҳам бор эди. Бу ҳақда Бобур ҳам қайд этади/1.24, 238/. Зеро, унинг муршиди Абдурахмон Жомий "Субҳат ул-аброр" асарида самоъга мах-

сус боб ажратиб, унга ўзининг ижобий муносабатини билдирган эди /2.42, 111-113/. Шу сабабли у тез-тез самоъ мажлислари ташкил этганини замондошлари ҳам хабар беради /2.7, 59-60/. Бундан ташқари, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари хожагон-нақшбандийлик силсиласи асосчилари ҳам гарчи самоъ ташкил этмаган бўлсалар-да, унга қарши бўлмаганлар. Булар ҳаммаси Навоийнинг самоъга илиқ муносабатини юзага келтириши табиий эди. Ниҳоят, самоъдаги энг муҳим восита шеър эканлигини ҳам эслаш зарур бўлади. Аммо бундан ҳол фақат самоъ орқали юзага келар экан, деб тушунмаслик керак. Ҳол турли ҳолатларда ва турли кўринишда вужудга келади. Бу нарсани ҳол кўринишларининг турличалиги ҳам тасдиқлайди.

Шундай қилиб, маърифат ва ҳақиқатга кўтарилиш учун тариқат босқичини мукамал босиб ўтиш лозимдир. Чунки тариқат солиқни зоҳирий ва ботиний жиҳатдан тозалаб, Ҳаққа ишонч даражасига етказди ва унга маърифат ҳамда ҳақиқат йўлини очади.

Тасаввуфда Аллоҳни билиш маърифати илмуляқин, айнуляқин ва ҳаққуляқин тарзида учга бўлинади. Илмуляқин моҳиятни бошқалар, хусусан, муршид ёрдамида ўрганишдир. Шунинг учун ҳам Навоий "шукр айлаки, Ҳақ аҳли яқин қилди сени" деган эди /1.96, 39/. Бунда солиққа мантиқий билимлар кўмаклашади. Шу сабабли илмуляқинда ақл муҳим аҳамиятга эга. Сўфий ақлий фикрлаш орқали ҳақиқат нурининг мавжудлигини англаб етади. Ақлни шакллантириш жараёнида мантиқий билимларни ўзида қамраган илмуляқин сўфий учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Илмуляқинга шариат рукнларини бажариш жараёнида эришилади ва ундан сўнг тариқатга йўл очилади.

Маърифатнинг иккинчи босқичи айнуляқиндир. Унинг маъноси ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилишдир. Унда ҳам айнан кўрилади-

ган нарсанинг моҳиятига ишонч кўзда тутилади. Айнуляқин орқали илоҳий сирнинг моҳияти очилади. Аммо унда ақл ва мантиқий билимлардан фойдаланилмайди. Унинг асосида мушоҳада ётади. Мушоҳадага етиш учун эса тариқатнинг мақомот ва аҳволини босиб ўтиш керак. Бу жараёндаги асосий вазифа, юқорида айтганимиздек, нафсни енгишдан иборат. Тасаввуфда нафснинг энг муҳим жиҳатлари эътиборга олиниб, уч қисмга бўлинади. Биринчиси—нафси аммора. У инсонни дунёвий лаззат ва ёмонликка ундовчи ҳайвоний нафс бўлиб, ундан қутулиш шариат босқичида амалга оширилади. Иккинчиси—нафси лаввома. У гуноҳ ишлар учун маломат қилувчи, инсонни тергаб, покликка ундовчи нафсдир. Нафси лаввома тариқат босқичида кечади. Учинчиси—нафси мутмаина. У инсонни ёмон хусусиятлардан тазалаб, унда гўзал ахлоқни шакллантирган ҳолда илоҳий яқинлик ва хотиржамлик етказувчи нафсдир. Нафси мутмаина ҳақиқат босқичида амал қилади. Улардан ташқари, нафснинг тўртинчи кўриниши—нафси мулҳама ҳам бор. У солиқни илоҳий нур томон илҳомлантириб, Ҳақни англашга йўл очувчи нафсдир. Нафси мулҳама маърифат поясининг орифликка етказувчи илҳом манбаи ҳисобланади.

Нафс имон билан боғлиқ. Инсонда имон комиллашса, биринчи нафсга, яъни нафси амморага қарши кураша олади. Солиқ айнуляқин поясида нафси амморадан тўла қутулади. Шундан сўнг у покликка эришади. У ҳар жиҳатдан ўзини поклагач, унинг қалб кўзи очилади. Натижада, солиқ мушоҳадага, яъни Аллоҳ дийдорини кўриш даражасига етади. Бу жараён сўфий ва унинг атрофидаги воқелик муносабатида акс этади. Айнуляқинга етган сўфий нимага боқса Аллоҳ қудратини кўради ва унинг моҳиятини англайди. Солиқнинг қалб кўзи олдида умуман парда қолмайди. Бу маърифатнинг сўнгги босқичи ҳаққуляқинга етиш бўлиб, унда сўфий ҳақиқатга кўтарилади. Ҳаққуляқинга

етган солик бевосита Аллоҳ мушоҳадасига берилади. Унинг олдидаги барча тўсиқлар барҳам топиб, ҳамма нарсада Ҳақ жамолини кўради. Чунки бу поронада соликнинг сезги ва ҳис-туйғулари такомиллашиб, ўзи ҳам комил инсонга айланади. Зеро, ҳаққуляқин моҳиятни сезги ҳамда ҳис-туйғулар орқали билишни акс эттиради. Бунда, албатта, Аллоҳнинг моҳияти кўзда тутилади. Солик ҳаққуляқинда Аллоҳни кўриш даражасига етгач, энди унга қўшилиш қолади. Бу эса ҳақиқат босқичини тўла эгаллагандан сўнг насиб этади.

Ҳақиқат тасаввуфнинг сўнгги босқичи. Шунинг учун ҳам у висол манзилини ифодалайди. Муҳими, унда ваҳдат ул-вужуд намоён бўлади. Чунки ҳақиқат моҳиятни, яъни Аллоҳнинг ўзини билдиради. Ҳақ истилоҳи ҳам шундай маънога эга. Ҳақиқат сўнгги босқич бўлганлиги сабабли унга етган солик бу поронада Аллоҳни фақатгина таниб, ҳис қилиб ва кўрибгина қолмай, шунингдек, унинг билан бевосита бирлашади. Бошқача айтганда, солик Ҳаққа етади. Ҳаққа етиш, аввало, ҳамма нарсада Аллоҳнинг зухурини англаш ва кўришдир. Сўнгга эса, ўзининг ҳам Ҳақ экаңлигини билиш ва унга ишонч ҳосил қилишдир. Бу бирликда ваҳдат ул-вужуд акс этади.

Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Ҳаққа етиш тунчаси сўфийлар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жунайд Бағдодий Аллоҳга етишни, Аллоҳ билан бирга бўлиш, яъни иттиҳод деб талқин этади. Мансур Ҳалложда эса Аллоҳга етиш, унга қўшилиш, яъни ҳулуддир. Мансур Ҳаллож фикрича, Аллоҳга қўшилиш, соликнинг ҳам Ҳаққа айланиши, икки руҳнинг битта бўлишидир. Воқеан, "... ул/Мансур Ҳаллож-А.А./ бир кун Жунайднинг эшигин қоқти. Жунайд сўрдики, кимсен? Дедики, Ҳақ. Жунайд деди: "Ҳақ эмассен, аммо Ҳақ биласен"/1. 96, 92/. Бироқ Мансур Ҳаллож ўз фикрида қатъий эди. Унингча, Ҳаққа етиш биргалик эмас, балки руҳан тўла қўшилишдир. Буни у Аллоҳга

мурожаат этиб, шундай ифодалайди: "Сенинг/Аллоҳнинг/ руҳинг меннинг руҳим-ла худди шаффоф сув билан аралаштирилган шаробдек қўшилиб кетди/жаъм/" /1.46,25/. Шунинг учун ҳам у "Ан ал-Ҳақ" деган эди. Гарчи Мансур Ҳаллоҷ шу сўзи учун шаккокликда айбланиб, қатл қилинган бўлса-да, аслида эса бунда куфр йўқ эди.

Чунки "Ан ал-Ҳақ"нинг маъноси менлик, ўзликдан бутунлай қутулиб, Аллоҳни тўла тан олишдир. Навоийнинг Ҳаққа этиш учун ўзликдан халос бўлиш керак, деган фикри ҳам худди шунга ҳамоҳангдир:

Ким, Навоийдек фано водийсида истар ҳузур,

Кечсун ўздин, балки худ ўзлукни ҳозир кўрмасун /1.106,311/.

Риёзат ила ўзлигидан бутунлай қутулганларнинг ўзларини Ҳаққа етганликларини дарк этишлари ҳам шу билан боғлиқ. Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллоҷ кабиларнинг илоҳийлик даъво этишлари ҳам шу ички илоҳий покланиш сабабли руҳий асосга қўшилишни юзага келтирди. Воқеан, Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги қушлар ҳам риёзат чекиб, Аллоҳни излаганларида уни топа олмаган эдилар. Аксинча, излаганлари ўрнида "кўрдилар ўзни қаёнким тушди кўз", дейди Навоий /1.92,216/. Бу улуг шоирнинг "ҳар не истарсен ўзунгдин истагил" деган фикрининг шарҳидир. Қушлар эса Аллоҳни излаб "ўзларин кўрдилар" /1.92,216/. Шундай экан, иккига бўлиниб кўринган олам аслида яхлитдир. Барча яратилганлар мумкин ул-вужуд, яъни мавжуд борлиқ бўлиб, демак, уларнинг асоси вожиб ул-вужуддир. Аммо шу мавжудликда вожиб ул-вужуд ўз аксини кўрсатади:

Сен сену сендин ўзга худ нима йўқ,

Гар кўрунса сен ўлгунг, ул нима йўқ.

Ҳеч нима йўқ сен эдинг мавжуд,

Ҳам сен ўлгунг бори бўлуб нобуд /1.111,12/.

Демак, ҳамма нарсанинг нобуд бўлиши, бу уларнинг ўз аслига, вужудга келиш манбаига қайтишидир. Инсон ана шу аслига қайтишни риёзат орқали, бошқача айтганда, шариат рукнларини бажариб, тариқат манзилларини босиб ўтиб, ҳақиқат фаносига етгач, қўлга киритади. Бунинг ҳам диний, ҳам дунёвий ва ҳам тасаввуфий аҳамияти шундаки, у манбага интилиш йўлидаги покланишни илоҳий даражага кўтаради. Зеро, ҳақиқатни излаш йўлидаги покланиш инсоннинг ўзинигина эмас, шунингдек, жамият ва бутун оламни ҳам тўлалитгича поклашга хизмат қилади. Улуғ шоирнинг ваҳдат ул-вужуд талқинидаги энг муҳим фикрларидан бири ҳам шудир. Дарвоқе, Абулҳасан Харақоний "Нур ул-улум" асарида ваҳдатга покланиб қайтиш ҳақида шундай деган эди: "Улуғ Аллоҳ сизни дунёга пок келтирди, сизнинг ҳузурига палид ҳолатда борманг" /3.8, 243/. Зотан, ҳар бир кишининг бутун умр покликка интилиб яшаш ва дунёдан пок кетиши жамиятнинг ҳамisha тоза бўлиши ҳамда тараққий этишига сабаб бўлади. Бу эса Ҳақ сифатларининг зоҳирда ҳам янада равшан ва аҳамиятли тарзда намоён бўлишига кўмаклашади. Инсон покланган сари унда сенлик ва менлик қолмай, ваҳдат майини симиради:

Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.
Бўлмаса фиръавнлиғнинг пайрави,
Қолмас ондин жуз сифоти Мусави.
Ё шараф ганжига топиб аҳлиқ,
Салб қилса сийрати Бу Жаҳлиқ.
Шон анга бўлур Ҳабибуллоҳдек,
Буд ила нобуддин огоҳдек.
Ким қилиб меърожи ваҳдатқа гузар,
Ли ма Аллоҳ сирридин бергай хабар.

Васл нуридин кўз ул янглиғ ёрур,

Ким ародин менлику сенлик борур/1.92,217/.

Демак, инсон то покланмас экан, унга поклик сири-Аллоҳдан хабар етмайди. Поклангач эса васл нуридан баҳраманд бўлиб, ҳақиқатни англайди ва бақони ҳис этади. Бу бақо сенлик ва менлик фаносидан кейинги ваҳдат ул-вужуд бўлиб, улур шоир ҳақиқатга интилиш, Аллоҳ ва оламнинг зоҳирий бўлиниши ҳамда ундаги ботиний яхлитлик каби масалаларни бадий талқин этиш жараёнида унинг ижтимоий томонларини очиб, ҳаётнинг абадийлигини ва унинг қандай бўлиши инсонлар амалий фаолиятига боғлиқлигини доҳиёна кўрсатиб беради. Бу эса Навоий талқинидаги ваҳдат ул-вужуднинг барча даврлар учун ҳам замонавий руҳ касб этаверишини яққол исботлайди.

УЧИНЧИ БОБ

МАЖОЗИЙ ВА ҲАҶИҶИЙ ИШҚ – ВАСЛ БОСҚИЧЛАРИ

Ваҳдат ул-вужуд таълимотида ишқ асосий ўрин тутди. Чунки ишқда ирлик, ваҳдат акс этади. Воқеан, ишқ дунёвий жиҳатдан одамни одам ва оламга боғласа, тасаввуфий жиҳатдан эса уни Аллоҳга боғлайди. Иккала боғланишда ҳам бирлашиш ва ягоналик акс этади. Шунинг учун ҳам, юқорида қайд этганимиздек, сўфиёна шеъриятда ишқ, ошиқ ва маъшук бирликда тасвирланарди. Зеро, ишқ аслида икки қалбнинг бир-бирига мойиллиги, ўзаро яқинлиги ва таслим бўлишидир. Ишққа муотало бўлганларнинг ошиқ ва маъшук дейилиши бежиз эмас. Зотан, ишқ, ошиқ, маъшук, ушшоқ, таашшук сўзлари бир ўзакдан ясалган бўлиб, уларнинг ҳаммаси учун асос ишқдир.

Ишқ сўзи лугавий жиҳатдан ҳам боғланиш маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам машҳур лугатчи олим Муҳаммад Фиёсиддин ён атрофидаги ўт-ўланларга ўралиб, боғланиб ўсувчи зарпечакнинг арабча шакли-ашиқа ишқ сўзига замин бўлганини қайд этади/2.35,67/. Ашиқа-зарпечак домига тушган ўсимлик ундан қутула олмаганидек, ишқ тузоғига дучор бўлганларга ҳам ундан халослик йўқ/1.64,156/.

Ишқ кўнгилдан жой олганда ақлдан устунлик қилади. Шу сабабли одамдаги ишқ кучайиб кетса, унда ақлга сирмайдиган жунуний белгилар пайдо бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, у-касаллик. Шу боис ундан бемор бўлганини ҳатто ҳалок қилиши мумкин. Навоий ишққа баҳо бериб ёзади: "Ишқ ахтаредур дурахшанда ва башарият кўзи нуру зиёси андин ва гавҳаредур рахшанда, инсоният тожининг зебу баҳоси андин... Ошиқ кўнглига маъшук ҳавасин солгучи ҳам ул ва бир жилваси била нақди ҳаётин олгучи ҳам ул"/4.11,90-91/.

Навоий талқинича, ҳамма нарса ишқ туфайли вужудга келган. Ишқ-яратувчи ва бирлаштирувчи. Ишқ туфайли олам гўзал. Ишқ ҳусни мутлақ-

дан ҳам воқиф этади. Бугина эмас, ишқ покликдир. Бунинг учун эса ошиқ бўлиш лозим. Аммо улуг шоир ошиқлик масаласига жиддий ёндошади. Унингча, ҳақиқий ошиқ ва булҳаваслар бир-биридан фарқланади. Кимки ўзини ошиқ деб атаса, дейди Навоий, у ошиқ эмас. Чунки ҳар ким ҳам ишқда содиқ бўла бермайди. Улуг шоир ҳақиқий ошиққа таъриф бериб ёзади:

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Ўзлугидин ишқ ани пок этиб,

Балки фано ўтига хошок этиб/1.108,193/.

Навоийнинг бу фикрлари дунёвий ишққа ҳам, илоҳий ишққа ҳам тааллуқли. Зеро, уларнинг ҳар иккиси ҳам булҳавасликдан холи бўлса, дардга айланади. Ошиқни эса ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклаб, кўнглини машуқ хаёли билан тўлдиради. Натижада, ошиқ ўзини бутунлай унутади ва қаёққа кўз ташламасин кўзига фақат ёри кўринадиган бўлиб қолади. Бу билан Навоий ишқ пок бўлса, ошиқни ваҳдат уш-шухудга етказишига ишора қилади. Муҳими, ишқ ҳаётдир, мангуликдир. Чунки у асл мангулик, яъни Ҳаққа боғлайди. Шунинг учун ҳам Навоий ишқ бўлмаса, икки жаҳон ҳам бўлмасин, икки жаҳонгина эмас, ҳатто жон ҳам бўлмасин, дейди. Зеро, Навоий фикрича, тан ишқсиз бўлса, унинг жони ҳам бўлмайди/1.108,191/.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр", "Лайли ва Мажнун" дostonларида ишққа махсус боб ажратиб, шу тарзда бадиий таҳлил ва талқин қилгач, "Маҳбуб ул-қулуб"да шундай ёзади: "Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил... Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур..." /1.94,43/.

Навоий шеърят ва умуман, бадий ижод ишқ ҳақида бўлиши лозим деган фикрни ўзининг асарлари мисолида исботлаб берди. Зеро, ишқ улуг шоир ҳаётини ҳам қамраб олган ва ҳатто унинг илк марта назм билан танишуви ҳам ишқий шеърлардан бошланган эди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: "Бу фақир аввал назмеким, ўрганибмен, бу сўнгги матлабдур. Ҳамоно уч ёш бида тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқумоқ таклифи қилиб, баъзи хайрат изҳор қилурлар эрди..." /1.93,9/.

Навоий келтирган матлаб машҳур шоир Қосим Анворники бўлиб, унда мажозий тарзда илоҳий ишқ тараннум этилган. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган аксари илмий ишларда ўша матлабнинг ўзи берилган, холос. Шунини ҳисобга олиб, қуйида газални тўлалигича келтирамиз:

Риндему ошиқему чаҳонсўзу чома чок,
Бо давлати гами ту зи фикри чаҳон чи бок.
Бебок меравад диламо дар раҳи фано,
Чун шавқ голиб аст, чи андеша аз ҳалок.
Чон масти хайратаст, ки ҳуснест дилфиреб,
Дил фарқи туст аст, ки ишқист хашмнок.
Сад лолазори ишқ э-хокистарам дамид
То сўхтаи бар оташи савдои ёри пок.
Баъдаз вафоти ман чу ба хокам гузар кунӣ,
Берун кунам ба меҳри ту сар аз даруни хок.
Мастони чоми ишқи ту буданд ақлу чон,
Э-он пештар, ки бодау ангур буваду ток.
Қосим ба бўи меҳри ту зинда аст дар чаҳон,
Ё гояти ал аъмони ва ё маҳчати фидок/4.15,916-92а/.

/Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчи ва ёқавайронлармиз, сенинг га-
минг давлати турганда дунё фикридан не фойда. Фано йўлида кўнгли-

миз кўркмай олға интилади, зеро шавқ голиб экан, ҳалок бўлишдан андиша қилиш шартми? Ҳусн мафтун этувчи бўлганлигидан жон ҳайрат ичра маст, кўнгил эса сенга фарқ бўлган, чунки ишқ шиддатлидир. Пок ёр ишқи оловида куйганимдан сўнг, кулимдан юзлаб ишқ долазори пайдо бўлди. Мен ўлгач тупроғим ёнидан ўтиб қолсанг, сенга бўлган меҳрим туфайли тупроқ ичидан бош кўтараман. Ток узум ва бода бўлмасдан олдин, ақл ва жон сенинг ишқинг жомидан маст эдилар. Қосим сенинг меҳринг ҳидидан дунёда тирикдир, шу сабабли ё сенга ўзини фидо қилади, ёки ниҳоятда хонумонсиз ҳолга тушади/.

Қосим Анвор газали сўфиёна руҳдадир. Гарчи газал лирик қаҳрамони ринд ошиқ ва унинг маъшукаси ҳаётий маҳбуба тарзида берилган бўлса-да, аммо шеър мазмунига илоҳий ишқ сингдириб юборилган. Бу уч нарсада кўринади. Биринчидан, газалда мажоз орқали ҳақиқат тасвири берилган. Буни лирик қаҳрамоннинг хос-пок ишққа мансублигидан англаш мумкин. Иккинчидан, лирик қаҳрамон тугилмасданоқ ишқда йўғрилган. Шу сабабли унинг ақли ва жони азалдан маст. Шоир буни аҳад ва касрат муносабатлари билан боғлаб тасвирлайди.

Қосим Анвор поэтик талқинича, ток Аллоҳ тимсоли, аҳадият оламидир. Узум образида эса илоҳий тажаллиёт акс эттирилган. Бодада шоир илоҳий тажаллиёт нурини бериб, ишқ лаззатини ифодалаган. Ишқда ҳам шундай лаззат бор. Уни кўнгил маъшук ишқи билан фарқ бўлганда туғиш мумкин. Шеърдаги лирик қаҳрамон шу даражадаги ошиқдир. Учинчидан, шеърда ишқ, ошиқ ва маъшук бир бутунликда, яхлит ва бўлинмас ҳолда тасвирланган. Дарвоқе, лирик қаҳрамон ёр туфайли тирик, қалбини эса фақат маъшук эгаллаган. Ишқ оловида куйганда, тупроғидан ишқ долазори ўсади. Шу тарзда шоир ишқ, ошиқ ва маъшукни бир-бирига чамбарчас боғлаб тасвирлаб, улар орқали ваҳдат ул-вужуд ғоясини олға суради.

Агар Қосим Анворнинг бу газалида ваҳдат ул-вужуд шеър мазмунига сингдирилган бўлса, унинг Навоий томонидан бир байти келтирилган таржеъбандида бу ғоя очиқ ифодаланган:

Туи асли ҳама пинҳону пайдо,
Ба афъолу сифоту зоту асмо /1.93,9/.

/Феълларинг , сифатларинг, зотинг ва исмларинг билан ҳамма яширин ва ошкор нарсаларнинг асли ўзингсан /Аллоҳ/.

Қосим Анвор ижодидан келтирилган шеърини парчалар орқали Навоий икки масалани кўзда тутган. Унинг биринчиси, Қосим Анворнинг ваҳдат ул-вужуд тарафдори эканлигини кўрсатишидир. Дарҳақиқат, Қосим Анвор девони кўздан кечирилса, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Иккинчиси, Навоийнинг ўзига тегишлидир.

Навоий Қосим Анворнинг вафот этган жойи ҳақида тўхталиб, ёзади: "Ва ул ҳазратнинг муборак марқади Жом вилоятида Харжурд қасабасидадур. Ва фақир ҳам ул остона жорўбқашларидинмен..." /1.93,9/. Бу билан Навоий Қосим Анвор мухлиси эканлигига ва ижод жараёнида унинг анъаналарини давом эттирганлигига ишора қилади. Бу фикрни "Девони ғоний"даги Қосим Анвор газалларига ёзилган татаббулар ҳам тасдиқлайди.

Навоий уч-тўрт ёшида Қосим Анворнинг ваҳдат ул-вужуд акс этган ишқий шеърларини ёдлаган бўлса, 6-7 ёшида эса Фаридиддин Атторнинг шундай ғоя ифодаланган "Мантиқ ут-тайр" достонини ёдлаб олган эди. Бироқ муҳими шундаки, бу ёдлашда маънони англаш ҳам мужассам эди. Бу фикр муболаға эмас. Уни Навоийнинг ўзи таъкидлайди:

Топти сокин-сокин ул такрордин,
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин...

Чун бирар сўздин топиб таъзим кушод,
Топсам эрдиким, недур ондин мурод.
Завқ кўп хушхол этар эрди мени,
Шархи онинг лол этар эрди мени.
Чун бу аҳволимга бўлди имтидод,
Бўлди ул дафтарга ролиб эътиқод...
Оқибат ишқ айлади шайдо мени,
Уйла машъуф этти бу савдо мени/1.92,237-238/.

Улуғ шоир сўнгги байтнинг биринчи мисрасида лутф санъатини кўллаб, аввало, "Мантиқ ут-тайр"га бўлган ишқ уни шайдолик сари етаклаганини айтгач, сониян, Ҳаққа бўлган ишқ ҳам уни болалигида-ноқ шайдо этганига ишора қилади.

Тасаввуфда ҳам Ҳақ ишқи муҳим урин тутганлиги сабабли, у сўфиёна шеъриятда кенг тарғиб этиларди. Бунда у ваҳдат йўли сифатида талқин қилинарди. Шу сабабли солиқнинг Ҳаққа етиш йўлидаги барча фаолияти ундаги ишқ даражасига боғланарди. Чунончи, агар солиқ ишқи комил бўлса, у машъуқ висолига етиши, акс ҳолда унинг барча заҳматлари беҳуда кетиши таъкидланарди. Шунинг учун ҳам сўфийлик йўлига кирганлар, энг аввало, ҳақиқий ошиққа айланишга, фақат Аллоҳга ишқ қўйиш, фақат у билан дўстлашишга интилиб, бунга монелик қилувчи барча тўсиқларни енгишга интилар эдилар. Таниқли олим Н. Комилов сўфийлар ишқини шарҳлаб ёзади: "Сўфийлар талқинига кўра, ишқ-дўстлик туйғусининг олий даражага кўтарилиши, дўст орқали маърифатни, илоҳни севвиш. Воқеан, "дўст" тушунчасининг ўзи ҳам кўп маъноли, "дўст" деганда улар юксак заковат, қалбида эзгулик нури порлаб турган инсон ва Мутлақ илоҳни англаганлар"/1. 64,156/. Демак, ишқ тасаввуфий маънода Аллоҳга кўнгил боғлашдир. Унинг дунёвий маъноси ҳам боғланиш нуқтаи назаридан шу тушунчага

алоқадор бўлиб, кимгадир ёки нимагадир меҳр қўйишни билдиради. Масалан, бойиш учун мол-дунёга, уйланиш учун аёлга интилиш каби-лар дунёвий ишқ кўринишларидир. Бунда нафс ҳукмрон бўлади. Алло-га бўлган ишқ эса покиза ва олижаноб туйғуларга йўғрилган бўл-ди.

Ишқ Аллоҳнинг инсонга ато этган улур иноятидир. Чунки Аллоҳ-нинг оламини яратишдан мақсади ҳам инсон эди. Шу сабабли барча фаришталарни унга сажда қилдирди. Чунки Аллоҳ яратганданоқ ин-сонга меҳр қўйган эди. Бу ҳақда Қуръонда ҳам қайд этилади/ "Бу-руж" сураси, 14-оят/. Навоий ҳам Аллоҳнинг барча яратганлари ора-сида инсонга юксак шараф берганини махсус таъкидлайди:

Йўқ эдилар ҳар неки -бор айладинг,

Фаҳму хирад бориға ёр айладинг...

Борчасини гарчи латиф айладинг,

Борчадин инсонни шариф айладинг/1.108, 25-26/.

Бунинг асосий сабаби шунда эдики, Қуръонда қайд этилганидек, инсон жисмига Аллоҳ нури жойлаштирилган эди/ "Сод" сураси, 71-72-оятлар/. Шу билан бирга, унда барча илоҳий фазилатлар, Аллоҳ гўзалликлари ҳам мужассамлаштирилган эди. Бу нарсалар инсон ақ-ли, хулқ-одоби ва чиройида юз очади. Чунки, Навоий талқинича, ишқ покловчи кимиёдир. У тупроқдан яратилган инсон гавдасини ўз ўти-да тоблаб, олтинга айлантира олади ва покиза ҳолатга келтиради. Зеро, ишқ куйдирувчи ўтдир. Унга дучор бўлган инсон куймай, бутун вужуди эримай қолмайди. Шу жиҳатдан Навоийнинг ишқ сўзидаги ҳарфларга берган изоҳи характерлидир: "Ишқ таърифидаким, айнининг нурлиғ тоби туфрғни "айн" қилур ва шинининг шароралиғ шуъла-си кўнгуллар хайлиға шайн солур ва қофининг гаронсанг тоғи ҳар кимга юкланса нобуд этар ва нуқталарининг тоза доғи ҳар чок

кўнгулга тушса лоланинг беш баргидек қонга бўяр"/1.110,293/.

Ишқдаги нурли товланиш, учқунлар шуъласи, тошли тоғдек оғирлик ва доғлар кўнгилларни қонга бўйса-да, лекин одамни ҳар жиҳатдан тозалайди. Чунки бунда у темир ўтда куйгандек куйди. Бу куйиш туфайли инсон ҳар қандай губордан тозаланади ва вужуди олтиндек пок бўлади. Олтингина эмас, ҳатто кимиёвий, яъни нодир вужудга айланади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, ишқда жаҳонни кўрсатадиган кўзгулик хусусияти бор. Воқеан, Искандар яратган ойнада бутун Фарангистон кўрингани учун уни ойнаи жаҳоннамо деган эдилар. Ишқда ҳам шундай ойнаи жаҳоннамолик бор. У ҳам оламни кўрсата олади. Кимнинг кўзи унга тушса, у ер ва кўкдаги нарсаларни аниқ кўради. Ишқ уни истагига етказди, ҳатто у туфайли ёрени ҳам топади. Ишқ инсонни вужудидан жудо қилса-да, лекин уни абадий ҳаётга эриштиради. Шундай қилиб, Навоий ишқни иккига бўлади:

Гарчи икки навъ ўтти рози,

Аввалғини англағил мажози...

Бил сўнграғи ишқни ҳақиқий

Ким, давлат эрур анинг рафиқи/1.110,295-296/.

Демак, ишқ дастлаб мазмун моҳиятига кўра мажозий ва ҳақиқий ишққа бўлинади. "Мажоз-ўзининг туб маъносидан ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз, метафора; аллегория; ҳақиқий эмас"/1.9,202/. Мажоз фикрнинг кўчма маънода келишидир. Унда ҳақиқий маъно кўзда тутилмайди. Шунга кўра, мажозий ишқ ҳам ҳақиқийсидан фарқ қилади. Мажозий ишқ ҳақиқий бўлмаган, зоҳирий маънога эга бўлган инсоний ишқдир. Бошқача айтганда, мажозий ишқ инсоннинг ўзи яшаётган оламга, бевосита алоқада бўлган воқеликка ва атрофидаги одамларга бўлган муҳаббатидан иборат. У дунёвий моҳиятга эга, лекин пок рухий-жисмоний лаззат билан боғлиқдир. Ҳақиқий ишқ эса чин муҳаббатдир. У инсоннинг Аллоҳга бўлган

муҳаббатидан иборат. Бу ишқ шунинг учун ҳам ҳақиқийки, у ошиқни бақога олиб боради. Ҳақиқий маъшук билан бирлаштиради.

Ҳақиқий ишқ инсонни комиллаштириб, уни ҳамма жиҳатдан камолотга кўтаради. Шунинг учун ҳам ҳақиқий ишқ мажозий ишқдан юқорига кўтарилиш бўлиб, у соф руҳий лаззат билан боғлиқдир. Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида бу икки ишқ хусусиятларини бадиий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб, Фарҳод ишқи мисолида уларнинг моҳиятини очиқ беради. Улуғ шоир ўз қаҳрамонининг Суқрот билан суҳбатида ишқ тасвирига тўхталади. Донишманд Суқротнинг ишқ борасидаги сўзларида Навоий фикрлари яққол акс этиб туради.

Улуғ шоирнинг талқинича, ошиқлик йўлига кириб, ишққа гирифторм бўлган киши икки ишни бажариши шарт. Унинг биринчиси шуки, инсон бу йўлда, энг аввало, ўзлигидан воз кечиши, уни бутунлай йўқ қилиши лозим. Иккинчиси шуки, ишқ йўлига кирган ошиқ ҳар қандай жафоларга дуч келса ҳам улардан кўрқмай, ишқ азобларига собит туриб ўз маҳбубини қидириб топиши керак. Ўз маҳбубини топиш унинг аслий ўзлигини топишдир. Демак, инсоний ўзликка барҳам берилса, раббоний ўзликка эришилади. Улар иккаласи бир-бирига боғлиқлар. Яъни ошиқ инсоний ўзлигини йўқотмай туриб, маъшукқа ета олмайди. Маъшукқа етган ошиқда эса ўзликдан заррача қолмайди.

Инсоний ўзлик одамнинг вужуди, қалби ва ақлида мужассамланган хоҳиш-истаклардир. Улар унинг нафс истақлари бўлиб, бунга молдунё ва мансабга интилиш; очкўзлик, хирсий фахш, кибру риё, ҳасаду бахиллик сингари тубанликлар киради. Инсон учун бундай ёмон хусусиятлардан тозаланиш роят оғир. Аммо улардан қутулмасдан ҳақиқий ошиқлик даъво қилиб бўлмайди. Бироқ шуниси ҳам борки, инсоннинг ўзлигини белгиловчи бундай хусусиятлар, гарчи улар роят тубанлик билан боғлиқ бўлса-да, лекин унинг табиий яшаш тар-

зи билан вобаста. Шундай экан, улардан, аниқроқ айтганда, ўзликдан қандай қутулиш мумкин? Навоий худди шу масалага жавоб бериб, кишига ўзлигини йўқотишнинг бирдан-бир чораси мажозий ишқ бўлиб, бунинг учун бошқа нарсани қидириб ўтиришнинг хожати йўқ, дейди/1.109,180/. Чунки мажозий ишқ ошиқни фироқ, дард, алам ва бошқа машаққатларга дучор этиб, уни тоблайди.

Мажозий ишқ ошиқни рамгин қилиб қўяди. Танини хашакка айлан-тириб, ишқ ўтининг шуъласи таъсирида ҳам ёнадиган қилиб қўяди. Фарходнинг Ширинга, Мажнуннинг Лайлига бўлган муҳаббати дастлаб мажозий ишқ сифатида вужудга келди. Бу ишқ уларнинг вужудини куйдириб ўртантирди. Ғам-аламларини бутун оламга тўлдириб, уларни машҳур қилди. Лекин мажозий ишқ уларни қанчалик қийнамасин, бундан улар ҳеч нарса йўқотмадилар. Аксинча, бу ишқ уларни пок-лади. Чунки мажозий ишқ ошиқ учун тобланиш босқичи бўлиб, бу паллада у ўт ичида ёнгандек абгор бўлади. Шундан сўнг унга ҳақиқий ишқ сари йўл очилади. Навоий буни муршид Суқрот тилидан солиқ-ошиқ Фарходга қарата шундай билдиради:

Мажозий ишқдин ўртанса жонинг,

Бориб сайли фанога хонумонинг.

Ҳақиқий ишқдин эсгай насиме,

Етиб онинг насимидин шамиме.

Бўлуб маъшуқи аслий чорасозинг,

Ҳақиқатқа бадал бўлғай мажозинг/1.109,181-182/.

"Маъшуқи аслий" ким? Навоийнинг ёзишича, Аллоҳ инсонни вужудга келтирган экан, инсоннинг дунёда яшашдан мақсади тангрининг буюрганига хурсанд бўлиш, буюрганидан бошқасини қилишдан торти-ниш бўлмағи лозим/1.109,180/. Зеро, Қуръонда ҳам бу ҳақда шундай дейилади: "Мен жин ва инсни фақат ўзимга ибодат қилишлари учун-

гина яратдим"/ "Ва-э-зориёт" сураси, 56-оят/.

Аллоҳга ибодат унга бўлган муҳаббат билан боғлиқ. Демак, инсон ўз яратганига сирғинар экан, бу билан унга бўлган муҳаббатини ифодалайди. Шунинг учун ҳам Навоий "чу маҳбуоби ҳақиқий улду-рур ул" дея Аллоҳ маъшуқи аслий эканлигини махсус таъкидлайди/1.109,180/. Ҳақиқий маҳбубга интилган ҳар бир ошиқ ишқнинг ана шу икки босқичини босиб ўтади. Бироқ Навоийнинг таъкидлашича, ошиқлик инсоннинг ўзига боғлиқ эмас. Ишқ уни ўзига жазб этади. Дарвоқе, Мажнун ҳам, Фарҳод ҳам бу икки ишқнинг бирига етишиб, иккинчисидан ҳам баҳра тонади. Аммо бу ишлар уларнинг ўзидан бўлмай, балки ишқ уларни ўзига жазб этган эди. Навоий бу масалада Ибн Арабий фикрини ривожлантирган. Дарвоқе, Ибн Арабий ҳам ўзининг ишқ ҳақидаги қарашида ошиқлик инсоннинг бу борадаги нурланишига боғлиқ, дейди. Унингча, инсон қалби кўзгу сифатида барча ашёлар тимсолини улар қандай бўлса ўшандай акс эттирар экан, шу жараёнда ишқнинг жазб этиш фаолияти таъсир кўрсатиб, кишини ошиққа айлантиради/3.36,134/.

Ошиқлик ҳақиқий маъшуққа шайдоликни билдиради. Навоий ҳақиқий маҳбубга таъриф бериб ёзади: "... маъшуқ хусндан иборатдур..." /4.11,92/. Хусн чирой, гўзалликни билдиради. Ҳамма нарсада муайян тарздаги гўзаллик бор. Бироқ хусни ҳақиқий, яъни илоҳий жамол Аллоҳга тегишли. У эса инсонда акс этади. Чунки Аллоҳ барча яратганлари орасида энг мукаммали қилиб инсонни яратган ва унда ўз хусни нурини акс эттирган. Шу боисдан мажозий ишқ каби ҳақиқий ишқ ҳам инсонлар ўртасида воқе бўлади.

Ишқнинг асоси хуснда эканлигини Ибн Арабий издошларидан Шайх Фахриддин Ироқий ҳам/2.18,60/, Абдурахмон Жомий ҳам/2.41,70-71/ махсус таъкидлаган эдилар. Навоий ҳам худди шундай фикрни бил-

диради. Лекин улур шоир ошиқлик масаласини бадний тахлил қилар экан, ўз салафларидан олға кетади.

Навоий талқинича, ошиқлик покланишдир. Ҳақиқий ошиқ дард билан яшайди; унинг тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам пок бўлади. Ишқ уни менлигидан поклаб юксакликка кўтаради. Бундай ошиқда булҳаваслик ўлмайди. У ўзини ошиқ деб ҳам ҳисобламайди. Чунки ошиқман деганларда ишққа содиқлик бўлмайди. Муҳими, бундайлар булҳавасларча кезиб ҳусн ҳам танламайди. Навоий шундай йўл тутганларни, яъни булҳавасларни қаттиқ танқид қилиб, улар ҳақиқий ишқ ва ошиқликка муносиб эмаслигини таъкидлайди:

Улки кезиб ҳусн писанд айлагай,
Сўнгра кўнгулни анга банд айлагай.
Они кўнгул демаки бир пора тош,
Не қизигаёй шамъ ўтидин хора тош.
Ўзни такаллуф била ғамнок этиб,
Мотами йўқ, лек яқо чок этиб...
Ёридин ул комлар айлаб талаб,
Ким кўрунуб зикрида тарки адаб...
Шуъбадагар шисасидек тоши соф,
Зимнида юз макр ила зарқу газоф,
Бу эса ошиқ, эрур ўлтургулук,
Бошдин-аёқ жисмини куйдургулук/1.108,192-193/.

Ҳусн илоҳий жамолга тааллуқли тарзда мукаммал бўлса, маъшук ошиққа айланади. Дарвоқе, Юсуф ва Зулайхо ўртасида шундай ҳол юз берган эди. Бу ҳақда Навоий қуйидагича ёзади: "...Юсуф алайҳис саломнинг ҳусни ва жамоли таърифдин мустарғийдур... Ва азиз /Миср азизи-бош вазир-А.А./нинг Зулайхо отлиғ хотуни бор эрди, Юсуф алайҳис саломга ошиқ бўлди. Ҳар неча ўзин забот қилур эрди-

ким, ани халқ маълум қилмағай. Аммо бетоқатлир инон-ихтиёрин иликдин чиқарур эрди, то улки Юсуф алайҳис саломға ишқин изҳор қилб, висол орзу қилди"/1.96,200-202/. Бутина эмас, комил ҳусн эркакни эркакка ошиқ ва маъшуқ қилиши ҳам мумкин. Бунга Навоийда анчагина мисоллар бор. Бу масалага эътибор қаратган адабиётшунос С.Олим қуйидагича тўғри фикрни билдирган эди: "...Навоий асарларида эр кишининг эр кишига ошиқлиги тасвирланган ўринларда фақат ва фақат маънавий ишқ кўзда тутилганини бу ерда таъкидлаш керак"/1.123,62/.

Ҳусн ҳақиқий ишққа ҳам поклик бағишлайди. Ишқ пок бўлгач, ошиқ ва маъшуқликда жинсга ўрин қолмайди. Чунки бунда ошиқнинг жисмоний интилиши эмас, балки пок, руҳий шавқ-завқи устун бўлади. Натижада, аслида Аллоҳга ошиқ бўлган солиқ гўзал чехра воситаси орқали ҳақиқий маҳбуб жамолидан баҳра олади. Шу жиҳатдан "Ҳайрат ул-аброр"даги "Шайх Ироқий Шомда ҳусн шамъи гулин кўргач, парвонадек туташқони ва шуъласи инкор тиконларин куйдуруб, мункирлар бошига ошқони" сарлавҳали ҳикоят диққатга молик. Ҳикоят қаҳрамони юқорида қайд этилган "Ламаот" асари муаллифи машҳур сўфий ва шоир Шайх Ироқийдир. "Насоим ул-муҳаббат"да ёзилишича, у ҳусни мутлақ ошиғи сифатида машҳур бўлган. Ҳикоятда ҳам у комил ҳусн ошиғи тарзида чизилган. Шу сабабли ҳусннинг кимга тегишлилиги унинг учун аҳамиятсиз эди. Дарвоқе, у гўзал йигитни кўргач, ҳусни ҳақиқийни кўргандек беқарор ва беҳол бўлади.

Навоий талқинича, Шайх Ироқий мажоз орқали ҳақиқатни англайди. Шунинг учун ҳам унда сўфийлар висолга етганда юз берувчи ҳол ҳолати вужудга келиб, ҳушидан кетади. Унинг аҳволидан бошқалар ҳайратланар, аммо Шайх учун бу аҳамиятсиз эди. Навоий Шайхдаги аҳволни ундаги пок ишққа боғлайди. Улуғ шоир тасвирича,

ишқ пок бўлгач, киши нима иш қилса ҳам ажабланарли эмас. Шу билан бирга, ишқ пок бўлгач, ошиқнинг ихтиёридан ташқари равишда шундай ҳолатлар юз бераверади. Чунки ҳусни ҳақиқий қай ўринда жамол кўрсатса, ошиқ учун унинг нима ёки ким эканлиги фарқсиз бўлади:

Ишқда пок ўлса киши бу сифат,

Хосият ўлур бу сифат оқибат.

Ҳусни ҳақиқийни гар ўтруда кўр,

Хоҳ ани кўзгудаву, гар сувда кўр.

Чун ғараз ул ҳуснға бўлди шухуд,

Кўзгуву сувға арода не вужуд.

Мунда киши қайдаву бебоклик,

Мумкин эмас ишқда жуз поклик/1.108,200/.

Пок ишқ мутлақ ҳақиқатдир. Зеро, у туғайли ошиқ ва маъшук мавжудгина бўлиб қолмай, руҳан бирлашадилар ҳам. Бунда ошиқ мумкин ул-вужуд, маъшук эса вожиб ул-вужуд сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, ишқнинг зоҳири ошиқ, ботини маъшукдир. Маъшук ойна, ошиқ унда ўз чеҳрасининг ранг-баранг жилваларда акс этишини кўради.

Ошиқ қиёфасининг ойнада турли тарзда намоён бўлиши ишқ даражаси билан боғлиқ. Ишқнинг турли даражаси маъшукни ҳам турли қиёфада намоён этади, шу сабабли ошиқ ҳам унда ўз қиёфасини ҳар хил кўради. Ишқ даражалари жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукамал ёки номукамаллигини ифода этади. Чунки ишқ жузъий ҳодиса бўлмай, у бутун борлиқ билан боғлиқдир. Агар у жузъий ҳодиса бўлганда, покланиш ва Ҳаққа интилиш ҳам у билан боғланмаган бўларди. Шу сабабли Навоий ҳатто ижод ҳам, шеър ҳам, умуман, бадийий асар ҳам ишқ ҳақида бўлиши бесабаб эмаслигини таъкидлаши бежиз эмас эди.

Навоий ишқнинг намоён бўлиш хусусиятидан келиб чиқиб, уни да-

ражаларга ажратади ва уч қисмга бўлиб таҳлил этади. Бу ҳақда таниқли олимлар В.Зоҳидов/1.51/, Н.Маллаев/1.77/, М.Орипов/1.129/ ларнинг ишларида анча кенг фикр юритилган. Шунинг учун биз Навоғ талқинидаги ишқ таҳлилини тадқиқ қилиб ўтирмай, фақатгина мавзумиз доирасида ўзимизнинг айрим фикрларимизни билдириш биле чекланамиз.

Аввало шуни айтиш лозимки, Навоий ишқни авом, хавос ва сиддиқлар ишқига бўлади. Улуғ шоир фикрича, авом ишқи оддий кишилар муносабатида акс этади ва икки босқичга бўлинади. Унинг қуйи босқичи ҳайвоний хусусиятни кўрсатувчи нафс шаҳватидан иборат. У фақат жисмоний лаззат билан боғлиқ бўлгани учун Навоий ҳатто бу тўғрида гапириш ҳам ноўринлигини таъкидлайди.

Ўрни келганда қайд этиш лозимки, улуғ шоирнинг фикрича, ижод аҳли ишқ ҳақида қалам тебратганда ярамас муносабатлар тўғрисида эмас, балки покиза туйғулар борасида тўхталиши лозим. Ҳайвоний хирсий муносабатлар тасвири ижодкорни ўқувчи олдида обрўсизлантиради. Шу сабабли табиатан покиза бўлган Навоийнинг ўзи ҳам ҳаммиша ишқий муносабатлар тасвирида одоб доирасидан четга чиқмасди. Дарвоқе, "Сабаъи сайёр" достонидаги шоҳ Баҳром Чин мамлакатидан Дилоромни олиб келтиргач, илк учрашувдаёқ, унга шундай нафсоний муносабатлар қиладики, Навоий ҳатто бу ҳақда гапиришга ўзида салоҳият етишмаслигини, аммо фикр қилган киши тушуниб олишини қайд этади:

Не де ўзга, не қилди пинҳони

Ки, топар улки, фикр этар они...

Ёр маҳваш ҳариф ошиқу шах,

Қилганин билмаган эрур аблах.

Элга сўз дер маҳал бу ер-ўқдур,

Манга лек ул салоҳият йўқдур/1.111, 98/.

Зотан, Баҳром Дилоромга ҳатто шаръий йўл билан уйланмаган, унга фақатгина шахвоний истаклари асосида муносабатда бўлган ва севган эди.

Авом ишқининг юқори босқичи шаръий никоҳдир. Бунда одобдан ташқари кўнгилсизликлар юз бермаса-да, лекин у ҳам нафсоний интилишлар билан боғлиқдир. "Лайли ва Мажнун"даги Ибн Саломнинг Лайлига, "Фарҳод ва Ширин"даги Хусрав ва унинг ўғли Шеруянинг Ширинга бўлган ишқида шу нарса акс этади. Улар ҳақиқий ошиқ эмас фақатгина оила қуриш учун гўзал аёлга уйланишга интилган оддий қалб эгаларидир. Чунки уларда ҳақиқий ошиққа хос интилиш ҳам йўқ. Аксинча, бу борадаги интилишларида шармандалиқ кучли. Чунончи, Хусрав Ширинга уйланиш учун қўшин тортиб келса, Шеруя эса шу мақсадда отасини ўлдиради. Ибн Салом бўлса Лайлига уйланади-ю, лекин инсоний нафсга берилгани учун висол оқшомида касал бўлиб қолади. Чунки унинг мақсади ҳам ҳақиқий маҳбубга етишиш эмас, балки авомларча уйланиш эди, холос. Демак, икки босқичдан иборат бўлган авом ишқи ҳақиқий бўлмаган ишқдир. Худди шунинг учун ҳам адабиётшунослар Н. Комилов ва Б. Эралиев тўғри таъкидлаганларидек "Авом" деганда Навоий саводсиз, оддий халқни назарда тутмаган, балки умуман, илоҳиёт тажаллиётини қалбдан ҳис этолмаган, борлиққа зоҳиран муносабатда бўлиб, жамиятнинг расму одатларини бажаришдан нари ўтолмайдиган кишиларни назарда тутди. Бундай кишилар қаторига билимдон муфти-муллалару илми ботиндан беҳабар шайху зоҳидлар ҳам кирган"/1.73,162/. Шунингдек, юқорида тилга олинганидек, бу доирага шу типдаги шоҳ, шаҳзода ва бошқа бадавлат кишилар ҳам мансуб эди. Демак, маълум бўладики, авом ишқининг тасаввуф аҳлига дахли йўқ. Чунки у фақат нафс билан боғлиқ бўлиб, унда пок туйғулар намоён бўлмайди.

Навоий авом ишқидан кейинги даражани пок ишқ сифатида кўрса-
тади. Бу мажоз орқали ҳақиқат акс этган ишқ бўлиб, Навоий уни "ха-
вос ишқи" деб номлайди ва ёзади: "Иккинчи қисм хавос ишқидурким,
хавос/хос кишилар, пок зотлар, улар қаторига мутасаввифлар ҳам ки-
ради/ ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок ўзга
солмоқдур ва пок кўнгул ул пок ўз ошубидин кўзролмоқ ва бу пок
мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий/Аллоҳ-А.А./ жа-
молидин баҳра олмоқ"/1.94,42/. Навоий кўрсатганидек, бу ишқ фақат
хос, яъни алоҳида кишиларга мансуб ишқ бўлиб, унинг замирида нафсо-
ний интилишлар умуман бўлмайди. Зеро, бу ишққа мансуб бўлганлар по-
киза кўз ва покиза қалбга эга бўлиб, илоҳий жамол акс этган аёл-
гами ёки эркакками, кимга бўлишидан қатъий назар, унга ошиқона кўз
ташлаб, кўнгил боғлар эканлар, шу гўзал қиёфа орқали Аллоҳ жамо-
лидан баҳра олгандай бўладилар. Фарҳоднинг Ширинга, Мажнуннинг Лай-
лига бўлган ишқида худди шундай пок ишқ акс этади.

Ўрни келганда қайд этиш лозимки, умуман бадий адабиётда бўл-
ганидек, тасаввуфда ҳам ошиқ эр киши, маъшук эса аёл тарзида бери-
лади. Тасаввуфшунос олима М.Т. Степанянцнинг қайд этишича, Ибн Ара-
бий Аллоҳ тимсолидаги маъшук нима учун аёл қиёфасида ифодаланган-
ини изоҳлаб, уни Аллоҳни бевосита мушоҳада этишнинг қийинлиги
билан боғлаган/3.44,35/. Дарҳақиқат, Аллоҳ ўз мутлақ моҳиятига
кўра дунёдан мустақилдир. Шунинг учун инсон, яъни эр киши мушоҳада
учун аёлни танлаган. Чунки аёл унга ўхшаш ва қаршисида мавжуддир.
Шу билан бирга, аёл дунёвий гўзалликни ўзида акс эттириб, у орқали
илоҳий хусндан ҳам воқиф этади. Бундан ташқари, диний ақидага кўра
ва шунингдек, Навоийнинг ҳам таъкидлашича, аёл эркакнинг биқинидан
яралган/1.96,190/. Шу сабабли эркак ўзидан яратилган бўлакка интил-
ганидек, аёл ҳам ўзи вужудга келган қисмга интилади. Худди шу син-

гари инсон ҳам Аллоҳнинг бир қисми сифатида ундан пайдо бўлганлиги учун унга интилади. Зеро, каломи шарифида хабар берганидек, Аллоҳнинг ўзи ҳам инсонга муҳаббатли зотдир. Унинг муҳаббати эса ўзи каби покдир.

Навоий талқинича, хавос ишқида ҳам шундай поклик мавжуд. Бирон улур шоир хавос ишқини фақат покбозлар ишқи сифатида ҳам талқин этибгина қолмай, шунингдек, инсонни покловчи ишқ сифатида ҳам талқин этади. Унинг мажоз орқали акс этиши ҳам шу билан боғлиқ.

Улур шоир фикрича, мажозий ишқ ҳам пок рухий-илоҳий интилишларга йўғрилса, ҳақиқий ишққа кўтарилиш йўлидаги муҳим босқичга айланади ва инсонни ҳамма жиҳатдан поклаб, юксакка кўтаради.

Ҳақиқий ишқ ҳақида фикр юритган Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Фахриддин Ироқий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Нуриддин Абдурахмон Жомий каби улурлар ўз қарашларини мажозий ишқ орқали ифодалаганлар. Зотан, уларнинг ўзи ҳам хос ишққа мансуб, пок қалбли ва пок назарли ошиқлар эди. Навоий улар ҳақида тўхталар экан, пок ишққа мансубликларини алоҳида таъкидлайди.

Навоий бу машҳур салафлари ва замондошларини иккинчи ишққа мансуб дея қайд этар экан, ўзини ҳам ўшалар қаторига киритади. Бу тўғри эди. Зеро, ҳақиқатан ҳам улур шоир кўзи, сўзи, кўнгли, нияти, фикри ва тани пок инсон бўлиб, ишқ бобида ҳам шундай покликка ҳаммиша риоя қиларди. Бу ҳол икки нарсада яққол кўзга ташланади. Биринчидан, улур шоир ўзи тилга олган устозлари сингари асарларида доимо пок ишқни улурлаган. Нафсоният билан вобаста авом ишқи унинг асарларининг асосий мавзуси, олга сурилган ғоясига айланмади. Ҳамма нарсада поклик тарафдори бўлган Навоий ишққа ҳам шундай муносабатда бўлди.

Улур шоир ишқ тасвирида рамзийликни кучайтириб, мажоз орқали

ҳақиқатни тасвирлади. Бошқача айтганда, мажозий ишқ ҳақида фикр ғриитар экан, унинг замирига ҳақиқий ишқ мазмунини жойлади. Зотан, улуг шоир назар пок бўлгач, мажоз ҳақиқатга айланишини ҳам алоҳида таъкидлаган эди. Демак, кишининг назари пок бўлса, унинг амалий фаолияти ҳам пок бўлади.

Иккинчи жиҳат худди шу пок назарни юзага чиқарувчи пок вужуддир. Унга покиза қалб, покиза тан, покиза кўз, покиза сўз киради. Инсон шундай покликка мансуб бўла олмас экан, унинг поклик ҳақидаги гаплари лоф ва ёлгондан иборат бўлиб қолади. Навоийнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам пок эди. Шу билан биргаликда, улуг шоир инсон сифатида жонли одамларда бўладиган туйғулардан ҳам холи эмас эди.

Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида келтирилишича, улуг шоир табиатан пок бўлиб, унда нафсоний шаҳватга майл бўлмаган. Буни унинг дўстлари ҳам яхши билишган. Чунончи, Султон Ҳусайн Бойқаро бир суҳбатда хотини Хадичабегимга шундай деган: "Бу жаноб /Навоий-А.А./ дунёга келиб, ҳаёт хилъатини кийганларидан буён этакларига шаҳват чиркинни теккизмаганлар, ғутувват ва жўмардлик ёқаси лаълин тугмасини хотинлар ҳавою ҳавасига туткизмаганлар"/1.99,178/. Бироқ Хадичабегим бу гапга ишонмай, "Бундан чиқди жаноби Мир эркаклик хислатидан маҳрум эканларда?"-дея Султон Ҳусайн Бойқаро билан баҳслашади ва Навоийни синаб кўрмоқчи бўлади. Восифий бу ҳақда "Бадоеъ ул-вақоеъ"да шундай ҳикоя қилади: "Хадичабегимнинг Давлатбахт исмли бир парипайкар, ой юзли чўриси бор эди... Султон Ҳусайн Мирзо, Хадичабегим ва Амир Алишер ўртасида бўлган махфий гапларда бундан бошқа маҳрам йўқ эди. Мир кўнглининг бахтиёр қуш ҳар замон унинг ишқи ҳавоси фазосида парвоз этарди. Хадичабегим

бу розни очини мақсадида баъзи гапларни ўргатиб, уни Мирнинг уйига жўнатди"/1.99,178-179/. Давлатбахт унинг уйига нима мақсадда келганини англаган Навоий унга шундай дейди: "Шуни билингки, бизда эркаклик хислати бор, қўлимиздан келади, аммо бу ишни қилмаганмиз, қилмагаймиз ҳам"/1.99,179/. Маълум бўладики, улур шоир ҳақиқатан ҳам табиатан покиза инсон бўлган.

Восифий ишора қилган фикр, яъни Навоий кўнглининг бахтиёр куши ҳар замон Давлатбахт ишқи ҳавоси фазосида парвоз этиши, улур шоирнинг ҳусни ҳақиқийга эга бўлган қизга пок кўнгил билан пок назар ташлаб, илоҳий жамолдан баҳра олиш эди. Навоий Давлатбахтга пок назар билан боқиб, унинг беқиёс гўзаллигидан завқланган, илоҳий жамол ҳузурини туйиш даражасида ундан баҳраманд бўлган бўлса-да, аммо нияти ва қалби қизга нисбатан роятда пок эди. Бироқ буни тўғри тушунмаган ва ҳатто улур шоирнинг уйланмаганлигидан ўзича шубҳаланган Хадичабегим Давлатбахтни Навоийнинг уйига юбориб, уни синаб кўргач, унинг поклигидан ҳайратда қолади. Восифий Навоийнинг поклигини кўрсатувчи бу воқеани ҳикоя қилгач, уни қуйидагича изоҳлайди: "Бу гаплар Хадичабегим ва Мирзо/Хусайн Бойқаро-А.А./ қулоғига етгач, уларнинг Мирга бўлган эътиқоди юз, балки минг чандон зиёда бўлди"/1.99,180/. Улур шоир ишқ бобида шундай покликни тарғиб ва тараннум этар экан, ўз шахсиятида унинг юксак намунасини кўрсатади. Навоий пок ишққа ҳаммаша жиддий муносабатда бўлган. Пок ишқни умр бўйи садоқат билан эъзозлаган. Шу билан бирга, у уйланишни, шаръий никоҳ йўли билан оила қуришни ҳам рад этмаган. Инсон инсон билан яшаши зарурлигини эътироф этган:

Эй Навоий, ул пари ўлтурса ҳам оздур сени,

Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак/1.105,243/.

Бу мисраларда "ул пари"—Аллоҳга муҳаббат акс этаётган бўлса—да, унга бўлган ишқ инсон орқали воқе бўлиши таъкидланаётгани диққатга молик. Шу билан бирга, улуг шоир пок ишқ ҳам аслида инсонлар ўртасида юз беради, дейди. Муҳими шундаки, Навоий оилавий ҳаётдаги покиза муносабатларни ҳам кадрлаб, имонли инсоннинг иф—фатли инсон бўлган маҳбуб билан яшашини маъқуллаган. Шунга қарамай, Навоийнинг ўзи нима учун уйланмаганлиги ханузгача турли баҳс, тахмин ва қарашларга сабаб бўлиб келмоқда.

Замондошлари фикрларидан маълум бўладики, улуг шоир ҳақиқатан ҳам уйланмаган, лекин пок назари пок юзга тушиб турган. Бу пок юз Давлатбахтга тегишли эканлиги ҳақида гувоҳлар фикри ҳам бор. Аммо уни Навоийнинг севгилиси деб бўлмайди. Бу Восифий ҳикоясидан аниқ сезилади.

Кейинги пайтларда айрим адабиётшунослар Навоийнинг севгилисини аниқлашга киришиб, Хадичабегим улуг шоирнинг севгилиси бўлган, деган фикрни билдирмоқдалар. Чунончи, Ш. Сирожиддин "Навоий кимни севган?" номли мақоласида "Мажолис ул—ушшоқ" асари асосида шундай фикрни олға суради/1.146/. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки аввало, мақоладаги мулоҳазалар бир—бирини инкор этувчи характер—дадир. Воқеан, тадқиқотчининг ёзишича, Навоий ёшлигида Хадичабегим билан севишиб қолган. Улар ўртасида хат алоқалари ҳам бўлган. Абу Саид тахтга ўтиргач, Хадичабегимни ўз гунчачисига айлантирган. Бу тарихий ҳақиқат. Лекин тадқиқотчининг ёзишича, Абу Саид вафот эт—гач, Хадичабегимнинг ўзи Навоийнинг уйига кириб келган. Бироқ дўс—ти Ҳусайн Бойқаро ҳам Хадичабегимни севишини билган Навоий уни қайтариб юборган. Ҳусайн Бойқаро эса улар ўртасидаги муҳаббатдан беҳабар бўлган. Кексайганида бу ҳақда эшитгач, уни оғринмай қабул қилган. Бугина эмас, хатто Навоий ва Хадичабегимнинг ишқий саргу—

заштларини "Мажолис ул-ушшоқ" асарига ҳам киритган.

Бобур бу тазкирани Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзиб, унда "бисёр суст ва аксар ёлгон ва бемаза беадабона ҳарфлар битибтур" дея, хатто шохнинг дебочада бу асарни "таҳрир ва тасниф" қилганман деган фикрига шубҳа билдиради/1.24, 238-239/. Дарвоқе, Ҳусайн Бойқародай нозиктаъб шоир, олим ва хусусан, нақшбандийликни қабул қилган пок сиришт зотнинг Бобур танқид қилган мазмундаги асарни яратишига ишониб бўлмайди. Бобур Гозургоҳийнинг хушомадгўйлигини махсус таъкидлайдики, асар муаллифлиги масаласи ҳам шу билан борлиқ бўлса керак. Тадқиқотчи эса Бобур фикрларини асоссиз равишда рад этиб, Гозургоҳий тазкирани қайта ишлаган ва тўлдирган, аслида у Ҳусайн Бойқаро қаламига мансуб, дейди/1.146, 33/.

Агар шундай бўлганда ҳам Ҳусайн Бойқаронинг ўз хотини ва вазири ўртасида юз берган ишқий муносабатларни батафсил ҳикоя қилишига ишониб бўлмайди. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, тадқиқотчининг "Мажолис ул-ушшоқ"дан келтирган иқтибосларининг бирортасида Хадичабегимга ишора йўқ.

Тазкирада ёзилишича, Навоий бир жувонни севган. Кўпдан-кўп музокаралардан сўнг номи кўрсатилмаган у жувон Навоийнинг уйига келган. Бундан қувонган шоир тонгдан оқшомгача унинг шарафига базм уюштирган. Тазкира муаллифи шулар ҳақида ёзгач, қуйидаги жумлани келтиради: "Оқибат ал-амр, ў низ рахт бар баст... ва орзуи ўро ба хок бурд", яъни хуллас, у/Навоий-А.А./ ҳам дунёдан кўз юмди... ва унга этишини орзусини тупроққа олиб кетди.

Қизиги шундаки, тадқиқотчи ўз мақоласида келтирган бу жумладаги айрим сўзлар унинг Хадичабегимга доир фикрларини инкор этади. Иқтибосдаги "ў низ рахт бар баст" жумласи айнан "у ҳам сафар қил-

ди", яъни у ҳам бу дунёдан кўз юмди, демакдир. Бу жумла Навоийга нисбатан айтилган. Жумладаги фикрдан маълум бўлишича, жувон Навоийдан олдин вафот этган. Акс ҳолда тазкира муаллифи "ў низ", яъни "у ҳам" иборасини ишлатмаган бўларди. Тарихдан маълумки, Хадичабегим Навоийдан ҳам, Хусайн Бойқародан ҳам кейин анча йиллар яшаган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, агар Хадичабегим Навоийни ёшлигида севган ва кейинроқ эса жувонлик пайтида уникига борган бўлса, Восифий айтганидек, улуг шоирнинг эркаклик хусусиятини синаб ўтирмаган бўларди.

Бундан ташқари, Навоий ва Хадичабегим ўртасида чиндан ҳам ишқий муносабатлар юз берганда, бундан улуг шоирнинг душманлари фойдаланиб, ҳамма айбони унга ағдаришлари ва ўч олишлари мумкин эди. Бунинг учун Мўмин Мирзонинг қатл этилишида асосий гуноҳкор бўлган Хадичабегим четда қолиб, унинг айтганларини бажарган Низомулмулкнинг терисига сомон тикилганини эслаш кифоя қилади. Дарвоқе, бу Ғожиадан Низомулмулкнинг душманлари усталик билан фойдаланган эдилар.

Хуллас, Навоий ва Хадичабегим ўртасида ишқий муносабатлар бўлган, деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Аммо Навоийнинг кимнидир севгани эса тарихий ҳақиқатдир. Чунки бир чобуксувор гўзални севганлигини, лекин ундан бевақт ажралганини Навоийнинг ўзи ҳам айрим шеърларида ишоравий тарзда тилга олади. Машҳур навоийшунос А. Ҳайитметов улуг шоирнинг шу мазмундаги шеърларини чуқур ўргангач, қуйидагича ёзади: "Кейинги текширишлар шуни кўрсатадики, у/Навоий-А.А./ кимлиги биз учун номаълум бўлиб келаётган бир қизни севган. Қиз ҳам унга ёмон муносабатда бўлмаган, илтифотлар кўрсатган. Афсуски, у эрта вафот этган. Қизнинг вафоти Навоийдан олисда рўй берган. Шу кўнгилсиз Ғожиадан кейингина Навоий ўзининг унга бўлган муҳаббати чексиз ва беқиёс эканини билиб қолган. Бу муҳаб-

бат ўти унинг қалбида умрининг охиригача сўнмаган. Шу сабабли шоир ўзининг биринчи мухаббатига содиқ қолган-уйланмай ўтган.

Унинг:

Бор эди ул ҳамки бир чоғ бизга ёре бор эди,

Куллий ар ёр ўлмаса филжумла боре ёр эди,-

матлаи билан бошланган газали фикрларимизни маълум даражада тасдиқлай олади. Газалнинг охирироғида:

Гўйиё шукрэтмадимким, онсиз ўлмишмен бу дам,

Ул қуёшимни ёшурган чархи кажрафтор эди,-

деган байт ҳам бор. Навоийнинг, афтидан, ўша қиз вафоти ҳақида хабар келиши муносабати билан ёзилган қуйидаги рубоийси ҳам бу жиҳатдан жуда характерлидир:

Ёшурган эмиш қаро булутқа моҳим,

Гардунни совурмоқлиғ эрур дилхоҳим.

Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,

Невчун қаро қилмасун қуёшни оҳим/1.194,203/.

Олим ўз фикрининг тасдиғи учун келтирган рубоий Навоийнинг биринчи девони "Бадоеъ ул-бидоя"/1469-1475 йиллар орасида тартиб берилган/да, газал эса иккинчи девони "Наводир ун-нихоя"/1476-1482 йиллар оралиғида яратилган/да берилган. Ўйигитлик пайтида яратилган бу шеърлар Навоийнинг ҳақиқатан ҳам ёшлиғида кимнидир севганлиғига ишора қилади.

Улуғ шоирнинг илк девонларига назар ташланса, уларда севгувчи қалбнинг аниқ тасвири хижрон кечинмалари берилган шеърларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, "Бадоеъ ул-бидоя"да "Тун оқшом келди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним, Бу андуҳ ўтидин ҳар дам қуяр парвонадек жоним"/1.102,367/, "Ёр бордию кўнглумда анинг нози қолибтур, Андоғки қулоғим тўла овози қолибтур"/1.102,162/,

"Наводир ун-нихоя"да "Неча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади, Кӯзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади"/1.103,566/. "Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт, Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт"/1.103,79/ сингари мисралар анчагина бўлиб, уларда гарчандики, умумлашма қаҳрамоннинг лирик кечинмалари ифодаланаётгандай туюлса-да, шу билан бирга, аниқ шахснинг аниқ мухаббати тасвирини ҳам кўриш мумкин. Умумлашма лирик қаҳрамон кечинмаларида шоир шахсияти лавҳалари ҳам акс этишини назарга олсак, у ҳолда бу тасвирларда Навоийнинг ўз ҳаётий мухаббатига доир фикрлар ҳам жой олганини тахмин қилиш мумкин.

Бу айтилганларда ҳаёт ҳақиқати акс этади. Шунинг учун биз ҳам профессор А. Ҳайитметовнинг фикрларига тўла қўшилаемиз. Шу билан бирга, улуг шоирнинг ҳаётий мухаббати билан боғлиқ бу фикрлар 1476 йил воқеасигача эканлигини ҳам қайд этиш лозим бўлади. Уша йили Навоий нақшбандийлик сулуқини қабул қилди. Жомийга мурид бўлиб, ваҳдат майидан баҳра топди. Воқеан, шундан сўнг улуг шоирнинг ишқ борасидаги қарашларида тасаввуфнинг таъсири кучайгани сезилади. Буни Навоийнинг ўз сўзлари билан айтганда, "мажозий ишқ кўнглини малолга солгани ва ҳақиқий ишқ орзусида тафаккур баҳрида қолгани"дан сезиш мумкин. Улуг шоир кексалик пайтида ҳақиқий ишқ баҳрига шўнғиб, "Эй Навоий, кўп мажозий ишқ ила машъуфсен, Уткин андин, доғи ён, ишқи ҳақиқий сари бот" дейиш даражасига ҳам етган эди /1.107,522/.

Навоий нақшбандийликни қабул қилгач, Ҳақ ошиғига айланиб, уйланишдан ҳам воз кечиши, тасаввуф тарихида янгилик эмас эди.

Шарқшунос А. Мецнинг ёзишича, X асрдан бошлаб тасаввуфда уйланмаслик тарғиб этилган. XI асрга келиб аксари сўфий муршидлар энг яхши, олижаноб ва Ҳақ йўлидаги фидойи сўфий уйланмаган сўфийдир,

деган фикрга келадилар. Чунки бундай мужаррад сўфийларнинг қалбига доғ тушмаган, хаёллари бузуқлик ва шахвоний хирсга йўналтирилмаган, деб ҳисобланарди. Бундаги асосий фикр покликка қаратилган бўлиб, тасаввуфнинг асосий шартларидан бирига айлантирилган эди/3.28, 236/. Гарчи кейинчалик уйланишга ижозат берилган бўлса-да, бу анъана XII асрда ҳам айрим силсилаларда давом этди ва тарғиб этилди. Чунончи, хожагонлар силсиласида ҳам уйланмаслик асосий талаблардан бири ҳисобланарди. Силсила асосчиларидан Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний бу борада шундай дейди: "Қўлингдан келиб сақлансанг хотин олмагил, чунки никоҳдан ўтсанг толиби дунё бўласан ва талаб дунёсида динни барбод берасан, ноқис дунёга тушиб қоласан. Магар ўз эҳтиросларингда шахвоний нафс гимирлаётганини сезсанг, ундан ўзингни тийгил, тийилиш, бу эҳтирос музаййинидир"/1.186, 15/. Нақшбандийлик силсиласида ҳам бу фикр ривожлантирилган. Силсила асосчиси Хожа Баҳоуддин гарчандики, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ижозати билан уйланган бўлса-да, /1.40, 38/, аммо кейинчалик тушида Хожа Хизрнинг "Чин сўфий бўламан десанг, хотунингга рағбат қилмагил", деган амри маъруфига биноан хотинини тарк этиб, умрининг охиригача ўзини Аллоҳ маърифати-га бағишлайди/1.117, 42/.

Уйланмасликка тарғиб этиш Навоийнинг муршиди Абдурахмон Жомий асарларида ҳам бор. Жомий ўзининг "Юсуф ва Зулайхо" достони охирида ўгли Зиёуддин Юсуфга насихат қилар экан, бу масалага махсус тўхталади. Аммо қайд этиш лозимки, Жомийнинг ўглига насихати тор доирадаги фикрлардан иборат бўлмай, кўпчиликка қаратилган чуқур тасаввуфий пандномадир. Уни Жомийнинг ота сифатидаги фикрларигина эмас, шунингдек, муршид, йўлбошчи тарзидаги қарашлари умумлашмаси дейиш ҳам мумкин. Жомий унда нақшбандийлик силсиласи муршиди сифатида фикр юритади. Унинг пандномадаги асосий

фикрларидан бири уйланмаслик тарғибидир.

Жомий мужаррад янашни маъқуллайди. Ёлғизлик, улуг шоирнинг фикрича, эркинликдир. Зеро, уйланиш асосий мақсаддан чалғишга, дунё кули бўлишга сабаб бўлади. Шу сабабли ҳақиқий ёрга етиш учун ўткинчи ҳаваслардан воз кечиш, Исо каби пок ва эркин бўлиш лозим:

Чу Исо то тавоний ҳуфт бе чуфт,

Мадех нақди тачаррудро зи каф муфт/2.42,374/.

Мазмуни:

Агар ҳуфтсиз ёта олсанг Исодек,

Қўлдан берма бўйдоқликни, десанг эрк.

Жомий "Юсуф ва Зулайхо"дан кейин яратган "Хирадномаи Искандарий" асарида ҳам мужаррадликни тарғиб этиб, уни янада чуқурроқ асослаб беради:

Тааллуқ ба зан дасту по бастан аст,

Тачарруд аз он банд ворастан аст/2.43,324/.

Мазмуни:

Аёлга меҳр-муҳаббат қўл-оёқни боғлашдир,

Бўйдоқлик эса ўша банддан ўзни сақлашдир.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндошиш ҳам уни муайян даражада ойдинлаштиради. Зеро, Навоий ҳам ўз муршидининг бу йўлдаги таъсирини алоҳида эътироф этган эди:

Навоий фарду беҳуш ўлганин деманг қачондиндур,

Ҳамондинким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий/1.106, 450/.

Шу билан бирга, улуг шоир ўзининг бу борадаги фикрларини шахсий кузатишлари сифатида ҳам қайд этиб, шундай деган эди: "Ҳаёлим буқим, чун оламнинг хиёнати ва олам аҳлининг диёнати равшан ва жаҳоннинг ишванамо ажурасининг вафосизлиги ва ҳаётнинг руҳ-

афзо маҳбубасининг бақосизлиги муайяндуру:

Ҳамул авлоки дафъ айлаб аламини,

Тажарруд кўйида кўйсам қадамни/1.94,161/.

Зеро, Жомийнинг энг яқин ва суюкли муриди бўлган Навоий ҳам Ҳаққа етиш йўлида монелик қилувчи барча тўсиқлардан холи бўлиш тарафдори эди. Шу сабабли "неким Ҳақ райридур бўлғил мужаррад" дея ёлғизлик тарафдори эканлигини эътироф этади.

Улуғ шоирнинг фикрича, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса бебақо. Инчунин, жаҳон раъносида ҳам бақо йўқ. Шунинг учун ҳам Ҳақ йўлига кирган суюклилар, яъни қабул аҳли жаҳон раъносидан воз кечганлар:

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,

Жаҳон раъноси йўқким мосиваллоҳ.

Жаҳон раъносидин бўлғил мужаррад

Ки, қилмишлар қабул аҳли ани рад/1.105,489/.

Улуғ шоир фикрича, жаҳон раъноси, яъни ҳаётдаги гўзал ҳақиқий маҳбуб бўла олмайди. Чунки у, энг аввало, нафсоний интилишлар билан борлиқ. Иккинчидан, у одамни моддий дунёга борлаб қўяди. Учинчидан, унга борланиш ҳақиқий маҳбубдан чалғишга сабаб бўлади. Пок инсоннинг севгилиси эса ҳақиқий маҳбуб бўлиши керак. Навоий инсон учун ҳақиқий маҳбуб Аллоҳ эканлигини таъкидлаб, ким шунга умид қилса ва интилса унинг бахти, омади ўшадир дейди:

Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур ул,

Анинг васли сори қатъ айламак йўл.

Гар ул маҳбуб васли бўлди уммид.

Будур иқболи сармад, бахти жовид/1.109,180/.

Улуғ шоирнинг мажозий ишқи ҳам аслида ҳақиқий маҳбубга қаратилган эди. Дарвоқе, унинг "Гар дида бувад пок, назар бар руҳи шоҳид, аз солики раҳ айни ҳақиқат, на мачоз аст", яъни маъшуқ руҳсориға назар солганда агар кўз пок бўлса, соликнинг бу йўли мажоз

эмас, ҳақиқат йўлидир, дейиши ҳам бежиз эмас эди/1.90,168/. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон пок кўзни пок ният билан илоҳий кўркем жамол, яъни пок юзга солиш орқали ҳақиқат ҳолини туйр ва Ҳақ жамоли нуридан ошиқона баҳра оларди. Чунки бунга ҳам осонлик билан эришиб бўлмасди. Зеро, хавос ишқи, яъни мажозий ишқ ҳақиқат аҳли учун тариқат ҳисобланарди. Шунинг учун мажозий ишқни босиб ўтмай, ҳақиқий ишққа етиб бўлмасди. Мажозий ишққа мансуб кишиларнинг мақсади эса албатта ҳақиқий ишққа етишдан иборат бўлиб, улар шу палладаёқ ҳақиқатдан хабар топар эдилар. Навоийнинг "гар сен идрок айласанг, айна ҳақиқатдур мажоз" дейиш ҳам шу жиҳатдан бесабаб эмас эди/1.107,513/.

Улуғ шоирнинг мажозни ҳақиқатга нисбат бериши унинг севгилисини аниқлашга катта ёрдам беради. Навоий хавос ишқига ўзининг ҳам мансублигини эслатиш билан ҳақиқий ишқ йўлидаги мажоз ҳақиқатини босиб ўтаётганлигини таъкидлайди. Чунки Ҳаққа интилганда "мажоздин чу ҳақиқатга йўл топар ошиқ"/1.107,512/. Шундай экан, Навоийнинг ҳаётида ҳам, ижодида ҳам мажозий ишқнинг шу қадар кенг ва мустаҳкам ўрин олиши бежиз эмас эди. Унинг ҳаммаси ҳақиқатга йўналтирилган бўлиб, "ҳақиқат тахтида соҳибқиронлик" қилиш эди/1.109,182/. Бунинг учун дунёвий ҳамма нарсадан ва ҳатто жаҳон раъносидан ҳам воз кечиш зарур эди. Буларнинг эвазига эса ҳақиқий маҳбуб билан қўшилиш шарафи турарди. Улуғ шоир пок нақшбандий солиқ сифатида шу йўлни танлади.

Шундай қилиб, Аллоҳ унинг ҳақиқий севгилисига айланди ва то унга иттиҳод бўлгунча мужаррадлик йўлини тутди. Зеро, улуғ шоир ўзига мурожаат этиб, "Эй Навоий, фард бўл, васл истасангким, халқдин Ҳар кишиким ёрлиғ узгай, Худо ёри анинг" дейиш билан ўз интилиши ва қарорини ойдинлаштириб ҳам берган эди. Дарвоқе, шундан ўринда дастлаб академик В. Зоҳидов/1.51,185/, кейинчалик

истеъдолли адабиётшунос С.Олим/1.123,50/ ҳам Навоийнинг мутасаввиғлик давридаги машуқи Аллоҳ бўлганлигини қайд этганларини эслатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Навоий талқинидаги ишқнинг учинчи тури, бу сиддиқлар ишқи, яъни ўз ҳаётини ҳақиқатга эришишга бағишлаган Ҳаққа содиқ поклар, ҳақгўйлар ишқидир.

Улуғ шоир сиддиқлар ишқини ҳақиқий, яъни бақога олиб боровчи ишқ тарзида талқин этади. Чунки бақо фақат Аллоҳга тегишли бўлиб, унга интилган ва унинг висолига етганлар ҳам боқийлик топадилар. Акс ҳолда оламдаги барча нарса-ҳодисалар каби бақодан бенасиб қолиш мумкин. Шунинг учун ҳам сиддиқлар ишқи фақат Аллоҳга қаратилгандир. Аллоҳ висолига етишиш уларнинг асосий орзуларига айланиб, бу йўлдаги барча нарсани унутганлар. Ҳаққа етиш уларни шу қадар ўз комига чулғаб олганки, бу йўлда ўзликларини тамомила унутганлар. Бугина эмас, улар ҳатто жисман ҳалок бўлиш поғонасига кўтарилганлар. Демак, бу йўлда қандай талаб бўлса, бажариш шарт. Фақат истакка етилса бас. Истакларни сўрайдиган зот ким? Улуғ шоир ёзади:

Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай,

Қулҳуаллоҳу аҳад, сўнградур аллоҳус самад/1.107,91/.

Оят мазмуни: "/Эй Муҳаммад/, айтинг: "У-Аллоҳ Бирдир/яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир./Аллоҳ/ барча ҳожатлар билан/кўзлангувчидир/яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир"/"Ихлос" сураси, 1-2-оятлар/. Демак, Аллоҳ истакларни сўрайдиган зот экан, у истакка етказадиган зот ҳамдир. Ҳақиқий ишқ аҳлининг истаги эса унга етишишдир. Навоий ҳақиқий ишқ таҳлилига тўхталар экан, ҳам мантиқий далиллар, ҳам шоирона поэтик ифодалардан фойдаланиб Аллоҳга интилиш илдиэларини очишга диққат қилади.

Улуғ шоирнинг фикрича, инсон ўзининг яратувчисига интилиши керак. Бундан бошқа ишни йиғиштириш лозим:

Буким Ҳақ айлади инсонни мавжуд,

Анга мавжудликдин борча мақсуд.

Эрур Ҳақ амрига маъмур бўлмоқ,

Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ/1.109,180/.

Бундай қилишнинг асосий сабаби шундаки, инсонга ҳақиқий маҳбуб Ҳақнинг ўзидир. Ҳақиқий маҳбуб Ҳақ бўлгач, ҳақиқий ишқ ҳам у билан борлиқдир. Ҳаққа эришиш учун ҳақиқий ишққа эга бўлмоқ, бу йўлда сиддиқ даражасига етмоқ лозим. Шу даражага етмай туриб, ҳақиқий маҳбуб васлига етиб бўлмайди. Навоий талқинича, бунинг учун, аввало, ўзликдан кечиш лозим. Ўзликдан кечиш тариқат мақомларини бажариш жараёнида қўлга киритилади. Аммо бунинг асосида мажозий ишқ туради. Демак, мажозий ишқ ва ҳақиқий ишқ бир-бирларидан тамомила фарқ қилувчи ҳодисалар бўлмай, аксинча бир-бирини тақозо этувчи икки босқич экан. Профессор М. Орипов тўғри қайд этганидек, "...бу ишқнинг ҳар иккала тури бир-бирлари билан узвий борланган бўлиб, бир нарсага-Ҳақиқатга қаратилгандир" /1.129,6/. Мушоҳада йўли билан пок назарни пок юзга ташлашдан ҳам, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун севгиси орқали ишққа инсоний-ҳаётий руҳ беришдан ҳам ва ҳатто гул ва булбул муҳаббати воситасида ишқни тасвирлашдан ҳам асосий мақсад ҳақиқий ишқ ва ҳақиқий маҳбубдир:

Булбулу гул баҳонадур бориси,

Балки сендин фасонадур бориси.

Келди бу икки сарбасар нобуд,

Сенки мавжуд, балки айни вужуд.

Ишқ сенсен доғи-ю, ошиқсен,

Яна маъшуклуққа лойиқсен/1.111,11-12/.

Демак, Навоий ижодидаги пок мажозий ишқ тасвири аслида ҳақиқи ишққа ишорадир. Шу сабабли улуг шоир талқинидаги мажозни ҳақиқат кўприги сифатида қараш тўғри бўлади. Бу ҳол Навоийнинг ўзигагина хос бўлмай, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомий сингари улуглар ижодига ҳам хос эди. Навоий буни Жомий ижоди ва шахсияти мисолида аниқ кўрсатиб ҳам беради: "Мунча ишнинг зимнида ишқи зоҳир тариқиким "Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат"/мажоз ҳақиқат кўпригидир/иборат андин бўлғай алар/Жомий-А.А./га андоқ муставли эрдиким, ҳар мулоғим мазҳарининг ҳусни ва малоҳатиким, Ҳақ жамолияти тажаллиси била зуҳур қилмиш бўлғай ё жавр ва бедоди офатиким, жалолият сифати била жилва кўргузмиш бўлғай, ул сифотилин зоти айният/Аллоҳнинг ўзи эканлиги/ мушоҳада қилиб, сабабни мутлақо орадин муртафеъ кўруб кўзлариға мусаббиб/сабабчи-Аллоҳ/дин ўзга нима келмаган жиҳатидин бетоқат бўлиб, ҳарне ул изтиробда аларға ишқ шиддатидин ва шавқ суубатидин юзланса эрди, жонсўз шеърлар ва дилфурўз ғазаллар иштиғоли била ул таҳаммулсизлиққа итмиёнон берурлар эрди.

Ва бу ҳол дағи аларға одоби тариқатдаким, тасаввуфда боиси фано бўлғай, кўп мадад берур эрди.

Чун фанойи вужуди мавҳум ҳосил бўлди ва ишқ ва шавқ ўти забона торта киришти, ҳар ойинаким, беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сару по бараҳналиғ ва тоғ ва водий тутмоқ ва мақсуди аслийдин ўзга барчани унутмоқлик даст берур, аларнинг бу шева-син зоҳир аҳли/дунёвий одамлар/ ишқи зоҳири маҳзға ҳамл қилиб, аслий мақсудларидин рофил ва отил қолурлар эрди. Аммо алар ғайри мақсуди аслий ҳар навъ суратдаким, ўзларин кўргузур эрдилар-барча ўз ҳолларининг пардаси ва рўйпўши эрди"/1.95,12/.

Жомий ҳақида билдирилган бу фикрлар Навоийнинг ўзига ҳам тегишли эди. Бу нарса улуг шоирнинг пок шахсиятида ҳам, диловез

ижодида ҳам яққол кўзга ташланади. Воқеан, Восифий ишора қилганидек, улуғ шоир Ҳақ мазҳари акс этган ҳуснга боққанда муршиди каби сабабни эмас, балки мусаббибни мушоҳада этган бўлса, ҳақиқий маҳбубга интилиш шавқи ва завқи жонсўз асарлар яратишни юзага келтирарди. Бироқ дунёвий одамлар унинг пок назарини ҳам, асарларидаги ҳақиқий ишқни ҳам тушунмаганликлари учун улуғ шоирнинг "мақсуди аслий"си уларга қоронғи бўлиб қолаверарди. Шунинг учун ҳам у дунё аҳлининг нодон ва гофиллигидан шикоят қилиб, ўз асарларининг уларга тушунарлироқ бўлиши учун интилган эди.

Худди шу боисдан Алишер Навоий асарлари ҳам зоҳирий, ҳам ботиний мазмунга эга бўлди. Зеро, улуғ шоирнинг ўзи қайд этганидек, дунёдаги ҳамма нарса ички ва ташқи томонга эга. Аммо нарсанинг асл моҳияти унинг ичига яширинган бўлади. Шу сабабли зоҳирдаги моҳиятни чуқур англаш учун ботинга кўпроқ диққат қилиш лозим:

Олам аро ҳарне хувайдо дурур,

Сирри анинг зимнида пайдо дурур.

Қайда зухур айласа моҳияти,

Музмар эрур зотида хосияти/1.108,318/.

Улуғ шоир нарсалардаги ботиний маънони образли тарзда очиб мақсадида жаҳон, гулистон ва гул рамзларидан моҳирона фойдаланиб, ўз асарларининг замирига ҳам эътибор қаратишга ишора қилди:

Ким бу гулистонким эрур бу жаҳон,

Балки жаҳоне гул ичинда ниҳон/1.108,81/.

Навоий талқинича, шу табиат, гулистоннинг ўзи бир жаҳондир. Шу билан бирга, гулистондаги ҳар бир гул ичида ҳам бир дунё яширинган. Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндошиб, улуғ шоир ижодини гулистонга, унинг ҳар бир асарини эса бир гулга нисбат бер-

сак, шу гуллар зоҳиридаги каби ботинида ҳам бир маънони кўриш мумкин. Бу нарса Навоийнинг ишқ тасвири берилган асарларида айнақса яққол кўринади. Воқеан, улуг шоирнинг ўзи ҳам "Рух ул-қудс" қасидасида Мажнун ва Вомиқнинг муҳаббати зоҳиран Лайли билан Азрога қаратилган бўлиб, ботинан эса бу ишқ Ҳаққа йўналтирилганини таъкидлаган эди. Навоий талқинича, парвона ва булбул интилишининг ботиний маъноси ҳам аслида шундайдир:

Залили ишқи ту Мажнун э-чеҳраи Лайли,

Хароби ҳусни ту Вомиқ э-орази Азро.

Ба нури рўйи ту парвона гашта саргардон,

Валек шамъи шабистон ниҳода номи ўро.

Ба нори шавқи ту булбул шуда чу хокистар,

Валек зеби гулистонаш карда васф адо/4.14,230/.

/Лайли чеҳрасига интилган Мажнун аслида сенинг/Аллоҳнинг/ ишқингда хор, Вомиқ эса Азро юзини қўмсаш билан сенинг ҳуснингга шайдо. Парвона сенинг юзинг нурига саргардон бўлса-да, аммо у шамъи шабистон-уйни ёритувчи чироқ деб ном олган. Булбул сенинг ишқ ўтинг шавқида ёниб, кулга айланган, лекин зоҳиран унинг васфи гулзор гўзаллигига қаратилгандир/.

Навоий ўзининг бу фикрларини "Ҳамса"га кирган достонларида бадиий равишда исботлаб ҳам берган. Хусусан, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" ҳамда "Сабъаи сайёр" достонларидаги ишқ тасвирида буни аниқ кўриш мумкин. Улуг шоир достонларининг ботиний мазмунига ҳақиқий ишқ моҳияти сингдирилган бўлиб, ташқи жиҳатдан эса дунёвий маъно берилган эди. Шу жиҳатдан Навоий тўғри йўл тутган. Чунки биринчидан, у ҳам Санойи, Аттор, Ироқий, Румий каби фақат ҳақиқий ишқни тасвирлашга берилиб, уни мураккаб тимсоллар

орқали ифодалаганда, турли билим ва тушунчага эга бўлган ом учун унинг эътибори суст бўлиши мумкин эди.

Иккинчидан, ҳақиқий маҳбубга интилиш инсон фаолиятининг асосини қамраб олар экан, буни бевосита инсонларнинг ўз ҳаёти ва ишқий муносабатлари орқали кўрсатиб берилмаса бўлмасди.

Учинчидан, ишқ тасвирида полифоник усулни ҳам қўллаш мумкин эдики, бу бадиий асарнинг оммавийлик хусусиятини сақлашга ҳам имкон берарди. Натижада, асардаги зоҳирий маънодан ҳам, ботиний маънодан ҳам шунга мос ўқувчининг бемалол фойдаланиши мумкин эди.

Тўртинчидан, мажозий ишқ тасвири асносида улур шоир тасаввуфдаги шарият, тариқат ва ҳақиқат босқичларини ҳам бадиий тарзда ифодалани мумкин эдики, бу ғоят оммавий ва таъсирчан усул эди. Улур шоирнинг мажоздан асосий мақсади ҳақиқат эканлигини кўрсатишда бу ғоят қўл келди. Шунинг учун ҳам "Ҳамса"га кирган дostonлардаги воқеалар мазмуни, қаҳрамонлар фаолияти ва ўзаро муносабатлари замирига тасаввуф туйғуларини бадиий равишда сингдириб юборди.

Ниҳоят, бешинчидан, мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа айланиш жараёнини кўрсатиш орқали инсоннинг покланиш ва комилликка қўтарилиб, вожиб ул-вужуд билан иттиҳодга киришини, бошқача айтганда, солиқнинг ваҳдатга эришиш йўлини кўрсатиб бериш мумкин эди. Улур шоир ижодидаги ишқ тасвири шундай кенг қамровликка эга бўлди.

Навоий дostonларидаги дунёвий ишқ таниқли навоийшунослар А.Қаюмов/1.172;1.175/, Н.Маллаев/1,77/, С.Эркинов/1.166/, С.Ҳасанов/1.197/, Т.Жалолов/1.42/, Т.Аҳмедов/1.19/ ларнинг ишларида кенг таҳлил этилган. Улур шоир маснавийларининг ботиний мазмунига

сингдирилган мажоздан ҳақиқатга кўтарилган ишқ ҳақида эса Н. Комилов билан Б. Эралиев/1.73/ ва С. Фаниева билан Ҳ. Неъматов/1.185/ лар биргаликда ёзган иккита мақоладагина айрим кузатишлар қилинган, холос. Қуйида биз ҳам "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун" дostonларининг ботинида акс этган ҳақиқий ишққа доир баъзи мулоҳазаларимизни билдирамыз. Бизнинг фикрларимиз ваҳдат ул-вужуд доирасида талқин этилади. Аслида ҳам бу дostonлар ботинидаги ишқ тасвири ваҳдатни ифодалайди. Зеро, бош қаҳрамонлар Фарҳоднинг ҳам, Мажнуннинг ҳам ишқ бобидаги барча интилишлари бошидан-охир ваҳдатга йўналтирилган. Шу сабабли Фарҳод, Мажнун, шунингдек, Саъд, Фарруҳ сингари қаҳрамонлар ботинан оддий ошиқлар тимсоли бўлмай, Ҳаққа интилган ҳақиқий ошиқ-солиқлар бўлиб, уларнинг босиб ўтган йўли сиддиқлар интилиши билан ҳамоҳангдир. Зотан, ишқ уларни солиқ-ошиққа айлантирган эди. Чунки ишқ уларга туғилганидан оқ ҳамроҳ эди. Дарвоқе, Фарҳод туғилганда "юзинда ишқ асрори ёзилгон"/1.109,64/ бўлса, Мажнун дунёга келганда "кўнгли сори ишқ бўлди мойил"/1.110,60/. Шу сабабли Мажнун болалигидаёқ ўтти кўрса, уни ишқ ўти гумон қилиб, унга яширинча майл қилар, Фарҳод эса уч ёшга тўлиб, сўзлай бошлагач, унинг барча сўзлари ишқ ҳақида бўлиб қолди. Шу жиҳатдан Фарҳод ва Мажнуннинг ёшлиги Навоийнинг ўз болалик даври билан муштарак бўлганлиги диққатни тортади.

Юқорида эслатганимиздек, Навоий тўрт ёшга тўлмасдан оқ, Қосим Анворнинг ҳақиқий ишқ ифодаланган бир шеърини ёдлаган, мактабга борганда эса севиб ўқиган китоби "Мантиқ ут-тайр" бўлган эди. Унда мажоз усули орқали ҳақиқат тасвири берилган бўлиб, бу нарса ёш Алишер қалбидан Ҳақ ишқининг жой олишини юзага келтирган эди.

Мажнун ва Фарҳод ҳам ишқ сабоғини мактабда олдилар. Гарчи

Мажнун туғилганиданок ишқ унга ҳамроҳ бўлган бўлса-да, лекин унинг ҳақиқий ошиқлиги мактабда Лайлини кўргандан сўнг бошланди. Фарҳод эса мактабда ҳали ҳақиқий ошиққа айланмаган бўлса-да, лекин ҳақиқий ишқ ва ошиқлик ҳақидаги асарларни кўрганда ўзини тута олмас, дард билан уларга интиларди:

Кўруб чун ишқу ошиқлик мақолин,
Толиб ошуфта маҳзун кўнгли холин.
Анинг шарҳини такрор айлабон кўп,
Ўқувда нолаи зор айлабон кўп.
Бўлуб ошиқ гами шарҳида гамнок,
Яқо чокин ўқуб, айлаб яқо чок/1.109.70/.

Фарҳод ҳам. Мажнун ҳам солиқ фаолиятининг биринчи босқичи ҳисобланган шариат ва унинг арконини мактабда ўргандилар. Бутун вужудлари ҳақиқий ишқ билан йўғрилган бу икки хос истеъдод тезлик билан керакли илмларни эгаллаб олардилар. Чунки аслида уларда илмга иштиёқ кучли эди. Шу сабабли Мажнун "Кун бор эдиким беш-ўн сабақни, Англаб эвурур эди варақни", Фарҳоднинг эса "Учунчи ой равон бўлди саводи, Бурунги йилда Қуръон бўлди ёди". Навоий ҳам Қуръонни бошқа ўқувчилар қатори мактабда такрор-такрор ўқиганлигини эслаган эди/1.92,237/.

Ҳаққа интилган солиқ учун шариат арконини чуқур ўрганиш ва унга риоя этиш шарт эди. Бу солиқ учун илм ўрганиш, бошқача айтганда, омийликдан қутулиш босқичи бўлиб, у илмуляқин ҳам дейилди. Адабиётшунослар С. Ганиева ва Ҳ. Неъматовлар тўғри қайд этганларидек, солиқ бу босқичда "...шариат асосларини билган ва уларга амал қилган оддий мусулмон/мўъмин/дан тасаввуфнинг толиби даражасига кўтарилади ва талаб мақомига ўтади"/1.185,174/. Дарвоқе, солиқ шариат босқичини тўла эгаллагандан сўнг айнуляқин поясига

яъни тарикатга қадам қўйиб, талаб йўлига киради.

Шу ўринда бир нуқтани алоҳида қайд этиш лозимки, Навоий ижодидаги тарикат мақомлари гоёт кенг доирага эга. Зеро, улуг шоир бир томондан нақшбандийлик силсиласига мансуб бўлганлиги сабабли лирик асарларида асосан ундаги мақомлар бўйича фикр юритган бўлса, дostonларида эса Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"ида қаламга олинган тарикат водийларидан истифода этиб, ўз қахрамонларининг маъшуқи аслийга интилиш фаолиятларини чизиб беради. Аслида нақшбандийлик ва Аттордаги мақомлар сон жиҳатдан ўзаро фарқланса-да, лекин мантиқан бир-бирини инкор этмайди. Бироқ Аттор қўллаган мақомлар эшик қахрамон фаолиятини изчил беришда қулай эди. Бу нарса "Мантиқ ут-тайр"даги Симургни излаган қушлар фаолиятида яққол кўзга ташланади.

Атторнинг тасаввуфий асарларини чуқур ўрганган Навоий унинг адабий усулларидан ҳам кенг фойдаланди. Шу сабабли "Хамса" дostonларидаги ошиқ солиқлар ҳаёти, кураши ва интилиши тасвирига "Мантиқ ут-тайр"даги тарикат водийларини татбиқ этади. Бу водийларнинг биринчиси талаб деб номланади.

Талаб истилоҳи истак, хоҳиш, интилиш, орзу-умид маъноларини билдиради. Бу водий шунинг учун ҳам биринчиси, Ҳаққа интилиш ва унга етиш талабгорлиги ундан бошланади. Талаб водийси солиқ олдидаги ҳақиқий риёзатларнинг бошланиш майдонидир. Чиндан Ҳаққа интилганлар ва булҳаваслар шу водийдаёқ оғир синовдан ўтадилар. Унга бардош бера олганлар ишқ водийсига қадам қўядилар. Оддий ҳавасмандлар эса машаққатларга чидай олмай бу йўлни тарк этадилар. Бу водий синов майдони бўлганлиги учун унинг жуда кўп шартлари бордир. Бунинг учун, аввало, дунёга мухаббатни тарк этиш лозим. Иккинчидан, молу мулкнинг баҳридан ўтиш зарур. Учинчидан, куфр ва имондан қўл ювиш керак. Ниҳоят, тўртинчидан, фанийликнинг тўрт

такбири-маст бўлгунча май ичиш, диндан чиққанликни билдирувчи зу норни боғлаш, Қуръонни ўз қўли билан ўтда ёқиш ва бутга сирғинишга тайёр бўлмоқ даркор бўлади.

Талаб водийсига кирган Шайх Санъон худди шу талабларни мукам мал бажариб, ҳақиқий талабгор эканлигини кўрсатган эди. Демак, бу йўлда Аллоҳга бўлган талабдан бошқа ҳамма нарсани ташлаб, ўзни мақсад манзили томон бошлаш лозим.

Агар солиқда олам матосидан ва умуман, ўзлик-менликдан ҳеч нарса қолмаса, у ҳолда унда ўзгача гўзал сифатлар пайдо бўлади. Аввало, Аллоҳ зоти нуридан солиқ жонига ёруғлик етишади. Иккинчидан, солиқ жонига талаб роҳати етишиб, машаққат чекиш шиддатидан қутулади. Учинчидан, солиқ ўзида енгилмас бир куч-қудрат ҳис этади. Натижада, висол қуёши жамолини кўрсатиб, солиқ шони тонгга уланиб кетади. Навоий талаб водийсини ана шундай тасвирлайди.

Навоий талаб водийсига қадам қўйганларда, энг аввало, огоҳлик бўлиши лозимлигига алоҳида урғу беради. Чунки Аллоҳ ҳамisha инсонга ҳамроҳ эканлигини ҳис қилмай, дил уйғоқлигига эришмай унга етишиб бўлмайди. Бундан ташқари, улуг шоир талаб водийсида нақшбандийликда алоҳида эътибор қаратиладиган яна бир масалага диққатни тортади. Бу солиқнинг солиқлик даврида ҳалол луқма билан яшашини таъминлаш далили эди. Далил эса унинг муайян бир ҳунар эгаллаганлиги билан белгиланади.

Навоий ўз қаҳрамонлари фаолиятига шу нуқтаи назардан ҳам ёндошади. Шу жиҳатдан қараганда, Мажнун "илм аро ягона", олим ва шоир йигит, Фарҳод эса бу бобда ундан ҳам юксак. У чуқур билим эгаси бўлиш билан бирга, Қорандан тош йўнишни, Монийдан эса расм чизишни ўрганиб, замонасининг етук ҳунармандига ҳам айланган эди. Зоҳиран олиб қараганда, шахзода Фарҳоднинг ҳунар ўрганиши ҳақиқатга тўғри келмайдигандай туюлади. Аммо масалага тасаввуф нуқтаи

назаридан қараб, унинг ботиний ҳақиқатига назар ташланса, бу ғоят тўғри эканлигини сезиш мумкин. Зотан, Навоий айтганидек, Фарҳоднинг кўнгли ва кўзи пок бўлибгина қолмай, шунингдек, унинг тили, сўзи ва ўзи пок экан, унда пок лутма асоси бўлган ўз хунари ҳам бўлиши шарт эди. Чунки барча Ҳақ ошиқлари ҳам муайян хунар эгаси бўлганлиги тасаввуф тарихидан маълумдир/1.96, 67-68/.

Хунар эгаллаш ҳам талаб водийси талабларидан биридир. Бироқ бу водийдаги асосий талаб мол-мулк ва мансабдан воз кечиш бўлиб, шундай қила олсагина, солиқ жонига талаб роҳати етади ва Ҳақ нуридан ёруғлик олади. Фарҳод шундай қилади. Отаси ундаги ғамни ёзиш учун тўрт олий қаср қуриб базмлар уюштирганда, Фарҳод фақат ишқий кўшиқлардан завқланар, қалбида талаб шавқи кучаярди. Ниҳоят, Фарҳод отаси хазинасидаги Искандар кўзгусига нақшланган сўзларни ўқигач, талаб водийсидаги ўзига тегишли ишларни бажаришга киришади. Талаб водийсида Фарҳодга Ҳаким Суҳайло муршидлик қилади. Натижада, унга биринчи пир сифатида аждаҳо-нафсдан, Аҳраман дев-салтанатга таслим бўлишдан қутулиш йўлини очиб беради. Бу халослик тўғайли Фарҳод фақирга айланиб, фақр мақомига кўтарилади. Суҳайлонинг мақсади ҳам шу, яъни шаҳзода Фарҳодни фақр мақомига етказиш эди. У шу ишни бажаргач, муршидлик вазифаси ҳам тугайди. Шуниси ажойибки, Навоийнинг биринчи муршиди Сайид Ҳасан Ардашер ҳам унга асосан шу бобда раҳнамолик қилган эди/1.95, 77/.

Фарҳод Сукрот тоғи тилсимини очишга отланганда Хизрга дуч келади:

Мени Хизр англаким, туттум йўлунгни

Ки, то бу йўлда тутқоймен қўлунгни/1.109, 163/.

У иккинчи пир сифатида арслон-қудратни ва ўбчунлуқ, яъни темир тилсим-мўъжизакор дунёни мағлуб этиш йўлини ўргатади. Бунда у исми

аъзам, яъни Аллоҳнинг махсус номини тилдан қўймасликни қаттиқ таъкидлайди. Шу жиҳатдан у Навоийнинг ройибона пири Фаридиддин Атторга ўхшайди. Дарвоқе, Аттор ҳам Навоий тили ва дилида Аллоҳнинг мустаҳкам ўрин олишига йўл очган муршид эди. Аттор туфайли Навоий увайсийлик даражасига етган ва ҳамиша унинг руҳидан мадад оларди. Фарҳод ўбчунлукни енгиб, казинага киргач, Жамшид жоми ва дунёни кўрсатувчи ойнани топган эди. Навоий ҳам Жамшид жомидек Аттор ижодидан ишқ майини сипқорди ва асарлари, хусусан, "Мантик ут-тайр" ойнасида ҳақиқат мазмунидан воқиф бўлди. Натигада, арслон-қудрат ва ҳокимият ҳам уни қизиқтирмай қўйди. Шу сабабли у ҳатто 1476 йилда нақшбандийликни қабул қилар экан, ҳокимиятдан ҳам истеъфо берган эди.

Фарҳод талаб йўлида мустаҳкам турганлиги учун аждаҳо, Аҳраман, арслон ва ўбчунлукни енгиб, муршиди комил Суқрот билан учрашади. Уни Навоийнинг "қиблау муршиду пири" Абдурахмон Жомий билан тенглаштириш мумкин. Фарҳод учун Суқрот, Навоий учун Жомий учинчи, лекин сўнгги етук пир эдилар. Фарҳод Суқротдан ишқ дарсини тинглайди. Навоий Жомийдан тасаввуф бўйича сабоқ олган эди. Суқрот Фарҳодга, аввало, дунёнинг ўткинчилигини тушунтириб, инсон бу дунёга берилмай ўз яратувчисига интилиши лозимлигини таъкидлайди. Шундай қилса у бақога интилган бўлади. Зеро, боқийлик Аллоҳдадир, шу сабабли инсон уни севиши, уни ўзининг ҳақиқий маҳбуби деб билиши керак. Шундан сўнг Суқрот мажозий ишқ ва ҳақиқий ишқ моҳиятини тушунтириб, ўбчунлук кўксига ўқ отиш билан Фарҳод Искандар тилсимини бузганлигини маълум қилгач, шундай дейди:

Ёниб мундинки Чин шаҳрига еткунг,
Ҳамул кўзгуни кўрмак майли эткунг.
Неким кенида ёзмиш пайкар оро,
Санга юзинда бўлгай ошкоро.

Ани кўргач етиб ишқ ибтилоси,

Бўлуб ошиқлигининг ибтидоси/1.109,182-183/.

Бу ишқ водийсига йўлланма эди. Навоий ишқни сўнмас машъалага ва оламни ёритувчи шуълага қиёслайди. Улуғ шоирнинг таъкидлашича, ишққа ҳар ким ҳам муносиб бўлавермайди. Чунки унинг талаблари бор. Биринчидан, ҳақиқий ошиқнинг тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам пок бўлиши керак. Иккинчидан, ишқ ошиқни бир умрлик дардга дучор қилади. У эса бундай дардга бардош бера олиши лозим. Учинчидан, ишқ ўзликдангина эмас, вужуддан ҳам воз кечишни тақозо этадики, ошиқ бунга ҳам тайёр бўлмоғи керак. Чунки ишқ фидойилик талаб қилади. Бу эса ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Ҳақиқий ошиқларгина фидойи бўладилар. Улар бу йўлда хону мондан ҳам, жондан ҳам воз кеча оладилар. Чунки уларнинг бу йўлдаги мақсадлари фақат битта, яъни висол бўлади. Шу сабабли улар ҳар нарсага тайёр бўладилар. Шу билан бирга, ҳақиқий ошиқлар ишқ улар вужудини олтинга айлантиришини ҳам биладилар. Воқеан, Навоий талқинича, ишқ кимиёдир. У тупроқдан бўлган инсонни кимиёга айлантирди. Танини олтин қилди. Сўнгра ишқ ўтида уни куйдириб, поклади ва беғубор қилди.

Ишқда кўзгулик хусусияти ҳам бор, дейди Навоий. Кимнинг кўзи бу кўзгуга тушса, ўз излаганини топади. Дарвоқе, Фарҳод Юнонистондан қайтиб, кўзгуга боқади-ю, шу пайтгача сирли бўлиб келган ундаги дард-ишқ ошқор бўлади. Мажнун эса ишқ водийсига Фарҳодчалик йўл босиб ўтмайди. Унга ишқдан ҳеч ким сабоқ ҳам бермайди. Ишққа йўғрилган қалби Лайлидаги илоҳий жамолни илк кўришдаёқ шавққа тўлиб, важд ҳолига тушади. Демак, ҳар бир солиқнинг Ҳаққа интилиш йўли ҳар хил. Мажнун ҳолдан мақомга ўтади. Фарҳод эса мақомдан ҳолга боради. Фарҳод ҳам ишқ водийсига қадам қўйиши билан унда ҳол юз беради. Бироқ бу ҳол Мажнунникидек эмас. Мажнун Лайлининг ўзини кўриб ҳолга тушади. Фарҳод эса Шириннинг ўзини эмас, балки

унинг кўзгудаги суратини кўргач, хол юз беради.

Иккала ошиқнинг ҳам ишқ водийсига қадам қўйиб, илохий хусндан хушсиз йиқилишлари ўз ихтиёрларидан ташқарида юз беради. Дарвоқе, ўзига келгач Фарҳод "манга биллоҳ йўқ эрди ихтиёри" дея уэр сўраса, Мажнун эса ҳатто ўз хижолатини ҳам айта олмасди. "Яъни ки уётдин ўзда қолмай, Андоқки юқори боқа олмай". Улуғ шоир бунга уларнинг ўзи эмас, балки ишқ сабабчи бўлганини махсус таъкидлайди. Ишқ водийсига қадам қўйган ошиқ уч нарсага бардош бера оладиган бўлиши керак.

Аввало, у ишқ йўлидаги ҳар қандай тўсиқ ва шармандагарчиликлардан ҳам кўрқмайдиган, дадил ва жасоратли бўлиши лозим. Иккинчидан, ишқ водийси сарсонгарчиликларини бўйнига олган, бундан оғринмайдиган ва ҳатто қувонувчи қаландар бўлиши зарур. Учинчидан, ўт ичида яшовчи самандардек, у ҳам ишқ ўти ичида яшаб, бундан хузурланадиган бўлмоғи керак. Шундагина ваҳдатга етиш умиди пайдо бўлади. Дарвоқе, Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам худди шундай йўл тутганлар.

Мажнун ҳушига келгач, Лайли қабиласи томон жўнайди, унинг ити билан суҳбатлашиб, ҳузур қилади. Лайлини яна кўриб ҳушидан ажралади ва мажнунлик билан шухрат топади. Натижада, кишанга солинада, ишқ ўти билан кишанларни эритиб, саҳрога чиқиб кетади. Ишқ уни шунчалик боғлаб олган эдики, Мажнун нима қилаётганини ҳам билмасди. Фарҳод эса ишқини яширишга интилиб, бунинг уддасидан чиқа олмайди. Ишқ дарди кучайгач, уни денгиз саёҳатига олиб чиқадилар. Аммо денгиз тўфонида отасидан ажралиб, ҳалокат гирдоби га яқинлашганда, Яманга кетаётган савдогарлар уни қутқаради. Улағ орасидаги жаҳонгашта Шопур билан танишгач, ундан Ширин юртини эшитади. Шундан сўнг жасорат билан у юртга отланади, ошиқ қалан-

дарликни бўйнига олиб, ишқ ўти ичига шўнғийли. Шопур унга ҳамроҳлик қилади. У "хунар бобида устоиди замона" эди. Шопур Фарҳоднинг ишқ оташидан хайратда қолиб, унга фидойи дўстга айланади.

Фарҳод Арманистонда ариқ қазиётганларга кўмаклашаётиб/унинг бу иши бир-бирига ёрдам берувчи ва хусусан, ҳамيشа мухтожларга кўмаклашувчи хунарманд ахийлар ҳамда нақшбандийларга ўхшайди/, Ширинни кўради. Унинг жамолига кўзи тушиши билан ахтарганини топганини англаб, ҳақиқий ҳол ҳолатига тушади:

Кўрунғач ул жамоли оламоро,
Анинг матлуби бўлди ошкоро.
Ҳамул эрдик мафтун бўлмиш эрди,
Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди.
Бировким акс кўргач ҳуши кетса,
Ўзин кўргач нетонг, жон таркин этса/1.109,243/.

Навоий ишқ водийсининг энг оғир, лекин асосий шартини алоҳида таъкидлайди:

Тарки жон ошиққа варзиш онглағил,
Ёр учун ўлмак камин иш онглағил/1.92,176/.

Демак, ишқ водийсидаги ошиқ ёр йўлида жонидин воз кеча оладиган, бунга эришса, уни ўзи учун оддий бир иш деб тушунадиган даражада бўлиши лозим. Шундагина у ҳақиқий ошиқ, ишқи эса ҳақиқий ишқ саналади. Навоий Мажнун ва Фарҳод каби ошиқлар тимсолида худди шундай хусусиятни чизиб беради. Шу жиҳатдан Навоийнинг машҳур олим Асмаъий/в.828 й./ маслаҳатларига амал қилган ошиқ фидойилиги ҳақидаги ҳикояти диққатга молик.

Ишқ йўлида камолотга етган ошиқ висол иштиёқида Асмаъийнинг вужуд фаносига чорловчи маслаҳатларини қабул қилади ва ўзини

ҳалок қилади. Навоий ишқ ичра шундай фанийликни улуғлайди. Бироқ бу ерда ўзини ўлдиршни маъқуллаш эмас, балки висол учун ҳеч нарсани аямаслик таърифланади. Навоий ишқ водийсидаги оғир азобли талаблар ҳақида фикр юритар экан, фидойиликнинг шу томонини ҳам махсус таъкидлайди. Чунки Навоий айтганидек:

Ишқ саргардони эрмастур ўюн,
Ким эрур жисмига ўт тушқон қуюн.
Ишқ аро лозимдурур ўртанмак-ўқ,
Ўт аро куймакдин ўзга чора йўқ/1.92, 175/.

Навоий ишқнинг куйдирувчи ўти, ундаги кимиёлик ва кўзгулик хусусиятларини мажозийлик ва ҳақиқийлик билан боғлаб, унинг зоҳирий ҳамда ботиний моҳиятини кўрсатиб беради/1.110, 293-296/.

Мажозий ишқ камолга етгач ҳақиқий ишққа айланади. Ҳақиқий ишққа муяссар бўлган ошиқ маъшук билан бир бутунликка эришади. Навоий Мажнуннинг ишқдаги камолотини тасвирлар экан, унинг ботинан Лайли билан бирлашганига диққатни тортиб, ҳатто унинг номини сўраганларида ҳам Лайли, дея жавоб бериб, ўзлигидан тамомла ажралиб, ёри билан бирлашиб кетганига ишора қилади/1.92, 230-231/.

Ишқ водийсида камолот касб этилгач, маърифат водийси бошланади. Бу водийга кўтарилган солиқ Аллоҳни таниш даражасига етганлиги учун ориф дейилади. Навоий талқинича, маърифат инсоннинг ўзидадир. Ҳақ уни маърифат кони қилиб, унинг кўнглини маърифатга тўлдирган. Маърифатни ҳаммага тақсимлаб бериб, унга ориф дея ном берган. Аммо маърифатга етганларнинг ҳолати турлича. Улар ўз камолига яраша маърифат водийсида сайр этишади. Чунки маърифат водийси шунчалик бир чексизки, унинг поёнига етиб бўлмайди. Шунини кўзда тутиб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд "...дебтурларки

тавҳид сиррига етса бўлур. Аммо маърифат сиррига етмак душвордур"/1.96,133/. Чунки ким агар бу водийга кирса, биринчидан, у ердаги аҳволнинг ихтилоғли эканлигини кўради. Зеро, у ерда жуда кўп йўллар кесишган бўлиб, бири иккинчисига сира ўхшамайди. Шу сабабли бутун ва бўлак ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам, тараққиёт ва зиддият ҳам шу ерга тўпланган. Бу эса солиқ учун гоят мушкулликларни яратади. Иккинчидан, унда жуда кўп йўловчилар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз йўлига эга эканлиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири ўз йўли билан фахрланиб, бошқалариникини писанд қилмайди. Учинчидан, бу водийда барча яхши-ёмон сайр этади. Шу сабабли унда кофир ҳам, мусулмон ҳам бўлади. Лекин бу йўловчилар ўзаро бирдек эмас, уларнинг бири зулматда бўлса, бошқаси нурга фарқ бўлгандир. Нурга фарқ бўлганлар соф табиат эгалари бўлиб, пайгамбар шариати қонун-қоидаларига тобе солиқлар ҳисобланади.

Навоий бу ўринда нақшбандийлик силсиласи вакиллари фаолиятига ишора қиладики, унинг ўзи ҳам шу тоифага мансуб эди. Аммо шуниси ҳам борки, гарчи бу водийда ҳар бир киши -у шохми, ёки гадоми, ким бўлишидан қатъий назар сулукни ўзга йўл билан бажарса-да, ҳаммасининг мақсади битталиги билан бир-бирига боғланади. Улур шоир бу фикри билан муҳим масалани ойдинлаштириб беради. Демак, маърифат водийсидаги турли йўллар орқали ўз мақсадларига етишга интилганларнинг ҳаммаси ҳам Ҳаққа интилганлардир. Гарчи улар турли йўлни босиб ўтган, турли дин ва эътиқодда бўлсалар-да, Ҳаққа интилишдаги бир хиллик уларни бирлаштиради.

Навоий маърифат водийсида орифликка етган солиқ ихтиёрий тарзда ҳамма нарсадан воз кеча оладиган поронага кўтарилишини алоҳида таъкидлайди. Зеро, у Аллоҳни танигач, ундан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нима уни қизиқтирмайди. Дарвоқе, Фарҳод маърифат водийсига

қадам қўйиб, орифликка етгач, шу қолга тушади. Энди у мақсадга етиш учун янада қатъий бел боғлайди. Натижада, махбуб илтифотига етиш учун "Айн ул-ҳаёт" ариғи ва "Баҳр ун-нажот" ховузини қазиб битказади. Унинг фидойилигидан завқланиб базм уюштирган Ширин эса ҳақиқатан ҳам унга ваҳдат майини тутади. Бу маъшукнинг ошиққа илтифоти эди. Демак, маърифат водийсида ориф-ошиқ қалби илоҳий жамол ҳузурини туяди. Мажнун бу даражага Каъба тавофида восил бўлади. Ҳақ илтижолари ва Аллоҳ инояти туғайли Ҳақни таниш маърифатига етиб, унинг марҳаматига сазовор бўлади. Тушида ҳарир либосларга бурканган Лайли оёқларини ўпади ва қўлини бўйнига солиб, илтифотига муяссар этади. Ҳар иккала ошиқ ҳам маърифатда шу даражага етадиларки, тушда ҳам, ўнгда ҳам Ҳақни кўрадилар ва Ҳаққа интиладилар. Бунинг сабаби қуйидагича эди:

Бўлубтур уйла Ҳақ зотида фоний

Ки, йўқтур анда ўзлукнинг нишони.

Бу ашъё ичраким бўлғай мазохир.

Кўрар мазҳарни ҳар ён бўлса нозир/1.109,309-310/.

Демак, маърифатга етган ошиқда ўзликдан ҳеч нарса қолмайди. Унинг зотида Ҳақ тажассум топиб, қайси томонга боқса махбубни кўрадиган бўлади. Бу ваҳдат уш-шухуд поясига етиш бўлиб, бунинг натижасида ундан бошқа ҳеч нарсага эҳтиёж қолмайди. Ҳамма нарсага маъюс, бепарво бўлади. Унинг орзуси фақат Ҳаққа етиш бўлиб, бошқа ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайди ва шу палладан бошлаб истиғно водийсига қадам қўяди. Зотан, истиғно истилоҳи ҳам эҳтиёжсизлик, ихтиёрий қаноат ва муҳтожсизлик маъноларини билдиради. Дарҳақиқат, бу водийда солиқ Ҳақ васлига етишдан, унинг иноятига эришишдан бошқа ҳеч нарсани истамай қолади. Унинг бутун вужудини, қалбини Аллоҳга етишиш қамраб олади.

Навобий истиғно водийси хусусиятларини бирма-бир чизиб беради. Бу водийнинг биринчи ва энг муҳим фазилати шундаки, у ерда ҳамма тенг саналади. Иккинчидан, бу водийда энг олий даражадаги нарсалар ҳам ўз қадр-қимматини йўқотади, арзимас ҳолга тушади. Учинчидан, у ерда қудратлилар ожизга, ожизлар қудратлига айланади.

Навобий истиғно водийси хусусиятларини кўрсатиб берар экан, ундаги икки жиҳатни алоҳида таъкидлайди. Унинг бири юқорида айтилганидек, бу ерда одамлар ўртасидаги фарқларнинг йўқолиб, ҳамманинг бир хил тенг ҳолга келиши бўлса, иккинчиси, бу водийда поклик ва эҳтиёжсизликка эришган кишиларнинг шараф тожини кийишга мушарраф бўлганлигидир. Улуғ шоир ҳаётда эҳтиёжсизликка юз бурган кишилар ҳатто кўкдаги минглаб малоикалар тўдасидан ҳам юксакка кўтарилишини таъкидлайди. Бу даражага етганлар энг оғир пайтда ҳам ҳеч кимнинг кўмагига муҳтожлик сезмайди. Буни Фарҳод ва Хусрав баҳсида кўриш мумкин. Ишқ унинг жони ва тани бирлашмасидан пайдо бўлганини тан олган Фарҳод, ишқ йўлида ҳамма нарсадан воз кечиb, бу йўлда ваҳдатдан бошқа ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқлигини дадил айтади:

Деди: ол ганжу қўй меҳрин ниҳоний,

Деди: туфроққа бермон кимиёни!...

Деди: кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!

Деди: бечора, кеч бу мултамасдин! /1.109, 324-325/.

Мажнун эса бу бобда Фарҳоддан ҳам юксакка кўтарилади. У илоҳий жамол акс этган Лайлига шу қадар ошиқки, унга ҳатто Навфал ўз қизини никоҳлаб берганда ҳам ўзини висолга етган ҳисобламайди. Ўз қалбидаги ёр учун интилади ва Навфал қизидан воз кечади. Истиғно водийсида ўзининг юксак камолотини кўрсатиб, ҳақиқий ошиқлигини намоёиш этади.

Ҳақиқий ошиқлик Фарҳодда ҳам тўла мавжуд эди. Бу унинг ишқ ич-ра қатъли мақсудга етиш дея тушунишида яққол кўринади. Истиқноги мукаммаллик ва ҳақиқий маҳбубга сизд тавҳидга кўтарилиш эди Воқеан, шундан сўнг иккала ошиқ ҳам тавҳид водийсига қадам қўядилар. Бу ягоналик, бирлик водийси эди.

Мажнунни Навфал қизига уйлантирганларидан сўнг, у ўша оқшомдаёқ қизни ўзи севган йигитига топшириб, Лайли қабиласи томон жўнайди. Шу кеч Ибн Салом ҳам Лайлига уйланган, бироқ кўп ичганлиги сабабли эски касали қўзғаб, беҳуш бўлиб қолгач, фурсатдан фойдаланган Лайли Мажнун қабиласи томон йўлга чиқади. Мажнун ишқ дардини куйга солиб борарди. Лайли унинг овозидан, Мажнун эса Лайлининг хилидан бир-бирларини таниб топшадилар. Бундай висолни ҳеч ким кўрмаган эди. Гуёки руҳ бадан ҳарамига киргандек, маъшук ошиқнинг парчаланган, нотавон ва ожиз баданига руҳ бўлиб кирди. Бу худди муқаддас руҳнинг бадан тупроғига сингиб, иккиликни бирликка айлантиргандай ваҳдат ҳолатини юзага келтиради. Улар шу қадар бир-бирларига сингиган эдиларки, Мажнун ўзини Лайли ҳисобласа, Лайли ҳам ўзини Мажнун ҳисобларди. Шу туфайли уларнинг ора-ларида иккиликка йўл қолмай, тавҳидга эришадилар. Аммо бу васлда нафс йўқ эди. Улар фақат ваҳдат майини сипқорган, шунинг учун ҳам абадий васлга эришган эдилар.

Фарҳод ҳам ариқ ва ҳовуз бунёд этилиши муносабати билан Ширин уюштирган зиёфатда ваҳдат майини симириб, ўзини унутди. Ширин икки марта қадах тутиб, аввал Фарҳоднинг ўзига, сўнг ўзининг Фарҳодга бўлган пок ишқи учун ваҳдат майини ичишга таклиф этади. Бу тавҳидга йўл эди.

Ўрни келганда қайд этиш лозимки, тавҳид водийсида ваҳдат ул-вужудни англаш ва унга етиш уч муҳим босқичга эга. Унинг бирин-

чисида Аллоҳнинг аҳадлиги мукаммал англанади ва инсоний ирода тўлалигича илоҳий қудратга сингдирилади. Иккинчи босқич Ҳақ ва халқ, яъни ўзининг ваҳдатини англаш бўлиб, бунда солиқ тўла фанога етади ва Ҳақ вужудига сингийди. Учинчи босқичда эса халқ, яъни касрат ва Ҳақ бирлиги англанади. Бу вужуд ягоналиги даражаси, яъни ваҳдат ул-вужуддир. Бу босқич ягона илоҳий вужуддан бошқа мавжудлик йўқлигини ҳам англаш бўлиб, у Аллоҳ ва оламнинг вужудий яхлитлигини ҳам билдиради.

Навоний тавҳид босқичларини шу тарзда мантиқан асослаб, ўз қахрамонлари фаолиятида унинг тадрижий ривожини ҳам кўрсатиб беради. Чунончи, Фарҳод маҳбуби илтифотини кўргандан кейин ваҳдатни ҳис эта бошлайди. Хусрав томонидан Армания қамал қилиниб, Фарҳод эса Салосил кўрғонида банди этилгач, у зоҳиран ўзини ҳижронда ҳис қилса-да, ботинан маъшуқи билан биргалигини туярди. Ишқ уни девонага айлантирган, буни Фарҳоднинг ўзи ҳам тан олар, аммо бундан ўксимасди. Зеро, Шириннинг илтифотли мактуби унга ваҳдат ҳадея этган, Фарҳод шу тўфайли ўзини унутиб, ҳижронни сезмас, балки ўзини руҳан Ширин билан ваҳдатда ҳис этарди. Чунки тавҳид водийсига қадам қўйган Фарҳод ҳам, Маънун ҳам комил тарзда тажрид ва тафрид аҳлига айланган эдилар.

Тажрид-нафсни тўла мағлуб этиш ва дунёга муҳаббатдан қутулиб, фақат Аллоҳга боғланиш. Тафрид эса дунёга берилганлардан узоқлашиб, вужуд инкорига етган ҳолда Аллоҳга қўшилиш. Навоний ҳам тавҳид водийсига қадам қўйганлар тажрид ва тафридни тўла эгаллаб, ўзликларига бутунлай барҳам беришлари шарт эканлигини қайд этган эди. Улур шоир ваҳдатга етишда, хусусан, тажридга эришиш роят муҳимлигини таъкидлайди:

Дурри ваҳдат топмағай ҳаргиз фано гирдобидин,

Соликеким ўзни фарқи баҳри тажрид этмағай/1.105,455/.

Шунинг учун:

Чу солик айлар эса азм водийи тавҳид,
Керакки, минса бу сайр ичра маркаби тажрид.
Бу маркабу бу сафар кимсага муяссар эмас
Ки, ҳосил айламагай олам аҳлидин тафрид.
Бу ҳам киши ўзини бору йўқдин эткай фард,
Эмастур ўзлукидин мумкин ўлмайн таъйид/1.107,85/.

Демак, фардликдан ташқари, дунёга берилганлардан четлашиш ва бору йўқидан воз кечиб, ўзлигига бутунлай барҳам бериш ҳам тавҳид водийси талаби эканлигини унутмаслик лозим. Чунки бу водийнинг асосий хусусияти ягоналикдир. Шу сабабли ундаги сайр камолга етгач, солик кўзига ҳамма нарса битта бўлиб, ягона ҳолда кўринади. Чунки бу ерда ҳамманинг мақсади яккалик бўлиб, интилиши ҳам ёлғизликка йўналтирилгандир. Бунинг сабаби шундаки, бу йўлда иккилик ортиқчалик қилади ва у ваҳдат сирларини билишдан четга чиқишни англатади. Демак, бу йўлда бирлик, яккалик бош матлаб экан, унга қандай эришиш мумкин? Навоий худди шу масала таҳлилига тўхталиб, бунинг жавобини ўзлик-менликдан кечишда кўради. Улуғ шоир Аллоҳга муножотида буни алоҳида таъкидлайди:

Ҳар кишиким қисми тавҳид айладинг,
Бойси тажриду тафрид айладинг.
Кимки ўзлукдин чиқординг они чуст,
Айладинг оллингда тавҳиддин дуруст/1.92,235/.

Дарвоқе, ўзлигидан ҳеч нарса қолмаганидан сўнг Боязид Бистомий ўзини Ҳақ дея эълон қилган, Мансур Ҳаллож эса "Ан ал-Ҳақ" дейиш даражасига етган эди. Чунки улар тавҳидда юқори даражага кўтарилган эдилар. Навоий "Ан ал-Ҳақ"ни Аллоҳга ширк келтириш эмас, балки ўзлигидан қутулиб, ваҳдат ул-вужудга эришиш, дея тал-

кин этади. Чунки Мансур Ҳаллоҷ бу иборани қўллаш билан ўз менлиги тугаганлигини эътироф этиб, руҳан Ҳақ билан ваҳдатга киришганини маълум қилган эди. Зеро, унда ўзлик қиёфаси тугаб, менлик ва сөнлик бирлашиб кетган эди. Аммо дин аҳли буни тушунмади ёки тушунишни истамадилар. Чунки улар тавҳид водийсида ҳамма нарсага иккилик назари билан боқар эдилар. Улар учун ҳамма нарса иккиликдан иборат бўлиб, иккилик шаклида қоладиган даражада эди. Шу сабабли уларда Аллоҳ ва олам, у дунё ва бу дунё, жаннат ва дўзах каби ҳамма нарса иккига ажратилган бўлиб, халқнинг Ҳаққа қўшилиши, ёки ваҳдат ул-вужуд инкор этиларди. Бу фикрга қарши бўлганлар очик тазйиққа учрар, аниқроғи, бундайларни дор кутар эди. Шу сабабли Навоий ҳам бу масалада эҳтиёткорона йўл тутди. Гарчи у ботинан Мансур Ҳаллоҷни ёқласа-да, зоҳиран ўзини унинг "Ан ал-Ҳақ"ини маъқулламагандай кўрсатади. Шу жиҳатдан "Лисон ут-тайр"да берилган ҳикоят гоёт нозик-пардаларга ўралганлиги билан диққатни тортади. Ундаги тасвирга кўра, Мансур Ҳаллоҷнинг "Ан ал-Ҳақ"идан ранжиган дин аҳли уни йўлдан қайтармоқчи бўладилар. Аммо у тавҳидда меърожга кўтарилган ва ичган қадаҳи ниҳоятда маст қилувчи бўлганлиги сабабли фикридан қайтмади. Бир куни унинг хаёли ҳар томон учиб, пайғамбарга бориб етди. Мансурнинг ёдига расулуллоҳнинг меърожга кўтарилиб, Ҳақ қошига боргани, Аллоҳ ундан тилагини сўраганда, у осий умматнинг гуноҳидан ўтишини илтимос қилиб, бошқа нарса тиламаганига ажабланди. Бу фикр унга тинчлик бермас ва ҳайрати ошарди. Бир кун унинг тушида пайғамбар аён бўлиб, Аллоҳдан ўзи учун ҳеч нарса тиламаганининг сабабини ўша оқшом унинг даргоҳига етганда ўзида менлик қолмагани билан изоҳлайди. Пайғамбар янада аниқ қилиб, у ерда менликни хаёл қилиб, иккилик нақшидан ақл юргизганини билдиради. Сўнг Мансурга таъна қилгандек бўлиб, унинг сөнлик ва

менлик томон йўл очганини, аслида эса у, яъни Аллоҳ бу хил иккилик васфидан пок эканлигини маълум қилади.

Пайгамбар Мансурдаги ҳолатни гилайлик, яъни битта нарсани иккита қилиб кўришдан ўзга нарса эмаслигини таъкидлайди. Навоий бу ўринда ғоят моҳирона равишда ваҳдат ул-вужудни олға суриб, пайгамбар тилидан Аллоҳ ва оламнинг тавҳидини махсус қайд этади. Мансурнинг "Ан ал-Ҳақ" дейиш даражасига етиш босқичларини ҳам пардали ишоралар орқали кўрсатиб, солиқнинг Ҳақ даргоҳига етиши унинг менлигига барҳам бериб, Ҳақ билан руҳан бирлашишига сабаб бўлишини ҳам пайгамбар сўзлари мазмунига сингдириб юборади:

К-эй фузул айвонида ўлтурғучи.

Лофи ваҳдатдин "Ан ал-Ҳақ" урғучи.

Билмадингким ул сифат олий буруж

Ким, мен айлаб эрдим ул оқшом уруж.

Онда менликнинг хаёли йўқ эди,

Балки бу лафз эҳтимоли йўқ эди.

Элтган ул эрди, бошлагон ҳам ул,

Истагон ҳам ул, бағишлагон ҳам ул/1.92, 188-189/.

Демак, ўз даргоҳига элтган, у ерга бошлаган, шуни истаган ва бағишлаган Аллоҳнинг ўзи экан, Мансурда не гуноҳ? Аллоҳ даргоҳида пайгамбарда менлик қолмагач, Мансурда қолармиди? Шундай экан, унинг "Ан ал-Ҳақ" дейиши нега ажабланарли бўлсин? Навоий шу йўсинда ваҳдат ул-вужуднинг энг муҳим нуқтасини дин арбоблари эътироз қила олмайдиган тарзда талқин этади. Худди шунингдек, менлик барҳам топгач, шоҳ дарвешга, дарвеш эса шоҳга айланишини кўрсатиб, Султон Маҳмуд ва унинг суюкли ходими Аёз ишқини мисолга келтиради/1.100, 255-256/.

Шундай қилиб, улуг шоир тавҳид водийсининг асосида ўзликдан бутунлай қутулиш туришини кўрсатиб, бунга эришганлар ваҳдат жомини симиришини исботлаб беради. Шундан сўнг, тавҳидда олий мақомга эришганлар учун ҳайрат йўли очилади. Бу водийга қадам қўйиши билан солиқда ҳайронлик бошланади. Дарвоқе, висол тавҳиди Фарҳод ва Мажнунни ҳайрат водийсига кўтарган, бундан ўзлари ҳам ҳайрон эди. Мажнун ўзининг Лайли эканлигидан ҳайратланса, одамлар эса уларнинг битта бўлиб кетганликларидан ҳайратланишарди.

Фарҳод Салосил қўрғонида Ширин билан ўзининг бирлашиб кетганлигини ҳис этаётганлигидан ҳайратланса, Ширин атрофидагилар эса унинг Фарҳод билан қамалда ҳам, ҳижронда ҳам, жисмонан ҳам, руҳан ҳам биргалигидан ҳайратланишарди.

Тавҳид ҳайрати фано водийсининг яқинлашганидан дарак берарди. Ҳақиқий ишқ ўти ошиқларни жисман куйдириб юборган эди. Аммо бу ўтдан маъшук ҳам бенасиб эмас эди. Воқеан, ошиқ маъшукқа интилагидек, маъшук ҳам ошиққа талпинарди. Ўзини буткул маъшукқа фидо этган Фарҳод "тутуб жонон отин, жон этти таслим"/1.109,419/. Лайли эса "жонин Мажнун сўзида берди"/1.110,283/. Фарҳоднинг жисман фаноси Ширинни унга бирлаштирди ва у ҳам "Кўнгулдин шуълалик оҳе чиқорди, Кўзи ҳамхобадек уйқуға борди"/1.109,445/. Мажнун ҳам фано топиб, ўз севгилисига етишди ва "Жонониға ул фидо қилиб жон, Бу жон берибон нечукки жонон"/1.110,290/. Энди асл мақсаддаги ваҳдат етиб келган эди. Бу Ҳаққа қўшилиш фаноси бўлиб, унинг манзили бақо эди. Бунга дардқаш ошиқлар мажозий ишқнинг ўти бутун вужудларини куйдириб кул қилгач эришдилар. Дарҳақиқат, жафолар тубидан ҳақиқий ишқ насими эсиб, висолга йўл очди. Фарҳод учун шундай кун етиб келди:

Кетиб ул ғурқати беҳадду ғоят,
Бўлуб рўзи висоли бениҳоят/1.109,447/.

Бундай васл азобларда эзилган Мажнунга ҳам насиб этган эди. Навоий ошиқ ва маъшуқларнинг руҳан бирлашганлигини дунёвий йўлда ҳаммаларининг ҳам бир-бирлари учун жисман ғанога етганларида кўрсатади. Бу одамларни ҳам ҳайратлантиради, шу сабабли ошиқ-маъшуқлар ҳам жисман биргаликда тупроққа қўйилади. Навоий бу билан ваҳдат ул-вужуд Ҳақ ва халқнинг руҳан бирлигидангина эмас, шунингдек, жисман ваҳдатида ҳам акс этишига ишора қилади.

Улуг шоир тўртала ошиқ-маъшуқларнинг ишқи, ҳижрони ва висоли асосида бадий тарзда ўзининг ваҳдат ул-вужуд ғоясини талқин этади. Навоий талқинича, иккилик сифатида намоён бўлувчи Ҳақ ва халқ аслида яхлит birlikдан бошқа нарса эмас. Чунки халқ вақтинча ва у яна Ҳаққа қайтади. Улар иккита бўлиб кўринса-да, шу ҳолатда ҳам бир-биридан ажралмаган жузвдир. Зеро, улар асло бир-биридан ажрала олмайди, аксинча бир-бирига интилиб яшайди. Васл ваҳдатининг шиддати уларга иккилик мажolini бермайди. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳам худди шундай. Улар ҳам аслида икки жузвдан иборат бир дона бўлиб, бир-бирларига интилиб яшадилар ва ниҳоят, ваҳдатга киришдилар:

Бир дона эди вале ики жузв,
Бир-бирига уйла муттасил узв
Ким, шиддати ваҳдати висоли,
Бермай анга иккилик мажoli.
Донадек ўлуб икки бадан бир,
Дона қобуғи киби қафан бир.
Алқисса, ул икки ёри жони,
Топқоч бу висоли жовидони.

Наъш узра ёпиб ҳариру дебо,

Ранги хушу, нақши доғи зебо/1.110,292/.

Навоийнинг мажозий ва ҳақиқий ишқ таҳлили асосида талқин этган ваҳдат ул-вужудга доир хулосавий фикри шундан иборат эди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

ФАҚР - НАВОИЙ ИЖОДИДА ВАҲДАТ ЙҮЛИ

Фақр нақшбандийликда ваҳдат йўли ҳисобланади. Алишер Навоий ҳам нақшбандий мутасаввиф шоир сифатида солиқнинг фанога етиб, Ҳақ билан руҳан ваҳдатга киришувида фақр муҳим асос эканлигини таъкидлаган эди. Навоий ижодидаги фақр масаласи ҳақида истеъдодли адабиётшунослар И. Ҳаққулов/1.202,71-85/, С. Олим/1.125,154-164/ларнинг мақолаларида ҳам фикрлар билдирилган. Аммо улур шоир ижодида фақр масаласи гоят кенг талқин этилган. Шунинг учун ҳам Навоий фақр ҳақида ҳатто шундай деган эди:

Фақр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур юз минг китоб,

Не учунким хуш келур айтурда итноби анинг/1.105,257/.

Дарҳақиқат, Навоий ижодидаги фақр талқинлари кўздан кечирилса, бу фикрнинг тўғри эканлигини сезиш мумкин. Бироқ муҳими шундаки, улур шоир ижодидаги фақр масаласи ҳамisha ваҳдат ул-вужуд доирасида талқин этилган. Бу ҳол нақшбандийлик силсиласи билан боғлиқ эди. Нақшбандийликда эса ваҳдат ул-вужуд асосий тасаввуфий ғоя бўлиб, фақр силсиланинг бош тариқи ҳисобланарди. Бунинг эса сабаби бор эди. Воқеан, тасаввуф силсилалари тарихига назар ташланса, тасаввуфшунос олим М. Ҳазраткулов тўғри қайд этганидек: "...ҳар бир тариқат ўзининг махсус йўналиши ва ақидасига эга эди. Тасаввуфий фикрларнинг шаклланиши натижасида юзага келган турли-туман мақомот ва аҳвол орасидан у битта энг муҳимини ўз таълимотига асос қилиб оларди. Натижада, тариқатнинг бир силсиласи "таваккул", бошқаси "ризо", учинчиси "маърифат", тўртинчиси "фано", бешинчиси "валоят" ва ҳоказо тарзда инсон камолотининг риёзат йўлини белгилаб берарди"/2.36,87/. Худди шундай йўл Алишер Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик силсиласида ҳам мавжуд эди.

Нақшбандийлик силсиласи марказига факр қўйилган бўлиб, унинг асосий ташаббускорларидан бири Хожа Баҳоуддин Нақшбанд эди. У зоти олий ўз амалий равишини "...биз оламда фақирмиз ва фақрни ихтиёр қилганмиз" дея эълон қилган эди/1.81,148/. Унинг асоси эса узоқ тарихга борланган бўлиб, пухта ҳаётий заминга эга эди. Бу нарса, биринчидан, Муҳаммад пайғамбарнинг машҳур "Ал-фақри фаҳри" ҳадисига ва унинг тасдиғи бўлган яшаш тарзига бориб тақаларди. Дарвоқе, Навоий ҳам пайғамбарнинг шу иборасини эслатиб, Ҳаққа етишда факр энг яқин ва тўғри йўл бўлганлиги учун ҳам расулуллоҳ уни танлаганини қайд этади. Шу сабабли факр йўли билан пайғамбар ортидан борганлар ҳам албатта мақсадга етишини таъкидлайди:

Раҳ сўи Ҳақ беҳад, аммо ҳаст ақраб роҳи факр,

Баҳри он, ки "фақру фаҳри" гуфтаи пайғамбар аст.

Андарин раҳ он, ки дорад гом бар гоми расул,

Арш парвозест к-ў ҳам раҳрав, ҳам раҳбар аст/1.91,356/.

Мазмуни:

Ҳақ томонга йўл узоқ, лек факр йўли яқин,

Шу боис "факр фаҳрим" деган эди пайғамбар.

Расул билан изма-из бу йўлдан борган киши,

Аршга учар, чунки у ҳам йўлчи-ю. ҳам раҳбар.

Дарҳақиқат, манбалар Муҳаммад пайғамбар ва унинг оиласининг ниҳоятда фақирона, лекин ғоят ҳалол ва пок яшаганидан хабар беради/1.149,87-88;1.156,15-16/. Пайғамбарнинг яшаш тарзи бошқаларга ҳам намуна эди. Шу сабабли унга тақлид қилиб ва улардан ибрат олиб яшашга интилган жуда кўп издошлари ҳамда саҳобалари бор эди ки, шулардан бир қисми пайғамбар масжиди яқинидаги махсус супада

яшаган қаноатли кишилар бўлиб, уларнинг яшаш тарзи кейинчалик зуҳд ва зоҳидлик ривожига асос ҳам бўлган эди. Иккинчидан, нақшбандийликда шариатга асосланганлиги, Қуръон ва суннатга қатъий риоя қилиш талаби қўйилганлиги сабабли ҳам унда пайғамбарнинг фикр ва интилишларига ҳамоҳанглик кучли эди. Шу сабабли нақшбандийликда кенг тарғиб этилган фақр гоёси ҳам бундан истисно эмасди. Учинчидан, нақшбандийлик силсиласининг пайғамбаргача бориб тақалувчи шажараси кўздан кечирилса, ундаги барча муршидлар фаолиятида ҳам фақрга қатъий риоя қилинганини кузатиш мумкин. Бу эса ҳатто тасаввуфнинг ўзи ҳам зуҳд ва фақр заминида юзага келган, деган фикрларни тасдиқлайди/2.15, 7/. Дарҳақиқат, илк сўфийлардан бўлган Шайх Увайс Қараний, Салмон Форсий/УII аср/, Ҳасан Басрий/642-728/, Молик Динор/УIII аср/, Иброҳим Адҳам/в. 777 й./, Робиа Адвия/713-801/ қабилар зуҳд ва фақр йўлини ўз фаолиятларининг асосига айлантирган эдилар.

УIII аср охири ва IX аср бошларидан бошлаб, Басра зоҳидларнинг, Бағдод эса сўфийларнинг марказига айланган эди. IX-X асрлар мобайнида фақр сўфийлар орасида кенг ёйилиб, уларнинг ихтиёрий яшаш тарзига айланди. Сўфийлар камбағал Аллоҳнинг дўсти, дея талқин этар ва кишиларни мол-дунёга берилмасликка чорлар эдилар. Улар фақрга қатъий риоя қилиб, гоёт камбағал яшаганликлари туфайли фақир номини олган эдилар/3.28, 234/. Машҳур сўфий Боязид Бистомий, унинг муршиди Жаъфар Содик/ в. 765 й./, шунингдек, Ҳорис Мухосибий, Сари Сақатий/в. 867 й./, Жунайд Бағдодий сингарилар фақрда собит бўлиб, ўз фақирликлари билан машҳур эдилар.

Ҳожагон-нақшбандийлик силсиласи асосчиларидан Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳам фақр тарғиботчиларидан эди. У ўз васиятида шундай дейди: "Оз сўзла, оз е, оз ухла... Ташқи кўринишингга оро бермагинки

бу ички оламнинг хароблигини билдиради. Халқ билан тортишма, бировдан нарса тилама... Либосинг оддий, дўстинг дарвеш, дастмоянг фикҳ илми, уйинг масжид ва мунисинг Ҳақ субҳонаху ва таоло бўлсин" /1.186,15/.

Хожа Абдулхолик руҳидан мадад олган пири увайсий Хожа Баҳоуддин Нақшбанд эса фақр тушунчасини янада кенг талқин ва тарғиб этди. Унингча, фақр, энг аввало, камбағаллик ва ҳеч нарсаси йўқликни билдиради. Дарвоқе, бу фақрнинг истилоҳий маъноси бўлиб, сўфий дастлаб унинг шу жиҳатини қаттиқ тутиши лозим. Хожа Баҳоуддиннинг фикрича, ҳалол меҳнат билан топилмаган нарсаларга эга бўлгандан кўра қашшоқ яшаган маъқул. Бундай қашшоқлик шоҳликдан афзал. Хожа Баҳоуддиннинг ўзи ҳам пайғамбар каби атрофидагиларга намуна кўрсатиб, сабр - тоқат билан фақирона яшар ва бошқаларни ҳам шундай фақр йўлига тарғиб этарди. Воқеан, унга нисбат берилган қуйидаги тўртликда ҳам шу фикр олға сурилади:

Ҳечи мо нею, ҳечи мо кам не,

Аз пай ҳеч ҳечи мо ғам не.

Жанда бар пушт пушти гўристон,

Ғар бимирем, ҳеч мотам не /3.6,214/.

Мазмуни:

Ҳеч нарсамиз йўқ ва ҳеч камимиз ҳам йўқ,

Ҳеч нарса йўқлигидан ғамимиз ҳам йўқ.

Жандамиз елкада-ю, ортда гўристон,

Улсак мотам ҳам, кўзи намимиз ҳам йўқ.

Машҳур фақих Абу Бакр Калободий /в.990 й./ ҳам фақр истилоҳини шундай шарҳлайди: "Фақр шуки, сенда ҳеч қандай мол-мулк бўлмасин, борди-ю бўлганда ҳам ўзинг учун сарфланмасин ва фақир эса шундай кишики, у фақат Ҳақ маърифатига етишга мухтож бўлади

холос"/2.36,48-49/. Фақр намоён бўлиш хусусиятига кўра иккига -хилқатий ва сифатий фақрга бўлинади/2.15,388/.

Хилқат яратилиш, яратилган табиий хусусият, инсон ва унинг ўзига хос белгилари, табиий интилиш ҳамда ҳаракатлари маъноларини билдиради. Шунга кўра, инсондаги хилқатийлик унинг ўзидан вазга келувчи ҳар қандай ҳодиса ва табиий интилишлар бўлиб, агар улар пок бўлса ва покланишга йўналтирилса, хилқатий фақр дейилади. Бунда солиқ интилишлари хожатларни сўровчи Аллоҳга қаратилган бўлади. Фақр йўлидаги хожатларнинг қабул бўлиш-бўлмаслиги ёлғиз унга боғлиқ. Зотан, инсоннинг бутун ҳаёти ҳам Аллоҳга вобаста. Бунда эса вужуд ва руҳ поклиги фақр йўли билан тозаланади. Натижада, у махлуқий хусусиятдан қутулиб боради.

Инсоннинг махлуқ белгиларидан ҳалос бўлиб, Ҳақ сифатларини эгаллаши сифатий фақр дейилади. Сифатий фақр инсон интилишига вобаста. Инсон фақр йўли билан ўзини поклаган сари Ҳақ маърифатини чуқурроқ англаб боради. Ўзида эса орифлик пайдо бўлиб, Ҳақ сифатига хос пок илоҳий руҳ барқарорлашади. Аммо бунинг учун фақр манзилларини босиб ўтиши лозим. Фақр манзиллари эса учтадир:

1. Қаноат манзили.
2. Покланиш манзили.
3. Боғланиш манзили.

Қаноат манзили фақрнинг энг муҳим манзили саналади. Чунки сўфий қаноат манзилини эгалламагунча фақрга яқинлаша олмайди. Фақр йўлини танлаб, фақр аҳли қаторига кирмоқчи бўлган киши, дастлаб қаноатда қомил бўлиши керак. Зеро, фақр йўлига кирган сўфий бусиз мақсад манзилига ета олмайди. Шунинг учун Навоий ҳам қаноатга алоҳида аҳамият бериб, фақр ва қаноат моҳиятини муштарак тарзда изоҳлайди. Улуғ шоирнинг фикрича, қаноатсиз фақрни,

фақрсиз қаноатни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар яхлит ҳолда ҳақиқий фақир қиёфасини намоён этадилар. Чунки "Қаноат истиғно сармоясидур ва шараф ва иззат пироясидур. Муфлис қонёъ ганий ва шоҳу гадодин мустағний"/4.11,137/. Воқеан, қаноат манзилнинг талаби ҳам шундан иборат. Унда сўфий ўзида нима бўлса шунга қаноат қилиши керак. Борди-ю, ҳеч нарсаи бўлмаса ҳам бундан норози бўлмай қаноат этиши зарур. Қаноат унда ботин ишига айланиши ва шукр билан йўғрилиши лозим. Шунда қаноат сўфийни юксакка кўтарди. Зотан, Навоий айтганидек, "Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва махзанедурким, нақди сепамоқ била ўксумас ва мазраедурким, тухми иззат ва шавкат бар бөрур ва шажаредурким, шохи истиғно ва ҳурмат самар келтирур. Кўнгулга андин очурлуқ фойдаси етар ва кўз андин ёруғлуқ натижаси касб етар"/1.94,36/. Навоий турли қиёслар орқали қаноат моҳиятини очғач, ниҳоят уни эгаллашга тарғиб этади:

Қаноат тариқига кир, эй кўнгул

Қи, хатм ўлгай ойини иззат санга.

Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдурур,

Бу бир тахту ул чатри рифъат санга/1.104,543/.

Фақрнинг иккинчи манзили бўлган покланиш кўнгулга алоқадор. Бошқача айтганда, бу босқичда солиқ калби тозаланиши лозим. Бунинг учун, биринчидан, инсоний нафс мағлуб этилиши керак. Чунки ўзликнинг асоси ундандир:

Авомдин, демаким, ўзни қутқарай, эр эсанг,

Ўзунгдун ўзни қутулмоққа жаҳд қилғил хос...

Десанг, бу йўлда ўлай, нафсни бурун ўлтур

Қи, ишқ шаръила гўё бу навъ келди қисос/1.104,224/.

Иккинчидан эса, кўнгулдаги тама ва худбинлик иллатларидан қуту-

лиш зарур. Чунки "Тамаъ мазаллатга далил ва ганийи томеъ хору залил. Тамаъ била улким, ола олуру олмас, бу адами тамаъ ҳеч саховатдин қолмас. Бу навъ сахо аҳли каримдур ва тамаъ хайли лаим" /1.94,66/. Навоий худбинликни ҳам тамагирлик сингари ниҳоятда ёмон иллат эканлигидан огоҳлантириб, ундан кўнгилини поклаш зарурлигини таъкидлайди: "Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши. Мутакаббир тенгри дўстлари олида матъун ва тенгри қошида мардуд ва малъун. Худписанд, иши бари элга нописанд. Биликига мағрур, билур элга маъюб ва тенгрига маҳқур. Бутпарастлик яхшироқким, худпарастлик" /1.94,48/. Ниҳоят, учинчидан, солиқ ўз қалбини тозалаш учун ўзида дунё молига нисбатан нафрат ҳиссини уйғотиши керак. Юмшоқроқ қилиб айтганда, дунё ва унинг ашёсига нисбатан кўнгилда умуман жой бўлмаслиги, дунёга меҳр тарк этилиши керак:

Истасанг ғақр, ўрта олам суд ила сармоясин,

Кўнгулга тоъвурулур дунёву мофиҳо, не суд /1.106,96/.

Чунки:

Ғақр йўлинда огирроқ юк эрур вобасталиқ,

Эй кўнгул, тарки тааллуқ айлабон ул сори бор /1.106,110/.

Боғланиш манзилида солиқ ғақр маърифатини эгаллайди. Бу босқичда унинг қалби фақат Аллоҳ маърифати билан банд бўлиши зарур. Натижада, у "Ғақр куйида гадолиғ гарчи ғаҳримдур валеқ, Салтанат арз этсалар майл айламон ор айлабон" дейиш даражасига етади /1.105,349/. Демак, боғланиш манзилида солиқ учун шоҳлик ва ғақирлик, бошқача айтганда, бойлик ва қашшоқлик фарқсиз бўлиши лозим. Сўфий шу пояга кўтарилса, у тўлалигича Аллоҳга боғланган, ғақрда камолотга етган ҳисобланади. Дарвоқе, ғақр зоҳиран ахлоқ-одобни шакллантириш бўлса-да, ботинан Аллоҳга интилиш, уни унутмаслик ва унга иттиҳо, яъни ваҳдатни ифодалайди.

Навоий унинг ботиний маъносига махсус тўхталиб, бу борада Зунун Мисрийнинг суҳбатдошларидан бўлган машҳур сўфий Валид бинни Абдуллоҳ Саққонинг фикрини келтиради. "Насоим ул-муҳаббат"да ёзилишича, сўфийлардан "Абу Абдуллоҳ Розий дедиким, Валид Саққо қошига бордим, тиладимким, фақр андин саволе қилгаймен, бош кўтарди ва дедиким, фақр анга мусалламдурким, анинг хотирига харгиз Ҳақдин ўзга кирмайдур ва қиёматда бу сўзумнинг уҳдасидин чиқа олурмен"/1.96,78/.

Фақрни Аллоҳдан бошқани ўйламаслик билан боғлашнинг чуқур маъноси бор. Бу шундан иборатки, Аллоҳни унутмаган кишининг имони пок, ўзи инсофли ва диёнатли бўлади. Муҳими, унинг қалбидан фақат Аллоҳ жой олгач, у тўла покланади. Бу эса унинг яшаш тарзини айниқса нурафшон этади. У ўз меҳнати билан кун кўришга, бирор касб билан шуғулланиб, ҳалол ва пок яшашга интилади. Фақр йўлини танлаган киши учун бу роят муҳим эди. Нақшбандийликда бунга айниқса катта эътибор қаратилган. Чунки бунда одам ўзи шуғулланаётган касби орқасидан гарчи бойиб кетмаса-да, лекин бошқаларга муҳтож ҳам бўлмайди. Навоий тасаввуф йўлига кирган аксари улур сўфийларнинг муайян касб билан шуғулланиб, фақирона, лекин ҳалол яшанликларини далиллар асосида қайд этар экан, бу борадаги фикрини шундай яқунлайди: "...мутааххир машойихидин замонининг яғонаси ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбандки, кимхо нақшини боғламоққа машҳурдурлар"/1.96,67-68/.

Хожагон-нақшбандийлик силсиласи шажарасини ташкил этувчи бошқа муршидларнинг аксарияти ҳам Хожа Баҳоуддин сингари муайян бир касб билан шуғулланиб ўз ризқларини ўтказганлар. Чунончи, Боязид Бистомий саққолик билан шуғулланган бўлса/2.15,36/, Хожа Али

Ромитаний тўқувчилик/1.142,25/, Сайид Амир Кулол аввал кураш /1.40,12/, сўнг кулолчилик билан шуғулланган эди.

Хожа Баҳоуддинга ҳам муршидлик қилган Сайид Амир Кулол ўз шогирдларига берган панцларида ҳунар ўрганишга доим тарғиб этарди: "Ва яна касб-ҳунар билан тирикчилигингизни ўтказиб, ҳалол касб орқали рўзгорингизга етгулик миқдорда, лофу исроф даражасига етказмасдан ризқ-рўз топишга ҳаракат қилмоғингиз лозим"/1.40,29/. Сайид Амир Кулол касб-ҳунар билан топилган луқма ҳалол бўлишини таъкидлаб, уни шарҳлаб ҳам беради: "Ва билингки, луқмай ҳалол дилни ва тилни пок этади. Зеро, одамнинг ошқозони худди ҳовуз кабидур, унга тоза сув қуймоқ лозим, шу ҳовуз ва тупроқдан вояга етган ҳар хил гул, ҳар турли дарахтлар меваси пок ва манфаатли бўлғай"/1.40,26-27/. Шу жиҳатдан Навоий яратган қаҳрамонларнинг ҳам муайян касб-ҳунарга алоқадорлиги бежиз эмас. Дарвоқе, Фарҳод шаҳзода бўлишига қарамай, тош йўниш ва расм чизишни эгаллаши, Шопурнинг моҳир рассом бўлганлиги, Дилоромнинг етук созандалиги, Ширин саройидаги қизларнинг турли соҳаларда баркамол эканликлари улар ҳаёти ва фаолиятининг энг ибратли томонларидир. Бугина эмас, ҳунар улар олдидаги мақсад манзилига олиб боровчи асосий восита ҳамдир. Ҳатто ҳунар тўфайли Навоийнинг айрим қаҳрамонлари жазолардан қутулиб қолади. Уста заргар Зайд Заҳҳоб ҳаёти бунинг далилидир. Шу сабабли Навоий ўз асарларида касб-ҳунар эгаларини алоҳида бир меҳр билан тасвирлайди.

Шуниси диққатга сазоворки, Навоий ҳаётда ҳам ҳунар эгаларини роят қадрлар, уларга кўмаклашар ва ишларига ҳомийлик қиларди. Бу ҳақда Бобур ҳам гувоҳлик беради: "Аҳли ғаазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо

бўлмиш бўлгай. Устод Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Хусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устод Беҳзод ва Шох Музаффар тас-
вирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваф-
фақ бўлмиш бўлгай"/1.24, 233/.

Фақрда касб-ҳунар эгаллаб, ҳалол луқма билан кун кечирингга чорлашнинг яна бир муҳим жиҳати ҳам бор эди. Гап шундаки, Навоий даврида ҳам, ундан олдинги пайтларда ҳам ўзини Аллоҳ йўлига ба-
ғишлаган сўфий сифатида кўрсатиб, текин яшаш йўлларини қидирган кишилар жуда кўпайиб кетган эдилар. Улар ўзларини риёкорларча художўй ва фақир кўрсатиб, хайр-садақалар талаб қилар, хонақоҳ-
ларда текин яшар, гўристонлар атрофини эгаллаб, тамагирлик қилар эдиларки, ҳатто Хожа Баҳоуддин ҳам уларнинг кирдикорларидан ўз нафратини яшира олмаган эди. Дарвоқе, Хожа Баҳоуддин шундайлар-
нинг сирини фош этиб, бошқа пок сўфийларга ҳам доғ тушираёт-
ганликларидан ғазабланган ва тўғри йўлга чорлаган эди:

Ки то кай гўри мардонро парастӣ,

Ба гирди кори мардон, гардӣ растӣ/3.6, 215/.

Мазмуни:

Қачонгача гўр ёнида сажда қилиб ўтасан,

Одамийлардек иш қил, тилагингга етасан.

Шундай нопок луқмадан ҳазар қилмайдиган текинхўр, дангаса ва бекорхўжа сўфийларни Жомий ҳам ўзининг "Силсилат уз-заҳаб" аса-
рида қаттиқ танқид остига олган эди:

Ҳазар аз сўфиёни шаҳру диёр,

Ҳама номардуманду мардумхор.

Ҳар чӣ додӣ ба дасташон х/в/ арданд,
Ҳар чӣ омад зи дасташон карданд.
Корашон ғайри хобу хӯрдан не,
Ҳечашон фикри рӯзи мурдан не.
Зикрашон сарф баҳри суфраву ош,
Фикрашон сарф дар вучӯҳи маош/2.41,51/.

Мазмуни:

Шаҳру диёр сӯфийларидан ҳазар,
Ҳаммалари номард ва ситамгар.
Қўлига не берсанг емай қўймайди,
Қўлидан не келса қилмай қўймайди.
Уйқу-ю, ейишдан бошқа иши йўқ,
Мангу яшовчидай гӯё кўнгли тўқ.
Зикрларин сарф этарлар ош учун,
Фикрлари доим банд маош учун.

Навоий ҳам худди шу хил текинхӯр ва риёкор шайх-зоҳидлар ҳақида "Маҳбуб ул-қулуб" асарида махсус ёзган эди/1.101,41-42/.

Шу билан бирга, Жомий сӯфий қандай киши бўлиши лозимлиги ҳақидаги қарашларини ҳам баён қилган эди. Шу жиҳатдан унинг "Субҳат ул-аброр" асарининг 7-иқдидаги фикрлари диққатга молик. Жомий унда тасаввуф ўз ҳуқуқ ва ихтиёридан воз кечиш ҳамда орзистаклар, интилишлар кишанидан озод бўлиш дегаҳ, ҳақиқий сӯфий шахсиятига қуйидагича таъриф беради:

Суфӣ он аст, ки аз худ растаст,
Аз нақў частаву аз бад растаст.
Зодаи кавну зи кавн озода,
Банди ҳастиву зи ҳастӣ сода...

Дар макон неву макон аз вай пур,

Дар замон неву замон аз вай пур/2.42,43/.

Мазмуни:

Сўфий улки, ўзлигидан озоддир,

Яхшидан узоқда-ю, ёмонга ётдир.

Дунё фарзанди-ю, озод оламдан,

Борлиққа банди-ю, кўл тортган ундан.

Маконда йўғу макон ундан тўла,

Замонда йўғу замон ундан тўла.

Жомий чин сўфий ҳақидаги қарашларини асарнинг бошқа иқдларида ҳам ёритган. Чунончи, футувватга бағишланган 25-иқдда келтирилишича, сўфий бошқаларга юк бўлмаслиги, ўз меҳнати билан кун кўриши ва ҳатто ўзгаларга ёрдам бериши лозим. Инсоний қиёфа ва мижозга бағишланган 32-иқдда эса сўфий ўзидаги дағал, ёмон феъл-атворини ташлаб, ширинсўз, ҳаммага меҳрибон ва ҳатто ҳазилкаш бўлиши зарурлиги таъкидланади. Воқеан, Жомийнинг ўзида шундай ғазилатлар мукамал даражага етган эди. Бироқ муҳими шундаки, Жомий ҳақиқий сўфий фақир бўлиши керак деган фикрни олға суради ва фақрни эгаллашга даъват этиб, "дар маснади фақр чун бубиний шоҳӣ" яъни етсанг фақрнинг тахтига ўшанда шоҳсан, дейди/3.8,466/.

Шу ўринда яна бир нуқтани алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Абу Наср Саррожнинг ёзишича, фақр йўлини танлаб, фақирлик билан ҳаёт кечирганлар уч гуруҳга бўлинган/2.36,49/. Муқаррабин деб номланган биринчи гуруҳ ҳеч кимдан ҳеч нарса талаб қилмаган. Улар муайян касб-ҳунар билан шуғулланиб, ҳалол ва пок яшаганлар. Бошқаларга муҳтожлик улар учун фақр йўлидан тойиш ҳисобланган. Шу сабабли уларга берилган инъомлар рад этилган. Муқаррабинлар ҳар қандай ҳадяга садақа сифатида қараб, ундан фойдаланишни гуноҳ ҳисоблаганлар. Бундай ақида пайғамбар равиши эди. Чунки у зоти олий ҳаттс

закотга келган нарсаларни ҳам садақа тарзида баҳолаб, улар халол меҳнат тўфайли топилмаганлиги учун истеъмолини рад этар эди. Бу ҳақда Имом Бухорий шундай ёзади: "Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қиладилар: "Ҳасан ибн Али розияллоҳу анху закотга берилган хурмолардан биттасини оғизларига солдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам хурмони емай оғиздан олиб ташласин деб, "қиҳ-қиҳ" /нафратланганда айтиладиган сўз/ дедилар-да, "Биз садақа емаслигимизни билмасмисен?!-деб койидилар"/1.31,411/. Шунинг учун ҳам пайгамбар каби ўзларини гоят пок туттишга интилан фақирларнинг муқаррабин деб аталиши ҳам бежиз эмас эди.

Иккинчи гуруҳга мансуб фақирлар ҳам гарчи ҳеч кимдан ҳеч нарса талаб қилмасалар-да, бироқ уларга садақа сифатида бошқалар томонидан нима берилса, мамнуният билан қабул қилардилар. Улар ўзлари қабул қилаётган садақаларини Аллоҳ йўлида берилмоқда дея изоҳлаб, унинг истеъмолини гуноҳ ҳисобламас эдилар. Аксарият зоҳидлар ва кўпгина хонақоҳларда яшайдиган сўфийлар шу йўл билан ҳаёт кечирардилар. Хожа Баҳоуддин ва Жомий танқиди маълум даражада шу типдагиларга ҳам қаратилган эди.

Бундайларни Навоий ҳам қоралаган эди. Улуғ шоир "Ҳайрат ул-аброр" ва "Маҳбуб ул-қулуб" асарларида хонақоҳларга жойлашиб, муршид шайх номи билан ўз атрофига муридлар тўплаб, текин яшаш йўлида турли хийлалар билан шугулланган сўфийларнинг риёкорликларини очиб ташлайди. Воқеан, бундайлар турли хил эҳсон келтирувчилар кўзига гоят художўй, пок ва хайр-садақаларга бепарводай кўринса-да, аслида эса алдов билан йиғин йиғишга интилувчи тамагирлар эди. Шунинг учун Навоий уларнинг ўзларини фақр аҳли қилиб кўрсатишдан кўзлаган мақсадларини юксак маҳорат билан фош қилиб ташлаган эди:

Борчара мақсуд буқим-аҳли жоҳ,
Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ.
Шайхни сажжодаи иршод уза,
Хайлни ҳам зикр ила аврод уза.
Фақру қаноатдин ўлуб сарбаланд,
Важд ила ҳолатдин ўлуб бахраманд...
То билиб охир ани султони мулк,
Хайли дуо бирла ниғақбони мулк.
Арзи ниёз айлабон ўлғай мурид,
Пояларин ҳар нафас этгай мазид.
Ҳадя, туҳаф тортқаю мол ҳам,
Мустағалу кенту севарғол ҳам/1.108,137/.

Навоий тасвиридаги ўзини фақрга мансуб ҳисоблаган сўфийлар ҳам юқоридаги иккинчи гуруҳ вакиллари каби ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамас, лекин амалий фаолиятларини йиғин йиғишга мослаштириб, садақаларни эса хурсандчилик билан қабул этардилар. Чунки улар шундай хайр-аҳсон асосида умр ўтказар эдилар. Шу сабабли гарчи улар ўзларини фақр аҳли ҳисобласалар-да, уларни бу доирага киритиб бўлмасди.

Учинчи гуруҳга мансуб фақирларни содиқин дейиларди. Улар бу дунёдан ҳеч нарса умид қилмас, аммо нимагадир муҳтожлик сезсалар, фақат тариқат аҳлига мурожаат этар эдилар. Чунки тариқат аҳлидан олинадиган нарсанинг ҳалоллиги шубҳадан холи бўлиб, уни берувчида миннат ҳам, олувчида хижолат ҳам орага кирмасди. Зеро, ҳар икки томон ҳам Ҳақ йўлидаги пок фақирлар ҳисобланарди. Бу нарсани Навоий ва Жомий муносабатларида ҳам кўриш мумкин.

Жомий ҳаётда ўта қаноат билан яшар, лекин нимагадир эҳтиёж сезса Навоийга мурожаат этарди. Чунки Навоий ҳам ўзи сингари та-

риқат аҳлига мансуб бўлиб, унинг Жомийга кўмаги ўзига сарфланадиган нарсаларига нисбатан ҳам самимийроқ маъно касб этарди. Аммо ўрни келганда қайд этиш лозимки, Жомий ҳам бошқа нақшбандий муршидлар сингари ғақрни улуглаган зоти олий эди. У "Субҳат ул-аброр" асарида ғақрга махсус боб ажратиб, унда ғақрнинг моҳиятини чизиб беради.

Жомий талқинича, ғақр қаноатда шоҳликка етиш бўлиб, уни эгаллаган кишининг дунёга меҳри қолмайди. Рухан ўзини бадавлат ҳис этади ва Аллоҳга етиш талабида собит бўлади. Энг муҳими, ғақрда комилликка етган солиқ илоҳий ваҳдатни ҳис этади. Худди шундай ғақрлик Жомийнинг ўзида ҳам мавжуд эканлигини Навоий махсус таъкидлаган эди/1.95, 11-12/. Бироқ Алишер Навоийнинг қайд этишича, ғақрни халқ орасида кенгроқ ёйиш мақсадида нақшбандийликда унинг зоҳирий томонига кўпроқ эътибор қаратиларди. Улуғ шоир буни далиллар билан кўрсатиб беради. Дарҳақиқат, ғақрнинг муҳим зоҳирий хусусиятларидан бўлган камтарлик, оддийлик, камсуқумлилик, одоблилик ва ҳаммадан ўзини паст тутиш нақшбандийларнинг барчасига хос эди. Воқеан, ғақр тарғиботчиси Хожа Баҳоуддиннинг ўзи ҳам худди шундай ғазилатларга эга эди. Хожа Баҳоуддин табиатидаги бундай ҳислатларни Навоий ҳам қайд этади:

Хожаи олий сифоти аржманд,

Шаҳ баҳо ул-Ҳақ вад-дин Нақшбанд.

Чун бу иқлим узра бўлди тахтгир,

Тузди йўқлуқ кишвари узра сарир.

Ўз вужудин пок сайри ҳақшунос,

Ҳарне бирлаким қилур эрди қиёс.

Ондин ўзни кам топар эрди босе,

Сарву гулдин ўйлаким хору хасе/1.92, 204-205/.

Навоий тасвирни давом эттириб, Хожа Баҳоуддин ҳаётида юз берган қўидаги воқеани келтиради: "Бир кун унинг/Хожа Баҳоуддиннинг-А.А./ кўзига тозаликдан йироқ бўлган бир қўтир ит кўринди. Шайх уни ўзи билан тенглаштириб, кўзига ёш олганча нола чека бошлади. У шундай дер эди:

- Бу ит вафо қилувчилар тоифасидандир, мен эса ундай эмасман. Ўзимни у билан тенг деб айта олмайман. У худовандига вафодан ўзга нарсани билмайди, мен эса унга фақат жафо қиламан, холос!

Назар эгаси бўлган Шайх шундай дегач, ит унинг олдидан йўл солиб, ўтиб кетди. Тупроқ устидаги ит қолдирган изларни кўрган Шайх яна нисбат қилишда давом этиб, шундай деди:

- Мен ортиқманми ёки бу из?

Яна ўзига ўзи деди:

- Эй инсофсиз киши! Бу из вафо аҳли оёғидан нишонандир, сен эса вафосизлик сари этак судрайсан!

У шу мазмунда сўзини тугаллагач, ер ўпиб, ит изларига кўзларини сурта бошлади. Ҳақ аҳли ўз вужудини ана шу хил инкор қилади, борлигини шу йўл билан йўққа чиқаради"/1.100,418-419/. Бу бадий тасвир ҳаётий заминдан холи эмас эди. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг ёзишича, кунларнинг бирида Хожа Баҳоуддин Қуръонни олиб очган эдилар: "Ва калбуҳум боситун зироайҳи би-л-васийд", яъни уларнинг итлари эса олди оёқларини остонага ёзиб ётур, деган оят чиқди. Шунда Хожа: "Уша мен бўлсам керак, деб умид қиламан" дедилар"/1.81,67/.

Дарҳақиқат, фақр аҳлининг ўзини итга нисбат бериши кенг тарқалган ҳодиса эди. Бундай нисбатга ит табиатидаги вафодорлик ва хоксорлик асос бўлиб, у сўфийлар учун юксак ибратга айланган эди. Чунки ит ўз соҳибидан жафо кўрганда ҳам шу икки хусусиятни ўз-

гартирмаслиги ҳаммага маълум. Бундан ташқари, ит ўз садоқатли меҳнати учун бирор нарса талаб қилмаслиги ҳам аниқ. Булар ҳаммаси эса, албатта, сўфий учун намуна бўла оларди. Навоий ҳам ит образига мурожаат этганда, ундаги табиий хусусиятларга диққат қилади.

Ит билан ўзини қиёслаш, ҳатто ундан ҳам паст даражада эканлигини тан олиш, Фарҳод, Мажнун образлари тасвирида ҳам акс эттирилган. Кўрғонда банди қилинган Фарҳод Ширинга ёзган мактубида ўзини унинг итлари билан қиёслаши диққатга молик. Фарҳод Ширин итлари орасидаги заиф, мажруҳ ва озгин итга ўзини солиштириб, ўзига нисбатан ўша итни бахтиёрроқ ҳисоблайди. Чунки у Ширин остонасидан жилмай, унга садоқат кўрсатади. Бу йўлда оғир уқубатларга дуч келиб, нотаъон аҳволга тушган бўлса-да, аммо вафода собит эди. Фарҳод мактубида буни алоҳида таъкидлаб, "Вафо бобида иккимизда даъво, Муҳаббат шарида ҳам бизда даъво"/1.109,382/ дея ишқ ва садоқатда ўзи билан ит ўртасидаги саботни қиёслаб, уни ўзидан устун қўяди.

Мажнун ҳам илк марта Лайлини кўриб ҳушидан ажралгач, уни ўз уйига олиб борганларидан сўнг, ярим тунда яна ўрнидан туриб, яширинча ёри қабиласи томон борар экан, Лайли итига дуч келади ва ўзини билмай у билан сирлашади. Унга ҳавас қилади. Чунки у ёр манзилида яшайди, унинг остонасига бош қўйган. Мажнун унга яна шунинг учун ҳам ҳавас қиладики, ит ёр эшигида шод, у эса айрилиқда хор ва ғариб. Мажнун итнинг бахтиёрлигига ўзининг бахтсизлигини таққослаб ва таҳлил этиб, шундай хулосага келади:

Сен мендин ўлуб вафода афзун,

Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.

Йўқса не учун фалак хироми,

Хор этти мени, сени кироми?/1.110,100-101/.

Ҳар иккала қиёсда ҳам Хожа Баҳоуддин фикрларига ҳамоҳанглик яққол сезилиб туради. Демак, Ҳаққа интилган киши чин ошиққа айланиши лозим. Мақсад манзилига етиш учун эса фақр йўлини танлаши керак. Шундан сўнг фақрнинг икки хусусиятини ўзида тўла барқарор этиб, уларда собит бўлмоғи зарур. Улардан бири вафо ва садоқат. Бу борада у гоят мустаҳкам бўлиши, ҳеч қандай тўсиқ ва жафолардан тап тортмайдиган ошиққа айланиши шарт. Иккинчиси эса, юксак даражадаги тавозуъ, табиий ҳолдаги камтарлик, ҳаммадан ўзини паст олиш даражасига етиш. Навоий қаҳрамонлари худди шундай фазилатга эга эди. Дарвоқе, Фарҳод ҳар жиҳатдан баркамол бўлишига қарамай, ўзини гоят ожиз ҳис этади. У Ширинга ёзган мактубида "Мен ул мўри дурурмен зору ожиз Ки, андоқ ажз аро йўқ мўр ҳаргиз"/1.109,383/ дея ўзи каби ожиз чумоли йўқлигини тан олади ва юксак даражадаги камтарлиги билан кишини ҳайратга солади. Мажнун эса Лайли қабиласига келиб, уларнинг кўчиб кетганлигини билгач, ёри манзили тупроғини кўзига тўтиё этади: "Манзилга юз урди гом-баргом, Юз қўйдию, сажда қилди ҳар гом"/1.110,182/.

Мажнун ёр манзили тупроғига сажда қилиш билан уни ўзидан устун қўяди. Навоий фақрнинг муҳим хусусиятларидан бўлган бундай юксак тавозуъни гоят улурлаб, "...тавозуъ дўстлуғ кўзгусига жило берур" дейди/4.11,81/. Тавозуъни чуқур эгаллаган солиққина фақрда камолга етади ва мақсади олийга восил бўлади. Акс ҳолда у ҳеч нарсага эришмайди. Шунинг учун ҳам фақирлик уйига йўл олганларга тавозуъ гоят шартдир:

Бўлса гино шеваси оринг сенинг,
Фақр уйига тушса гузоринг сенинг.
Анда дурур шарт тавозуъ санга,
Ўтрусида қатъи таваққуъ санга.

Чарх киби етса забардастлик,

Ер қуйисида тиламак пастлик.

Етса гаму русса юки тоғдек,

Бўлмоқ анинг остида туфғордек/1.108,163/.

Фақр мазмунидаги ҳаммадан ўзини паст олиш ва ўта камтарлик Алишер Навоий сиймосида ҳам ўзининг тўла мужассамига эга эди. Навоий юксак лавозим соҳиби ва катта мол-мулк эгаси бўлишига қарамай, ўзини гоёт хоксор тутарди, чунки табиатан унинг феълига такаббурлик, манманлик, бошқалардан ўзини устун олиш ёт эди. Зеро, улур шоир такаббурлик шайтоннинг, манманлик эса нодоннинг иши эканлигини таъкидлаб, такаббур одамнинг барчага ёқимсиз бўлишини алоҳида эслатган эди/1.94,48/. Шу сабабли у тавозуъга алоҳида аҳамият берарди.

Улур шоир талқинича, тавозуъга риоя этиш фақр аҳлини улуглабгина қолмай, такаббур, гердайган ва ҳаёсиз кишиларда ҳам инсоний олижаноблик уйғотади: "Тавозуъ халқни киши муҳаббатиға шефта қилур ва улусни фоил маваддатиға фирифта қилур... Мутакаббир душманға мулоямат сари йўл кўргузур ва муъжиб хасм хотириға инсоният завқин ўлтурғузур. Такрори ҳаёсиз муддаийни уят сарҳадиға бошқарур ва теъдоди инсофсиз адувни ямонлиқдин ўткарур"/1.94,39/. Шунинг учун ҳам Навоий тавозуъни гоёт кадрлар, унга қатъий риоя қиларди. Шу сабабли ўзини гоёт оддий тутар, баъзан ўзининг табиий хоксорлиги билан ҳаммани ҳайратга соларди.

Тарихчи Хондамирнинг ҳикоя қилишича, амирлик лавозимини бажараётган Навоий бир куни мансабдорлар ҳузурда арз сўраб турган пайтда давлатнинг юқори мансабларидан бирига кўтарилган Мавлоно Қутбиддин Хавофий деган киши Хожа Хусайн Кирангий номли одам унга

"сен илгари Мавлоно Муҳаммад Муаммой навкарлари қаторида эдинг" деганини айтиб, ундан шикоят қилади. Навоий унга тўғри гапдан ранжимасликни тушунтиргач, шундай дейди: "Мен илгари Амир Султон Ҳасан навқари эдим, ҳозирда эса амирлик мансабига эришувим ва ноиблик баланд даражасига етишувимга қарамасдан, шу билан бирга, у кишининг мулозаматидан ор қилмайман, балки агар муяссар бўлганда эди, кўпдан-кўп хизмат шартини бажо келтириб, ўзимни у кишининг қуллари жумласидан санардим". Мажлисдагилар бу сўзларни эшитиб, ул ҳазратнинг ахлоқ ва тавозуъларидан таажубландилар. У мажлисда ўтирган Амир Султон Ҳасан хижолат чекди. Жаноби Мавлавий қаттиқ уялди ва у беъмани даъводан кечди"/1155, 96-97/.

Навоий яратган қаҳрамонлар ҳам фақр тавозуъсида унинг ўзи каби юксак даражада эдилар. Чунончи, Фарҳод денгиз тўғони туғайли яқинларидан ажралганда, уни қутқарган савдогарларга ўзини шаҳзода деб эмас, хўтанлик оддий савдогар тарзида таништиради. Ширин юртига келганда ҳам ўзининг кимлигини айтмай, энг аввало, оддий одамларга кўмаклашишга бөл бoғлаб, ариқ қазишга киришиб кетади. Фарҳодни илк марта кўрган Хусрав унинг кимлигини суриштирганда шундай жавоб олади:

Деди бедилки: от аҳли эмасмен,

Отим тутмоққа доғи арзимасмен.

Қазодин уйла туғроқ ўлди зотим,

Ким ул туғроқ аро гум бўлди отим.

Ичимга ишқ ўтидин тушкали дуд,

Не отим, балки зотим бўлди нобуд/1.109, 301/.

Демак, ҳақиқий ишқ одамни фақр йўлига бошлайди. Фақр эса инсоннинг ўзлигини йўқ қилиб, уни хоксорликда камолга етказди.

Мажнун ҳам ғақр хоксорлигида шу қадар юксакка кўтарилганки, унда инсоний ваҳшатдан ҳеч нарса қолмаган. Шу сабабли ҳатто ҳайвонлар ҳам у билан дўстлашиб кетишган. У қайси қумга қадам босмасин, бир дашт кийиги унга эргашади. Даштда ҳамиша чор атрофини кийиклар ўраб олар, ўзи эса доим ўртада чўпондек юрарди. Чунки ишқ унинг вужудини эритиб, ғақрни камолга етказган, натижада, унда инсоний ёвузлик йўқолиб, ваҳшат ҳам барҳам топган. Бу эса уни шу қадар хоксор этган эдики, ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам ундан қўрқмайдиган, балки яқин рафиққа айланган эди.

Дарвоқе, Фарҳоддаги хоксорлик уни занжирбанд қилиб қўриқлаётган посбонларда ҳам унга нисбатан меҳрибонлик, рафиқлик пайдо этган эди. Чунки ғақр меҳрибонликни юзага келтиради. Зотан, унинг ботиний маъноларидан бирини кишиларга меҳрибонлик, ҳамма билан яхши муносабатда бўлиш, одамларга дўстлик ва қадрдонлик ташкил этади. Шу жиҳатдан Навоий ғақр калимасини рифқ, яъни меҳрибонлик билан, ғақирсўзини эса рафиқ, яъни дўст, ўртоқ ва ҳамдард сўзлари маънолари билан боғлаб, ғақр истилоҳининг маъно доирасини кенг тушунтиргани диққатни тортади. Навоийнинг "Ғақр таърифидаким, рифқ била мувофиқдурур ва ғақир ҳуруфи рафиқ била мутобиқ" сарлавҳали қитъасида ғақр маъносининг шундай шарҳини кўриш мумкин:

Айни рифқ айла гумон, ғақрни анинг бирдур,

Ғарф ҳариккисиға яхши гар этсанг таҳқиқ.

Жамъи ҳам бирдурур инанк фуқарову руфақо,

Сийгаи муффади ҳам айни ғақир ўлди рафиқ.

Бор ишорат ангаким рифқу мавосодур иши,

Ғар муҳолиф эл ила ғақрга топқон тавфиқ.

Поя мундин бийик ўлмаски рисолат хатми,

Ғақрнинг нисбатида ғаҳрга қилди тасдиқ/1.105,512-513/.

Навоийнинг ғақрни рифқ билан боғлашининг сабаби бор. Улуғ

шоирнинг фикрича, фақр йўли шундайки, унга кирган киши ҳамма билан яқин бўлиши, ҳаммага суюқли бўлиши ва ҳеч кимга қарши бормаслиги, нифоқ йўлини тутмаслиги лозим:

Толиби фақр бор эрсанг барча била мувофиқ ўл,

Сен киму эътироз ким аҳли замон нифоқиға/1.104,416/.

Бунинг учун эса фақрдаги ҳилми эгаллаш лозим бўлади. Ҳилмулойимлик, табиатан юмшоқлик. Унинг маъноси меҳрибонликка яқин. Чунки унинг ҳар иккиси ҳам раҳм ва раҳмдилликка алоқадор.

Навоий ҳилми нақшбандийлик тариқати одоби доирасига киритган эди. Чунки ҳилм фақрнинг муҳим жиҳати ҳисобланиб, уни эгаллаган солиқнинг фақирлик даъво қилиши ноўрин бўларди. Навоийнинг ўзи ҳилмда шу даражада камолга етган эдики, ҳатто чумолига ҳам озор беришни истамасди. Воқеан, Хондамирнинг ҳикоя қилишича, кунларнинг бирида намоз ўқиётиб елкасида ўрмалаб юрган чумолини кўрган Навоий, унга озор етмаслиги учун ҳаракат қилиб, намоздан сўнг уни ўз уясига етказди-ю, таскин топади/1.155,91-92/. Навоийнинг пирлари Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, дўсти Паҳлавон Муҳаммад кабиларда ҳам фақрнинг юқорида тилга олинган хусусиятлари мавжуд комил инсонлар эдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, Навоий улар қаторида Ҳусайн Бойқарони ҳам кўришни истаydi. Шу сабабли ўз асарларида фақр йўлини тутган шоҳлар ҳақида қайта-қайта тўхталиши бежиз эмас эди. Чунончи, Иброҳим Адҳам бунинг ёрқин далилидир. Навоий "Насоим улмуҳаббат"да Жомийнинг Иброҳим Адҳам ҳақидаги фикрларини таржима қилиб ёзади: "...оти ва нисбати Иброҳим Адҳам бинни Сулаймон бинни Мансур Балхий. Мулуқдин эркони худ машҳурдур. Йигитликда тавба тавфиқи топди. Бир кун овға борадур эрди. Хотифе нидо қилдики, эй Иброҳим, сени бу иш учун яратмайдурлар. Бу сўздин анга

огоҳлиғ юзланди ва мулк таркин қилиб, бу тоифа тариқин ихтиёр қилди..." /1.96,78/. Бу ўринда подшоҳнинг ов учун яратилмаганлигини таъкидлаш бежиз эмас. Бунинг сабаби шундаки, Навоий чексиз ишонган Ҳусайн Бойқаро шоҳга муносиб бўлмаган майхўрлик, кабутарбозлик, кўчқор ва хўроз уриштириш сингари ишлар билан шуғулланарди. Бу ҳақда Бобур ҳам гувоҳлик беради /1.24,222-223/. Филҳақиқат, мамлакат подшоси учун бундай ишлар нолойиқ эди. Шу боис Жомийда ҳам, Навоийда ҳам "сени бу иш учун яратмайдурлар" жумласининг махсус таъкидланиши Ҳусайн Бойқарони огоҳликка чақириш ишораси дейиш мумкин.

Навоийнинг фикрича, подшога бачканалик қанчалик ярашмаса, худбинлик ҳам шу қадар нолойиқдир. Худбин шоҳ ҳеч нарсага эришмайди. Улуғ шомр бу фикрини ҳам Иброҳим Адҳам интилиши мисолида далиллайди. Иброҳим Адҳам шоҳликдан воз кечиб, ўзини Ҳаққа бағишлагач, Каъбани тавоф қилиш учун ўн тўрт йил йўл босади ва ҳар қадамда икки ракаат намоз ўқиб боради. Аммо Маккага етгач, Каъбани кўрмайди. Каъба Ҳаққа бериё муҳаббат билан интилган Робиа Адвия истиқболига чиққан эди. Чунки Иброҳимнинг намозида худбинона тама бор эди. Шу сабабли у Ҳақ олдида қадр тошмади /1.108,118-120/.

Навоий фикрича, барча кишилар ва хусусан, шоҳ тамадан пок бўлиши керак. Чунки тама нафсдир. Шу сабабли ёмонликлар ундан юзага келади. Тама мавжуд экан факр йўли тўсилади. Тамадан қутулиш учун Аллоҳни қалбга жойлаш зарур. Воқеан, Навоийнинг Баддиуззамон мирзога ёзган мактубларидан бирида: "саъй қилилсаким, жамъи умурда тенгри таоло ёдидин гофил бўлулмаса" дейиши ҳам шунга ишора эди /1.94,133/.

Ўрни келганда қайд этиш лозимки, Бобурнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаро олижаноб фазилатларга эга эди. Аввало, у "шужоъ ва мар-

дона киши эди". Иккинчидан, гоят камтарона кийинар, хатто "...ийдларда кичик сепеч дасторни ян-ясси ёмон чирмон чирмаб, қарқара ўтағаси санчиб, намозга борур эди". Учинчидан, "ҳарроф ва хушхулк киши эди. ...сўзи ҳам хулкидек эди". Тўртинчидан, адолати кучли эди. "Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурсан учун қонлиқларига тоштуруб, дорулқазога йиборди". Бешинчидан, "таъби назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди"/1.24,222/. Бундан ташқари, унинг илм, адабиёт, санъат ва ҳунар аҳлига ҳомийлиги, ободончиликка эътибор бериши, тинчликни барқарор сақлашга интилиши ва гоят фуқаропарварлиги ҳам машҳур эди. Ҳусайн Бойқародаги бу яхши фазилатларнинг шаклланиши ва барқарорлашувида Абдурахмон Жомий, Хожа Аҳрор Вали сингари нақшбандийлик силсиласи муршидларининг таъсири кучли бўлганлиги шубҳасиздир. Чунки Ҳусайн Бойқаро ҳам нақшбандийликни қабул қилган ва унинг қонун-қоидаларини ўз амалий фаолиятининг дастурига айлантирган эди. Шунинг учун ҳам Ҳусайн Бойқаро Навоий билан қилган суҳбатларининг бирида шундай деган эди: "Мен подшоҳлик ишлари билан шуғулланишдан кўл тортадиган бўлсам, Шайх Нажмиддин Кубро мазорида турман ёки Хожа Абдуллоҳ Ансорий остонасини супурувчи бўламан"/1.99,96/. Навоийнинг ўзи ҳам шундай фикрда эди. Воқеан, 1499 йилда давлат ишларидан бутунлай воз кечгач, Ҳусайн Бойқародан Ҳирот четидаги Гозургоҳ деган жойга кўмилган Хожа Абдуллоҳ Ансорий қабри жорубкашлигини сўраб олади ва у ерда умрининг охиригача фақр тариқини ихтиёр этади. Гарчи бу нарса Ҳусайн Бойқарога насиб қилмаган бўлса-да, аммо у шоҳлик фаолияти давомида фақр йўлидан боришга ҳам интилди. Шунинг учун ҳам Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да Султон Ҳусайн ота тарафидан ҳам, она томонидан ҳам хонлардан бўлса-да, аммо ўзининг олий даражадаги насаби билан

эмас, балки фақр йўлига мансублиги билан фахрланарди, дейди/1.108,67/. Чунки у фақр моҳиятини чуқур тушунган эди. Шу сабабли ҳам "Салтанатдин ҳавасни бас айлаб, Фақр султонлигин ҳавас айлаб" яшар ва шунга интиларди/1.111,64/.

Хусайн Бойқаронинг фақр ва шоҳликни қўшиб олиб боришини Навоий маъқуллайди. Улуғ шоир фикрича, жамият учун шу йўл фойдалидир. Чунки фақат фақр йўлини танлаб, шоҳликдан воз кечишда шахсий манфаат туради. Бунинг бошқаларга нафм тегмайди. Фақрда мустаҳкам бўлиб, мамлакатни бошқаришдан эса давлат ва халқ катта манфаат кўради. Навоий шоҳлик ва фақрга шу нуқтаи назардан ёндошиб, Иброҳим Адҳам йўлига нисбатан Султон Хусайн йўлини маъқуллайди. Шу сабабли Султон Хусайнни хатто ўз орзуси асосида яратган Искандардан ҳам устун қўяди/1.112,70/. Аслида эса Навоийнинг орзуси фақрда комил шоҳ эди. Улуғ шоир бир оз муболаға билан бўлса-да, Султон Хусайнни фақир шоҳ тарзида тасвирлайди:

Шоҳлар қуллуғин кўруб марғуб,
Анга дарвешлик бўлуб матлуб.
Гарчи шоҳларни зердаст айлаб,
Ўзни дарвешларга паст айлаб.
Аждаҳо зўр вақти илгида мўр,
Қила олмай валек мўрға зўр.
Пили гардун қошинда пажмурда,
Пашна лек ўлмай андин озурда.
Туфроғ айлаб фалакни кин чоғи,
Лек аҳли ниёз туфроғи/1.111,60-61/.

Бу тасвирда, албатта, Навоийнинг орзулари ҳам ўз тажассумини топганлиги сезилиб турибди. Муҳими шундаки, Навоийнинг орзу ва интилишлари беҳуда кетмади. Улуғ шоир "Тарихи мулуки Ажам" аса-

рида Эрон шоҳлари фаолиятини ёритар экан, шоҳлик моҳиятини махсус таҳлил этади. Навоий талқинича, шоҳлик аслида огоҳликдир. Бунинг маъноси эса, оламнинг бепарволиги ва олам аҳлининг бебақо-лигини англашдир. Бу—биринчидан. Иккинчидан, барча дабдабалардан воз кечиб, Ҳақ амрига бўйсунидир. Учинчидан, жабр—зулмга барҳам бериб, адолатни барқарор этиш ва барча ишни Ҳақ ризосига мослаштиришдир. Шундай қилган шоҳдан ҳамма рози бўлиб, салтанати ҳам пойдор туради. Бунга эса фақат фақржўйлик ва дарвешжўйлик орқали эришиш мумкин, дейди Навоий. Чунки фақрни эгаллаш огоҳликка етишдир. Шунинг учун ҳам Навоий фақр огоҳлигини қайта—қайта тарғиб қилар экан, шу даражага етган Султон Ҳусайнни махсус таъкидлайди:

Бировгаки рўзи бўлуб шоҳлик,
Замирига солса Ҳақ огоҳлик...
Бўлуб салтанат тахтида фақржўй,
Шоҳ ўлса, вале бўлса дарвеш хўй.
Муни шоҳлик деса эрмас йироқ
Ки, гафлатдин огоҳлик яхшироқ.
Вале қилмади шоҳлардин киши
Ки, бу иш эрур Шоҳ Ғози иши/1.95, 235-236/.

Бироқ ўрни келганда шунини алоҳида қайд этиш лозимки, фақр моҳияти юқорида эслатилган жиҳатлардангина иборат бўлмай, унинг маъно доираси ниҳоятда кенгдир.

"Фақрнома" муаллифининг ёзишича, Муҳаммад найғамбар илк фақрлардан бўлган Ҳазрат Алига фақрнинг қирқ мартабасини эслатган/1.168, 13/. Уларнинг ўнтаси мақом, ўнтаси нур, ўнтаси йўл ва ўнтаси ўриндан иборат. Фақр мақомида қаноат, ҳар балога бардош, Ҳаққа хизматкорлик, тан азобларига чидаш, ўз аҳволига ҳайрат, риё-

зат, очлик, ҳалокат, кўнгиш рамлиги ва Аллоҳ висоли мавжуд. Фақр нурида сидқ, сабр, шукр, фикр нури/фикр поклиги/, зикр нури, намоз, рўза, ёмон-садақа ва жони пок нури/Ҳақ инояти/ акс этади. Фақр йўли эса тавба, ёзуқлардан сақланиш, ёмон ишлардан пушаймонлик, одам ишларига ҳайрат, хорлик-зорлик, Аллоҳдан дўстлик тилаш, ёмон йўллардан қайтиш, Аллоҳ зикри билан шугулланиш, тафаккур/Аллоҳ-ни мушоҳада қилиш/ ва фано бўлишдан иборат. Фақрдаги ўрин фақирлик, ҳикмат/Ҳақ сирини англаш/, адл, эҳсон, сатторлик, омонат /аҳдга вафо/, таслим кабилардир.

Фақрнинг бу мартабаларини солиқ шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларида бажаради. Кўринадики, фақр солиқнинг солиқлик фаолиятини тўлалигича қамраб олади. Бу нарсага ҳар ун мартабанинг боши ва охирида ишора бор. Чунончи, ун мақомнинг биринчиси қаноатдан бошланса, охириги Ҳақ висолига етиш билан тугайди. Шунингдек, ун нурнинг биринчиси тўғрилиқ, охириги Аллоҳга етиш, ун йўлнинг боши тавба, охири фано, ун ўриннинг аввали фақирлик, сўнггиси эса Ҳаққа ўзини топшириш. Барчасида фақр фано билан якунланади. Шунинг учун ҳам Навоий "ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт" деган эди/1.104,575/.

Улуғ шоир фақр фаносига юқоридаги мартабаларни жойлайди ва уларни ўзликдан кечиш ифодасида акс эттиради. Чунки бу ифода роят кенг тушунча бўлиб, Ҳаққа интилган солиқнинг бутун фаолиятини белгилаб беради. Фано эса фақрнинг сўнгги мартабаси. Унга-ча юқоридаги талабларнинг барчаси тўла амалга оширилиши лозим. Улар фақрнинг ботиний томонларидир. Шу билан бирга, юқорида айтганимиздек, фақрнинг зоҳирий жиҳатлари ҳам бор бўлиб, солиқ уларни ҳам тўла бажариши зарур. Улар зоҳир иши бўлганлиги учун фақр одоби ҳам деб номланади, чунки уларда асосан фақрнинг ахло-

кий ва нафсоний жиҳатдан шаклланиши кўзда тутилган. Улар ҳар қандай сўзга сукут этиш, пир олдида одобни сақлаш, одамлар билан муомалани яхшилаш, илм аҳлини қадрлаш, нафсни тийиш ва беҳуда орзуларни тарк этишдан иборат.

Фақрнинг ботиний ва зоҳирий талаблари ихтиёрий равишда, миннатсиз ва пинҳона бажарилиши керак. Воқеан, Муҳаммад Ғаззолийнинг ёзишича, машҳур сўфий Абдуллоҳ Ҳафиф ҳам фақирга шундай таъриф берган: "Ўз сирини яширган ва Аллоҳ фарзларини бажарган киши фақирдир"/2.11,65/. Саъдий Шерозий/1184-1292/ эса бу фикр-ни тўлдириб, фақир вазифаларини ҳам кўрсатиб беради: "Дағи фақирлар тариқи зикру шукр дурур, дағи хидмату тоат ва исор ва қаноат ва тавҳид ва таваккул ва таслим ва таҳаммул. Ҳар кимда бу васфлар бор ул фақир дурур"/1.141,233/. Нақшбандийликда ҳам фақрнинг шу талабларини тўла, лекин пинҳона бажаришга эътибор қаратилган. Нақшбандийлик муршидлари бунга қатъий риоя этиб борганлар. Чунончи, Навоий ўз муршиди Жомийнинг фақр тариқини пинҳона бажарганини қайд этади: "...алар ғайри мақсуди аслий ҳар навъ суратдаким, ўзларин кўргузув эрдилар-барча ўз ҳолларининг пардаси ва рўйпўши эрди"/1.95,12/.

Фақр тариқини ихтиёр этган Сайид Ҳасан Ардашөр ҳам, Паҳлавон Муҳаммад ва Навоийнинг ўзи ҳам фақирликни шу йўсинда бажарар эдилар. Чунки нақшбандийликда зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан шиори амал қилар, шу сабабли нақшбандийларда ташқи жиҳатдан маломатийлик намоён бўлса-да, ички фаолиятда фақрга риоя собит эди. Дарвоқе, Навоийнинг ўзи ҳам "...ёшлиқдан ўсиб-унган даври давомида дунё ва ундаги нарсалардан илтифотсизлик энгини силкиган, ҳеч қачон ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат губорини, бу дунё ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган. Доймо талабгор нафсни машаққатли ва тоқатдан ташқари ишларга маж-

бур қилган, саркаш таъб оти жиловини риёзат билагини кучи билан хаво ва хавас майдонидан қайтариб олган"/1.155,63/. Хондамир Навоийнинг бундай олижаноб фақирлигига сабаб, унинг "шариф хотири фақр ва фано йўлини ушлашга мойил бўлганлигидан" дейди/1.155,63/. Шунинг учун ҳам бошқалар мансабга интилаётган бир пайтда, у мансабга хушламай муносабат қилар, ўзгалар нафс йўлида мол-мулк тўплаш ва айш-ивратга берилган бир вақтда, у хатто ўзининг беҳисоб давлатига ҳам бепарво қарарди. Чунки у ўзининг таъбири билан айтганда, "ўзлик иморатини вайрон" қила олган эди. Шу сабабли "...ҳашамат ва эътибор байроғи юксала берса-да, тавозуъ ва камтарлиги ортгандан орта борди. Ҳарчандки, бу саодатли зотнинг шавкат ва ихтиёр ниҳоли кўтарила борган сари шикаста нафслик ва фанийликка кўздан-кўп урилиб, ўзини паст туттиш ва арзимасликдан дам урарди"/1.155,93/. Бу эса улур шоирнинг фақр йўлига кирганларга фано шарт, деган фикрининг ўз шахсиятида ҳам акс этишига уринганлигини кўрсатади. Чунки ҳамма нарсада фанога эришмай, фақр манзилини тўла босиб ўтиш мушкул. Навоийнинг "фанийликка кўздан-кўп урилиб", уни тўла эгаллашга интилишига ҳам сабаб шу эди.

Улур шоир талқинича, фақр фаносига етишдаги асосий тўсиқ ўзликдир. Шу сабабли "Фақр водийсига кирган ташласун ўзлук юкин Ким, қилур йўл қатъин осонроқ неча бўлғой енгил"/1.105,273/. Чунки фақру фанодан мақсад бақога етиш экан, "Истасанг мулки бақо, салб қил ўзлукни бурун Ки, сулук ичра фано аҳлига будур услуб"/1.107,36/. Бунга риоя этмаган солиқ эса манзилга ета олмайди. Чунки фақр водийсида ўзликдан кечилмаса, "Йўл узундур, бу оғир юкни кўтарган товшалур"/1.107,107/.

Ўзлик юки шунинг учун ҳам оғирки, ҳаво ва ҳавасларни ўз ичига қамраб олади. Шунинг учун ҳам у фақр йўлидаги солиққа ғоят оғир юқдир. Бу йўлдаги энг биринчи иш ниятни пок туттиш ва ҳеч нарсага чалғимасликдан иборат. Бошқача айтганда, инсон ўзини тўғри йўлга сола билиши, фақирлик йўлида қатъий кетишга қарор қилиши лозим. Шундан сўнггина унга фано ели нафаси уради. Агар фано ели етса, "фақр куйида бурун қилмоқ керак сен ўзни хок"/1. 106, 235/. Зеро, фақр фаносидаги талаблардан бири ҳам шу, яъни ўзини ҳеч нарсага арзимайдиган ҳолатга етказишдир. Шу ҳолатга етмас экан, солиқда нафс голиблиги сақланиб қолаверади. Фониёлик эса, Навоий талқинича, ҳасча ўзликни ҳам ўзига сирғидира олмайди. Шу сабабли:

Кул қил ул хасни фано оташгаҳига ташлабон,

То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом/1.104, 338/.

Фақр йўлида ўзликдан батамом қутулиш учун ҳам тилда, ҳам дилда тавба қилиш зарур. Чунки "ба роҳи фақр аз тавфиқи Ҳақ бошад нишон тавба", яъни тавба фақр йўлида Ҳақ кўмагидан нишондир, дейди Навоий/1. 91, 284/. Воқеан, солиқнинг сўфийликдаги илк фаолияти ҳам тавбадан бошланиши бежиз эмас, ахир. Зотан, солиқ ҳам шариат, ҳам тариқат тавбасига етгач, ундан сўнг албатта, вараъ, зухд, сабр, шукр, таваккул, ризо, хавф, ражо каби мақомларга ҳам етади. Бу жараёнда тавбадан сўнг шукрга риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ шукрга риоя қилиб, на тилда, на дилда шикоятга ўрин бермаса, фақр йўлидаги мақомларни мукаммал босиб ўтади. Бу эса ўзлик юкининг енгиллашиб, унинг фанога боришига кўмаклашади. Акс ҳолда "...фақрдан бебаҳрадур юз гам етиб, соликеким шукр боринда шикоят айласа"/1.105, 22/.

Демак, шукр фақр йўлидаги муҳим мезон ҳисобланади. Чунки бош қа мақомларнинг тадрижан қўлга киритилиши солиқ шукрининг комиллигига боғлиқдир. Шунга қарамай, у асосий мақом бўла олмайди. Чунки шукрни ҳам Навоий фақр доирасига киритади. Бугина эмас, улур шоир нақшбандийликдаги тавба, вараъ, зуҳд, сабр, хавф, ражо, таваккул ва ризо мақомларини ҳам фақр доирасига киритади. Гарчи Навоий фақрнинг ўзини ҳам мақом сифатида талқин этса-да унга нақшбандийликдаги бош мақом даражасини беради. Бундай фикр Навоийнинг ўзигагина тегишли бўлмай, у умуман нақшбандийлик силсиласи марказига қўйилган бўлиб, унинг барча қонун-қоидалари шу мақом билан боғланган ҳолда олға суриларди. Бунинг сабаби шунда эдики, фақр мақоми мазмунида халқона руҳ ҳукмрон эди. Уни эгаллаш, соддароқ айтганда, фақат сабр-тоқат билан кун кечиришга тарғиб этишгина бўлиб қолмай, шунингдек, оддий халқ билан яқин бўлиш, омма қаби меҳнат қилиб, ҳалол ва пок яшашга даъват ҳам эди.

Энг муҳими, фақр амалий фаолият билан боғлиқ эди. У муршиднинг панд-насихатлари асосида эмас, балки соликка бевосита таъсир қиладиган ибратли ҳаёти заминида шакллантирилларди. Шунинг учун муршидларнинг ўзи ҳам фақрга қаттиқ риоя этишарди. Чунончи, Муҳаммад Боқирнинг ёзишича, фақири комил Хожа Баҳоуддин "...хужраларида бир эски буйра, синиқ кўза бўлиб, ажиб бир аҳволда кун ўтказар, ҳалол ризқ талабида кўп эҳтиёткорлик этар, ҳатто замбаркашлик қилар ва шу меҳнатдан келган фойдага ҳам илтифотлари йўқ эди"/1.40,54/.

Фақр солиқни ана шундай фониини мутлаққа айлантириб боради. Унда фақирона яшаш кундалик табиий турмуш тарзига айланади. Энг муҳими, қалби мусаффолашади ва солиқ тўла Ҳақнинг дўстига айланади. Ҳақнинг дўстига айланиш вужудни адам этиш, яъни тўла фано

майини сиқоришидир. Чунки "Фонийи мутлақ ўлмайин солиқ, Анга йўқтур умиди мақсади кулл"/1.104,541/. Демак, фақрда фанойи лақ бўлмай, асл мақсадга етиб бўлмайди. Асл мақсад эса Ҳа соли, яъни вужуд ваҳдатига эришишидир. Бу бақо манзилидир. Шундан кейин келади. Шунинг учун ҳам унга етиш қийин. Унинг қийинлиги шундаки, бунда солиқ фақр фаносига тўла етиши, бошқача айтганда, ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан ўз ўзлигига батамом барҳам бериши зарур. Агар шу даражага етса, бақонинг унга мушкуллиги қолмайди. Буни Навоий ҳам қайд этиб, "...дема иқболи бақо мушкил эрур, фоний ўлганга эрур ушбу иш осон асру", дейди/1.104,395/.

Бақо иқболи фанога борлиқ. Фаноси комиллар бақога етади. Фаноси ноқислар эса бақодан бебаҳра қолади. Демак, вужуд ваҳдатида фано роят муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам тасаввуфда фанога катта эътибор қаратиларди. У ҳақдаги фикрларнинг хилма-хиллиги ҳам шундандир. Чунки унинг мазмун моҳияти ниҳоятда кенг бўлиб, ҳалигача мукаммал тадқиқ этилган эмас. Зеро, бу роят қийин ишидир. Чунки адабиётшунос И. Ҳаққулов тўғри қайд этганидек, "Фано-тасаввуфдаги энг мураккаб ва чалқаш масалалардан"/1.202,26/. Филҳақиқат, Навоийнинг ҳам ўз шеърларидан биринда ундан фанонинг маъносини сўраганларга жавобан, қисқача айтсам, ўлмак, лекин унинг шарҳи юзлаб рисола бўлади, деб ёзгани бежиз бўлмаган/1.106,143/. Ҳақиқатан ҳам фанонинг ўз маъноси ўлиш, йўқ бўлиш, тугалиш, вақтинча, ўткинчи, абадий эмас кабилардан иборат. Дарвоқе, Навоийнинг Фоний, Фаной тахаллуслари ҳам шу сўздан ясалган бўлиб, ифодаси фано сўзидаги маънолар билан ҳамохангдир.

Фано Қуръонда ҳам бор ва бу сўз у ерда ҳам муваққатлик маъносида қўлланган: "/Ер/ юзидаги барча жонзот фонийдир"/"Раҳмон"

сураси, 26-оят/.

"Ғиёс ул-дуғот"да ҳам ғано сўзи ўтиш, узилиш, тамом бўлиш, йўқлик ва йўқ бўлиш тарзида изоҳлангач, Муҳаммад Ғиёсиддин бу сўзга сўфийлар муносабатини ҳам кўрсатиб ёзади: "Ғано ... сўфийлар наздида нарсалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятсизлиги, аммо азалийлик /Аллоҳ/ ҳамда муваққатлик/маҳлуқот/нинг фарқланишидир"/2.35,119/ Бoshqача айтганда, ғано олам ва ундаги барча маҳлуқотнинг муваққатлигини билдиради. Бунда, хусусан, инсон, унинг ҳаёти ва воқелик билан алоқасининг ўткинчилиги кўзда тутилади. Бундан ташқари, ғанонинг тасаввуфий маъноси ўзликдан кечиш, ундан ихтиёрий равишда бутунлай қутулиб, покланган ҳолда Аллоҳга сингишни, яъни ваҳдат ул-вужудни ҳам ифодалайди. Зеро, Навоий ҳам ғанонинг мазмун моҳияти роят кенг деса-да, аммо унинг асосини ўзликдан кечишда кўради:

Ким ғано даштига кирди, ўзни ҳамроҳ этмасун,

Қатъ чун бўлмас бу йўл, ўзлуктин ўлмай мунқатеъ/1.107,

201/.

Ўзликдан кечиш нимани билдиради? Навоий бу иборани турли шеърӣ санъатлар, хусусан, ташбеҳ, истиора кабилар орқали кенг шарҳлайди. Улуғ шоирнинг талқинича, ўзликдан кечиш, энг аввало, ўзини тупроқ билан тенг қилишдир. Бунинг маъноси шуки, солиқ ўзини ҳамма нарсада ҳаммадан паст тутиши, лекин хоксорлик, камсуқумлилик ва оддийликда барчадан юксак бўлиши лозимдир. Демак, солиқ тупроққа айланган сари юксакликка кўтарилади. Шунинг учун:

То танинг авжи ҳаёт устидадур сен хок бўл,

Истасангким авж тутқайсен танинг бўлганда хок/1.104,

263/.

Навоий ғано хоксорлиги билан кибрни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, такаббурлик оқибатини шайтон ҳаёти орқали далиллайди.

Шайтон ғаришта эди. У Ҳаққа бўйсунмагани учун илохий иноятдан бенасиб бўлди. Унинг даргоҳидан бадарга этилди. Бугина эмас, кибр уни тубанликка гирифтор этди. Натижада, у Ҳақ ва халқ нафратига дучор бўлди. Шу сабабли, дейди улур шоир, шайтон қанча тоат-ибодат қилган бўлмасин, ўзидаги кибр оқибатида ҳеч нарсага эришмади/1. 105, 49/. Кибр ҳатто шайтонни ғаришталикдан маҳрум этган экан, инсон ҳам ўзлигини буткул фаний этмаса, мўъжиза кўрсатса-да, уни комил инсон, деб бўлмайди. Навоий бу нуқтани махсус таъкидлайди:

То ўзунгни хасча кўргунгдур эмас сен одамий,

Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром/1. 104, 338/.

Шундай экан:

Истасанг мулки бақо, салб қил ўзлукни бурун

Ки, сулук ичра фано аҳлига будур услуб/1. 107, 36/.

Зотан:

Биравки касби фано қилди, кўкка қўйди қадамни,

Буму забун анга ё ул мунунг забуниму эркин?/1. 107, 324/.

"Касби фано" ғоят кенг тушунча. Демак, ўзликдан кечин биргина хоксорликни эгаллаш ва такаббурликдан қутулиш билан чегараланмайди. Зеро, улур шоир айтганидек, "фано йўли, Навоий, бас қотикдур"/1. 106, 369/. Маълум бўладики, ҳали олдинда ўзликдан кечин ранжи кўп. Шулардан иккитаси ғоят оғир, лекин зарур ранждир. Улардан бири нафсни жиловлаш, иккинчиси фақр йўлини тутиш.

Ўзликдан кечин жараёнида солиқ учун энг машаққатли иш унинг ўз нафсига қарши курашидир. Бу кураш шунинг учун қийинки, у бутун умр давом этади. Фақр йўли ҳам шундай. Нафсни енгиш ва фақрга эришиш солиқ учун жаҳонни забун қилишдир. Жаҳонни забун қилиш эса дунёга мухаббат қўймаслик. унинг барча неъмат ва лаззатларидан воз кеча олишдир. Аммо шуниси ҳам борки, ақл ҳамиша ҳам буни ўзига

сингдира олмайди. У фақат қалбада ўз ечимини топа олади. Чунки фано қалб иши. Ақл бу йўлда ақила, яъни ожиздир.

Навоий талқинича, ақл, умуман ваҳдат ул-вужуд сирини билишга ожиздир. Чунки ақл таҳлил, қиёс, ҳис даражасидаги нарсаларни била олади, холос. Шу сабабли мақсадга етишнинг асосий йўли ўзликдан кечиш ва фано дир. Зотан, ўзликдан кечиш вужуд ва руҳни поклайди. Натижада, инсон илоҳий нурга бурканади. Бироқ фанийлик йўли, бу ўзини бутунлай унутиш ва фидойилик йўлики, унга мажнунвор кирмай манзилга етиб бўлмайди:

Кирсанг фано тариқиға, девонавор кир,

Ул ваҳдинки, ақл бу йўлда ақиладур/1.106,111/.

Шариат арконини бажариш, тариқат мақомотини босиб ўтиш ва маърифат илмини эгаллашга ҳаракат ҳам аслида фанога етиб, ваҳдатга киришиш йўлидаги интилишлардир. Шу сабабли Ғаззолий фано энг юксак даражадаги ҳол, дейди/3.35,334/. Унингча, инсон ҳол жараёнида фанога етади, холос. Аммо инсон руҳи Аллоҳга тўла қўшилиб ва бирлашиб кетмайди. Чунки инсоний руҳ илоҳий руҳга айлана олмайди. Бироқ фанода қўнғил ҳиссий дунёни қабул қилиш қобилиятини йўқотиб, манбадан нур олиш даражасига етади. Шундай қилиб, у ваҳдат ул-вужуддаги фанони рад этади. Чунки фанони соф тасаввуфий нуқтаи назардан эмас, балки ислом таъсирида баҳолади. Бу эса Жунайд Барқоддийдан бошланган муътадиллик йўли эдики, Ғаззолийнинг ислом ва тасаввуфни муросага келтириш фаолияти жараёнида барқарорлашганди.

Навоий эса фанони тасаввуф нуқтаи назаридан баҳолайди. Шу сабабли "фано баҳрига чўммоқдин ғараз толибга васл ўлди", дейди /1.106,70/. Демак, уллуғ шоир талқинича, фанога интилган солиқнинг

сўнги мақсади ёр-Аллоҳ висолига етиш, унга восил бўлиш, яъни вужуд ваҳдатига қўшилишдир. Адабиётшунос И. Ҳаққулов ёзганидек, бу қуйидагича юз беради: "Вужуди мутлақ билан бирлашиш, яъни тавҳид, вужуднинг вужуд билан қовушишимас, балки инсон руҳининг илоҳий руҳга қўшилиб кетишидир"/1.202,30/.

Икки руҳнинг шу тарздаги бирлашишга етиши фонийликдир. Бу эса бақога олиб боради. Бақо фонийликдан кейинги абадийликдир. Фанога етган бақога ҳам етади. Чунки солиқ учун бақонинг ўзи ҳам фано дир:

Боқий топар улки, бўлди фоний,

Роҳравра бақо фано бўлунтур/1.104,145/.

Бақо, яъни боқийлик ёки абадийлик аслида Аллоҳга тегишли. Бу ҳақда Қуръонда шундай келтирилади: "Буюклик ва қарам соҳибни бўлган Парвардигорингизнинг юзи-ўзигина боқий-мангу қолур"/"Раҳмон" сураси, 27-оят/. Солиқнинг ҳам орзуси ана шу боқийлик, мангудан баҳраманд бўлишдир. Унинг фанога интилишдан асосий мақсади ҳам шудир.

Солиқ фанога етгач, ўз орзусига яқинлашади. Бунинг учун эса фонийлик талабларини мукамал бажариши лозим бўлади. Яъни, биринчидан, Аллоҳга қарши ҳаракатларга барҳам бериш. Бу борадаги энг ёмон ҳаракат Ҳаққа ширк келтириш бўлиб, ундан сақланиш лозим. Иккинчидан, ҳаёлдаги инсоний орзуларга барҳам бериш. Чунки инсоний орзуларнинг барчаси нафс билан боғлиқдир. Учинчидан, ҳайвоний хусусиятларни йўқотиш. Зеро, унинг асосида одамийликдан узоқ хатти-ҳаракатлар мавжуд бўлади. Тўртинчидан, ўзининг шахсий мавжудлигини унуттиш. Чунки ўз мавжудлигини унутмаслик ҳам нафсга боғланишдир. Бешинчидан, моддий оламдан узилиш. Кўнгилда дунёга меҳр сақланар экан, фано ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ол-

тинчидан, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан воз кечиш. Еттинчидан, барча боғланишлардан узилган ҳолда Аллоҳни мушоҳада этиш. Демак, юқоридаги талабларда инсоний ўзликнинг турли даражалари умумлашган бўлиб, улардан қутулиш Ҳақ мушоҳадасига етказди. Бироқ ўзликдан қутулиш солиқ учун чексиз риёзатдир. Шунга қарамай, солиқ уларга барҳам берса фанога кўтарилади ва тавҳид сиридан воқиф бўлади.

Тавҳид сўфийнинг ўз иродасини тўлалигича Аллоҳга бўйсундириб, ўзликдан бутунлай воз кечган ҳолда, ҳамма нарсада Ҳақни унинг ўз нигоҳи билан мушоҳада этиш даражасига кўтарилишдир. Бу тасаввуфнинг моҳиятини ҳам ифодалайди.

Илоҳийликка этиш фанонинг бақоси ҳисобланади. Фанога этиш солиқнинг халқдан Ҳаққа сайри бўлса, бақога кўтарилиш эса Ҳақдан халққа сафаридир. Чунки бақога етган сўфий илоҳий сирдан воқиф комил инсонга айланади. У энди Ҳақ тимсоли сифатида одамларга йўлбошчилик қила олади. Уларга ўзидаги илоҳий билимдан таълим ва тарбия бериб, жамиятнинг поклиги, тинчлиги ва фаровонлиги учун масъул қутб вазифасини бажаради.

Навоий фанони инсоний ўзликка барҳам бериш натижасида рухий покликка кўтарилиш, бақони эса илоҳий ўзликни топиш ва халқни поклик оламига йўллаш тарзида ҳам талқин этади. Бу фано ва бақонинг дунёвий мазмуни сифатида юксак аҳамиятга эга эди. Шу сабабли улур шоир бақо этиб бўлмас мавҳум олам бўлмай, унинг асоси покликка йўналтирилган инсоний ўзликдан кечишда эканлигига диққатни тортган эди:

Эй Навоий, дема иқболи бақо мушкил эрур,

Фоний ўлганга эрур ушбу иш осон асру/1.104,395/.

Урни келганда қайд этиш лозимки, тасаввуфда фано фақат ўз-

ликдан кечиб бўлмай, у ҳатто ўзидан кечини ҳам ифодалайди. Бунда барча сезгилар ҳам сўнади. У ўлим билан баробардир. Бу даражага етган сўфий ҳатто ўзининг бор-йўқлигини ҳам сезмайди. Фанонинг бундай пояси Ҳақ ваҳдати билан борлиқ бўлиб, у жисмоний тугалишни тақозо этади. Тасаввуфда у фанонинг фаноси дейилади-ки, буни Навоий ҳам таъкидлайди:

Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,

Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур ушбу/1.105,367/

Демак, бу хил фано висолга етиш йўлида бошқа тоқат қолмаса юз бериши мумкин. Шу жиҳатдан Мансур Ҳалложнинг одамлардан ўзини ўлдиришларини илтимос қилганлиги эътиборни тортади. У қатлини ҳам мамнуният билан кутиб олган эди. Аммо унинг ўлдирилиши кўпгина Ҳаққа интиланларни, ҳатто Жунайд Бағдодийдек улур сўфийни ҳам эҳтиёткорликка ундагани маълум. Шунинг учун Навоий ҳам бу хил фано ғоят мушкуллигини таъкидлаб, борди-ю, "Кимга бу ўлмак насиб этса худо, Юз туман жон бўйла ўлмакка фидо", дейди /1.92,178/. Дарвоқе, Фарҳод, Мажнун, донишманд Асмаъий пандига қулоқ тутган ошиқ йигит қабила фанонинг фаносига етган восиллар эдики, Навоий таҳсинини уларга нисбат бериш мумкин. Аммо улар фанонинг бу даражасига етгунча, дунёвий ўзликдан тўла халос бўлган эдилар.

Улур шоир фанонинг фаносига таҳсин ўқиса-да, лекин уни тарғиб этмайди. У фанонинг кўпроқ дунёвий томонини маъқуллайди. Бу башарий ўзликдан кечиб фаноси бўлиб, у инсон поклиги, жамият покизалиги ва тараққиёти учун алоҳида қимматга эга эди. Тасаввуф масалалари талқинига ҳам жамият манфаати нуқтаи назаридан ёндошган Навоий фано ва бақони ҳам кўпроқ шу жиҳатдан тадқиқ ва татбиқ этади:

Фано ҳавас қилу факр эт ҳаво Навоийдек,
Вале ҳавову ҳавас, қилмағил ҳавову ҳавас/1.104,191/.

Шунинг учун:

Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,
Яна не суд керак ўзлугунгдин этса халос.
Авомдин, демаким, ўзни қутқарай, эр эсанг,
Ўзунгдин ўзни қутулмоққа жаҳд қилғил хос...
Десанг, бу йўлда ўлай, нафси бурун ўлтур
Ки, ишқ шаръида гўё бу навъ келди қисос/1.104,224/.

Демак, фанонинг асосида ўзликдан қутулиш туради. Бу эса нафс-ни мағлуб этишдан бошланади. Шундан сўнг бақога ҳам йўл очилади. Бақо Аллоҳга этишдир. Чунки юқорида қайд этганимиздек, боқийлик аслида Аллоҳнинг ўзига хос. Солик бу мартабага этиб, Аллоҳга қўшилиши учун фанога эришиши лозим. Навоий ҳам бақони шу тарзда талқин этади:

Фонийи мутлақдурур гар худ бақо,
Истасанг қилмоқ керак ўзни фано/1.92,202/.

Демак, боқийлик истаганлар ўзини фоний қилмоғи керак. Аммо бу ўринда фоний истилоҳининг тор луғавий маъноси бўлган ўлмоқ кўзда тугилаётгани йўқ. Улуғ шоир талқинидаги фано бу ерда қуйидаги тўрт жиҳатдан иборат. Биринчидан, факр фаноси. Бунга кўра солик ўз вужудини инкор эта олиш даражасига этиши лозим. Иккинчиси, сахойи муфрит ва ахийлик фидойилиғи бўлиб, унда солик фано қилишда ҳеч нарсасини дариг тутмайдиган даражага этади. Учинчиси, нафс йўллари билан боғлиқ ўзлик-менлик фаносига этишдир. Ниҳоят, тўртинчидан, рухий-маънавий покликка кўтарилиш лозим бўлади.

Навоий бақога олиб борувчи шу тўрт хусусиятни фанонинг биринчи босқичи ҳисоблаб, уни ўзлик-менликдан қутулиш дея талқин

этгач, Аллоҳни излаганларга нисбатан "Сидқу ихлос ичра иккинчи фано Ёрни қилди аларга ошно" дейди/1.92,216/. Адабиётшунос С.Олимов сидқу ихлосни шарҳлаб ёзади: "...биринчиси—содиқлик, яъни худога, дунёвийроқ маънога буриб тушунтирганда—орзуга, улур ниятга садоқат, фикрдан қайтмаслик; иккинчиси—ихлос, яъни ходига—пирга ихлос қўйиш"/1.123,33/. Фанонинг икки босқичини ифодаловчи шу олти жиҳат мукаммал ҳолатга етгач, солиқ фанийликка ҳам етади. Шунда у ўзининг бақога етганини ҳам англайдики, бунда ваҳдат ул-вужуд ҳам акс этади. Воқеан, Навоий "Лисон ут-тайр"да Ҳаққа интилиш, фақру фано яқунини шундай хулосалаган эди:

Мунда гар яхши тахайюл айласанг,
Ёки иш сиррин тааммул айласанг.
Муттасиф бўлсанг сифотиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила.
Ким сен—ўқсен харнеким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен/1.92,217-218/.

Сўнгги икки байтда ваҳдат ул-вужуд аниқ ифодаланган. Яъни яратилган ҳамма нарсадан асосий мақсад инсоннинг ўзи бўлиб, ундан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас. Чунки у зотнинг мухтасар тафсили, бошқача айтганда, Аллоҳнинг кичрайтирилган, ихчам ифодасидир. Шу сабабли борлиқ мушкулларини англаш ҳам фақат унинг зиммасига тушган. Улур шоир олами кубро—Ҳазрати зот олами сурро—Ҳазрати инсонда муҷассамлигини кўрсатгач, фикрини шундай хулосалайди:

Ўз вужудунга тафаккур айлагил,
Ҳарне истарсен ўзунгдин истагил/1.92,218/.

Бу байтни илмий муомалага биринчи бўлиб олиб кирган машҳур навоийшунос А.Ҳайитметов Навоий талқинидаги ваҳдат ул-вужудни

шарҳлаб ёзади: "...ҳар бир нарсада, ҳар бир заррада, айниқса, ҳар бир одамда худонинг вужуди, иродаси бор. Худо ташқарида эмас, ҳар бир нарсанинг моҳиятида, таркибида. Демак, одамларнинг худони ташқаридан, узоқ жойлардан қидиришлари хато. Очқироқ қилиб айтганда эса, уларнинг ўзи худо. Шунинг учун ўз эҳтиёжига керак бўлган нарсаларни ҳам инсон асосан ўзидан, ўз имкониятларидан қидириши ва топиши керак"/1.195,196/.

Демак, Аллоҳни излаш аслида ўзини излаш, ўзлигини англаш ва дарк этишдир. Ким бунга эришса, у Ҳаққа ҳам етган ҳисобланади. Аммо бунга осонлик билан эришиб бўлмайди. Бу роят оғир риёзатлар йўлидир. Зотан, Ҳаққа етиш манзилларининг кўплиги ҳам бежиз эмас. Фано эса улар орасида висол манзили сифатида алоҳида қимматга эга. Таниқли олим М.Ориповнинг "Лисон ут-тайр"даги сўнги водий-фақру фано ҳақидаги фикрлари шу жиҳатдан диққатга сазовор: "Ҳайрат водийсидан кейинги фақру фано водийси тариқанинг энг юқори манзили-ҳақиқатга етиш ва маънавий бақоли тахтида султон бўлишнинг ифодасидир. Бу водийга юз туман кушлардан фақат ўттизтасигина етиб келади, холос. Улар афвий Симурғни эмас, балки ўзларини кўрадилар. Бундан тасавнинг асосий роҳси-худшунос худшунос, яъни ўзини таниган хутанийди, деган фикр келиб чиқади"/1.128,20/. Ўзини танишда акс этган Аллоҳни таниш, шунингдек, яна Аллоҳга қайтишни, у билан ваҳдатга киришишни ҳам ифодалайди. Бунинг асосида эса мукаммал тарзда ўзликдан кечин туради, унга эришмай фанога ҳам, бақога ҳам етиб бўлмайди:

Ўзлукин ҳар кимки фоний қилмайин,

Ул фанонинг ҳам фаносин билмайин.

Тошмоқ имкон йўқ висолинг қоини,

Ул фанолардин бақо анжомини/1.92,236/.

Шу сабабли ваҳдатга интилиб:

Истасанг мулки бақо, салб қил ўзлукни бурун

Ки, сулук ичра фано аҳлига будур услуб/1.107,36/.

Навобийнинг талқинича, "биринчи касби фано қилди, кўкка қўйди қадамни"/1.107,324/. Демак, ўзликдан кечиш камолотга етказди. Зеро, инсон ўзлик иллатларидан қутулгач покланади ва Ҳаққа яқинлашади. Шу сабабли ҳам инсон ваҳдатга етиш учун ўзини поклаши, ахлоқий, маънавий жиҳатдан шакллантириши зарур. Шу билан бирга, инсон ҳаёт гўзалликларидан покиза равишда баҳраманд бўлиши ҳам лозим, чунки уларда Аллоҳ сифатлари, зуҳури акс этади. Энг муҳими эса, инсон ёвузликни, ёмон феъл-атвор ва интилишларни фаний этиб, илоҳий тажаллиёт акс этган оламнинг бақосига ривож бахш этмоғи керак. Улуғ шоир фано ва бақони шу жиҳат билан ҳам боғлайди.

Бу вазифа фақру фанода камолотга етганлар зиммасига юкланади. Бу даражага етишни истаган солиқ эса фано машаққатларини миннатсиз ва ихтиёрӣ бажаришдан ташқари, унинг машаққатларини мамнуният билан қабул қилмоғи, бутун умрлик фақрдан пайғамбар каби фахрланадиган даражага етмоғи зарур. Бу эса тил изҳори эмас балки дил иқрориди акс этиши лозим. Бундаги тавфиқ фақрдан етиши мумкин, шунда ҳам фақр қалб ишига айланган бўлса. Фақр оддий ҳавас эмас, балки фано йўли мақомига етгач, бақо манзилига тўғри бошлайди.

Адабиётшунос И. Ҳаққулов фақрнинг қалб ишига айлангандан кейинги мартабасини кўрсатиб, ундаги ички моҳиятини шундай қайд этган эди: "Фақр-ҳар қандай моддий манфаатдорликни кўнгилдан сугуриб ташлайди. Фақр-эҳтиёжнинг негизидаги хорликни теран пайқайди. Фақр-Ҳақ маърифатидан ўзга ҳеч нимани талаб қилмайди"/1.202, 183/. Шу сабабли у фаниликдан афзал. Зеро, фаниликка интилиш ин-

сонни фиск, кибр, разолат, жаҳолат ва рие ботқоғига ботирса, фақр эса уни ўзликка мансуб шу иллатлардан тозалаб, пок рухга восил қилади. Шунинг учун ҳам фарзона-оқиллар фақрга интиладилар. Навоий буни алоҳида эслатади, сўнгра "Ҳаҳонда фақр касб эт, майл кўп қилма гино сари Ки, мундин оз этибдур орзу фарзона андин кўп", дея қиёслар билан фақрни тарғиб этади/1.107,52/. Чунки фақр аҳли билан гино аҳлининг мақсад манзили бир-бириникидан тамоми-ла фарқ қилади.

Гино аҳли нафсга мағлуб бўлиб, ўзини ўзлик кишанида ҳалок этса, фақр аҳли эса нафсни мағлуб этиб, ўзлик кишанидан ҳам, унинг барча юқларидан ҳам ўзини ҳалос этади. Натижада, гино аҳли бақосиз оламнинг қулига айланиб, ўз қули билан узини хор этса, фақр аҳли эса бақосиз дунёдан голиб келиб, ўзини фоний этиш билан бақ манзилидан жой олади. Чунки у дунёга пок келиб, яна Ҳаққа пок қайтиш билан боқийликка мансублигини кўрсатади. Бу эса энди Ҳаққа ваҳдат бўла олишга мансубликни ҳам билдириб, фақру фанонинг яқуний натижасини ҳам акс эттиради. Улуғ шоир фақр ва унинг фаносидан мақсад ҳам аслида пок ваҳдат натижасида юзага келувчи бақо эканлигини таъкидлаб, фақр фаносига восил бўлганларда бақо мужассамланган вужуд ягоналиги акс этишини ҳам қайд этган эди:

Дар ин сароча зи ошўби фитна он кас раст,

Ки рахту бори иқомат ба кўи фақр кашид.

Зи фақр салтанати мулки човидонӣ ёфт,

Дигар фалак натавонист гирди ў гардид.

Фанои туст фалакро ниҳояти мақсад,

Ту чун фано бигузидӣ бақо зи пай бирасид.

Фанои хеш ранимат шумор, эй Фонӣ,

Ки боқӣ аст ҳар он к-ў фанои хеш гузид/1.90,296/.

Мазмуни:

Фақр кўйига ўтиб, унда собит турган зот,
Бу дунёнинг фитнаю ғавросидан қутулар.
Бақо мулки салтанатин топса гар у фақрдан,
Фалак унинг атрофида бошқа айланмай қолар.
Фалакка сўнгги мақсад сенинг фаноинг эрур.
Гар фанога интилсанг, ордан бақо ҳам чопар.
Ўз фаноингни доим ғанимат тут, эй Фоний,
Фано йўлини тутган, боқийдир билсанг агар.

Фақру фанонинг худди шу бақосида ваҳдат ул-вужуд акс этади. Чунки сўфийлар айтганидек, "Изо тамма-л-фақру фа-хуваллоҳу", яъни агар фақр тўлиқ бўлса, шу Аллоҳдир/1.81,102/. Зеро, фақр тарғиби ва талқинидан ҳам асосий мақсад шу эди. Улуғ шоирнинг буни инсон ва жамиятни поклаш нуқтаи назаридан талқин этиши ғоят илгор амалий аҳамият касб этган. Бунда Навоийнинг ижодидаги юксак халқчиликка нақшбандийликнинг ҳам ғоят муштарак бўлганлиги янада кучли ҳаётий руҳ ва оммавий таъсирчанлик бағишлади. Бу эса улуг шоир ижодидаги фақрни ҳам боқийликка мансуб этди.

БЕШИНЧИ БОБ

КОМИЛ ИНСОН - БАРЧА ИНТИЛИШЛАР ЯКУНИ

Алишер Навоийнинг ваҳдат ул-вужуд билан боғлиқ қарашларида комил инсон талқини муҳим ўрин тутади. Улуғ шоир фикрича, комил инсонлик пояси вужуд бирлигини ифода этади. Чунки комил инсонлик маснади олий даражадаги камолотга вобаста бўлиб, унда олами кубро мукамаллиги тажассум этади. Воқеан, истилоҳ шаклига кирган бу иборадаги комил сўзи нуқсонсиз, ҳар жиҳатдан мукамал, энг юксак даражага кўтарилган деган маъноларни билдириб, инсон сўзи билан бирга қўлланганда ундаги тўлиқ камолотни ифодалайди. Комил инсон иборасини шу маънода биринчи марта ўзининг "Фусус ал-ҳикам" аса-рида Ибн Арабий қўллаган эди. Ундан сўнг Азизиддин Насафий/ХШ аср/ Абдулкарим Жилий/ХIV аср/ комил инсон масаласига доир махсус асарлар яратиб, унинг фикрларини ривожлантирдилар.

Ибн Арабий комил инсонни Ҳақ ва халқ алоқасига боғлайди. Аниқ-роқ айтганда, Ҳақдан халқ, яъни бутун олам ва инсон вужудга келган. Халқ Ҳақдан пайдо бўлгани учун унда ҳам лоҳутлик, ҳам носутлик белгиси бор. Лоҳутлик ундаги илоҳийликни билдирса, носутлик инсоний-ликни англатади. Соддароқ қилиб ифодаллаганда, одамнинг тўрт унсурсув, ҳаво, тупроқ, оловга алоқадор белгилари ундаги носутликни акс эттирса, жон-руҳининг илоҳийлиги лоҳутлигини кўрсатади.

Инсондаги лоҳутлик ва носутлик ҳақида илк марта Мансур Ҳаллож фикр юритган эди. Исломдаги Аллоҳ инсонни яратган деган фикрни таҳрир этиб, Мансур Ҳаллож инсонни Аллоҳ яратибгина қолмай, балки унинг ўзидан вужудга ҳам келган, деган фикрни олға сурган эди. Бу билан Мансур Ҳаллож Ҳақ ва халқнинг вужудий бирлигини таъкидлайди. Воқеан, унинг "Ан ал-Ҳақ"и ҳам аслида ваҳдат ул-вужудга ишора эди. Тасаввуфда бу фикр ривожлантирилди. Далил сифатида Исо пайгамбарнинг онаси инсон, отаси эса илоҳий нур бўлганлигини келтириб,

оламдаги лохутлик ва носутликни тасдиқладилар.

Лохутлик ва носутлик инсондагина эмас, шунингдек, бошқа барча нарсаларда ҳам mavjud эканлигига яна бир кучли далил Куръоннинг ўзида ҳам бор эди. Куръоннинг "Қасас" сурасида ҳикоя қилинишича, Мусо пайғамбар Фиръавн одамларидан қочиб, Мадян шаҳри яқинидаги қудуқ ёнига келади. У ерда бошқа чўпонларнинг келишини кутиб, қўйларини суғоролмай турган икки қизни кўради ва уларнинг қўйларига қудуқдан сув тортиб беради.

Чўпон қизлар Шуайб пайғамбарнинг фарзандлари эди. Қизлар воқеани оталарига келиб айтишгач, Шуайб пайғамбар Мусони чақириб, агар менга саккиз йил ишлаб берсанг, сенга қизларимдан бирини бераман, дейди. Мусо рози бўлади. Шуайб ундаги олижанобликни синаш учун борди-ю, ўн йил ишлаб берсанг, сен томондан бизга катта марҳамат бўларди, дейди. Мусо бунга ҳам розилик билдиради. Шундан сўнг Куръонда қуйидагича марҳамат этилади: "Энди қачонки Мусо/келишилган муддатни ўтаб, аҳли оиласи билан/Миср томон/йўлга тушгач, Тур/тоғи/ тарафдан бир оловни кўриб қолди. У аҳли оиласига: "Сизлар кутиб туринглар. Аниқки, мен бир оловни кўриб қолдим. Шояд сизларга бирор хабар ёки исиниб олишларингиз учун у оловдан чўғ олиб келсам", деди. Энди қачонки, унинг олдига етиб келгач, у муборак жойдаги водийнинг ўнг тарафидан-дарахтдан унга нидо қилинди: "Эй Мусо, албатта, мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳдирман"/"Қасас" сураси, 29-30-оятлар/. Бунда ваҳдат ул-вужуд яққол акс этмоқда. Яъни унга кўра, Аллоҳ борликни яратибгина қолмай, шунингдек, барча нарса ичида ва унинг бир қисми эканлиги ҳам намоён бўлмоқда. Демак, бутун борликда Аллоҳ зуҳур этади. Лекин Аллоҳнинг мукаммал нусхаси борлиқ узра фақат инсонда ўз мужассамини топган. Шунинг учун у камолотга кўтарилиб, мукаммаллашган сари унда илоҳийлик ҳам кучаяди ва лохутлик мо-

ҳияти яққолроқ кўрина бошлайди.

Сўфийлар инсондаги лоҳутлик ва носутликни таҳлил этиб, унинг ўзини шакллантириш фаолияти натижасида унда илоҳийлик ёрқин акс этишини эътиборга олиб, унинг Ҳақ нусхаси эканлигини махсус қайд этадилар. Чунончи, Ибн Арабий бу борада шундай ёзади: "Инсон ўзида Аллоҳ шаклини умумлаштирган. Аллоҳнинг барча ном ва белгилари моҳияти фақат унда намоён бўлади. У Аллоҳнинг ўзини акс эттирувчи ойна, зеро, у барча яратилганларнинг тождир" /3.10, 289/. Қуръонда эса Аллоҳнинг инсонга жон томиридан ҳам яқинроқ эканлиги таъкидланади /"Қоф" сураси, 16-оят/. Дарвоқе, инсоннинг аносири арбаъдан яратилиб, унга илоҳий жон ато этилганлиги ва унинг Аллоҳ сингари кўриш, эшитиш ҳамда сезиш қобилиятига эгаллиги олам ичра комил зот эканлигини кўрсатади. Бироқ бу комиллик нисбий бўлиб, унинг фақатгина бошқа мавжудотлардан устунлигини ифодалайди, холос.

Инсоннинг ҳақиқий комилликка кўтарилиши эса янаш жараёнида шаклланади. Бироқ муҳими шундаки, инсон, энг аввало, яратилганлар орасида шариף зотдир. Воқеан, Алишер Навоий ҳам инсоннинг аносири арбаъдан яратилган, барчадан латиף ва шариף зот эканлигини алоҳида таъкидлайди /1.108, 25-26/. Шун билан бирга, улуг шоир инсон қиёфасидагиларнинг ҳаммаси бир хил юксак мазмунга эга эмаслигини кўрсатиб, ҳақиқий инсонлар ва ҳайвонсифат одамларни фарқлаш лозимлигини эслатади.

Ҳақиқий инсон ҳайвоний хусусиятлардан пок бўлади, ёки ўзини поклаб, комилликка интилади. Навоийнинг кўрсатишича, инсон қиёфасини белгиловчи дастлабки нарса имондир. Имоннинг йўқлиги эса одамни ҳайвонга тенглаштиради. Демак, инсон, энг аввало, имонга эга бўлмоғи лозим. Шундан сўнг унинг инсон сифатидаги ҳақиқий

киёфаси намоён бўлади. Чунки Навоий айтганидек:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,

Балки нишони анга имон эрур/1.108,100/.

Навоий имон комилликка интилишнинг боши эканлигини таъкидлаб, имонли инсон, энг аввало, сабр, шукр ва ҳаёга эга бўлади, дейди. Улуғ шоирнинг фикрича, имон билан боғлиқ бу уч фазилатга эга бўлмаганларни одам деб бўлмайди. Навоий имонга шундай юксак баҳо бергач, унинг асосида юксак эътиқод, покликка интилиш ва инсоний камолотни эгаллаш туришини таъкидлаб ёзади: "...ҳар кимда имон йўқ, андин одамийлик келмак имкон йўқ"/4.11,114/.

Улуғ шоир одамийликни роят кенг таҳлил этади. Бунда, хусусан, одам боласи эканлигини унутмай иш тутуш, халқ ғамини ейиш ва юксак олижаноб фазилатларни эгаллашга диққат қилингани эътиборга лойиқ. Академик А.Рустамов одамий истилоҳининг эзгулик билан боғлиқ Навоий кўзатган бошқа маънолари борлигини ҳам кўрсатган эди/1.136,3-5/. Инчунин ва муҳими, улуғ шоир одамийлик мазмунида комил инсон тушунчаси борлигини эслатиши диққатга сазовор.

Комил инсон иборавий истилоҳи, юқорида эслатганимиздек, ҳам ботиний ва ҳам зоҳирий мукамалликни ифодалайди. Унинг ботиний томони кўнги, фикр, ният ва сўзга вобаста бўлса, зоҳирий томони кўз, кулоқ, оёқ, қўл ва бошқа барча аъзолар фаолиятига боғлиқ. Шу икки жиҳатга боғлиқ барча хатти-ҳаракатларнинг такомиллаштирилиб, юксак олижаноб даражага етказилиши инсоний комилликни ифодалаган. Шунинг учун ҳам Ҳаққа интилган сўфийлар олдида инсоний камолотга кўтарилиш, уни мушоҳада йўли билан бўлса-да, мукамал эгаллаш асосий фаолият даражасида бўлган. Шуниси эътиборга лойиқки, донишмандлар комил инсонларга хос энг муҳим фазилатларни ҳам алоҳида кўрсатиб берганлар. Улар комилликка интилган солиқ

учун йўлланма ҳам бўлган. Навоий "Ҳукамо қавлининг таржимаси инсоният бобида" сарлавҳали қитъасида шу ҳақда тўхталиб, комил инсон белгиларидан учтасини санайди:

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур,
Агар даъб этса ани аҳли давлат.
Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул
Ки, зоҳир бўлғай эл топқанда қудрат.
Ато ҳам турфа ишдур турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.
Ҳаким инсони комил дебтур ани
Ки, бўлғай зотида бу неча хислат/1.105,523/.

Демак, тавозуъ—хоксорлик, афв—кечиримли бўлиш ва ато—саховат комил инсон белгиларидир. Бироқ комиллик фақат шуларнинг ўзи билангина кифояланмасди. Чунки комиллик халқдан Ҳаққа етиш даражаси бўлиб, у зоҳирий ва ботиний мукамалликни тўлалигича ўз ичига қамраб олади. Шу сабабли тасаввуфнинг барча силсилаларида унга махсус эътибор қаратиларди. Буни Навоий ҳам таъкидлайди ва сўфийларнинг комилликка интилиш йўлини "одоб" истилоҳи билан атаб, уни шарнат ва тариқат калималари билан бирга қўллайди. Улуғ шоир талқинича, солиқнинг комил инсонликка етишида тариқат одобини эгаллаши асосий ўрин тутади. Шунинг учун ҳам унга махсус тўхталиб, шундай ёзади: "...тариқат одобидурки, бу тоифа/сўфийлар/маръи тутарлар. Ул адабдурки, яхши ва ямонга ва улуг ва кичикка бажо келтурурлар. Андоқки, барча халойиқдин ўзларин кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки, ўз фарзандлариға ва ходим ва мамлуклариғаки, ҳар неча алардин беқондалиғ кўрсалар, хушунат била аларға сўз демаслар, балки насихатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар, ҳаттоки ўғриғача"/1.96, 70/.

Дарҳақиқат, барча даврлардаги тасаввуф судуклари вакиллари фаолияти ва асарлари кўздан кечирилса ҳам бу фикрнинг тўғри эканлигини сезиш мумкин. Шунга қарамай, бу муштарак жиҳатда фарқ ҳам кўзга ташланади. Бу фарқ ҳар бир силсиланинг ўзига хос таълимоти ва фаолият даражаси билан боғлиқ эди. Чунончи, айрим силсилалар/тайфурия, кубравия/да узлатга чекиниш, баъзилари/қаландария, хайдария/да хайр-садақалар билан кун кўриш асосий ўрин тутса, нақшбандийликда эса жамоатдан айрилмаслик ва ўз меҳнати билан ризқ топиш бош мезон эди. Шу сабабли нақшбандийликдаги одоб бошқа силсилаларникидан ўзининг юксак қиммати билан ажралиб турарди. Чунки бу тариқатда Абдуллоҳ Ансорий сўзлари билан айтганда, тасаввуф хулқдир, ахлоқни шакллантиришдир, деб қараларди. Шунинг учун ҳам хожагон-нақшбандийлик силсиласининг асосчиларидан тортиб, унинг барча вакилларининг назарий ва амалий фаолиятида одоб масаласи асосий ўрин тутганини кузатиш мумкин. Буни Хожа Баҳоуддиннинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: "Тариқат йўли одобдан иборатдир, ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор, кимки одобни ушласа уни балогат ахлининг балогатига етказди. Адаб бу-хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Хизмат одоби улуг бахтдан яхшироқ, унинг белгиси-амалнинг қабули, тугён эса адабнинг бузуқлигидир. Адабни сақлаш-муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир"/1.81,80-81/

Хожа Баҳоуддин тариқат одобини кенг шарҳлаб, Аллоҳга, пайғамбар ва шайхларга нисбатан адаб борлигини таъкидлайди. Хожа Баҳоуддиннинг қайд этишича, Аллоҳга нисбатан бўладиган адаб унинг фармонларини зоҳир ва ботинда тўла бажариб, ундан бошқа ҳар қандай нарсадан юз ўгириш бўлса, пайғамбарга нисбатан бўладиган адаб эса ўзини итоат мақомига киритиб, Аллоҳнинг элчисига тўлиқ

хурмат сақлаш ва Ҳақ иродаси билан ҳал қилинувчи барча мушкуллар у орқали эканлигини англашдир. Муршид шайхлар эса суннатга тўла амал қилиш туфайли Ҳаққа етишганликлари учун уларга нисбатан адаб сақлаш ҳам вожиб ва лозим ҳисобланади. Бу фикрлар хожагон-нақшбандийлик силсиласида одоб унинг асосий шартларидан эканлигини тасдиқлайди. Воқеан, Хожа Абдулҳолиқ ҳам ўз "Васиятнома"сида шундай деган эди: "Васият қилурман сенга, эй фарзанд, барча ҳолатда илм, амал ва тақво билан бўл, салафлар изидан юриб, суннат ва жамоатни маҳкам тут, фикҳ ва ҳадисни ўрган, нодон сўфийлардан узоқ бўл"/1.186,15/.

Хожагон-нақшбандийлик силсиласи асосчиларининг инсонни камолотга етказиш борасидаги васият ва кўрсатмалари уларнинг издонлари томонидан изчил давом эттирилди. Бу борадаги энг катта хизмат Жомий ва Навоий томонидан бажарилди. Уларнинг кўпгина асарларида, хусусан, Жомийнинг "Силсилат уз-заҳаб", "Тухфат ул-Ахрор", "Субҳат ул-аброр" маснавийларида, Навоийнинг эса "Ҳайрат ул-аброр", "Назм ул-жавоҳир", "Маҳбуб ул-қулуб" каби дурдоналарида комил инсон белгилари чуқур ишланган. Бу масалада Навоий ўз муршиди фаолиятини изчил ривожлантирганлиги диққатни тортади. Чунончи, Жомий ўзининг "Нафаҳот ул-унс" асарида тасаввуф тарихи, сўфийлар ҳаёти ва фаолиятини ёритар экан, комил инсон сифатларига ҳам кенг тўхталган бўлса, Навоий ҳам "Насоим ул-муҳаббат" асарида Жомий фикрларини пайдар-пай ривожлантириб, уларни янги манбалар билан бойитди ва чуқурлаштирди. Муҳими шундаки, Навоий комиллик белгиларини ёритишда масалага кўпроқ ўзи мансуб бўлган нақшбандийлик силсиласи нуқтаи назаридан ёндошади. Бу нарса комил инсонга хос хусусиятларни далиллашда келтирилган мисолларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Бироқ қайд этиш лозимки, нақшбандийлик тариқатидаги комил инсон масаласи Жомий асарларида ҳам чуқур ишланган. Бунинг боиси шундаки, Жомий 36 йил муршидлик маснадида ўтирган эди. Шу муддатда унга бевосита кўпгина муридлар тарбияси, тариқат ғоялари тарғиби билан шуғулланишга тўғри келди. Гарчанд, Жомийнинг ўзи бундай фаолиятни у қадар хушламаган бўлса-да, вазифаси шунитакозо этар эди. Тариқат масалалари таҳлилига бағишланган асарларининг яратилиши ҳам шу билан боғлиқ, дейиш мумкин.

Жомийнинг юқорида тилга олинган асарларидан, хусусан, "Субҳат ул-аброр" маснавийси тўлалигича комил инсон белгилари таҳлилга бағишланганлиги билан ажралиб туради. Юқорида эслатилганидек асар 40 иқддан иборат бўлиб, унинг ҳар бирида нақшбандийликда талқин этилган комилликнинг муайян бир белгиси ёритилган. Асарда берилган нақшбандийлик мақомоти ва аҳволи ҳам комил инсон фазилати сифатида талқин этилган. Чунки аслида мақом ва ҳол ҳам сўфийнинг ахлоқий ва рухий оламининг шаклланиш босқичлари бўлиб, уларни комиллик пояси доирасига киритиш мантиққа зид бўлмайди.

Асарда комиллик доирасига қуйидагилар киритилган: дил поклиги, ширин сўз, иродали бўлиш, тавба, вараъ, зуҳд, сабр, шукр, хавф, таваккул, ризо, муҳаббат, шавқ, ғайрат, қурб, хаё, футувват, сидқ, базл, жуд, қаноат, тавозуъ, ҳилм, мадоро, афв, мизож, таваддуд, адолат, нафси тийиш ва ҳоказо. Бироқ нақшбандийликдаги комиллик босқичлари фақат шуларнинг ўзидан иборат эмас. Унинг доираси гоёт кенг. Шу сабабли Жомий ўзининг бошқа асарларида ҳам бу масалага эътибор қаратган. Чунончи, улуг шоир "Силсилат уз-заҳаб" маснавийсида шафқат, инсоф, мол-дунёга ҳирс қўймаслик, худбинлик ва нодонликнинг зарари; бошқалардан камчилик қидирмаслик, ўз айбини бартавраф этиш, риёкор бўлмаслик; кам ухлаш, сахар туришга одатланиш,

суҳбатдошларини ҳурматлаш, ишқда сабр ва садоқат; бошқа дин ва халқ вакилига муҳаббат ҳамда ҳурмат, ёшларга кўмаклашиш, кексаларни эъзозлаш; узрни қабул қилиш, халқлар ва давлатлар ўртасида ҳамisha сулҳ ҳамда тенглик бўлишига интилиш, урушнинг олдини олиш; бахилликдан сақланиш, ўзгалар ҳаётига суиқасд қилмаслик, касб ўрганиш, меҳнат қилиш кабилар ҳақида фикр юритса, "Тухфат ул-Ахрор"-да ҳамisha ақлни ишга солиш, яхши сўзни канда қилмаслик, қўлдан келмаган ишга уринмаслик, ниятни тўғри тутиш, хомтама бўлмаслик, илм эгаллаш борасида тўхталади.

"Хирадномаи Искандарий"да эса дўст ва душманни фарқлаш, ёмон хулқдан эҳтиёт бўлиш, ташқи безакларга берилмаслик, жаҳолат ва адоватдан сақланиш; ҳасис, ҳасадчи ва мансабталаб бўлмаслик, кам гапириш, бировга иш буърмаслик; ўтганларни унутмаслик, соғлиқни авайлаш, умрни ганимат билиш; май ва фаҳшдан узоқ юриш, фарзандга яхши тарбия бериш, ўлимни унутмаслик, бойликка интилмаслик; яхшиларни кадрлаш, ҳеч кимни ранжитмаслик ва ҳеч кимдан ранжимаслик сингари ахлоқий-тарбиявий масалаларни таҳлил этиб, силсиланинг комил инсонни тарбиялашга доир илғор қарашларини тарғиб этади. Бугина эмас, диққат қилинса, Жомийнинг комиллик масаласига оид пандлари унинг бошқа асарларида ҳам ўзининг кенг ва чуқур таҳлилини топганлигини кузатиш мумкин.

Улуғ шоир ижодида пандноманинг бу қадар юксак ўрин тутганлигининг асоси бор эди. Бу нарса, юқорида қайд этилганидек, унинг нақшбандийлик силсиласига бўлган алоқаси ва ундаги муршидлик, яъни улуғ тарбиячилик вазифаси билан боғлиқ эди. Улуғ шоир давр тақозосига кўра ўзидаги даҳо истеъдод ва мутафаккирона донишмандликни ана шу вобасталикка бўйсундирди. Натижада, унинг ўз замонаси учунгина эмас, шунингдек, кейинги даврларда ҳам омма тар-

биясида юксак аҳамият касб этган ўлмас асарлари вужудга келди. Шунинг учун ҳам ўз вақтида Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг Жомийдек буюк даҳони нақшбандийликка жалб қилишга урингани бесабаб эмас эди. Бунда улуг мақсадлар кўзда тутилган эдики, у ўзини мукаммал оқлади.

Алишер Навоийнинг бу борада Жомий изидан борганлиги янада катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, Навоий нақшбандийликда Жомийнинг биринчи ўринбосари бўлишидан ташқари, салтанатда донишманд вазир, халқ орасида эса мутафаккир шоир сифатида юксак мавқега эга эди. Булар ҳаммаси унинг асарларида ҳам комил инсон масаласининг мустаҳкам ўрин олишини таъминлади.

Навоий ўзининг аксари асарларида комил инсон масаласининг у ёки бу қиррасини ёритиш билан бирга, нақшбандийликдаги комиллик доирасига кирувчи масалаларни ҳам алоҳида таҳлил қилади. Бу нарса айниқса, "Насоим ул-муҳаббат"да яққол кўзга ташланади. Тўғри, гарчи "Насоим ул-муҳаббат" умуман кўп асрли тасаввуф тарихи ва турли силсилаларга мансуб сўфийлар ҳаётини ёритишга бағишланган бўлса-да, лекин ундаги назарий қарашлар, масалага ёндошиш ва ёритишда нақшбандийлик руҳининг устунлиги ҳамда унга мансуб шахснинг қарашлари мавжудлиги аниқ сезилиб туради. Жомий асарида ҳам, Навоий асарида ҳам бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бу эса табиий ҳол эди. Чунки барча масалалар нақшбандийлик вакили томонидан ёритилаётган экан, албатта, бунда унинг таъсири бўлиши шубҳасиз эди. Навоий асари кўздан кечирилса, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бундан ташқари, "Насоим ул-муҳаббат"да умуман сўфийлар комиллигига доир талқин этилган масалалар тўдалигича нақшбандийликка ҳам тегишли эдики, юқорида эслатганимиздек, уларни мисоллар билан далиллашда Навоий нақшбандий шайхлар ҳаётига мурожаат этади. Чунинчи, Навоий комиллик белгиларини бир-

ма-бир келтирар экан, ёзади: "Яна бовужуди бу навъ адаб сахойи муфритдурки, ани бу тоифа /сўфийлар/ баъзи мавжуд/ўзида бор нарсани мухтожларга сахийлик билан инъом қилиш/ дерларки, ҳеч нималарин ҳеч кишидин аямаслар"/1.96.71/.

Навоий сахойи муфритга нақшбандий муршидлардан Хожа Абу Наср Порсонинг оти билан боғлиқ бир воқеани мисол қилиб келтиради. Навоийнинг тасвирлашича, комил инсон бўлган Хожа Абу Наср ноиллоҳликдан қилинган ўғрилиқни кечирибгина қолмай, тутилган ўғриларнинг мухтожликларини билгач, ўғирланган отини уларга бериб юборади. Хожа Абу Насрнинг бундай сахойи муфрити ҳаммани ҳайратга соладиган даражада эди. Бироқ саховатда комил бўлган инсон учун эса бу ҳол оддий иш саналарди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий Хожа Абу Насрнинг бундай саховатига махсус таҳсин ўқимайди, балки уни комил инсоннинг одатий фазилати сифатила ёритади.

Навоий "Маҳбуб ул-қудуб"да комил инсоннинг муҳим фазилати бўлган сахойи муфрит ва у билан боғлиқ масалаларни янада чуқур таҳлил этади. Улуғ шоир сахийлик ва бахиллик, ҳиммат ва пасткашлик, сахий ва бахил қабиларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, саховат масаласининг моҳиятини очиқ беради. Улуғ шоирнинг фикрича, саховат ҳосилдор дарахт ва унинг мевасидир. Бугина эмас, саховат одамийлик денгизи ва ҳатто шу денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Сахий бор нарсасини ўзгаларга берса, бахил чумолидек ўзига йигади. Ҳамма ҳам сахий бўла олмайди, сахийлик покиза кишиларга ҳосдир. Эҳсон ўз вақтида қилинса, саховат ҳисобланади, кераксиз пайтдагиси эса ярамасликдир. Мақтаниш учун эҳсон қилиш ва шу йўл билан сахий номи-ни олишга интилиш беҳаёликдир. Навоий бу борадаги фикрларини янада чуқурлаштириб ёзади: "Улки эл кўрмагунча бермас лаимдур, сахий эмас. Тилаб бергани ҳам саходин йироқ бил; ибром била бергандин бермагани яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очга

берганни сахий де; ўзи емай барини мухтожга берганни ахий де"
/1.94,51/.

Улуғ шоир талқинича, ахийлик сахийликнинг олий даражаси бўлиб, сахойи муфритни эгаллаганларнигина ахий, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам "Ҳайрат ул-аброр"да "Они ахи ҳар киши айтур сахий, Билки сахий ул худ эмасдур ахи" деган эди/1.108,148/. Аммо шу билан бирга, Навоий сахийнинг аниқ қиёфасини ҳам чизиб беради:

Они сахий англағил, эй ҳушманд,
Ким ани давлат қилибон сарбаланд.
Ҳоли агар яхшидурур, гар табох,
Кимсадин этмас тамаи молу жоҳ.
Ҳам неки Ҳақ берса қаноат қилур,
Ҳам неки амр этмиш итоат қилур.
Илгидагидин неки малҳуз этар,
Бир илиги қисқани маҳзуз этар/1.108,148-149/.

Навоийнинг ўзи ҳам саховат ва ҳимматда комил инсон эди. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади: "...бу каромат эгаси Амир мансабдорлик кунларида, фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фарогати учун Хуросон атрофларида кўп миқдорда хонақоҳ, работ, ховуз ва ҳаммомлар қурган. Шулардан баъзиларини санаб ўтилади: "Ҳалосия" хонақоҳи-"Ихлосия" мадрасаси қаршисида. У файзли жойда ҳар куни мингдан ортиқ заифалар ва мискинларни зиёфат қилиб, лазиз таомлар билан тўйдирилади. Ҳар йили мухтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак, интон, тақия ва кавуш улашилади"/1.155,66/.

Навоий комил инсон фазилатлари доирасига кирувчи масалалар ҳақидаги фикрини давом эттириб ёзади: "Яна ҳилм ва бурдборлиг-

дурки, бу тоифага ҳар кимдин ҳар шиддат етишса, алар лутф ва ма-
дуро била ўткарурлар ва муқобалада миннатдорлиғ била узрқўларлар
/1.96,71/. Навоий сўфийлардаги ҳилм ва бурдборликка ишончли бўли-
ши учун замондошлари ҳаётидан мисол келтиради. Шу жиҳатдан Навоий
"бу фақирга илтифотлари кўп эрди"/1.96,159/, деб эхтиром билан
эслаган машҳур сўфий Мавлоно Муҳаммад Табодгоний муридларидан
Сайид Ҳасан Ардашер ҳақидаги ҳикоя диққатга молик.

Навоийнинг тасвирига кўра, у азиз зот самоъга мойил бўлиб, унда
яхши қўшиқ айтилишига шайдо экан. Иттифоқо, самоъда хизмат этувчи
санъаткорлар орасида бир хушовоз қўшиқчи бўлиб, "...аммо кичик
ёшлиғ ва девонасор ва шўх эрди. Мажлисида ўлтуратурғоч секриб ул
азизнинг бўйнига миниб, аёғин денсар эрди. Алар рифқ ва мадуро би-
ла айтур эрдилар: хордингиз эркин, тушсангиз ҳам сиз билурсиз.

Эл маломат қилдилар. Эрса, алар манъ қилдиларки, ул ажаб карам
ва эҳсон қиладурки, айтмайдурки, кўп, ташқари бозорга ушбу дастур
билан мени элт. Агар деса эрди, элтмоқдин ўзга не чора бор эр-
ди?"/1.96,71-72/. Бунда муболага йўқ. Навоий ўзига замондош, хусу-
сан, роят яқин бўлган киши ҳақида фикр юритяпти. Дарҳақиқат, Ҳак
Йўлига кирган инсонлар шундай комилликка кўтариладилар. Жомий ва
Навоий ҳам худди шундай улур инсонлар эди. Навоийнинг ёзишича:
"тунд мизомлик девона киши" бўлган Дарвеш Ҳожи деган борбон ва
"Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи хуморийи абтарий" кабилар Жомийга
дағаллик, ҳурматсизлик қилганда, ҳақоратли сўзлар айтиб, енгилтак-
лик кўрсатганда ҳам у зоти олий ҳилм ва бурдборлик билан ўзини
ҳеч нарса бўлмагандай тутди/1.96,15-17/.

Навоийнинг фикрича, инсон ўз табиатида мулоимлик ва вазмин-
ликни ҳамisha мужассамлаштириб бориши керак. Чунки ҳилм ва бурд-
борлик, яъни инсон табиатидаги мулоимлик ва вазминликка қараб

одамнинг қадрини ўлчаш, ундаги одамийлик даражасини билиш мумкин Инсон учун хусусан, ҳилм гоётда муҳимдир. Зеро, улуг шоирнинг нафиборали фикрлари билан айтганда, "Ҳилм инсон вужудининг фавоқиҳлиғ боғидур, одамийлиғ оламнинг жавоҳидлиғ тури..."

Мухолиф нафслар сарсари учурмоқдин асрағувчи ва мунофиқ, бул хаваслар ҳарзаси тундбоди совурмоқтин сақлағувчи. Халойиқдин кишига муҳиб таъзим ва эъзоз ва акобирдин асоғирга бойси илтифот ва имтиёз"/1.94,53-54/.

Ҳилм тарғиби ҳатто Навоий мактубларида ҳам ўзининг чуқур ифодасини топган. Улуг шоир шох, шаҳзодалар ва ўзига яқин амирларга ёзган хатларида уларни мулоийм, меҳрибон ва вазмин бўлишга чорлаб, айниқса, оддий кишиларга ҳилм кўрсатишга маслаҳат беради. Воқеан, Навоий амирлар Хожа Афзалиддин Муҳаммад ва Хожа Шихобиддин Убайдуллоҳга ёзган хатида шундай дейди: "Кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат ва меҳрибонлик кўрсатсинлар. Ёмон ҳолга тушган ва тубан кимсаларнинг ишларини марҳамат ва милоқ сўзлар билан тўғриласинлар. Қаттиқ сўзлар билан дарвешларнинг дилини ранжитмасинлар. Дили ярқилларнинг жароҳатига мулоийм сўзлар билан малҳам бўлсинлар"/1.155,61/.

Улуг шоирнинг фикрича, ҳилм илм аҳли учун айниқса зарур. Олимдаги ҳилм унинг танидаги жони кабидир. Шундай экан, олим ҳилмга интилиши лозим, ҳилм эса уни албатта камолотга етказди:

Олимки писандадур ҳисоли билгил,

Ҳилмин тан аро руҳ мисоли билгил.

Комилда керак ҳилм хаёли билгил

Ким, ҳилмладур илм камоли билгил/1.96,43/.

Навоийнинг қайи этишича, комиллик сифатларидан "Яна сидқдурки, гайри воқеъ сўз тилга мутлақо жорий бўлмағай"/1.96,72/. Сидқ-

ростгўйлик, тўғрилиқ, поклик, яхшилик, пок ниятлилик ва Ҳаққа со-
диқлик маъноларини билдиради. Шундай фазилатга эга бўлган киши
Аллоҳнинг суйган бандаси ҳисобланиб, у сиддиқ дейилади. Навоий
сиддиқ инсон учун энг зарур фазилат эканлигини эслатиб, ҳатто
мамлакат ва халқ тинчлиги, фаровонлиги, кишилар ўртасидаги тотув-
ликнинг барқарор бўлиши ҳам унга борлиқлигини таъкидлайди. Яна
бир муҳим томони шундаки, сиддиққа риоя этиш инсонни ўлимдан ҳам
сақлай олади. Улуғ шоир бунга далил сифатида золим Ҳажжой Юсуф
қатлидан қочган имомзодалардан бирини унинг мухлисларидан бўл-
ган бир сиддиқ дарвеш ўз ростгўйлиги билан ўлимдан сақлаб қол-
ганлиги ҳақидаги ҳикояни келтиради/1.96,72-73/.

Навоий сиддиқ асосига ростгўйликни қўяди ва панд беради: "Чин
сўзни ёлғонга чулғама, чин айта олур тилни ёлғонга булғама. Ёл-
ғончи киши эмас ва ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас. Ёлғон сўз дегуе
чи сўзин безътибор қилур, нечунким ул гавҳарни ҳазафдек хор қи-
лур"/4.11,162/.

Навоий сиддиқ йўлини таҳлил этиб, уни иккига бўлади. Унинг бири
шуки, кишининг сўзи тўғри бўлса, унинг сўзи билан бирга ўзи ҳам
тўғри бўлиши керак. Иккинчиси шуки, ёлғон гапни баъзилар таассуф
билан ноилоҳликдан "тўғри" дейди. Навоий тўғрилиқнинг бу икки
кўринишига баҳо бериб ёзади:

Яхшидур аввалгиси худ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ёмон.
Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам,
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам/1.108,205/.

Улуғ шоир сиддиқнинг тазоди бўлган ёлғон ва ёлғончиликни қаттиқ
қоралайди: "Ёлғон айтқувчи рафлатдадур. Сўзнинг аснофи бағоят чўқ-
дур, ёлғондин ямонроқ синфи йўқдур. Зихи тенгрига ямон банда, не
тенгридин, не халқдин шарманда"/1.94,60-61/.

Улуғ шоир ўз фикрини далиллаб, "Ҳайрат ул-аброр"да ёлғончилиги туфайли дўсти шернинг ишончидан ажралган дуррожнинг тузоққа тушгач, унинг ёрдамидан бенасиб бўлиб қолганини/1.108,209-219/, "Садди Искандарий"да эса ёлғончилиги билан танилган кишининг уйига бир кечаси ўт тушганда, у қанчалик дод-фарёд қилмасин, ҳеч ким ёрдамга келмаганини ва унинг уйи куйиб кулга айланганини тасвирлаб/1.112,360/, ёлғон ва ёлғончилик ҳамisha ана шундай шармандалик ҳамда фалокатларга олиб келишини таъкидлайди.

Навоий тўғрилиқни роятда улуғлайди. Инсон тўғри бўлса, ўз орзусига етади, унга ҳамisha бахт-саодат эшиги очилади. Инсонгина эмас, ҳатто табиатдаги ҳар бир нарсада ҳам тўғрилиқ бўлса, у эъзозга эришади. Навоий бу фикрини қувватлаш мақсадида бир кампирнинг тўғри ўсган дарахти танаси шоҳ саройига устун бўлганини ва шу туфайли у нақшларга бурканиб, соҳиби эса бойликка эришгани ҳақидаги ҳикоятни келтириб, уни шундай шарҳлайди:

Нихолеки ул туз бўлур жилвасоз,

Бари элни мундоқ қилур беннёз.

Агар тузлук ўлса кишининг иши,

Не васф айлай олрай ишини киши/1.112,361/.

Бу билан Навоий фарзандга ва умуман, ёшларга тўғри тарбия бериш масаласини ўртага қўяди. Шу билан бирга, улуғ шоир тўғри тарбия кўрган, ростгўйликка, тўғрилиқка ва тўғри яшашга одатланган кишиларнинг ўзи ҳам бахтли бўлишини, шунингдек, ундан унинг тарбиячилари ҳам, жамият ва ватан ҳам катта фойда кўришини махсус таъкидлайди. Навоий ҳатто дўст танлашда ҳам одамнинг ростгўйлиги ва тўғрилигини текшириш лозимлигини таъкидлаб, "махрам тиласанг сидқ ила гуфторига боқ" дейди/1.96,29/. Чунки дўст инсоннинг ойнаси бўлиб, одамнинг қандайлигини унинг дўстлари мисолида ҳам

англаш мумкин. Ниҳоят, улур шоир сидқни ҳақиқий нажоткор сифатида улуғлайди:

Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,

Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг.

Хушроқки тавил ўлса ҳаёти эрнинг

Ким, сидқдин-ўқ дурур нажоти эрнинг/1.96,32/.

Шунинг учун ҳам Навоий ҳаётда ва одамлар билан муносабатдагина эмас, балки яратган асарларида ҳам сидқ бўлишига махсус эътибор қаратиб, ҳатто ўзига ҳам шундай мурожаат этган эди:

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,

Рост наво нағмара таҳсин дегил/1.108,212/.

Навоий навбатдаги комилликка интилиш белгиси ҳақида тўхталиб ёзади: "Ва яна азим риёзатларки, шарият ани мутаайин қилмайдур, ҳам бу тоифадин мутанаввеъ воқеъ бўлубдурки, анинг ҳам шарҳининг тули бор"/1.96,73/. Риёзат Ҳақ йўлида машаққат чекишдир. Бунда солиқ ўзини чиниқтириш учун ихтиёрий тарзда риёзат йўллариини танлаб, узок муддат машаққатли ҳаёт кечиради ва Ҳаққа содиқлигини кўрсатади. Шу билан ўзидаги барча менликни енгиб, комил ҳолда поклик ҳамда фақру фано йўлига ўтади.

Навоий кўпгина улур сўфийлар сулук бошида турли риёзатлардан ўтганлигига мисоллар келтиради. Воқеан, Навоий чексиз эътиқод қилган, руҳидан мадад тилаб, ҳатто мазорида жорубкашлик қилган машҳур сўфий Абдуллоҳ Ансорий Ҳиротда нон ниҳоятда арзон бўлишига қарамай, дала гиёҳлари билан кун кечирган экан/1.96,73/

Улур сўфийлардан Шайх Аҳмад Жомий эса ўн саккиз йил Йазд деган тоғда ёлғиз ҳолда тоат-ибодат билан яшайди. Навоий бундай риёзат жасоратидан хайратланиб ёзади: "...анда/тоғда/ емак маълум эмас эрқандурки, қайдиндур ва қишда киймак қайдин"/1.96,73/.

Шайх Абу Саид Абулхайр риёзати ундан ҳам хайратланарлидир. Навоий бу ҳақда шундай ёзади: "Ва султони шарият Шайх Абу Саид Абдулхайрким, авойили сулукда алар ҳар кеча бир чоҳдин бош тубан ўзларин осар эрмишлар ва тонггача зикр айтур эрмишлар. Ва андоқ бўлур эрмишки, муборак кўзларидин қон келур эрмиш..." /1.96.73/. Улуғ шоир Ҳақ йўлида чекилган бу риёзат беҳуда кетмаганини ҳам қайд этади:

Улмак истаб ишқ арову топмайин.

Ул таманнодин кўзини ёпмайин.

Бу балият жисмини нол айлабон.

Ноласи жонини бадҳол айлабон.

Ҳажр аро йиллар бу янглиғ чекти ҳол,

То етишти оғзиға жоми висол /1.100,132/.

Навоий яратган Фарҳод, Мажнун сингари қаҳрамонлар ҳам ёр йўлида турли риёзатларни босиб ўтиб, қомилликка кўтарилган ошиқлар тимсоли эди. Навоий бундай риёзатқаш қаҳрамонларни ўз "Ҳамса"сида биринчи бўлиб яратган улуғ мутасаввиф шоир Низомий Ганжавий ҳам хайратланарли риёзат босқичларидан ўтганлигини қайд этади /1.96,178/. Бу борада Навоийнинг ўзи ҳам замон етуқларидан эди. Хондамир Навоий риёзатлари ҳақида шундай ёзади: "Доимо талабгор нафси машаққатли ва тоқатдан ташқари ишларга мажбур қилган, саркаш таъоти киловини риёзат билагичуки билан ҳаво ва ҳавас майдонидан қайтариб олган, ...файзли вақтларини ибодат ва риёзат аҳллари билан бирга ўтказди" /1.155,63/.

Навоий юқоридагилардан ташқари, қомил инсон белгилари қаторида сабр ва ризони махсус санаб, сўфий фаолиятида уларнинг муҳим ўрин тутушини кўрсатиб беради. Чунончи, сабр ҳақида шундай ёзади: "Яна сабрдурким, ҳар не Ҳақдин вэланса, таҳаммул пеша қил-

гай ва ҳар бало келса, сабр қилгай"/1.96,72/. Исломунос М.С. Муҳаммад Юсуфнинг аниқлашича, "Сабр Куръоннинг 70 жойида зикр қилинган. Бошқа ҳеч қандай фазилат бу миқдорда зикр қилинмаган"/1.82,103/. Бу бежиз эмас. Зеро, ислом ҳам мушрикларга қарши сабртоқат билан кураш олиб бориш натижасида қарор топган.

Сабр инсонни улуғлаб, эзгуликка йўл очади. Шунинг учун ҳам профессор Е.Э. Бертельс "сабр сўфийдаги энг яхши хислатдир" дейди/3,8,37/. Ҳақиқатан ҳам сўфий сабрда комил бўлиши керак. Акс ҳолда у ҳеч нарсага эриша олмайди. Зотан, сабр сўфий учун барча орзу-умидлар калитидир. Унинг заҳматларига чидаган, машаққатларига оғринмай бардош бергандагина Ҳаққа етиш мумкин. Дарвоқе, Навоий сабр ҳақида ёзади: "Сабр... аччиғдур, аммо судманд; каттиғдур, аммо дафъ газанд. Қайси номурод илик сабр этагига урдиким, мурод топмади? Ва қайси гириғтор кўнгул сабр бандига қўйдиким, кушод топмади?"/1.94,37/. Демак, сабрнинг охири роҳат бўлса-да, лекин у ниҳоятда машаққатли зинадир. Чунки сабр сўфий учун иложсизлик йўли эмасдир. Иложсизлик, имкониятнинг йўқлигидан сабр қилиб яшаш, бу оддий кишиларнинг турмуш тарзидир. Сўфий учун эса сабр ихтиёрий интилишдир. Бунда у сабрнинг барча талабларига тайёр туради. Таом лаззатидан, либос зебидан, мол-дунё завқидан, нафс роҳатидан, агар шуларга имконияти бўлса ҳам ўзини жиловлай олади. Борди-ю, имконияти бўлмаса, у ҳолда шукр қилади.

Сабр талаблари орасида нафс алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун сўфий асосий диққатни унга қаратади. Аввало, унинг икки хили-таом нафси ва ҳирсий нафсдан ўзини қатъий жиловлаши, мустаҳкам собир бўлиши керак. Хусусан, таом нафси сўфий учун бош синовдир. У, айниқса, нафсига хуш ёқадиган таом ва бошқа нарсаларни ейишдан ўзини сақлаши керак. Чунки бунга йўл қўйиш сабр зинасидаги риёзат-

дан четлашишдир. "Насоим ул-мухаббат"да ёзилишича, Шайх Абулхасан Харақоний/в.1034 й./ "...дебтурки, қирқ йилдурки, нафсим бир ичгуча совуқ сув ва аччиқ дур тилар. Ҳануз анга бермайдурмен"/1.96,111/. Сабр зинасидаги сўфий худди шундай йўл тутуши лозим эди. Бунда сўфийлар кўпроқ пайгамбар йўлидан боришга интилар эдилар. Дарвоқе, пайгамбар сабрда ягона эди. Бу борада Имом ат-Термизий шундай ёзади: "Ҳазрати Абу Талха розияллоху анху дефтурлар: Жаноби расули акрам саллаллоху алайхи васаллам хузурларида ниҳоятда оч қолганлигимиздан шикоят қилдик ва қоринларимизга боғлаб олган бир-бир тошларимизни кўрсатдик. Жаноби расулulloх саллаллоху алайхи васаллам бу сўзни эшитиб, ўзларининг муборак қоринларини очдилар. Боқсак, Жаноб қоринларига икки адад тош боғлабдурлар"/1.149,87-88/. Пайгамбарнинг бундай сабр-тоқат билан ҳаёт кечирishi унинг хонадонидагиларга ҳам одат бўлган эди. Шу жиҳатдан пайгамбарнинг хотини Ҳазрати Оишанинг далили диққатга молик. Имом ат-Термизийнинг ёзишича, "Ҳазрати Оиша розияллоху анху дефтурлар: Бизлар Оли ва Авлоди Муҳаммад саллаллоху алайхи васаллам комил бир ойга қадар уйимизда ўт ёқмас эрдик. Фақат хурмо ва сув ила ўтар эрдик. Яъни емак учун хурмодан бошқа бир неъмат хонаи саодатда бўлмас эрди. Хурмо ҳам кифоят қилмоғонлигида сув ила қорин тўйғазур эрдик"/1.149,87/. Сабр-тоқат билан бундай яшаш тарзи барча сўфийлар учун ибрат эди. Шунинг учун ҳам комил инсон бўлган пайгамбаримиз ва у зоти олийнинг аҳли оиласидаги факр ҳамда сабр сўфийларга кучли таъсир қилгани ва улар ҳам шу хил турмуш тарзига интилганини Навоий мисоллар билан кўрсатиб беради. Чунончи, "Насоим ул-мухаббат"да келтирилишича, Маълоно Жалолиддин Румий "...ходимдин сўрсалар эрдикки, уйда ҳеч нима борму? Агар деса/ходим-А.А./ эрдикки, йўқтур.

мунбасит бўлуб, шукр қилурлар эрди ва дерлар эрдик, бу кун бизнинг уй пайғамбар уйига ўхшар"/1.96,149/.

Сабр зинасидаги муҳим ва машаққатли жиҳатлардан бири шундаки, унда сўфий ҳатто ўз бошига тушган барча фалокат ва жафоларга ҳам бардош қилади. "Насоим ул-муҳаббат"да тасвирланишича, касал бўлган кишиларни ўз дуоси билан яхши қилиб юборувчи машҳур сўфий Шайх Саҳл бинни Абдуллоҳ Тастурий ўзининг бавосир маразини/гемеррой касаллиги/ даволамай, "Йиллар ул саъб маразга сабр қилиб дуо қилмадиларки, ҳар не тенгридин келса, хушдур, биз они нечук рад қилали"/1.96,72/. Қуръонда ҳам келтирилишича, Айюб пайғамбар мол-дунёсидан, бола-чақаларидан жудо бўлади, ўзи оғир дардга йўлиқади, лекин сабр қилади ва Аллоҳ иноятини топади. Бу ҳақда Қуръонда шундай дейилади: "Ва Биз ўз томонимиздан меҳрибонлик кўрсатиб ҳамда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бўлсин, деб/Айюбга/аҳли оиласини ва улар билан қўшиб, яна ўшаларнинг мислича/бола-чақа/ҳадя этдик. Дарҳақиқат, Биз/Айюбни/ сабр қилгувчи ҳолда топдик. У нақадар яхши бандадир"/"Сод" сураси, 43-44-оятлар/.

Сўфий фаолиятида сабр такомиллашгач, шукр юзага келади. Шукр-сабрнинг олий нуқтаси. Муҳаммад Ғаззолий "Шукр улугликдир", дейди/1.182,250/. Шукрни эгаллаган солиқ ҳамма нарсани олижаноблик билан қабул қилади. У Аллоҳнинг синов жафосига ҳам, марҳаматига ҳам шукр қилади. Шукр унинг қалбига, Навоий ибораси билан айтганда, "сахойи муфрит"ни жойлайди. Натижада, солиқ ўзининг энг сўнгги нарсасини ҳам бошқаларга беради, муҳтожлар кўнглини олади ва бундан шукр қилади. Аммо шукр бу билан чегараланмайди. У ҳеч нарсаси йўқликни ҳам ўзида қамраб олади.

Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс"ида келтирилишича, сўфий Шақиқ ибн Иброҳим ал-Балхий Иброҳим Адҳамнинг яшаш тарзини сўраб қуйида-

гича жавоб олади: "Биз топсак шукр қиламиз, топмасак сабр қиламиз". Шундан сўнг Иброҳим Адҳам ҳам Шақиқ ибн Иброҳим ал-Балхийга шу саволни берганда, у шундай дейди: "Биз топсак бошқаларга берамиз, топмасак шукр қиламиз"/2.46,12/. Бу жавобда шукр мақомининг хотимавий марғзи ифодаланган.

Шукрда шу даражага етиш юксак камолотдир. Бироқ комилликнинг ризо мақомига эришилмас экан, уни ҳали мукаммал деб бўлмайди. Ризо розилик, бўйсунуш, мослашиш, тан бериш ва кўниш маъноларини билдиради. Ризо ҳаётда бошга нима тушса ва тақдир нимага дуч келса унга рози бўлишдир. Навоий ризони "ҳар не Ҳақдин келса" унга бўйсунушдир, дейди/1.96,72/. Улуғ шоирнинг ёзишича, Аллоҳдан сўфийларга нима юборилса, "...ризо изҳорин ўзга алар тили ва кўнлига кирмағай"/1.96,72/. Чунки улар, Навоий фикрича, ҳар қандай ишнинг сабабчиси Аллоҳдир, деб биладилар. Хусайн Воиз Кошифий шарҳида эса ризо "Аллоҳ субҳонаҳа таоло ҳукми билан бандага юборилган ҳамма нарсага хурсандчиликдир"/4.8,13-14/.

Ризо нақшбандийликнинг сўнгги мақоми бўлиб, у солиқнинг камолга етган босқичидир. Чунки унгача солиқ руҳий шаклланишнинг машаққатли доволаридан ўтади ва ўзини ҳамма жиҳатдан тайёрлайди. Ризо босқичига етгач, унинг учун бу оламнинг ҳеч бир жалб қилувчи қиммати қолмайди. Шунинг учун унга бу дунёдан умидворлик ҳам тугайди. У ҳамма нарсага тайёр туради. Аммо шуниси ҳам борки, солиқда ризо камолга етган сари унга жафоли давр синовлари кучаяди:

Ҳар кимдаки даҳр ибтилоси кўпдур,

Йўқ бок агар Ҳаққа ризоси кўпдур/1.96,21/.

Лекин давр синовлари уни буколмайди. Чунки у ҳамма жафoga ҳам, вафoga ҳам бир хил мамнуният билан муносабатда бўлади. Нима-

га дуч келса уни эҳсон сифатида қабул қилади ва рози бўлади. Солик учун унинг энг яқин кишидан жудолик ҳам ва ҳатто ўз бошига келувчи ногаҳоний ўлим ҳам худди шундай маъно касб этади. Навоий бунни ҳаётий мисоллар билан далиллайди. Навоийнинг ёзишича, унинг тариқат йўлидаги пирларидан бири Сайид Ҳасан Ардашернинг "...бир ўғли бор эрди. Бағоят қобил, хусни хулқи бағоят камолда ва бир ёлғуз ўғли эрди. Қазоро бемор бўлди ва неча кундин сўнгра тенгри ҳукмин буткарди. Бир шаҳр халқи шоҳдин гадогача ул сабабдин мотамий эрдилар. Ул азизнинг ҳолига ва либосига тағйир бўлмади. Мотамийларга кўнгул бериб, Ҳақ ризосига тарғиб қилур эрдилар. То кўтардилар ва мадфанга элттилар, ўзи қабр ичига кириб, азиз фарзандини шаръ ваҳжи била қабрда кўюб, марғфират дуоси қилиб чиқти ва сўзи бу эрдиким: "Аллоҳнинг қазосига бизни рози қилди". Ва шаҳр халқи ақобир ва ашроф барча лол эрдилар" /1.96,72/.

Ризо мақомига етган солик олдида икки масала туради. Аввало, у Ҳақдан келган ҳамма нарсага бўйсунганлигини, уларни мамнуният билан қабул қилганлигини кўрсатиб, Аллоҳни рози этиши керак. Бу Аллоҳ ризосидир. Сўнгра, ўзи ҳам Аллоҳ марҳаматига етишганини, унинг лутфу карамидан баҳраманд бўлганини ҳис қилиши ва бунни дили билан тасдиқлаши лозим. Соликнинг бу даражага етиши, асосан, унинг қалбидаги ризонинг мукаммал бўлишига вобаста. Агар ундаги бўйсунуш комил бўлса, солик Аллоҳ ризосига сазовор бўлади ва ўзи ҳам орзусига етади. Бу эса солик ризоси бўлиб, уни юксакка кўтаради.

Ризо мақоми инсоннинг ожизлигини тасдиқлаш эмас, балки унинг ҳаёт қонуниятларига тан беришидир. Одамнинг коинотдан устунликка, унга ўз ҳукмини ўтказишга, табиий қонуниятлар асосида юз берувчи воқеа-ҳодисаларга ноўрин қаршилик кўрсатиб, янада оғир зарарлар-

га дуч келмаслигига ҳам чорлашдир. Муҳими, инсонни тўғри, пок, беозор ва эзгулик йўлига бошлашдир. Чунки ризога етган киши албатта комил бўлади ва жамиятга эзгулик, олижаноблик ҳамда фидойилик уруғини сочади. Инсониятни ёвузликдан сақлаб, ўзаро меҳр ва мухаббатга йўналтиради.

Навоий келтирган комиллик белгиларининг барчасининг пировард мақсади шуларга бориб тақалади. Бироқ комиллик сифатлари шуларнинг ўзи билан кифояланмайди. Унинг доираси гоётда кенг бўлиб, Навоий буни чуқур англаган ҳолда улар ҳақида аксари асарларида фикр юритади. Чунончи, "Ҳайрат ул-аброр"да дил поклиги, адолат, илмнинг фойдаси, ахийлик, тавозуъ кабилар улугланса, зулм, рижкорлик, ёлгончилик, ўғрилиқ, жаҳолат қаттиқ қораланади. Ҳатто айтиш мумкинки, асарнинг аксари мақолатини комилликни эгаллаш масалаларига бағишлайди ва уларни бевосита ўзи мансуб бўлган тариқат билан борлаб талқин қилади. Силсила муршидларининг комилликни эгаллашга доир фикрларини ривожлантириб, уларни кенг тарғиб этади. Масалан, Ҳожа Абдулҳоликнинг "кўп қулма, айниқса, қаҳқаҳа уриб қулишдан қочгинки, қулишдан ёрак қораяди" деган васиятини/1.186,15/ ривожлантириб, қулги одобсизлик эканлигини, беҳуда ва кўп қулиш одамга зарар етказишини турли мисоллар билан исботлаб беради:

Тарки адабдин бири қулгу дурур,

Қулгу адаб таркига белгу дурур.

Қаҳқаҳадин кабк наво келтуруб,

Бошига ул қулгу бало келтуруб...

Қулгуки ўз ҳаллидин ўлди йироқ,

Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ/1.108,155-156/.

Қайд этиш лозимки, хожагон-нақшбандийликда инсон тарбиясига алоҳида аҳамият бериларди. Бу нарсани Ҳожа Али Ромитаний ҳам мах-

сус таъкидлаган эди/1.142,23/.Навоий ҳам тарбияга алоҳида диққат қаратади.

Улуғ шоирнинг таълим беришича, тарбия билан инсонни камолотга етказиш мумкин. Зеро, қатрани садаф тарбия қилгани учун у одамларнинг бошига чиқиб шараф топди. Шунинг учун ҳам болани кичиклигидан тарбия қилиб бориш лозим. Навоий бола тарбияси ҳақида ўзининг аниқ таклифларини ҳам баён этади. Улуғ шоирнинг таъкидлашича, тарбиянинг биринчиси болага яхши ном қўйишдан бошланади. Ном шундай бўлиши лозимки, уни оти билан чақирганларида у уяладиган бўлмаслиги керак. Иккинчиси, унга илму адаб ўргатиш учун муаллимга бериш ва учинчиси эса, ота-онани ҳурмат қилиш ҳамда уларга хизмат этишидир. Шундан сўнг каттага ҳам, кичикка ҳам раҳм-шафқат кўзи билан қараб, ҳар бир кишининг ўзига яраша яхши муносабат кўрсатиш лозим бўлади. Бунда эса камтарлик, хоксорлик, ҳаё ва андишани асло унутмай иш туттиш зарур.

Улуғ шоирнинг комил инсон ҳақидаги фикрларида мансаб ва амалдорлик масалаларига ҳам махсус муносабат билдирилган. Навоий гарчанд юксак лавозимларда ишлаган бўлишига қарамай, шоҳлар хизматида бўлишга, амал эгаллашга интилишни кўпам маъқулламайди. Чунки унинг "бор эса бир айш, минг озори бор" дейди/1.108,161/. Бироқ шунга қарамай, агар инсон амалга минса у лавозимдан мағрурланмай, қўйидаги тўрт ишга риоя қилиши лозимлигини маслаҳат беради. Аввало, ниятни пок туттиш лозим, ҳар хил бўлмағур фикрлардан сақланиб, юқори лавозимдагилар билан ният ва муносабатда муштаракликка интилиш керак. Иккинчидан, хизмат вақтини билиш, хизматни пухта бажариш лозим. Бироқ хизматни миннат қилмай, ҳеч нарса қилмагандай камтар бўлиш керак. Учунчидан, тилга эҳтиёт бўлиш зарур. Ҳар бир гапни ўйлаб айтиш, одамларнинг эса яхши-ёмон ишларига ҳам, сўзларига ҳам тўғри муносабатда бўлиш лозим.

Тўртинчидан, хизмат қийинчилик қилса ҳам, вазифа азоб берса ҳам, адаб шартига кўра, ҳамма яхши-ёмонга чидаш керак. Бунда, хусусан, фуқаро манфаати устун бўлса, хизмат азобини роҳат деб билмоқ лозим. Бу ишлар кимга муяссар бўлса, унинг юдузи бахт билан ёриган бўлади. Бироқ агар инсон мансаб ва бойликдан воз кечиб, фақр йўлини танласа, у албатта хоксорлик кўрсатиши зарур.

Инсонда хоксорлик ва камтарлик шу даражада бўлиши керакки, у ўзини тупроқ билан барабар ҳис қилиб, Аллоҳ қаршисида ҳеч иккиланмай, унинг марҳаматидан умидвор бўлиб яшаши лозим. Бу эса, албатта, асл мақсадга, яъни комил ваҳдатга етказди:

Айламамак жола киби ёрса тош,
Рост бинафша киби юқори бош.
Вазъи тавозуъда вафо айламак,
Даъби адаб бирла ҳаё айламак.
То бу васила била топиб қабул,
Мақсади аслий сори бўлғай нузул/1.108,163/.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да комилликнинг бошқа жуда кўп масалалари ҳақида фикр юритиб, ўз мулоҳазаларини ибратли хикоят ва ривоятлар билан далиллаган. Бундай ҳолни "Саддий Искандарий" достонида ҳам кўриш мумкин. Бу асар гарчи Искандарнинг соҳибқиронлик фаолиятини кўрсатишга бағишланган бўлса-да, Навоий ўз муршиди Жомийнинг "Искандар хирадномаси" достонидаги каби комилликка интилиш масалаларини тасвирнинг бош марказига кўтаради.

Улуғ шоир ҳатто асарнинг кўпгина қисмларига "Ҳикмат" сарлавҳаларини қўйиб, бу масалага алоҳида диққат берилганлигини таъкидлаб ҳам боради. Натижада, "Ҳикмат" сарлавҳалари остида комилликни эгаллашга доир жуда кўп масалалар ёритилади. Чунончи, асарда савоб ишларни кўпроқ қилиш, яхшиликни Аллоҳ йўлида амалга

ошириш ва унинг жавобини кутмаслик, ҳар бир ишда адолатли бўлиш, бечораларга раҳм-шафқат, мухтожларга эҳсон қилиш; адоват, хусумат, бахиллик ва ёлгончиликдан сақланиш; тинчлик, дўстлик ва осойишталикка интилиш, ноаҳиллик, миллий низо ва қасдлашишдан эҳтиёт бўлиш; тамагирликдан ўзни тийиб, сабр-қаноат билан яшаш; дўстликка, ватанга, оилага садоқат; вақтни қадрлаш, нафс йўлларини тийиш, яхши ишларнинг мукофоти, ёмоннинг эса жазоси борлигини унутмаслик; сўз ва ишда тўғри, пок бўлиш; амал, бойлик ва муваффақиятлардан мағрурланмаслик; бошқалар фикрига қулоқ солиш ва тўғри масалаҳатни қабул қилиш; меҳмондўст бўлиш, Аллоҳни, ҳаётни ва одамларни севиш; сафар қилиб туриш, саломатликни эҳтиётлаш, эркинликнинг қадрига етиш; жоҳиллик ва жоҳиллардан парҳез қилиш, ҳамиша илм олишга интилиш каби масалалар чуқур таҳлил этилган.

Навоий комиллик доирасига киритилган бу масалаларни Искандарнинг Арасту. Сукрот сингари комил инсонлар билан қилган суҳбати, шоҳ саволларига олимларнинг жавоби жараёнида таҳлилга тортади. Юқоридаги фикрларнинг донишманд олимлар томонидан олға сурилгани ҳам бежиз эмас. Бунда Навоийнинг донишмандлар тилидан ўзи фикр юритаётгани яққол сезилиб туради.

Улуғ шоирнинг "Махбуб ул-қулуб" асари эса бошдан-оёқ комилликни эгаллаш, комил инсон фазилатлари таҳлили ва тарғибига қаратилган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчисида турли касб эгалари, ижтимоий табақалар фаолияти, феъл-атвори, яшаш тарзи ва интилишларининг яхши-ёмон томонлари чуқур таҳлил этилган.

Улуғ шоирнинг фикрича, одамлар ҳаётий фаолияти, жамиятдаги ўрни, бошқаларга ва воқеликка муносабати; билими, орзу - умидлари, кураши, фикрлаш ва яшаш тарзига кўра бир-бирларидан фарқланади. Шунга кўра, уларни ҳатто яхши ёки ёмонга, бошқача айтганда, жамият

ва давлат учун фойдали ёинки зарарли гуруҳларга бўлиш мумкин.

Навобий талқинича, яхши ва ёмонлар барча соҳалар бўйича учрайди. Масалан, одил ва золим шоҳлар, нодон ва билимли мударрислар, алдамчи ва ҳалол савдогарлар, сиддиқ ва риёкор шайхлар, оқил ва манфаатпараст, калтабин амалдорлар шулар жумласидандир. Шун тарзда жамиятдаги барча гуруҳларга баҳо бериб, ўз орзусидаги табақалар феъл-атворини олға суради.

Навобий давлатнинг қудратини, жамиятнинг ривожланган ва покнза бўлишини одамларнинг қандай маънавий ва ахлоқий комилликка эга эканлигига боғлайди. Бунда, айниқса, комил инсон масаласи гоёт муҳимдир. Зеро, камолоти мукамал инсонлар жамиятида зулм, товламачилик, ялқовлик, бузуклик, жоҳиллик, фисқ-фужур, ёлгончилик, риёкорлик, безорилик, ўғрилиқ, разиллик ва бошқа турли ярамасликлар бўлмайди. Бундай жамият поклик, ҳалоллик, ўзаро аҳиллик, меҳнатсеварлик, оқиллик ва олижанобликка асосланади. Навобий шундай кишилар жамиятини орзу қилади. Шун сабабли асарнинг иккинчи қисмида яхши ва ёмон хислатлар ҳақидаги фикрини ривожлантириб, ёмон хислатларни қоралайди ва яхши феъл-атворни улуглайди. Бу қисмда комиллик кўринишларидан тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ ва одоб, шаръ, таважжуҳ, ризо ва ишқ кабилар моҳияти очилиб, солиққа бу бо-рада ўз камолотини шакллантириш учун аниқ масалаҳатлар берилади.

Асарнинг учинчи қисмида ҳам комил инсонликни эгаллашга доир турли масалаҳатлар баён этилади. Улар қисқа-қисқа танбеҳлардан иборат. Бу қисмда нафснинг зарари, беҳунарнинг азоби, такаббурликнинг оғир оқибати; камтарликнинг фойдаси, худбинликнинг ярамаслиги; эҳсон фазилати, чин сўзнинг муътабарлиги, илмнинг хазиналиги; сабр-қаноат, тавозуъ, ҳаё, ҳилм, раҳм-шафқат, саховат ҳамда ҳимматнинг аҳамияти ва бошқа жуда кўп масалалар чуқур таҳлил этилиб,

яхши фазилатларни эгаллаш ва ёмон хусусиятлардан қутулиш тарғиб этилади.

Улуғ шоирнинг комил инсон тарғибига доир бундай қарашлари унинг бошқа асарларида ҳам ўзининг кенг ифодасини топган. Буни унинг эпик асарларида бўлгани каби лирикасида ҳам яққол кўриш мумкин. Шу жиҳатдан Навоий қитъалари алоҳида ажралиб туради. Ҳақиқатан ҳам улуғ шоир қитъаларининг катта қисми инсоний камолот тарғибига бағишланган. Уларнинг кўпчилиги ҳадис шарҳларидан иборат.

Навоий қитъа мисраларини мақол сингари қисқа шаклда яратади ва мазмунан гоёт чуқур бўлишига эришади. Бундан ташқари, қитъадаги сўзларнинг ҳам содда, раван, аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаганки, бу улардаги халқона руҳни юзага келтирган. Масалан, "кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил", "бормагай дўзах ичра ҳеч сахий", "тузлукка мойил ўлки, ишинг боргай илгари" /1.106,488/, "Юз туман нопок эрдин яхшироқ, Пок хотунлар аёғининг изи" /1.105,507/, "Юқори ўлтурурни ким тиласа, Кишилиқдин ани йироқ билгил" /1.105,520/, "Камол эт касбким, олам уйидин Санга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ" /1.104,545/, "Навоий, тилинг асрағил зинҳор, Десангким, емай даҳр ишидин фусус" /1.104,550/, "Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши, Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлгай шараф" /1.106,500/ ва ҳ.

Комиллик белгилари акс этган бундай фикрларни Навоийнинг бошқа лирик жанрлардаги шеърларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Булар ҳаммаси улуғ шоир ижодида инсонни камолотга кўтаришга доир фикрлар гоёт кенг ишланганини ёрқин намойиш этади.

Дарвоқе, Навоий асарларидаги комил инсон таҳлили ва тарғиби юксак вазифани бажарди. Улар орқали Навоий комил инсон қиёфасини умумлаштириб берди. Улуғ шоирнинг фикрича, маънавий ва ахло-

кий камолотни мукамал эгаллаган киши комил инсон даражасига кўтарилади. Чунки Жомий "Нақд ан-нусус"да ёзганидек, комил инсон мартабаси барча интилишлар якунидир/4.4,18/. Бу аввало, дил ҳақиқатига етиш бўлиб, у дилни поклаш ва унга фақат Аллоҳни жойлашдир. Сониян, вужуд ҳақиқатини эгаллаш бўлиб, у эса вужудни поклаш ва уни тўла инкор этишдир. Дарҳақиқат, унда вужуд охириги нуқтасигача инкор этилади ва фано камолотига эришилади. Бу эса Ҳаққа ваҳдат даражаси бўлиб, унда комил инсонга хос барча фазилатлар бирлашади. Бу асло мавҳум тушунча эмас. Воқеан, авлиёлик маснадига етганлар шундай комиллардир. Шу даражага етган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг таъбирича, авлиёлар юзида мафтункорлик, ақлида мукамаллик, тафаккурида гайбдан хабардорлик; сўзларида ҳамсуҳбатини ром этувчилик, қалби эса кибр ва ёмонликдан холи бўлади/1.81,80/.

Авлиёлик белгилари "Нафаҳот ул-унс"да ҳам кенг ёритилган. Чунончи, Навоий таржимасида ёзилишича, машҳур сўфий Абу Абдуллох Сомилӣ авлиёлик белгиларини ёқимли сўзлаш, хушхулқлик, ўзининг тоза ва самимийлиги, нафснинг тийилганлиги, эътирознинг йўқлиги, барчанинг фикрини қабул қилишлик, яхшига ҳам, ёмонга ҳам шафқат ва муҳаббатнинг етуклиги каби фазилатлар орқали кўрсатса/1.96,87/, бошқа бир улуг сўфий Абу Абдуллох Санжарий эса "...дебтурки, авлиёлик белгиси учта: юксакликда тавозуъ, зоҳидликда қудрат ва инсофда қувват"/1.96,85/. Бунинг маъноси шундаки, инсон юксак даражага кўтарилганда хоксорликни сақласа, парҳезкорликда етук бўлса, тўғрилиқда эса баркамоллик кўрсата олса, у авлиёликка, бошқача айтганда, комил инсонликка етган ҳисобланади.

Абу Абдуллох Сомилӣ фикри ҳам, Абу Абдуллох Санжарий фикри ҳам юқорида тилга олинган масалаларни муайян даражада умумлаш-

тиради ва комил инсон белгиларини ифодалайди. Зеро, авлиёлар ҳам аслида комил инсон ҳисобланар эди. Чунки уларда комиллик юксак даражага етиб, Ҳаққа яқинлашар ва ўзларининг зоҳирий ва ботиний мукамалликлари билан Аллоҳнинг суякли бандасига айланардилар.

Ўрни келганда айтиш лозимки, тасаввуфда комил инсон ҳақидаги қарашларнинг шаклланиши XI асрда авлиёлик борасидаги фикрларни юзага келтирди. Натижада, авлиёлар камолот даражасига кўра гуруҳларга бўлинди. Улар жами 356 тадан 500 тагача бўлиб, авлиёлик поясининг энг юксагида бир нафар қутб /энг улур авлиё туради. Иккинчи ўринда тўртта автод/эл таянчлари/, учинчи ўринни еттита ахйор/энг яхшилар/, тўртинчи ўринни қирқта абдол/ўринбосарлар/, бешинчисини 70 та нуқоб/йўлбошчилар/, олтинчисини 300 та нуқоб/олижаноблар/ ва х.эгаллайди ва уларнинг барчаси дунёни бошқаришда иштирок этадилар. Авлиёлар гуруҳидан бирортаси вафот этса, кейинги гуруҳдаги бир авлиё унинг ўрнини эгаллар, шу асосда барча гуруҳда бир-биридан ўтиш орқали бўшаган ўринлар тўлдириб бориларди.

Авлиёлар гуруҳидаги зотлар Аллоҳнинг ердаги тимсоли сифатида одамларнинг паноҳи, мададкорига айланиб, камолот йўлида кишиларга намуна вазифасини бажарар эдилар. Авлиёлар гуруҳидаги қутб камолотда энг олий даражага етган сўфий бўлиб, унинг мақоми набига яқинлашарди. Навоийнинг кўрсатишича, Шайх Абул Аббос Омулий, Абул Ҳасан Харақоний, Шайх Фахриддин Ироқий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Мавлоно Саъиддин Кошғарий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор кабилар қутб поясига кўтарилган зоти олийлардан эди. Навоий уларнинг юксак камолотига тўхталиб, фанога етиб, Ҳақ ваҳдатига эришган бақо аҳли сифатида улурғлайди. Муҳими шундаки, улур шоир бу дара-

жадаги тоифани комил инсонлар тарзида тасвирлар экан, комил инсонлик мақоми мавҳум тушунча бўлмай, ўз шохидлиги асосида замондошлари фаолиятидан бунга далиллар ҳам келтиради.

Профессор Н.Комилов шундай баркамол инсонлардан бири Навоийнинг муршиди Абдураҳмон Жомий, иккинчиси улуг шоирга ота даражасида бўлган Сайид Ҳасан Ардашер бўлганини қайд этган эди/1.65, 5/. Бу қаторга Навоийнинг жонажон дўсти Паҳлавон Муҳаммадни ва хусусан, Хожа Аҳрор Вали ҳамда унинг асхобларидан Мавлоно Қосимни ҳам киритиш мумкин. Навоий ўзи кўрган ва билганлари асосида уларнинг комил инсонларга хос фазилатларини чизиб беради. Бу эса комил инсон ҳақидаги тасаввурни бойитишда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, Навоий Жомийнинг зоҳир ва ботиндаги камолоти ҳақида тўхталар экан, унинг шеърятда ўз даврининг яғонаси эканлиги, тасаввуф илмини чуқур билиши ва тариқат талабларини мукаммал, аммо махфий бажаришини қайд этгач, комиллик белгиларини ёритади. Навоий таърифича, Жомий ғафр, сабр, шукр, ризо, муҳаббат, сидқ, тавозу саховат, ҳаё ва қаноатда комил эди. Улуг шоир айниқса ўз муршидининг ғайрати, ҳазилкашлиги, ҳилм ва ширинсўзлигини ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб беради. Муҳими шундаки, Жомий камолотда давр яктоси бўлишига қарамай, ўзини гоят фақир, хоксор тутар, бундай табиий камтарлиги туфайли эл кўзида янада юксакликка кўтариларди. Чунки Жомий фанода камолотга етган эди. Фанийлик унинг ўзлик вужудини тўла маҳв этганлиги сабабли, унда пок илоҳий руҳнинг ўзи қолган, бунинг натижасида у чексиз бир жаҳонга, камолоти ҳам ўзига ўхшаган оламга айланган эди.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида Жомийни ваҳдат акс этган яхлит жаҳонга қиёслайди. Бироқ улуг шоир Жомий комиллигини тасвирлашда бу таққосдан қониқмайди. Шу сабабли "қайси жаҳон, олами кубро дегил", дея унинг Ҳақ поясига етганлигини махсус таъкидлай-

ди/1.108,52/.

Улуф шоир талқинича, Жомий комил инсонликка етган зотдир. Комил инсонлик мартабаси эса ваҳдат оламига мансубдир. Чунки унда касрат ва аҳад олами бирлашиб, ваҳдат ул-вужудни акс эттиради.

Навоий "Фарход ва Ширин" достонида "Ҳайрат ул-аброр"даги Жомий камолоти борасида билдирган фикрларини ривожлантириб, ўз пирини олами куброга нисбат беради. Улуф олам маъносини берувчи бу ибора Аллоҳга нисбатан қўлланади. Унинг зиди олами сугро, яъни кичик олам бўлиб, у дунёдаги барча мавжудот, аниқроғи инсондир. Олами сугронинг камолоти уни олами куброга бирлаштиради. Бу ваҳдатда вужуд бирлиги намоён бўлади. Аммо унга етиш гоят мушкул. Жомий эса шундай шарафга муяссар бўлганлардан ҳисобланади. Навоий "Ҳамса"даги дostonларининг Жомийга бағишланган бобларида бунини асослаб беради. Бунда улуф шоир Жомий камолотини асосан тасаввуф нуқтаи назаридан баҳолайди. Шу сабабли Жомийнинг касратдан ваҳдатга бориш йўлини кўрсатиб, унинг комил инсонлик мартабасини асослайди.

Навоий талқинича, Жомий комил инсонликда ваҳдатга етган. Шу сабабли унинг камолотини олами кубро, яъни Ҳақнинг ўзига тенглаштириш мумкин. Чунки олами сугро, яъни мавжуд дунёда нима бўлс уларнинг ҳаммаси шу олами куброда мужассамдир. Навоий бу ўринда кўнгилини кўзда тутди. Улуф шоир фикрича, фақат комил инсоннинг кўнгли бутун оламни ўзига сиғдира олади. Шунинг ўзиёқ уни олами куброга етганлигини кўрсатади.

Навоий бадийий қиёси давом эттириб, Аллоҳни денгизга нисбат берганидек, Жомийни ҳам денгизга нисбат этади. Бунини мантиқан Жомийнинг насаби денгизга, яъни Аллоҳга боғланиши билан далиллайди. Хуллас, улуф шоир комил инсонлик маснадини Ҳақ поясига етиш ва

унга айланиш тарзида чизиб, у орқали ваҳдат ул-вужуднинг аниқ тасвирини беради:

Фано ул навъ этиб нафъи вужуди
Ки, ер топиб набуд ўрнида буди...
Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил...
Жаҳон йўқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они
Ки, ҳарне олами сугрода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд...
Ўзи дарё, сўзи дурдек муҳайё,
Яна маънидин ул дур ичра дарё.
Келиб дарё насаб, гавҳар ҳасаблиқ,
Ишида неча боқсанг бул ажаблиқ/1.109,31-32/.

Сайид Ҳасан Ардашер ҳам шундай комил инсон эди. Навоий унинг юксак олижаноб фазилатларини санар экан, ёзади: "...бири саҳо-йи зотий..., яна бири шафқати муфрит..., яна бири лутф ва тавозути ва адаб ва юмшоқ сўзким, бу барчадин азимроқдур. Яна бири таҳаммул ва бурдборлиқдур..., яна бири кўнгулнинг юмшоқлиғи..., яна бири зотий бетакаллуфлуқ... Бу сифатларда Ҳақ субҳонаху ва таоло аларни комил халқ қилиб эрди..."/1.95,79-80/. Шуниси эътиборлики, Навоий ўзи таниган ўзбек ва тожиклар орасида ундан комилроқ кишини кўрмаганлигини алоҳида таъкидлайди/1.93,68/.

Сайид Ҳасан Ардашернинг писандида ахлоқи ҳатто шоҳ ва шаҳзодаларни ҳам мафтун этган. Шу сабабли уни давлат ишларига тортишга уринганлар. Сайид Ҳасан Ардашер маълум муддат мажбур бўлиб, давлат мансабларида ишласа-да, лекин табиатан молу мулк ва амалдорлик ишларига қизиқмаганлиги сабабли "...барча асбоби

суварийни барҳам уруб, ... Ҷақр тариқин ихтиёр қил" ади/1.95,83/.

Навоийнинг ёзишича, Сайид Ҳасан Ардашер шарият арконини тўла бажариш ва тариқат мақомларига риоя этишда комил бўлиб, ҳақиқатга етган ғонийи мутлақ инсон эди. Навоий бунга далиллар келтиради. Дарвоқе, ягона ўғли вафот этганда, ҳатто кўз ёши ҳам тўкмай Ҳақ амрига ризолигини кўрсатади. Ҳамиша ўзгалар хизматини қилиш, бировни ранжитмаслик ва ҳеч кимдан ранжимаслик, сабру шукр унинг шеваси эди. Сайид Ҳасан Ардашернинг айнқиса, "майли биттаъб Ҷақр сори голиб эрди"/1.93,68/. Шу сабабли Ҷақрга қатъий риоя этиш билан бирга ўз атрофидагиларни, инчунин, Навоийни ҳам Ҷақр тариқига даъват этар экан.

Сулукда етук бўлган Сайид Ҳасан Ардашер илм, адабиёт ва санъат да ҳам комил бўлган. Навоийнинг ёзишича, "...сарф/тилшуносликнинг морфология бўлими/ ва наҳв/тилшуносликнинг синтаксис бўлими/ ва лугат ва арабият/араб тили қоидалари/ ва мантиқ ва калом ва Ҷиққ ва ҳадис ва тафсирдур ва сойир таснифот, мисли шеър ва муаммо ва тарих ва нуҷум ва адвор/муסיқашунослик/ ва мусиқий бўлгай, агар баъзи мажолисда сўз ўтса эркандур, бовужуди улқи, мажлис аҳлининг кўпидин яхшироқ билур эркандурлар..."/1.95,76/. Шуниси диққатга сазоворки, Сайид Ҳасан Ардашер юқорида тилга олинган соҳалар бўйича бирорта йиғилишда баҳс кетса, ўша масалани яхши билса ҳам бошқаларни ўйлаб, "...ҳам ҳаё ва адаб жиҳатидин, ҳам бировга илзом ва хижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисда такаллум ҳам қилмас эрмишлар"/1.95,76/. Шунинг учун ҳам уни яхши-ёмон барча кишилар бирдай ҳурмат қилган. Шу сабабли Навоий Сайид Ҳасан Ардашернинг ботиний ва зоҳирий камолотини ёритар экан, ўз ҳаётида у каби комил инсонни кўрмаганини эътироф этиши бежиз эмас эди.

Пахлавон Муҳаммад ҳам шундай баркамол инсон бўлган. Муסיқа ва шеъриятда пешқадамлардан бўлишидан ташқари, адабиёт, қироат илми, нужум, тиб, ҳикмат ва фикҳ илмларидан тўла хабардор бўлган. Шеърни ёддан кўп билиши, билимдон, хушсухбат, ҳаммага ғамхўр, тавозуъ ва адабининг етуқлиги учун "...муболағасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳлуллоҳдин яҳуд ва тарсоғача Пахлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди"/1.95,96/. Яна шуниси эътиборлики, у роят забардаст, курашда енгилмас киши бўлишига қарамай, бундан зинҳор мағрурланмаган, аксинча, ўзини ниҳоятда камтар, камсуқум тутган. Фақр аҳлининг пешвоси сифатида хоксорона яшаб, ўз саховати, мулозимлиги ва покиза хулқ-атвори билан шуҳрат қозонган. Навоий қирқ йил мобайнида шундай комил инсон билан дўст бўлганлигидан фохрланади.

Ўрни келганда айтиш лозимки, Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Саид Хасан Ардашер, Пахлавон Муҳаммад сингари комил инсонлар билан яқинлиги бесабаб эмас эди. Зеро, улуг шоирнинг ўзи ҳам ўз даврининг комилларидан ҳисобланардики, бу ҳақда унинг замондошлари ҳам гувоҳлик беради. Воқеан, Жомий унинг шеъриятдаги камолотини ўзининг "Хирадномаи Искандарий" асари охирида қайд этган бўлса, дўстга садоқати ва олижаноблигини эса "Лайли ва Мажнун" достонида махсус таъкидлаган эди/2.43,17/. Тарихчи Мирхонд эса "Равзат ус-сафо"да ёзади: "Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида Амир Алишернинг тенги йўқлигидан жаҳонгир подшоҳнинг хотири ҳамма вақт унга мойил..." /1.99,35/.

Восифий Навоийнинг ахлоқий поклигини далиллар билан ёритса, /1.99,178-180/, Бобур унинг фазл ва ҳунар аҳлига ҳамisha мураббийлик ҳамда ҳомийлик қилганини ёзади/1.24,233/.

Хондамир эса улуг шоир табиатидаги мол-мулк ва мансабга қизикмасликни кўрсатиб, унинг "шариф хотири фақр ва фано йўлини ушлашга мойил бўлган"лигини таъкидлайди/1.155,63/. Шу билан бирга, Хондамирнинг Навоий шахсиятида тавозуъ, хилм, сахойи муфрит, бурдборлик, сабр-тоқат, шукр, ширинсўзлик, нафис зарофат ва ободончиликни севиш қабилаи ўзининг етук мужассамига эгаллиги ҳақидаги далилли фикрлари ҳам айрича диққатга молик. Аммо шуниси ажойибки, Навоий барча соҳаларда юксак камолот эгаси бўлишига қарамай, ҳамиша комиллик чўққиларини эгаллаш пайида бўлган. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий шундай гувоҳлик беради: "Бу улуг амирнинг мақбул табиати ва мулойим феъли султон жаноблари/Хусайн Бойқаро-А.А./га яқинлик, мусулмонларнинг муҳим ишларига қафиллик, шариат ва суннат, мулку миллат ишларини равнақ эттириш билан банд бўлса ҳам, ҳамиша фазилат орттириш, илм билан машғул" /1.38,189-190/.

Бутун умр камолотга интилган ва замонасининг етук кишисига айланган Навоий ўз асарларида комил инсонлар тимсолини ҳам яратиб берди. Улуг шоир дostonларидаги Арасту, Суқрот сингари доғнишмандлар, Фарҳод, Мажнун, Фаррух, Ахий, Саъд, Масъуд каби ошиқлар шундай комил инсонлардир.

Арасту -Искандарнинг маслаҳатчиси. У адолат, инсонпарварлик, илм ривожини ва тинчлик ўрнатишда ҳамиша шоҳга кўмаклашади. Чунки у барча соҳалар бўйича етук аллома, зоҳир ва ботин илмини чуқур билганилоҳий ақл эгаси.

Навоий "Садди Искандарий" дostonида ўрни-ўрни билан Искандар ва Арасту суҳбатини бериб, уларда шоҳ саволларига берилган жавоблар орқали комил инсон фикрларини ифодалайди. Дарвоқе, Арасту жавобларида шу ҳол яққол кўзга ташланади. Муҳими шундаки, Искан-

дар дунёвий шахс сифатида фикр юритса, Арасту унинг дунёвий моҳиятдаги саволларига чуқур ботиний мазмунли жавоблар қайтаради. Шу билан дунёга меҳр қўйган шоҳнинг қалбига илоҳий нур бериб, уни ботиний жиҳатдан поклаб боради. Чунончи, Искандарнинг мақсадга қайси йўл яқинлиги ҳақидаги саволига Арасту шундай жавоб беради:

Деги: Халқдин ўзни фард айламак,
Фано кўйи йўлида гард айламак...
Бировким савоб этса кўпрак ҳусул,
Анга кўпрак ўлрай умиди вусул...
Вале улки рафъ этти буду набуд,
Гумон қилмади Ҳақдин ўзга вужуд.
Ўзин чунки мақсуд аро қилди йўк,
Ўзи қолмайин, қолди мақсуди-ўк.
Гумон қилма мундин бийикрак мақом,

Киши анда чун етти, бўлди тамом/1.112,103-104/.

Халқдан ўзини йироқ тутиб, фано йўлида тупроққа айланиш-хилват дар анжуман мақомида амалга ошади. У Ҳақ зикри орқали пок-ланишдир. Аммо подшоҳлар тахтда эканлар, бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Шунинг учун улар савоб ишларни кўпроқ қилишлари лозим. Давлатманд учун энг яхши савоб иш хайр-эҳсон қилишдир. Аммо хайр-эҳсон ўз ўрнида бўлиши зарур. Ўринсиз саховат фойдасиздир. Бироқ кимки бор-йўғини Ҳақ йўлига бағишлаб, ундан бошқа вужуд йўқлигига гумон қилмаган ҳолда, шу мақсад йўлида ўзини фидо этса, илоҳий ваҳдатга эришади. Шу даражага етса, инсон учун бундан бошқа буюкроқ мартаба бўлмайди. Бу фикрлар ботиний камолотга етган муршид пандларидир. Арастунинг Искандар томонидан берилган бошқа саволларга қайтарган жавобларида ҳам шундай чуқур

тасаввуфий қарашларини кузатиш мумкин.

Сукрот ҳам Арасту сингари камолотга етган муршид. У дунёвий илмни қанчалик чуқур билса, ботин илмини ҳам шундай мукаммал билади. Шу ўринда таниқли навоийшунос Ё. Исҳоқовнинг қуйидаги фикри диққатни тортади. У ёзади: "Навоий инсон тадқиқи ва комил инсон муаммосини алоҳида эмас, балки у мансуб жамият ва умуман, борлиқ билан боғлиқ ҳолда олади"/1.58,4/. Тўғри фикр. Бироқ шу билан биргаликда, улур шоир комиллик, бошқача айтганда, камолотни эгаллаш инсоннинг кўпроқ ўзига боғлиқ эканлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Зеро, инсоннинг ўзи камолотга интилмаса, унга ҳатто жамиятнинг ҳам кучи етмаслиги мумкин. Ёки аксинча, инсон комилликни хоҳласа, жамиятдан ташқарида ҳам камолотга ета олади. Навоий ўз асарларида шу хил қаҳрамонлар қиёфасини ҳам чизиб берган. Чунончи, Сукрот шундай шахсдир. У хилватда, аниқроғи, кимсасиз ғорда яшайди. Сукрот шу ерда ботиний камолотга эришган. Бу ҳол умуман тасаввуф аҳли учун бегона эмас эди. Дарвоқе, юқорида қайд этганимиздек, Абдурахмон Жомийнинг вуртдоши, машҳур сўфий Шайх Аҳмад Жомий ўн саккиз йил Йазд деган тоғда яшаб, сулук риёзатини бажарган ва солики комилга айланган бўлса/1.96,73/, Шайх Увайс Қараний эса бутун умрини далада туя боқиб ўтказса-да, ботиний ва зоҳирий камолоти билан пайғамбарни ҳам мафтун этган эди/1.96,74/.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Сукрот ҳам шундай камолот соҳиби сифатида тасвирланган. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, навоийшуносликда Навоий яратган бу образ тарихий Сукротдан фарқ қилиши тўғри қайд этилган эди. Чунончи, академик В. Зоҳидов бу ҳақда шундай ёзади: "Навоийда Сукрот одил, халқпарвар донишманд файласуфдир. Тарихий Сукрот эса антидемократик бўлиб,

аристократ қулчиларнинг мафкурачисидир"/1.51,93/.Воқеан,Навоий яратган образда тарихий Сукротнинг донишмандлиги акс этган,хос-лос.Шу сабабли у умумлаштирилган,шу билан бирга,янги образдир.

Навоий Сукрот образини комил инсон тимсоли сифатида чизади. Шу боис унинг зохирий ва ботиний мукамаллигини махсус қайд этади.Воқеан,унинг бутун жисмида покиза рухи акс этиб турса,шахсида эса улур ақл эгаси эканлиги билиниб туради.Энг муҳими,унинг юзи Аллох нуридан равшанлик олган кўзгудай бўлиб,у илохий сирларни тўлалигича англаган зот эди.Навоий уни "пораи нур"-нур парчаси, дейди.Зеро,у аслида пок илохий нурдан вужудга келиб,яна ўша нур-нинг ўзига айланган эди.Шу сабабли унинг жисми муқим бўлса-да, вужуди бутун коинотни эгаллаган эди. Шунинг учун ҳам Сукротнинг ҳаёт осмонида бутун олам яхлит бир юмалоқ тошдай,унинг ўзи эса жаҳон жисмининг нур каби пок жонидай эди.

Шу тарзда Навоий Сукрот образидаги юксак камолотни изчил тас-вирлаб,асосий мақсадга яқинлашади.Улур шоир талқинича,Сукротни жаҳонга тенглаштириб бўлмайди.Чунки у камолотда шу даражага ет-ганки,комилликда чиндан ҳам олами кубронинг ўзига айланган.Шу сабабли у ҳамманинг кўзига "олами кубро намуди" бўлиб кўринади. Дарҳақиқат,Фарход,Ҳокон ва Мулкоро Юнонистон тоғининг Сукрот яшайдиган роридаги уйга кирганларида шундай ҳолни кўрадилар:

Уй ичра кўрдилар бир пораи нур,
Бўлуб эв партавидин байти маъмур.
Бўлуб бир бурж ичинда меҳрдек гирд,
Ҳакими чарх анинг олинда шогирд...
Бўлуб хоро сипехрида жаҳоне,
Жаҳон жисмида ёхуд тоза жоне.
Жаҳонни қўйки,олий шон вужуди,
Жаҳонда олами кубро намуди.

Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир

Ки, анда зоҳир аввал то ба охир/1.109,175/.

Улуғ шоирнинг Сукротни олами кубро намунаси сифатида тасвирлаши бежиз эмас. Бу комил инсоннинг Ҳаққа етиш поясидир. Демак, ҳар жиҳатдан тўла камолотга етганларда вужуд бирлиги акс этади. Бу касратнинг ваҳдатга етиши бўлиб, унда ваҳдат ул-вужуд намоён бўлади.

Улуғ шоир комил инсон тарзида талқин этилган Сукрот образида буни юксак маҳорат билан чизиб беради. Энг муҳими, Навоий Сукрот образида комил инсон белгиларини бадиий тарзда умумлаштириб тасвирлаб, ҳақиқий комилликнинг аниқ тасвирини берган. Таниқли олим Н. Комилов Сукрот образида акс эттирилган комил инсон фазилатларини умумлаштириб, қуйидагича ёзган эди: "Хуллас, Сукрот-камолот чўққисини эгаллаган комил инсон. Ҳақиқатдан ҳам, лекин руҳи бутун дунёни кезиб чиқади. Жамшид жомӣ, Искандар кўзгуси, унинг кўнгли кўзгуси олдида хира. Кўнгли "махзани роз" бўлгани сабабли ҳамма нарсадан огоҳ, барча воқеадан хабардор. Кимнинг пешонасида нима ёзилган, умри қандай тугайди, муддао -мақсади нима-Сукрот буни олдиндан билади. Шунинг учун ҳам у нафақат хоқон хазинасидаги сандиқни очиш сирини, балки Фарҳоднинг келажагини ҳам башорат этади"/1.71, 207-208/.

Фарҳод шундай комил инсон билан суҳбатлашгач, ўз ғамгинлиги, интилиши ва ишқининг сирини ҳам тушуниб этади. Хусусан, Сукротдан мажозий ва ҳақиқий ишқ моҳиятини билиб олгач, унинг бу борадаги фикри тиниқлашади. Натижада, Фарҳод бошқа соҳаларда бўлгани каби ишқда ҳам камолотга кўтарилади. Чунки у шу пайтгача қалбдаги ишқ сирини англай олмаган эди. Бу сирни унга Сукрот тушунтиради. Шундан сўнг унинг мажозий ишқи ҳақиқий ишқ сари йўналади. Навоий буни махсус таъкидлайди:

Утар дам уйла фоний бўлди мутлақ

Ким, ул ишқини боқий айлади Ҳақ.

Вужудин ўртаб ул сўзу гудози,

Ҳақиқатқа бадал бўлди мажози/1.109,449/.

Хуллас, Сукрот муршиди комил сифатида бу борада раҳнамалик қилади. У туфайли Фарҳод ҳам тўла камолотга эришади. Бунгача у "...кўнгли поку ҳам кўзи пок, тили поку сўзи поку ўзи пок"/1.109,72/ лиги туфайли шарият ва тариқат босқичларини босиб ўтиб, маърифатга кўтарилган эди. Хусусан, унинг луқма хиллияти йўлида ҳунар-касб эгаллаши, Искандар хазинасини топгач, ўз нафсини енгиб, бойликни отаси ва кўшинга бериши; отаси таклифни рад этиб, шоҳликдан ва умуман, мансабдан воз кечиши; фақр йўлини тутиб, ҳатто ўз насабинини ҳам яшириши; ариқ қазиётган жафокаш халқни кўргач, қалб амри билан уларга ёрдам бериши; унга рақиб бўлган Хусравдан ранжимаганлиги ҳам ундаги инсоний комилликни кўрсатади. Бироқ Фарҳод ҳақиқат босқичига Сукрот билан учрашгандан кейин кўтарилади. Дарвоқе, шундан сўнг у Арасту айтганидек, ваҳдатга етиш учун ўзини бутунлай Ҳақ йўлига бағишлайди ва фанога етиб бақо топади.

Сўфийликда эса фано ва бақони эгаллаб, вужуд бирлигига восил бўлиш фақат комил инсонларгагина муяссар бўларди, холос. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Мажнун ҳам комил инсондир. Аввало, у ўз ишқининг комиллиги билан ажралиб туради. Унинг ишқида нафс эҳтиёжи йўқ. Зотан, унинг тани ва жони аслида ишқ билан йўғрилган. Ишқ уни ҳам жисман, ҳам руҳан тозалаб, камолотга кўтарган. Демак, солиқ камолотида ишқ роят муҳим ўрин тутаяди. Воқеан, Сукрот қалби фақат Ҳақ ишқи билан тўлганлиги учун ундаги комиллик мукаммал. Худди шу жиҳатдан олиб қаралса, Фарҳод ва Хусрав камолотидаги фарқни ҳам белгилаш мумкин.

Фарҳод кўнгли илоҳий ишқ билан тўлганлиги учун у эл наздида ҳам, маҳбуб наздида ҳам эътиборли. Демак, унинг дунёвий жиҳатдан ҳам, илоҳий жиҳатдан ҳам камолотга етганлиги кўриниб туради. Хусрав қалбида эса фақат дунёвий ишқ бор, холос. Шу сабабли у комил эмас. Чунки дунёвий ишқ нафс билан боғлиқ.

Инсонда нафс бор экан, у камолот касб етолмайди. Ишқ нафс қобиридан чиқиб, пок илоҳий мазмун олгандан кейингина инсонда ҳам лохутлик кучайиб, раббоний белгилар яққол кўзга ташлана бошлайди. Натижада, у ўзининг қудсий сифатларини намойиш этиб, Сукрот сингари бир жойда ўтирса-да, руҳи олам кезади. Илоҳий башорат эгасига айланиб, башар аҳлига раҳнамолик қилади ва мурманзилига етказади. Тасаввуф тадқиқотчиларининг талқинига кўра, шундай мақомга кўтарилган илк зоти олий Муҳаммад пайғамбардир/3.18,101/.

Ўрни келганда айтиш лозимки, умуман исломда Муҳаммад пайғамбар комил инсон сифатида талқин этилади. Бундай фикр тасаввуфда ҳам бор. Бунга адабиётшунослар Н. Комилов/1.71,145/ ва М. Муҳиддинов/1.84,12/ ҳам эътибор қаратган эдилар. Дарҳақиқат, ҳазрати Муҳаммад сўнгги пайғамбар бўлса-да, боқийликда биринчидир. Шу сабабли бошқа пайғамбарлар ҳам аслида унинг нуридан вужудга келган ва руҳий илҳом олганлар. Бу нарса ҳатто Одам Атога ҳам тегишли. Шунинг учун кўпгина сўфийлар, хусусан, нақшбандийлик силсиласи соликлари учун ҳам Муҳаммад пайғамбар намунавий комил инсон ҳисобланарди. Чунки нақшбандийликда шарият қонунқоидаларига қаттиқ риоя этилар ва тариқат аҳли учун эса пайғамбар равиши ибрат вазифасини ўтарди.

Пайғамбарнинг комил инсон бўлганлиги унга бағишланган маноқибларда кенг ёритилган/1.149;1.156/. Бугина эмас, расулуллоҳ камолотини унинг ҳадислари мазмуни ҳам тасдиқлайди. Алишер

Навоий ҳам пайгамбарни комил инсон сифатида улуғлайди. Аввало, уни ақли кулл-комил ақл эгаси сифатида тасвирлаб, гўзал сифатлари учун Аллоҳ уни аззама қадраҳ-қадрини улуғ, қаррама ваҳҳаҳ-юзини муқаррам этганини ва ўзига ҳабиб қилганини таъкидлайди /1.108,33-37/.

Улуғ шоир пайгамбар шарафини қиёслар билан тасвирлаб, "Расули аъзам шаънидаким, қуёшдин оламоройроқдуру нафӣ қилғон хуффошдин тийраройроқ"/ пайгамбар шарафи шу даражадаки, у қуёшдан юксак оламга нур беради, уни инкор этганлар эса кўрликда кўршапалакдан ҳам баттардир/, деб ёзади /1.104,541/.

"Ҳамса"га кирган дostonларида пайгамбар меърожини қайта-қайта тилга олиб, унинг ҳабибуллоҳ даражасига етганини исботлаб беради. Воқеан, пайгамбарнинг Ҳақ даргоҳига етиши унинг мукамал камолоти далили эди. Шунинг учун ҳам у икки олам раҳнамоси ва барча инсонларнинг суҷлисига айланди, деб ёзади Навоий /1.106,11/.

Улуғ шоир фикрича, пайгамбар камолотини билиш учун унинг ҳадис-сўзларига назар ташлаш кифоядир. Чунки пайгамбар сўзлари камолот мўъжизалари намунаси бўлиб, уларда илоҳий нурдан баҳраманд ақли кулл акс этиб туради:

Эй нафасинг мойи эъжоз ўлуб,

Руҳи қудус нутқунгра ҳамроз ўлуб...

Сихҳати ҳукм ичра ҳадисинг саҳих,

Арзи фасохатда каломинг ғасих.

Нутқ аро чун зоҳир ўлуб мўъжизинг,

Аҳли фасохат бўлубон ожизинг.

Зотинг ўлуб баҳри жавоҳир нишон,

Сўз аро баҳринг кафи гавҳар фишон /1.108,40-42/.

Бироқ ҳақиқий камолот намунаси Аллоҳнинг ўзидир. Шунинг учун ҳам инсон унга интилади. Инсон Ҳаққа интилган сари камолот касб этиб боради. Чунки Ҳаққа етиш учун комил инсон бўлиш лозим. Бунда, энг аввало, кўнгил покланиши лозим ва унда фақат Аллоҳ зухур этиши керак. Шундан сўнг комиллик талабларини бажаришга киришилади. Профессор А. Муҳаммадхўжаев Азизиддин Насафийнинг "Мақсади ақсо" асарида қелтирилган комилликнинг сўфийликда алоҳида эътибор бериладиган қуйидаги тўрт жиҳатига диққатни тортади: ақволи нек, ахлоқи нек, маорифи нек ва афъоли нек/3.29,26/. Сўфийлар талқинича, инсон камолотини белгиловчи бу сўз, иш, хулқ-атвор ва билимдаги яхши, етук фазилатлар мазмунан кенг тушунчалар бўлиб, улар солиқнинг шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтиш жараёнида қўлга киритилади. Чунончи, шариат босқичида комилликнинг қуйидаги даражалари бажарилади: Аллоҳдан кўрқиш, шариат руқнларини тўла бажариш; Қуръонни билиш, суннатга риоя қилиш; имонни поклаш, илм ўрганиш; жамиятга зарар етказмай, фойдали ишлар билан шуғулланиш; амри маъруф ва наҳйи мункар билан машғул бўлиш, тавозуъ ва ҳилмни эгаллаш.

Тариқат босқичи вазифалари: Ҳаққа интилишда собитлик, комил муршидга мурид бўлиб, унга садоқат кўрсатиш ва ундан ўрганиш; тариқат мақомларини оғишмай бажариш, дунёвий ишлар ва орзулардан сақланиш; ҳаромдан ҳазар, фақат меҳнат орқали яшаш; кам ухлаш, кам гапириш ва ширинсўз бўлиш; нафс йўлларини тийиш, кўз, қулоқ, тил, тан ва кўнгилни пок сақлаш; Аллоҳни севиш. Ниҳоят, ҳақиқат босқичида қуйидагиларга эришилади: кўнгилда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса қолдирмаслик, яхши билан бирга ёмонни ҳам севиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш; дилозорликдан сақланиш; дунёга муҳаббатдан тўла озод бўлиш; ўзини ўйлашдан қутулиш, ҳар бир сўз, воқеа-

ходиса ва муомала-муносабатга Ҳақ назари билан қараш; факр билан ғахрланиш, ғақирликдан шукр қилиш; ўзгалар учун яшаш, яъни бошқаларга ғамхўрлик қилиш; худшунослик худшунослик эканини англаш ва уни сир тутиш.

Хуллас, солиқ шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларининг шу ва бошқа талабларини мукаммал бажаргач, комил инсон даражасига кўтарилади. Бу эса унинг вужуд ваҳдатига етиш пояси бўлиб, солиқ учун носут ўзлигидан қутулиб, лохут ўзлигини топишидир. Зотан, сўфий шу маснадга етса, ўзининг бақо ҳақиқатига мушарраф бўлганини ҳам англайди. Бу эса унинг тўла камолоти бўлиб, комил инсон даражасига етганини билдиради.

Энг муҳими, бу камолотда ваҳдат ул-вужуд акс этади. Чунки комил инсон мартабаси қисмнинг бутунга айланишидир. Бутун Аллоҳдир. Қисм эса унинг тажаллиёти бўлиб, инсон шу намоёнлик орасида мукаммали ҳисобланади. Бироқ у ҳам бутунга нисбатан ноқисдир. Риезат эса унга комиллик бағишлайди. Демак, қисм бутунга интилгани сари мукаммаллашиб боради. Комил инсонлик поясига етгач, унда Ҳақ сифатлари жилваланади. Натижада, у оламни бошқариш даражасидаги илоҳийликка кўтарилади. Чунки унда инсоний сенлик ва менлик барҳам топиб, фақат илоҳий руҳ қолади. Бу илоҳий тавҳид Аллоҳ ва оламнинг бирлигини кўрсатади. Зеро, бутундан вужудга келган қисмнинг яна унга қайтишида ҳам камолот, ҳам ваҳдоният акс этади. Шундай қилиб, комил инсонда ҳамма нарсанинг умумлашиши билан Аллоҳ ва оламнинг яхлитлиги ҳам ўз тасдиғини топади.

ХУЛОСА

Алишер Навоий ижодида ўзининг чуқур бадий талқинини топган ваҳдат ул-вужуд таълимоти шарқ тасаввуфий тафаккурининг муҳим қисмини ташкил этади.

Аввало айтиш мумкинки, ваҳдат ул-вужуд таълимоти гарчи Ибн Арабий номи билан вобаста бўлса-да, лекин у бирданига пайдо бўлган эмас. Унинг юзага келиши ўз заминларига эга бўлиб, бу тасаввуфнинг тадрижий тараққиёти билан боғлиқ эди. Тасаввуф эса Шарқ халқларининг ҳаёт ва фаолиятлари жараёнида шаклланди ҳамда уларнинг ахлоқий-маънавий камолотига айланди. Гарчи тасаввуфнинг вужудга келиши Ироқ ва Сурия замини билан боғланса-да, бироқ унинг шаклланишида кўпгина Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши узоқ тарихга эга. Унинг илдизлари исломдан олдинги даврларга бориб тақалади. Ислом пайдо бўлмасдан илгари унинг илк кўринишлари мавжуд эди. Шулардан бири исломгача бўлган жоҳилият даврининг инсонийликка тўғри келмаган иллатлари /ўз болаларини тириклай кўмиш, ўзгаларга нисбатан шафқатсизлик, талончилик, ижтимоий ва шахсий турмушдаги тартибсизликлар/ дан ўзини узлатга тортиб яшовчилар гуруҳи эди. Улар илк зоҳидлар бўлиб, парҳез ва тақволарини шахсий ишга айлантирган эдилар. Уларнинг турмуш тарзи асосан гўшанишинликдан иборат бўлгани учун тарки дунё қилганлар сифатида қаралса-да, лекин амалий фаолиятлари покликка йўналтирилгани сабабли эътибор қозона бошладилар. Натижада, уларнинг кўплаб издошлари пайдо бўлди. Бу эса илк зоҳидлар фаолиятининг кенгайишига олиб келди. Муҳими шундаки, шу хил зоҳидлар тасаввуфнинг пойдеворини яратган эдилар. Шундай кишилар ҳақида машҳур олим Муҳаммад Фиёсиддин қуйидагича ёзади: "...тарки дунё қилганлардан бир гуруҳ бор эди. Улар жоҳилият

айёмида Каъбада яшаб, халқ учун Ҳаққа хизмат қилардилар. Кейинчалик улар тасаввуф аҳлига мансуб бўлдилар"/2.35,14/.

Ислом пайдо бўлгандан сўнг бундай гуруҳлар кўпайди. Чунинчи, Қуръон таъсирида барча қилган гуноҳларидан тавба қилувчи таввобинлар, Муҳаммад пайғамбар каби фақирликни танлаган фақр аҳли шулар жумласидан эди. Дастлаб шахсий интилишдан бошланган бундай кишилар фаолияти кейинчалик ижтимоий мазмун ола бошлади. Бунда исломнинг таъсири ҳам роят катта бўлди. Чунки ислом инсонни тарбиялаш ва жамиятни поклашга қаратилган бўлиб, унинг қонунлари тасаввуфнинг ахлоқий-эстетик қоидаларига зид эмас эди. Шундай қилиб, ислом тасаввуф тараққиётига йўл очгани сингари, тасаввуф ҳам исломни назарий ва амалий жиҳатдан янгича олий даражага кўтарди ҳамда турли халқлар орасида мустаҳкамлади. Зеро, у амалий жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам мустаҳкам асосларга эга эди. Шу сабабли у зулм ва зўрлик, қуллик ва қулдорлик, дунё аҳли ва мулкига муносабатда тенгсизлик ҳукм сурган даврларда Ҳақ ва ҳақиқат тариқини шиор қилиб кўтарди.

Сўфийлар золим ҳукмронларга, шариятни ўз манфаатларига мослаштиришга уринаётган шахсларга эътироз билдириб, Аллоҳнинг олдида ҳамма тенг дея нафси тийишга, ҳалол, пок бўлишга, иттифоқ бўлиб яшашга, дўстлик ва инсонпарварликка чорловчи фикрларни олган сурдилар.

Тасаввуф йўлини тутган сўфийларнинг ўзлари илк қадамлариданоқ бу илғор туйғу ва фазилатларга қатъий риоя қилдилар. Шу сабабли тасаввуфнинг моҳияти сўфийлар фаолиятида акс этди. Дарвоқе, Навоий эътиром билан "султони вақт ва аҳли тариқат жамоли" дея улуғлаган хоразмлик машҳур сўфий Шайх Абу Саид Абулхайрдан тасаввуф ҳақида сўраганларида, Жомийнинг ёзишича, "Бошингдаги барча орзу-ҳавасларни чиқариб ташлаш, қўлингдаги бор нарсани ўзга-

ларга бериш ва ҳаётда нимага дуч келсанг бардош қилишдир" деб жавоб беради/2.45,341/.

Абу Саид Абулхайрининг замондоши Абулҳасан Харақоний эса истиғнода тўла йўқликка етиб, борлиққа эҳтиёжи қолмаганлар сўфий деган/1.96,110/. Бу фикрларда тасаввуфнинг энг муҳим жиҳати, яъни инсонни ахлоқий-нафсоний жиҳатдан поклаш, камолга етказиш хусусияти акс этган. Воқеан, Навоий ҳам "тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ" деган эди/1.107,211/. Чунки ахлоқнинг яхшиланиши инсонни камолотга кўтаради. Уни комил инсонга айлантиради. Натижада, одамни дунёга берилишдан қутқариб, Ҳаққа боғлайди. Зотан, тасаввуф истилоҳининг сафв қисми юз буриш, бир томон бўлиш маъноларини билдиради/2,34,196/. Бу эса мавжуд оламдан Ҳаққа юз буришдир. Унга етиш сўфийнинг бош мақсади бўлиб, тасаввуфнинг хулосавий йўлини ифодалайди. Навоий ҳам тасаввуфни шу маънода шарҳлайди. Улур шоирнинг фикрича, тасаввуф инсоннинг ўз вужудини Ҳақ вужудида маҳв этишидир/1.107,212/. Чунки у тасаввуфдаги "мақсади кулл" дир. Унга эса "солик фанийи мутлақ ўлмайин" ета олмайди/1.104,541/. Фанийи мутлақ бўлиш учун эса бутун умр риёзат чекиш керак бўлади.

Дарвоқе, тасаввуфнинг илк ривожи ҳам зуҳд риёзатидан бошланган эди. Зуҳд тарки дунёчилик, тақводорликни ифодалаб, замонавий тасаввуфшуносликда аскетизм дейилади. Унда парҳез ва тақвога қаттиқ риоя қилиш, Аллоҳ йўлида азоб-уқубат тортишга розилик, қийинчиликларни миннатсиз, матонат ва ихтиёрий хушнудлик билан енгиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам зуҳд кейинчалик тариқат мақомларидан бирига айланди. Зуҳд йўлига кирганлар зоҳид дейилади.

Ҳасан Басрий, Шайх Увайс Қараний, Иброҳим Адҳам, Рабоҳ ибн Амр, Молик ибн Динор, Робиа Адвия, Ҳотам ибн Унвон Ассам, Шақиқ

ибн Иброҳим ал-Балхий, Ато ибн Сулаймон кабилар илк зоҳидлар сифатида тасаввуфдаги зуҳдни кенг ривожлантирдилар.

Гарчи сўфийликнинг илк босқичи зуҳддан бошланиб, бу борада зоҳидлар фаолияти яхши натижалар берган бўлишига қарамай, улар сўфийлардан фарқ қилар эдилар. Адабиётшунос И. Ҳаққулов улар ўртасидаги иккита тафовутни кўрсатади: "Биринчидан, зуҳд аҳли асосан шариат атрофида иш юритганлар... Иккинчидан, зоҳидлик ҳаракатида мистик хаёл ва кечинмалар ўрин топмаган"/1.202, 10-11/ Бу икки ҳолат кейинги даврларда ҳам, ҳатто тасаввуф мистицизми ва пантеизми даврида ҳам сақланиб қолган эди.

Мистик тафаккур шаклланимаганлиги сабабли зоҳидлар фаолияти шахсий манфаат доирасида қолди. Натижада, уларнинг тоат-ибодатлари ҳам жаннат, ҳур умидида бажарилди. Сўфийлар эса бу борада ҳам фақат Ҳақнинг ўзига интилар эдилар. Навоийнинг "зоҳид, сенга ҳур, менга/сўфийга/ жонона/Аллоҳ/ керак, жаннат сенга бўлсун, менга майхона/Руҳи мутлақ манбаи/ керак" деган қиёсли фикри ҳам зоҳид ва сўфий интилишининг фарқини ёрқин кўрсатади/1.104, 578/.

Аммо юқорида эслатганимиздек, тасаввуфнинг илк даврларидаги тарки дунё қилганлар фаолияти тор доирада бўлган бўлса-да, кейинчалик унинг ижтимоий доираси кенгайди. Бу эса инсон, жамият, олам ва Аллоҳ ҳақидаги тушунчаларнинг кенгайиши билан боғлиқ эди. Натижада, тасаввуф аскетизмининг билиш назарияси чуқурлашиб, мистик тафаккур шаклланишига йўл очилди. Шу сабабли УШ аср охирига келиб, амалий тасаввуф ўз якунини топди. 1X асрдан бошлаб эса у чуқур илмий асосда ривожлана бошлади. Бу даврда аскетизм ижодий равишда шаклланиб, мистицизм поғонасига кўтарилди.

Мистицизм мистика сўзидаги сир-асрор, пинҳонлик маънолари билан боғлиқ бўлиб, яширин моҳиятни англашни билдиради. Аниқроқ

айтганда, мистицизм Аллоҳни англаш, руҳан унга қўшилиш ва бирикиб кетишни ифодалайди.

Бу тасаввуфда зикр, жаҳр, самоъ сингари турли йўллар орқали амалга ошса-да, аммо уларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб важд дейилади. Ваяд англаган маъносига кўра мистицизмдир.

Ваяд ўз замонининг маъруф сўфийлари Зуннун Мисрий, Абу Али Муҳосибий, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож ва бошқалар фаолиятида олға сурилди.

Мистицизмнинг ривожи тасаввуфда ваҳдат ул-вужуд таълимотининг юзага келиши учун муҳим замин бўлди. Чунки унинг замирида илоҳий моҳиятни англаш билан биргаликда, унга етиш ва қўшилиш ҳам акс этар эди. Бу фикр ваҳдат ул-вужуд таълимотида янада кенг-роқ ривожлантирилди. Натижада, Аллоҳ ва оламнинг бирлиги ҳақидаги асосли илмий назария вужудга келди. Бу таълимотнинг асосий тарғиботчилари мутафаккир шоирлар эди. Улар орасида улур ўзбек шоири Алишер Навоийнинг юксак ўрни борлиги гоят мароқлидир. Дарвоқе, Навоий ваҳдат ул-вужуд таълимотининг изчил тарафдори сифатида уни гоят кенг талқин этиб, бадий тарзда чуқур асослаб ҳам берди.

Навоий талқинидаги мажозий ишқнинг ҳақиқий ишқ поғонасига кўтарилиб, унинг илоҳий васлга олиб боришида ҳам, фақр мақоми риязатининг охир оқибатда фано бақосига муяссар эттиришида ҳам ва ниҳоят, инсоннинг ботиний ва зоҳирий такомиллашиши уни Ҳақ тимсолига айлантериши ҳам аслида ваҳдат ул-вужуд талқинининг мантиқий исботи ҳисобланади. Муҳими шундаки, Навоий бу пантеистик таълимот орқали инсонни гоят улурлайди. Унга моҳиятан илоҳий башар сифатида муносабатда бўлади. Бу эса Навоий ижодидаги инсоншуносликнинг негизи бўлиб, улур шоир асарларида куйланган эзгу туйғуларнинг чуқур мантиқий илдияга эга эканлигини кўрсатади.

Навоийнинг тасаввуфий қарашларида Аллоҳ ва оламнинг ажратилмай, улар яхлит ҳолатда, бири иккинчисини тақозо этган ҳолда мавжуддир, деган фикрнинг олға сурилишининг бошқа муҳим жиҳатлари ҳам бор. Чунончи, бу нарса, биринчидан, инсоннинг жамият ва табиатга муносабатини белгилашда муҳимдир. Демак, олам яхлит бир бутунликдан иборат экан, унинг қисмлари бўлган жамият ва табиатга инсон ўзининг бир бўлаги сифатида, илоҳий бутунликнинг зарар кўриши мумкин бўлмаган томони тарзида муносабатда бўлиши лозим. Улуғ шоир ғоят чуқур маънога эга бўлган бу фикри билан жамиятни ҳам, табиатни ҳам пок, муқаддас, мукаммал ва камолот даражасида тутиш фикрини илгари суради. Бундаги асосий вазифа инсонга юклатилган. Зеро, Аллоҳнинг ердаги энг шариф зоти инсон бўлиб, Ҳақ олами у орқали бошқаради. Чунки у бошқа мавжудотда йўқ ақл, онг, тил ва қалбга эгадир. Иккинчидан, инсоннинг барча фаолияти покиза интилишлардан иборат бўлиб, пок ҳолда Ҳаққа восил бўлишга йўналтирилиши керак. Бу Ҳаққа интилишнинг муҳим талабидир.

Улуғ шоир олға сурган ғанонинг бақоси ҳам аслида шу билан белгиланади. Зеро, Ибн Арабий ҳам бақони поклик камолотига етган комил инсонга нисбат берган эди. Улуғ мутафаккир бу билан ваҳдат ул-вужуд замирига тозариш, ўсиш ва умуман, тараққиётни қўяди. Шунинг учун унда ваҳдат ул-вужуд Ҳақ ва халқнинг оддий бирлиги, ёки борлиқнинг ягоналигигинамас, балки бу тушунча ғоят кенгдир. Чунки вужуд юзага келиш, намоён бўлиш маъносини берар экан, бу борлиқдаги яхлитликнинг ривожланиш, янгиланиш, кенгайиш ва покланиш жараёнини ҳам акс эттиради. Воқеан, моддий олам илоҳий моҳиятга эга бўлиб, у Аллоҳнинг мавжудлигини кўрсатувчи далилдир. Чунки Ибн Арабий талқинича, олам ўз-ўзича мавжуд бўла олмайди. У Аллоҳнинг мавжудлигидир/З.44,29/.

Демак, Аллоҳ ва олам яхлит бирликда мужассам. Шу бутунликнинг қисми бўлган инсон унга қўшилишга интилар экан, ҳақиқатни англаш жараёнини бошдан кечиради. Бу фаолият эса инсоннинг ўзини такомиллаштириши билан вобаста. Ибн Арабий масаланинг шу томонига кўпроқ урғу бериб, ваҳдат ул-вужудга доир фикрларини инсонни руҳий камолотга кўтариш ва бу билан уларни турли ёмонликлардан қутқаришга йўналтиради. Унингча, инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўла поклангачгина Ҳақни танийди.

Санойй ҳам кўпроқ шу фикрга мойил эди. Ақтор ва Румий эса ишқни биринчи ўринга қўядилар. Уларнинг фикрича, Ҳақни англаш ва унга етиш ишқ камолотига борлиқ. Навоий эса шу икки жиҳатни бирлаштиради ва уларга нақшбандийликдаги ғақрни ҳам қўшади. Шу сабабли Навоий ижодидаги Ҳаққа интилиш йўли ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Бугина эмас, улуг шоир талқинича, Ҳаққа интилишдаги инсоний ўзликдан қутулиб, илоҳий ўзликни топишда акс этган Аллоҳ ва олам бирлигида мавжуд борлиқнинг ҳам абадийлиги мужассамлангандир. Улуг шоир оламнинг абадийлигини Симурни излаб, уни ўзларида кўрган қушлар мисолида кўрсатган эди. Дарвоқе, бунда ваҳдат ул-вужуд ҳам акс этарди. Бу фикр денгиз ва унинг мавжлари таҳлилида янада чуқурлашган. Денгиз Аллоҳ тимсоли сифатида абадийликни ифодалайди. Унинг мавжлари эса муваққатликни акс эттиради. Бу олам нарсаларига ишора. Бироқ муҳими шундаки, мавж денгизга тааллуқли. Мавж пайдо бўлиб, йўқолган сари, яна у янгидан-янги кўринишда юзага келаверади. Оламдаги нарсалар ҳам шундай янгиланиб бораверади. Бу эса оламнинг тараққиётда ривожланишини ва абадийлигини кўрсатади.

Улуг шоир ваҳдат ул-вужудни асослашда яна бир муҳим далилга диққатни тортади. Бу оламдаги барча нарса-ҳодисаларнинг ўзаро

боғлиқлиги ҳақидаги фикр бўлиб, Навоий у орқали вужуд бирлигини асослайди. Улуғ шоир фикрича, касрат оламидаги боғланиш аслида Ҳақдан бошланган. Шу сабабли ботиндаги ваҳдат зоҳирда ҳам акс этади.

Ўрни келганда қайд этиш лозимки, Алишер Навоий ваҳдат ул-вужуд талқинида салафлари анъаналарини ривожлантирган бўлса, унинг халафлари ҳам бу борада улуғ шоир анъаналарини давом эттирдилар. Буни Бобораҳим Машраб/1640-1711/, Хўжаназар Хувайдо/в.1780 й./, Муҳаммад Ризо Огаҳий/1809-1874/ каби шоирлар ижодида яққол кўриш мумкин. Бу шоирларнинг Навоий давридан кейинги уч асрда яшаганликларининг ўзи ҳам ваҳдат ул-вужуд ғоясининг шеърятда изчил давом эттирилганини кўрсатади.

Аслида бундай изчиллик Навоийнинг кичик замондошлари ижодидан бошланган эди. Бунга Бобур/1483-1530/ ижоди ёрқин мисол бўла олади. Бобур шеърларида, аниқроқ айтганда, унинг рубоийларида ваҳдат ул-вужуд турли поэтик рамзлар орқали гўзал ифода этилган. Шоир талқинича, маъшуқа юзи қуёш каби нурлидир. Шу боис унинг юзидаги нур ойникидан ортиқ. Зеро, маъшуқа нурни ҳақиқий қуёш, яъни ҳусни мутлақдан олган. Шунинг учун унинг ҳусни олдида кўкдаги қуёш ҳам хира.

Бироқ ҳусни мутлақ ой ва қуёшга ҳам навозиш кўрсатиб, уларда ҳам ўз ҳуснини зоҳир этган. Оламни эса доира шаклига солиб, ой ва қуёшни унга осиб қўйган. Шоир оламдаги доиравий шаклни чилдирмага ой ва қуёшни эса унинг ҳалқачаларига нисбат этади. Бу ҳалқачалар чилдирмадан ажрала олмайди, улар бир бутунликда наво беради. Ҳақ ва халқ ҳам худди шундай ваҳдатда намоён бўлади:

Ул юзи қуёшки, бордур ойдин афзун,

Ҳусн ичра ул ой оллида хуршид забун.

То бир кун ул ойдин навозиш топқай,

Кўк доира бўлди-ю, жаложил ойу кун/1.26,150/.

Бу рубоий Навоийнинг қуйидаги мисраларидан илҳомланиб ёзилганга ўхшайди:

Эй мутриби зухражабин, бу нармаким, чектинг ҳазин,

Камдур жаложил гар нужум ўлса, санга хуршид-даф/1.106,222/.

Навоий талқинича, мутриби зухражабин-Ҳақ. Даф-олам, нужум-нарсалар. Мутриб даф ва ҳалқачаларни ҳаракатга солганидек, Ҳақ қойнонот ва ундаги нарсалар оламини бошқаради. Зеро, улар бир бутунликка, яъни вужуд ваҳдатига эгадирлар.

Машраб ҳам ваҳдат ул-вужудни тасдиқлайди. "Одамийнинг асли бирдур" дейди шоир/1.79,193/. Машраб бу билан одамнинг вужудга келишини ҳам Одам атога боғласа, ҳам Аллоҳнинг ўзига боғлайди.

Шоир вужуд ягоналигини чизишда Навоий каби кўпроқ рақам образига мурожаат этади. Шу сабабли бир рақамини кўп қўллайди. Юқорида эслатилганидек, касратнинг вужудга келишини бирга боғласа, бошқа ўринда яна "Бир дона эрдим, минг дона бўлдум" дея таъкидлайди/1.79,104/. Машраб талқинича, тажаллиётнинг асоси шу бир, яъни Ҳақнинг ўзидир. Шу бирлик ўзини кўрсатгач, кўплик юзага келди. Бироқ улар ажралмас ваҳдатдадирлар. Чунки кўплик ҳусни мутлақнинг сифати, холос.

Шоир илоҳий тажаллиётни машуқанинг гўзал либосларда ўзини кўрсатишига қиёслаб, ваҳдат касратини ёрқин бадий тасвирда чизади:

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,

Ўт ёқти жаҳон мулкида гавро қилайин деб...

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,

Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб/1.79,28/.

Машраб шеърларидаги вужуд ягоналигини ифодаловчи денгиз ва

касратни акс эттирувчи қатра образларида ҳам Навоий анъаналари кўзга ташланади. Машраб талқинича, Ҳақ-денгиз, у бутун борлиқни ўзида қамрагани учун куллдир. Нарсалар олами эса унинг жузвлари-қисмларидир. Инсон ҳам куллга нисбатан жузв. Шу сабабли жузда кулл намоён бўлади. Машраб буни шоирона тарзда инсон танаси ва тана аъзоларига нисбат беради:

Мен-қатрае, сен-дарё, баҳрингда фано бўлсам,

Не айб менинг жузвим кўрганда деса эл кулл/1.79,68/.

Хувайдо шу куллдан ажралган жузв жудолигига кўпроқ эътибор қаратади. Унда румиёна фикрлаш кучли. Унингча, куллдан жудолик касрат олами учун катта жафо. Чунки шу туфайли касрат кулл камолотидан бенасиб қолиши мумкин. Бироқ муҳими шундаки, Хувайдо ҳам Машраб каби ўзининг сўфиёна фикрини шоирона тарзда маъшуқадан жудолик шаклида ифодалайди:

Айлаб жудолик, эй ҳамнишиним,

Қилдинг жафолар ҳамхоналарга /1.204,9/.

Огаҳий эса шу жудоликни маъқуллайди. Зеро, унинг поэтик талқинича, ҳусни мутлақ мазҳари коинотга ҳам гўзаллик бағишлаган. Шоир шу тарзда хилқат заруриятини асослаб, мазҳарнинг намоён бўлиш моҳиятини ҳам чизиб беради:

Эди ишқингга жонлар мубтало ул чоғдаким эрди,

Не тан, не танда бош, не бошда юз, не юзда лаб пайдо.

Чу мазҳар айладинг оламни ҳусни бе мисолингга,

Бу кўзгу ичра бўлди неча нақши булажаб пайдо.

Биров ҳусн ичра топти сарвдек оройиши қомат,

Биров ишқ ичра топти қумри осо ларзу таб пайдо.

Бировга гул масаллик орази гулгун бўлуб ҳосил,

Бировда булбул осо бўлди юз шўру шааб пайдо.

Халойиқ хилқати бир-бирига яқсар заруридур,

Эмастур қудратингдин жумла ашё бесабаб пайдо/1.120,43/.

Навоийнинг "Бадоеъ ул-васат" девонида ҳам "Пайдо" радибли газал бор. Муҳими шундаки, унда Огаҳий газалига ҳамоҳанг мазмун акс этади. Бу эса Огаҳийнинг ўз газалини яратишда ва ундаги ваҳдат ул-вужудга доир фикрларини беришда Навоийдан илҳомланганини кўрсатади. Бу бесабаб эмас. Зеро, Алишер Навоий ўзидан кейинги туркий тилда ижод қилган барча шоирларнинг буюк устозига айланган эди.

Ҳам мазмун, ҳам шаклда унга эргашган шоирлар Навоийнинг тасаввуфга, хусусан, ундаги ваҳдат ул-вужудга доир қарашларини ҳам изчил ривожлантирганликлари бунинг далилидир.

Хулосада кенг тўхталишнинг имкониёти бўлмаганлиги учун ваҳдат ул-вужуд доирасидаги ишқ, ғақр ва комил инсон масалалари юқорида тилга олинган Навоий халафлари ижодида қандай талқин этилгани ёритилмади. Фақат уларгина эмас, бу масалаларнинг бошқа шоирлар ижодидаги бадиий талқини ҳам ўрганилиши зарур. Булар ҳаммаси тасаввуфшуносликнинг навбатдаги вазифалари қаторига киради.

Фойдаланилган асосий адабиётлар рўйхати

1. УЗБЕК ТИЛИДА:

- 1.1. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968. - 136 б.
- 1.2. Абдуллоҳ И. Баҳоуддин Нақшбанд // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. - Тошкент, 1994. - Б. 168-175.
- 1.3. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. - Тошкент: Фан, 1966. - 152 б.
- 1.4. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. - Тошкент: Фан, 1972. - 260 б.
- 1.5. Акрам Б. Ғасоҳат мулкининг соҳибқирони. - Тошкент: Ўзбекистон, 1991. - 244 б.
- 1.6. Акрам Б. Хазрати Баҳоуддин ва Навоий // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. - Тошкент, 1994. - Б. 199-211.
- 1.7. Азим Хожа эшон. Ҳикмат. - Тошкент: Ўзбекистон, 1993. - 88 б.
- 1.8. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати, 4 жилдлик, 1-жилд. - Тошкент: Фан, 1983. - 643 б.
- 1.9. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати, 4 жилдлик, 2-жилд. - Тошкент: Фан, 1983. - 656 б.
- 1.10. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати, 4 жилдлик, 3-жилд. - Тошкент: Фан, 1984. - 624 б.
- 1.11. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати, 4 жилдлик, 4-жилд. - Тошкент: Фан, 1985. - 636 б.
- 1.12. Алишер Навоий "Ҳамса"си. - Тошкент: Фан, 1986. - 144 б.
- 1.13. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. - Тошкент: Фан, 1993. - 203 б.
- 1.14. Алишер Навоий. - Хўжанд: Хўжанд Давлат университети, 1991. - 116 б.
- 1.15. Амир Темур. Зафар йўли. - Тошкент: Нур, 1992. - 112 б.
- 1.16. Ақтор Ф. Илохийнома. - Тошкент: Ёзувчи, 1994. - 96 б.

1.17. Аттёр Ф.Ҳасан Басрий зикри//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1991.-26 апр.

1.18. Аҳмедов Н.Тарихий шахс талқини.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1989.-128 б.

1.19. Аҳмедов Т.Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони.-Тошкент:Фан,1970.-141 б.

1.20. Аҳрор Х.У.Рисолаи Волидия.-Тошкент:Ёзувчи,1991.-16 б.

1.21. Березиков Е.Хожалар аҳлининг хожаси//Шарқ юлдузи.-1992.-№ 10.-Б.94-103.

1.22. Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари.-2-нашри.-Тошкент:Фан,1973.-36 б.

1.23. Беруний А.Р.Ҳикматлар.-Тошкент:Ёш гвардия,1973.-103 б.

1.24. Бобур З.М.Бобурнома.-Тошкент:Ўз ФАН,1960.-514 б.

1.25. Бобур З.М.Китоб ус-салот.-Тошкент:Халқ мероси,1993.-72б.

1.26. Бобур З.М.Танланган асарлар,3 жилдлик,1-жилд.-Тошкент: Бадий адабиёт,1965.-236 б.

1.27. Бойқаро Ҳ.Рисола.-Тошкент:Шарқ,1991.-24 б.

1.28. Боқирғоний С.Боқирғон китоби.-Тошкент:Ёзувчи:1991.-80 б.

1.29. Бухорий И.Ал-адаб ал-муфрад.-Тошкент:Ўзбекистон,1990.-199 б.

1.30. Бухорий И.Ҳадис,4 жилдлик,1-жилд.-Тошкент:Қомуслар бош таҳририяти,1991.-560 б.

1.31. Бухорий И.Ҳадис,4 жилдлик,4-жилд.-Тошкент:Қомуслар бош таҳририяти,1992.-528 б.

1.32. Бухорий С.С.Дилда ёр.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1993.-80 б.

1.33. Буюк аллома сабоқлари.-Хўжанд:Хўжанд Давлат университети 1991.-149 б.

1.34. Бўриев О.Баҳоуддин Нақшбанд ўғитлари//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1993.-10 сент.

1.35. Валихўжаев Б.,Воҳидов Р.Навоий ижоди-илҳом манбаи.-Тошкент:Фан,1981.-74 б.

1.36. Валихўжаев Б.Хожа Аҳрор тарихи.-Тошкент:Ёзувчи,1994.-96 б.

1.37. Воҳидов Р.Алишер Навоий ва илоҳиёт.-Бухоро:Бухоро, 1994.-209 б.

1.38. Давлатшоҳ С.Шоирлар бўстони.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1981.-224 б.

1.39. Даврон Х.Турк машойихининг киборидин//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1993.-10 сент.

1.40. Дурдона.-Тошкент:Шарқ,1993.-78 б.

1.41. Ёқуб А.Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуфи//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1995.-9 июнь.

1.42. Жалолов Т."Ҳамса" талқинлари//Гўзаллик оламида.-Тошкент,1979.-Б.11-112.

1.43. Жузжоний А.Ш.Тасаввуф таълимотининг илдиэлари//Мулоқот.-1995.-№ 1-2.-Б.31-35.

1.44. Жумахўжа Н.Сатрлар силсиласидаги сеҳр.-Тошкент:Ўқитувчи,1996.-224 б.

1.45. Жўраев О.Мажозий-дидактик талқинлар//Равшанов П.,Имомназаров М.,Жўраев О.Эътиқод ва хаёл бирлиги.-Тошкент,1989.-Б.355-398.

1.46. Зоҳидов А.Мансур Ҳаллоҳ//Фан ва турмуш.-1991.-№ 5.-Б.21-24.

1.47. Зоҳидов А.Навоийнинг комил инсон концепцияси ва унинг ҳозирги замон учун аҳамияти//Навоий.-Тошкент,1991.-Б.97-99.

- 1.48. Зоҳидов В. "Лисон ут-тайр" фалсафаси ҳақида//Улур ўзбек шоири.-Тошкент,1948.-Б.105-130.
- 1.49. Зоҳидов В.Навоий ва Нақшбанд//Жаҳон бадияти зарварақлари.-Тошкент,1980.-Б.272-282.
- 1.50. Зоҳидов В.Навоий дунёқарашининг асосий манбалари//Навоий ва адабий таъсир масалалари.-Тошкент,1968.-Б.3-28.
- 1.51. Зоҳидов В.Улур шоир ижодининг қалби.-Тошкент:Ўзбекистон, 1970.-495 б.
- 1.52.Иброҳим Адҳам қиссаси.-Тошкент:Ёзувчи,1991.-208 б.
- 1.53. Имомназаров М.Ҳақиқат ва мажоз//Шарқ юлдузи.-1988.-№ 4.- Б.176-181.
- 1.54. Имомназаров М.Ҳақиқат ва мажоз//Шарқ юлдузи.-1990.-№ 4.- Б.147-152.
- 1.55. Имомназаров М.Ҳақиқат ва мажоз//Шарқ юлдузи.-1991.-№ 4.- Б.159-166.
- 1.56. Инжулар уммони.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1988.-400 б.
- 1.57. Исоҳов Ё.Алишер Навоийнинг илк лирикаси.-Тошкент:Фан, 1965.-140 б.
- 1.58. Исоҳов Ё.Инсон-ҳаёт гули//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1985.-8 февр.
- 1.59. Исоҳов Ё.Мурувват барча бермакдур,емак йўқ//Шарқ юлдузи.-1990.-№12.-Б.184-186.
- 1.60. Исоҳов Ё.Навоий поэтикаси.-Тошкент:Фан,1983.-168 б.
- 1.61. Каримов Ф.Ўзбек адабиётида фалсафий лирика ёки "риндлар поэзияси">//Ўзбек классик адабиётида Навоий анъаналари.-№ 693.- Тошкент,1982.-Б.3-11.
- 1.62. Кароматов Х.Қуръон ва ўзбек адабиёти.-Тошкент:Фан,1993.- 96 б.

1.63. Коллектив. Үзбек адабиёти тарихи, 5 жилдлик, 2-жилд. - Тошкент: Фан, 1977. - 460 б.

1.64. Комилов Н. Аҳд қилдим, ишқ лафзин тилга мазкур этмайин // Шарқ юлдузи. - 1990. - № 3. - Б. 155-158.

1.65. Комилов Н. Дарвеш Сайид Ҳасан таърифида // Үзбек тили ва адабиёти. - 1990. - № 6. - Б. 3-8.

1.66. Комилов Н. Камоли нури раҳматман // Сирли олам. - 1992. - № 9-10. - Б. 11-14.

1.67. Комилов Н. Навоий ва тасаввуф // Навоий. - Тошкент, 1991. - Б. 5.

1.68. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. - Тошкент: Халқ мероси, 1995. - 326 б.

1.69. Комилов Н. Суқрот-комил инсон тимсоли // Үзбекистон адабиёти ва санъати. - 1991. - 27 сент.

1.70. Комилов Н. Тавҳид асрори // Аттор Ф. Илоҳийнома. - Тошкент, 1994. - Б. 72-94.

1.71. Комилов Н. Тасаввуф, биринчи китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1996. - 272 б.

1.72. Комилов Н. Тасаввуф ва бадий ижод // Ёшлик. - 1991. - № 8. - Б. 73-79.

1.73. Комилов Н., Эралиев Б. Ишқ оташининг самандари // Шарқ юлдузи. - 1991. - № 11. - Б. 161-166.

1.74. Кошифий Ҳ. В. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. - Тошкент: Халқ мероси, 1994. - 112 б.

1.75. Лutfий. Сенсан севарим. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - 464 б.

1.76. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. - Тошкент: Фан, 1968. - 53 б.

1.77. Маллаев Н. Үзбек адабиёти тарихи, 1-китоб. - Қайта ишланган 3-нашри. - Тошкент: Уқитувчи, 1976. - 664 б.

- 1.78. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. - Тўлдирилган 2-нашри. - Тошкент: Уқитувчи, 1980. - 176 б.
- 1.79. Машраб Б. Меҳрибоним қайдасан. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. - 416 б.
- 1.80. Муборак мактублар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - 304 б.
- 1.81. Муҳаммад Боқир А. Баҳоуддин Балогардон. - Тошкент: Ёзувчи, 1993. - 208 б.
- 1.82. Муҳаммад Юсуф М. С. Имон. - Тошкент: Камалак, 1992. - 160 б.
- 1.83. Муҳаммад Юсуф М. С. Шоядики такводор бўлсак. - Тошкент: Чўлпон, 1992. - 176 б.
- 1.84. Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси / "Хамса" ларнинг биринчи дostonлари асосида / : Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. - Тошкент, 1995. - 60 б.
- 1.85. Муҳиддинов М. Икки олам ёгдуси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. - 168 б.
- 1.86. Мақсудий А. Ҳ. Ибодати исломийя. - Тошкент: Меҳнат, 1991. - 151 б.
- 1.87. Маҳмуд М. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. - Тошкент, 1994. - Б. 176-198.
- 1.88. Мирзаев А. Фоний ва Ҳофиз // Навоий ва адабий таъсир масалалари. - Тошкент, 1968. - Б. 53-62.
- 1.89. Мўминов И. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари. - Тошкент: Уз ФАН, 1958. - 103 б.
- 1.90. Навоий А. Асарлар, 15 жилдлик, 5-жилд, 1-китоб. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. - 472 б.
- 1.91. Навоий А. Асарлар, 15 жилдлик, 5-жилд, 2-китоб. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. - 456 б.
- 1.92. Навоий А. Асарлар, 15 жилдлик, 11-жилд. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. - 260 б.

1.93. Навоий А. Асарлар, 15 жилдлик, 12-жилд. - Тошкент: Бадий адабиёт, 1966. - 216 б.

1.94. Навоий А. Асарлар, 15 жилдлик, 13-жилд. - Тошкент: Бадий адабиёт, 1966. - 244 б.

1.95. Навоий А. Асарлар, 15 жилдлик, 14-жилд. - Тошкент: Бадий адабиёт, 1967. - 272 б.

1.96. Навоий А. Асарлар, 15 жилдлик, 15-жилд. - Тошкент: Бадий адабиёт, 1968. - 248 б.

1.97. Навоий асарлари дурати. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. - 784 б.

1.98. Навоий ва ижод сабоқлари. - Тошкент: Фан, 1981. - 160 б.

1.99. Навоий замондошлари хотирасида. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. - 224 б.

1.100. Навоий А. Лисон ут-тайр. - Тошкент: Матбаа бирлашмаси, 1991. - 464 б.

1.101. Навоий А. Махбуб ул-кулуб. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. - 112 б.

1.102. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 1-жилд. - Тошкент: Фан, 1987. - 724 б.

1.103. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 2-жилд. - Тошкент: Фан, 1987. - 620 б.

1.104. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 3-жилд. - Тошкент: Фан, 1988. - 616 б.

1.105. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 4-жилд. - Тошкент: Фан, 1989. - 560 б.

1.106. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 5-жилд. - Тошкент: Фан, 1990. - 544 б.

- 1.107. Навоий А.Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 6-жилд.-
Тошкент:Фан,1990.-568 б.
- 1.108. Навоий А.Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 7-жилд.-
Тошкент:Фан,1991.-392 б.
- 1.109. Навоий А.Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 8-жилд.-
Тошкент:Фан,1991.-544 б.
- 1.110. Навоий А.Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 9-жилд.-
Тошкент:Фан,1992.-356 б.
- 1.111. Навоий А.Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 10-жилд.-
Тошкент:Фан,1992.-448 б.
- 1.112. Навоий А.Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 11-жилд.-
Тошкент:Фан,1993.-640 б.
- 1.113. Навоий А.Муножот.-Тошкент:Матбаа бирлашмаси,1991.-32б.
- 1.114. Навоий А.Назм ул-жавоҳир.Муқаддима//Ўзбек тили ва
адабиёти.-1991.-№ 1.-Б.72-82.
- 1.115. Навоий А.Сирож ул-муслимийн.-Тошкент:Мерос -Нур,1993.-
111 б.
- 1.116. Наврўзова Г.Нақшбандийликда "валий" тушунчаси//Сирли
олам.-1993.-№ 7.-Б.20-22.
- 1.117. Насафий.Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий.-Тошкент:Мерос -
Нур,1992.-112 б.
- 1.118. Насафий А.Зубдат ул-ҳақойиқ.-Тошкент:Камалак,1996.-
56 б.
- 1.119. Нисорий Ҳ.Музаққир аҳбоб.-Тошкент:Халқ мероси,1993.-
344 б.
- 1.120. Отаҳий М.Р.Таъвиз ул-ошиқин.-Тошкент:Ўз ФАН,1960.-
448 б.
- 1.121. Ойбек.Навоий гулшани.-Тошкент:Бадий адабиёт,1967.-
152 б.

- 1.122. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, 19 жилдлик, 13-жилд. - Тошкент: Фан, 1979. - 512 б.
- 1.123. Олим С. Ишқ, ошиқ ва машуқ. - Тошкент: Фан, 1992. - 80 б.
- 1.124. Олим С. Маждан мақсад-ҳақиқат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1993. 10 сент.
- 1.125. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. - Тошкент: Уқитувчи, 1996. - 216 б.
- 1.126. Олим С. Уч буюк тариқат // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. - Тошкент, 1990. - Б. 90-124.
- 1.127. Оллоёр С. Сабот ул-оҷизин. - Тошкент: Меҳнат, 1991. - 96 б.
- 1.128. Орипов М. Етти водий таърифи // Гулистон. - 1991. - № 9. - Б. 18-20.
- 1.129. Орипов М. Ишқи маждий ва ишқи ҳақиқий // Сирли олам. - 1993. - № 2. - Б. 5-7.
- 1.130. Ориф А. Ваҳдат ул-вужуд-илоҳиёт, коинот ва инсон бир бутунлиги // Ёш куч. - № 4. - 1994. - Б. 8-9.
- 1.131. Ориф А. Навоий сўфийми ёки мутасаввиғми? // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. - Тошкент, 1994. - Б. 217-227.
- 1.132. Рағиддинов С. Атоийнинг поэтик маҳорати: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. - Тошкент, 1993. - 29 б.
- 1.133. Раҳмонов В. Атор ва Навоий // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1990. - 9 февр.
- 1.134. Раҳмонов В. Қўнғиллар ҳамрози // Навоий А. Динсон ут-тайр. - Тошкент, 1991. - Б. 5-16.
- 1.135. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. - Ленинобод: Нашриётсиз, 1972. - 180 б.
- 1.136. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. - 216 б.
- 1.137. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. - Тошкент: Ёш гвардия, 1987. - 160 б.

1.138. Рустамов А. "Ҳайрат ул-аброр"даги биринчи сарлавҳанинг шарҳи//Шарқ юлдузи.-1985.-№ 11.-Б.135-138.

1.139. Рустамов А.Шоирнинг биринчи ғазали//Шарқ юлдузи.-1987.-№ 2.-Б.175-179.

1.140. Рушдий М.С.Тазкират ул-авлиё//Ёшлик.-1990.-№ 8.-Б.75-80.

1.141. Саройи С.Гулистон бит-туркий//Уч булбул гулшани.-Тошкент,1986.-Б.167-325.

1.142. Сафий Ф.А.Турк машойихлари//Фан ва турмуш.-1993.-№ 2.-Б.22-25.

1.143. Сафий Ф.А.Турк машойихлари//Фан ва турмуш.-1993.-№ 3-4.-Б.10-11.

1.144. Сафий Ф.А.Хожа Абдулхолик Ғиждувоний//Фан ва турмуш.-1991.-№ 10.-Б.18-20.

1.145. Саъдий А.Символизм тўғрисида.-Тошкент:Ўздавнашр, 1932.-112 б.

1.146. Сирожиiddин Ш.Навоний кимни севган?//Ёшлик.-1991.-№ 5.-Б.33-36.

1.147. Султон И.Асарлар,4 жилдлик,3-жилд.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1973.-424 б.

1.148. Султон И.Баҳоуддин Нақшбанд абадияти.-Тошкент:Фан, 1994.-88 б.

1.149. Термизий А.И.Шамоили Муҳаммадийя.-Тошкент:Меҳнат, 1991.-110 б.

1.150. Тошқўпризода А.М.Муҳаммад Қосим ҳикоялари//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1993.-20 авг.

1.151. Улуғ ўзбек шоири.-Тошкент:Ўз ФАН,1948.-224 б.

- 1.152. Усмонов О.Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида.-
Тошкент:Университет,1993.-36 б.
- 1.153. Усмон О.Кубравия тариқати//Ўзбекистон адабиёти ва санъа-
ти.-1995.-25 май.
- 1.154. Хайруллаев М.Навоий дунёқарашининг гоъвий манбаларини
ўрганиш ҳақида//Навоий ва адабий таъсир масалалари.-Тошкент,
1968.-Б.144-155.
- 1.155. Хондамир Ғ.Макорим ул-ахлоқ.-Қайта ишланган ва тўлдирил-
ган 3-нашри.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1967.-136 б.
- 1.156. Хузарий М.Нур ул-яқин.-Тошкент:Чўлпон.-Камалак,1992.-288б.
- 1.157. Шайхзода М.Асарлар,6 жилдлик,4-жилд.-Тошкент:Адабиёт ва
санъат,1973.-371 б.
- 1.158. Шайхзода М.Навоийнинг лирик қахрамони//Улуғ ўзбек шоири.-
Тошкент,1948.-Б.131-158.
- 1.159. Шамсиев П.Икки буюк алломанинг дўстлиги//Ўзбек матншунос-
лигига оид тадқиқотлар.-Тошкент, 1986.-Б.61-64.
- 1.160. Шарафиддинов О.Танланган асарлар.-Тошкент:Фан,1978.-Б.
15-195.
- 1.161. Шодиёв Э.Алишер Навоий ва форс-тожик адаблари.-Тошкент:
Ўқитувчи,1989.-112 б.
- 1.162. Шодиёв Э.Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари.-
Тошкент:Фан,1990.-103 б.
- 1.163. Шодиёв Э.Ҳазрат Навоий Ғазилатлари.-Хўжанд:Давлат нашриё-
ти,1994.-221 б.
- 1.164. Шомухамедов Ш.Гуманизм-абодийлик ялови.-Тошкент:Адабиёт
ва санъат,1974.-244 б.
- 1.165. Эркинов А.Сени уйғон дейинми ё//Шарқ юлдузи.-1990.-№ 11.-
Б.164-166.

1.166. Эркинов С.Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳли.-Тошкент:Фан,1971.-276 б.

1.167. Югнакий А.Ҳибатул ҳақойиқ.-Тошкент:Бадиий адабиёт,1971.-104 б.

1.168. Яссавий А.Девони ҳикмат.-Тошкент:Матбаа бирлашмаси,1992.-108 б.

1.169. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар.-Тошкент:Ўзбекистон,1995.-240 б.

1.170. Қаримов А.Алишер Навоий.-Тошкент:Ёш гвардия,1976.-160 б.

1.171. Қаримов А.Бу оҳанг ила бўлгасен нақшбанд.-Тошкент:1993.-8 б.

1.172. Қаримов А.Ишқ водийси чечаклари.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1985.-256 б.

1.173. Қаримов А.Нодир саҳифалар.-Тошкент:Фан,1991.-144 б.

1.174. Қаримов А.Садди Искандарий.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1975.-196 б.

1.175. Қаримов А."Фарҳод ва Ширин" сирлари.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1979.-168 б.

1.176. Қаримов А."Ҳайрат ул-аброр" талқини.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1977.-156 б.

1.177. Қодиров В.Висол йўлида//Шарқ юлдузи.-1991.-№ 9.-Б.153-56.

1.178. Қудратуллаев Ҳ.Навоийнинг адабий-эстетик олами.-Тошкент:Матбаа бирлашмаси,1991.-160 б.

1.179. Қосимий С.Маснавийлар макмуаси.-Тошкент:Фан,1992.-240 б.

1.180. Қуръони карим.-Таржима ва қавсдаги изоҳлар муаллифи Алоқиддин Мансур.-Тошкент:Чулпон,1992.-544 б.

- 1.181. Ғаззолий А.Ҳ.Ихёу улум ид-дин//Ёшлик.-1990.-№ 6.-Б. 70-78.
- 1.182. Ғаззолий А.Ҳ.Кимёи саодат турки//Ўзбегим.-Тошкент, 1992.-Б.243-250.
- 1.183. Ғаниева С.Алишер Навоий.-Тошкент:Ўз ФАН,1962.-84 б.
- 1.184. Ғаниева С.Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро//Навоий ва адабий таъсир масалалари.-Тошкент,1968.-Б.107-120.
- 1.185. Ғаниева С.,Неъматов Ҳ.Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуф оҳанглари//Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари.-Тошкент,1993.-Б.171-184.
- 1.186. Ғиждувоний А.Васиятнома.-Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1993.-16 б.
- 1.187. Ҳаёт васфи.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1988.-704 б.
- 1.188. Ҳайитметов А.Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари.-Тошкент:Фан,1959.-196 б.
- 1.189. Ҳайитметов А.Навоий лирикаси.-Тошкент:Ўз ФАН,1961.-295 б.
- 1.190. Ҳайитметов А.Навоийнинг ижодий методи масалалари.-Тошкент:Ўзфанакаднашр,1963.-173 б.
- 1.191. Ҳайитметов А.Навоийхонлик суҳбатлари.-Тошкент:Уқитувчи,1993.-216 б.
- 1.192. Ҳайитметов А.Нақшбандия Навоий талқинида//Фан ва турмуш.-1993.-№ 3-4.-Б.13-14.
- 1.193. Ҳайитметов А.Табаррук излар изидан.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1979.-152 б.
- 1.194. Ҳайитметов А.Улуғ шоирнинг ҳаёт дафтари//Шарқ юлдузи.-1970.-№ 12.-Б.201-204.
- 1.195. Ҳайитметов А.Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан.-Тошкент:Фан,1970.-331 б.

- 1.196. Ҳақимов М.Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди.-Тошкент:Фан,1979.-196 б.
- 1.197. Ҳасанов С.Навоийнинг етти тухфаси.-Тошкент:Матбаа бирлашмаси,1991.-192 б.
- 1.198. Ҳаққул И.Камол эт касбким.-Тошкент:Чулпон,1990.-240 б.
- 1.199. Ҳаққул И.Ғазал гулшани.-Тошкент:Фан,1991.-72 б.
- 1.200. Ҳаққулов И.Занжирбанд шер қошида.-Тошкент:Юлдузча, 1989.-224 б.
- 1.201. Ҳаққулов И."Парим бўлса учуб қочсам..."//Алишер Навоий.Ғазаллар, шарҳлар.-Тошкент,1991.-Б.147-150.
- 1.202. Ҳаққулов И.Тасаввуф ва шеърят.-Тошкент:Матбаа бирлашмаси,1991.-184 б.
- 1.203. Ҳаққулов И.Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти/ ғоявийлик, издошлик, образлар олами/:Филол.фанлари доктори...дисс.автореф.-Тошкент,1995.-51 б.
- 1.204. Ҳувайдо Х.Танланган шеърлар.-Тошкент:Ўзадабийнашр, 1961.-100 б.
- 1.205. Ҳувайдо Х.Роҳати дил.-Тошкент:Халқ мероси,1994.-120б.
- 1.206. Ҳусайний А.Бадойиъ ус-санойиъ.-Тошкент:Адабиёт ва санъат,1981.-400 б.

2. ТОЖИК ТИЛИДА :

- 2.1. Абулхайр А.Шабнама ишқ.-Хучанд:Бенашриёт,1993.-94 с.
- 2.2. Авксентьев А.В..Мавлютов Р.Р.Рочеъ ба Куръон.-Душанбе: Ирфон,1991.-112 с.
- 2.3. Ансорӣ А.Муноҷот//Дурдонаҳои наср, дар 4 ҷилд, ҷилди 1.- Душанбе,1987.-С.160-164.
- 2.4. Арабзода Н.Фахруддин Розӣ.-Душанбе:Ирфон,1993.-88 с.
- 2.5. Арузӣ Н.Чаҳор мақола.-Душанбе:Ирфон,1986.-160 с.

- 2.6. Афсаҳзод А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри ХУ.-Душанбе: Дониш, 1987.-264 с.
- 2.7. Афсаҳзод А. Рӯзгор ва осори Абдурахмони Чомӣ.-Душанбе: Дониш, 1980.-223 с.
- 2.8. Афсаҳзод А. Суннатҳои устувор ва навбардозиҳои эҷодкор.- Душанбе: Дониш, 1969.-278 б.
- 2.9. Афсаҳзод А. Таҳаввули афкори Абдурахмони Чомӣ.-Душанбе: Дониш, 1981.-159 с.
- 2.10. Валихоҷа Б.Х. Хоҷа Аҳрори вали.-Самарқанд: Сурдиён, 1992.-64 с.
- 2.11. Гелонӣ М.М. Ахлоқи Ғаззолӣ ё калиди маърифат.-Душанбе: Сарват, 1992.-80 с.
- 2.12. Гулшани адаб, дар 5 ҷилд, ҷилди 2.-Душанбе: Ирфон, 1974.-496 с.
- 2.13. Гулшани адаб, дар 5 ҷилд, ҷилди 3.-Душанбе: Ирфон, 1976.-384 с.
- 2.14. Додихудоев Х. Исмоилия ва озодандешии шарқ.-Душанбе: Ирфон, 1989.-288 с.
- 2.15. Зарринқуб А. Чустучӯ дар тасаввуфи Эрон.-Душанбе: Ирфон, 1992.-400 с.
- 2.16. Зарринқуб А. Бахр дар кӯза//Фарҳанг.-1992.-№ 1-2.-С. 13-15.
- 2.17. Зеҳнӣ Ф. Жанри соқинома дар адабиёти форсу тоҷики асрҳои XIII-XV.-Душанбе: Дониш, 1991.-111 с.
- 2.18. Ироқӣ Ф. Ламаот//Дурдонаҳои наср, дар 4 ҷилд, ҷилди 2.-Душанбе, 1989.-С. 58-63.
- 2.19. Исмаилов Б. Ақидаҳои зиддидинии мутафаккирони тоҷик.-Душанбе: Ирфон, 1988.-128 с.

- 2.20. Мирзоев А.Алишер Навоӣ ва Абдурахмони Чомӣ.-Душанбе: Ирфон,1968.-64 с.
- 2.21. Мирзоев А.Сездаҳ мақола.-Душанбе:Ирфон,1977.-288 с.
- 2.22. Мирзоев А.Фонӣ ва Ҳофиз.-Душанбе:Ирфон,1966.-79 с.
- 2.23. Мирзозода Х.Таърихи адабиёти тоҷик,китоби 1.-Душанбе: Маориф,1989.-423 с.
- 2.24. Мирзозода Х.Таърихи адабиёти тоҷик,китоби 2.-Душанбе: Маориф,1977.-400 с.
- 2.25. Олимов К.Чахонбини Абдуллоҳи Ансорӣ.-Душанбе:Дониш, 1988.-134 с.
- 2.26. Румӣ Ч.Девони кабир,дар 2 ҷилд,ҷилди 1.-Душанбе:Адиб, 1992.-448 с.
- 2.27. Румӣ Ч.Девони кабир,дар 2 ҷилд,ҷилди 2.-Душанбе:Адиб, 1993.-464 с.
- 2.28. Румӣ Ч.Рубоӣёт.-Душанбе:Ирфон,1984.-94 с.
- 2.29. Румӣ Ч.Ҳикоятҳои халқии "Маснавий".-Душанбе:Нашриёти давлатии Тоҷикистон,1963.-280 с.
- 2.30. Умарзода И.Айнулқузот.-Душанбе:Ирфон,1990.-112 с.
- 2.31. Фарзӣ айн.-Хучанд:Наргис,1991.-32 с.
- 2.32. Хусрав Н.Куллиёт,дар 2 ҷилд,ҷилди 1.-Душанбе:Ирфон, 1991.-636 с.
- 2.33. Чаҳор китоб .-Душанбе:Адиб,1990.-96 с.
- 2.34. Ғиёсиддин М.Ғиёс ул-дурот,дар 3 ҷилд,ҷилди 1.-Душанбе: Адиб,1987.-480 с.
- 2.35. Ғиёсиддин М.Ғиёс ул-дурот,дар 3 ҷилд,ҷилди 2.-Душанбе: Адиб,1988.-416 с.
- 2.36. Ҳазратқулов М.Тасаввуф.-Душанбе:Ирфон,1988.-128 с.
- 2.37. Ҳачвирӣ А.Кашф ул-махҷуб//Дурдонаҳои насар,дар 4 ҷилд, ҷилди 1.-Душанбе,1987.-С.143-147.

2.38. Ҳофиз Ш.Мунтахаби девон.-Сталинобод:Нашриёти давлатии Тоҷикистон,1957.-610 с.

2.39. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд,ҷилди 1.-Душанбе:Ирфон,1986.-560 с.

2.40. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд,ҷилди 2.-Душанбе:Ирфон,1987.-576 с.

2.41. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд,ҷилди 3.-Душанбе:Ирфон,1987.-288 с.

2.42. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд,ҷилди 4.-Душанбе:Ирфон,1988.-384 с.

2.43. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд,ҷилди 5.-Душанбе:Адиб,1988.-384 с.

2.44. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд,ҷилди 6.-Душанбе:Адиб,1988.-560 с.

2.45. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд ,ҷилди 7.-Душанбе:Адиб, 1989.-544 с.

2.46. Чомӣ А.Осор,дар 8 ҷилд, ҷилди 8.-Душанбе:Адиб,1990.-496 с.

3. РУС ТИЛИДА:

3.1. Алишер Навои.-М.-Л. :Изд-во АН СССР,1946.-236 с.

3.2. Арипов М.Гуманизм Алишера Навои.-Ташкент:Ўзбекистон,1991.-224 с.

3.3. Бартольд В.В.Мир-Али-Шир и политическая жизнь//Мир-Али-Шир.-Л.,1928.-С.100-163.

3.4. Березиков Е.Святые лики Туркестана.-Ташкент:Камалак,1992.-161 с.

3.5. Бертельс Е.Э.История персидско-таджикской литературы.-М.:Наука,1960.-557 с.

- 3.6. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. - М.: Наука, 1965. - 499 с.
- 3.7. Бертельс Е.Э. Навои и Аттор // Мир-Али-Шир. - Л., 1928. - С. 24-82.
- 3.8. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965. - 524 с.
- 3.9. Богоутдинов А.М. Избранные произведения. - Душанбе: Дониш, 1980. - 419 с.
- 3.10. Брагинский И. 12 миниатюр. - 2-е изд., доп. - М.: Худ. лит.-ра, 1976. - 304 с.
- 3.11. Великий узбекский поэт. - Ташкент: Из-во АН Уз. ССР, 1948. - 159 с.
- 3.12. Газали А.Х. Воскрешение наук о вере. - М.: Наука, 1980. - 376 с.
- 3.13. Демидов С.М. Легенды и правда о "святых" местах. - Ашхабад: Ёлым, 1988. - 132 с.
- 3.14. Демидов С.М. Суфизм в Туркмении. - Ашхабад: Ёлым, 1978. - 176 с.
- 3.15. Захидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. - Ташкент: ГИХЛ, 1961. - 376 с.
- 3.16. Идрис Шах. Суфизм. - М.: Клышников, Комаров и К, 1994. - 447 с.
- 3.17. Из истории суфизма: Источники и социальная практика. - Ташкент: Фан, 1991. - 146 с.
- 3.18. Ислам. Энциклопедический словарь. - М.: Наука, 1991. - 315 с.
- 3.19. Исмаатов Б. Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии IX-XV вв. - Душанбе: Дониш, 1986. - 256 с.
- 3.20. Кныш А. Мироззрение Ибн Араби // Религии мира. - М., 1984. - С. 81-94.

3.21. Кныш А. Основные источники для изучения мировоззрения Ибн Араби: "Фусус ал-хикам" и "ал-Футухат ал-Маккия": Автореф. дисс... канд. филос. наук. - Л., 1986. - 16 с.

3.22. Кныш А. Суфизм // Ислам: Историкографические очерки. - М., 1991. - С. 109-207.

3.23. Кныш А. Учение Ибн Араби в поздней мусульманской традиции // Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М., 1982. - С. 6-19.

3.24. Кули-заде Э. А. Мировоззрение Касима Анвара. - Баку: Элм, 1976. - 144 с.

3.25. Курбанмамадов А. Эстетика Абдурахмана Джами. - Душанбе: Дониш, 1984. - 140 с.

3.26. Курбанмамадов А. Эстетическая докторина суфизма. - Душанбе: Дониш, 1987. - 108 с.

3.27. Массе А. Ислам. - 3-е изд. - М.: Наука, 1982. - 192 с.

3.28. Мец А. Мусульманский Ренессанс. - М.: Наука, 1966. - 458 с.

3.29. Мухаммедходжаев А. Гносеология суфизма. - Душанбе: Дониш, 1990. - 116 с.

3.30. Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. - Душанбе: Дониш, 1991. - 232 с.

3.31. Мухаммедходжаев А. Мировоззрение Фаридиддина Аттора. - Душанбе: Дониш, 1974. - 117 с.

3.32. Никитский М. Эмир Низам эд-дин Али Шир в государственном и литературном его значения. - Санкт-Петербург: Типография Императорской АН, 1856. - 104 с.

3.33. Одилов Н. Мировоззрение Джалалиддина Руми. - Душанбе: Ирфон, 1974. - 112 с.

3.34. Олимов К. Мировоззрение Санои. - Душанбе: Дониш, 1973. - 137 с.

3.35. Петрушевский И.Т. Ислам в Иране в VIII-XV веках. - Л.: Из-во Ленинградского университета, 1966. - 400 с.

3.36. Раджабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. - Душанбе: Ирфон, 1968. - 320 с.

3.37. Раджабов М. Философские и социально-этические взгляды Амира Хусрава Дехлави. - Душанбе: Ирфон, 1982. - 96 с.

3.38. Рзакулизаде С. Дж. Пантеизм в Азербайджане в X-XII вв. - Баку: Элм, 1982. - 124 с.

3.39. Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. - М.: ИВЛ, 1963. - 368 с.

3.40. Родоначальник узбекской литературы. - Ташкент: Из-во Узбекского филиала АН СССР, 1940. - 224 с.

3.41. Сагадеев А.В. Ибн Сина. - М.: Мысль, 1980. - 239 с.

3.42. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культур Средней Азии. - М.: Наука, 1983. - 212 с.

3.43. Степанянц М.Т. Концепция совершенного человека в творчестве Джалал ад-дина Руми и Мухаммада Икбала // Творчестве Мухаммада Икбала. - М., 1982. - С. 133-152.

3.44. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. - М.: Наука, 1987. - 192 с.

3.45. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. - М.: Наука, 1989. - 328 с.

3.46. Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. - М.: Наука, 1978. - 256 с.

3.47. Фильштинский И.М. Концепция единства религиозного опыта у арабских суфиев // Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М., 1989. - С. 28-34.

3.48. Чалисова Н.Ю. "Зикр Малика Динара" из "Тазкират ал-аулия" иди ад-дина Аттара // Суфизм в контексте мусульманской культуры. - 1989. - С.139-173.

3.49. Шодиев М. Мансур ал-Халладж и его поэтические наследие: Автореферат дисс... канд. филол. наук. - Душанбе, 1990. - 22 с.

3.50. Шукуров Р. Азиз ад-дин Насафи и его трактат "Зубдат ал-каик" // Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М., 1989. - 35-79.

4. АРАБЧА, ФАРСЧА, ТУРКЧА ВА ЎЗБЕКЧА АСАРЛАР:

- 1 / 4 • وحدت موجود • - استانبول ، ۱۹۱۱ ، ۸۸ ص •
- 2 / 4 • جامی عبد الرحمن • کلیات • - قولیازمه • - اوزبکستان فنلر آکادیمی
• شرقشاسلیک انستیتوتی قولیازملر خزینسی ، ۱۳۳۱ ، ۶۲۱ ص •
- 3 / 4 • جامی عبد الرحمن • لوائح • - بهلی ، ۱۸۹۲ ، ۲۸ ص •
- 4 / 4 • جامی عبد الرحمن • نقد النصوص فی شرح الفصوص • بمبئی ، ۱۹۰۸ ، ۱۱۹ ص •
- 5 / 4 • جامی عبد الرحمن • نفلت الانس • - تاشکند ، ۱۹۱۵ ، ۵۱۶ ص •
- 6 / 4 • جامی عبد الرحمن • شواهد النبوت • - لکهنو ، ۱۹۰۵ ، ۲۴۴ ص •
- 7 / 4 • ابن عربی محی الدین • فصوص الحکم ، ج ۱۰ - بیروت ، ۱۹۸۰ ، ۳۴۸ ص •
- 8 / 4 • کاشفی حسین واعظ • اخلاق محسنی • نولکشور - ۱۹۰۸ ، ۲۰۴ ص •
- 9 / 4 • مناقب خواجه محمد یارسا • - تاشکند ، ۱۹۱۲ ، ۵۲۷ - ۵۲۴ ص •
- 10 / 4 • نوائی علی شیر • وقفیه • - قولیازمه ، اوزبکستان فنلر آکادیمی
• شرقشاسلیک انستیتوتی قولیازمالار خزینسی ، ۱۱ - ۱۱۱۳۸ ، ص - ۱۳۳ -
- 11 / 4 • نوائی علی شیر • محبوب القلوب ، تنقیدی متن • مسکو ، لنینگراد
• ۱۹۴۸ ، ۱۷۷ ص •
- 12 / 4 • سنائی ابوالمجد • حدیقت الحقیقت • - لکهنو ، ۱۸۸۷ ، ۸۵۹ ص •
- 13 / 4 • فرید • وحدت وجود • استانبول ، ۱۹۱۲ ، ۱۳۳ ص •
- 14 / 4 • فانی علی شیر • دیوان فارسی ، تشبیه ، عرفان ، ۱۹۹۳ ، ۳۲۰ ص •
- 15 / 4 • قاسم انوار • دیوان قاسم انوار • قولیازمه - اوزبکستان فنلر آکادیمی
• شرقشاسلیک انستیتوتی قولیازملر خزینسی ، ۱۷۴ ، ۱۵۷ ص •

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
Биринчи боб	
НАВОИЙ САЛАФЛАРИ ИЖОДИДА ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД ТАЛҚИНИ	12
Иккинчи боб	
ВУЖУД БИРЛИГИ ТАЛҚИНИДА НАВОИЙ БАДИИЙ МАҲОРАТИ	69
Учинчи боб	
МАЖОЗИЙ ВА ҲАҚИҚИЙ ИШҚ - ВАСЛ БОСҚИЧЛАРИ	117
Тўртинчи боб	
ФАҚР - НАВОИЙ ИЖОДИДА ВАҲДАТ ЙУЛИ	173
Бешинчи боб	
КОМИЛ ИНСОН - БАРЧА ИНТИЛИШЛАР ЯКУНИ	217
ХУЛОСА	263
Фойдаланилган асосий адабиётлар рўйхати	274